

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА
ПРОЦЕССИ КАФЕДРАСИ

СИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР
ТАРИХИ
фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАМАНГАН 2010 йил

Таълим дастурининг ДТСга мувофиқ мазмуни:

“Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фанининг предмети, методи ва аҳамияти. Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Қадимги Римда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Европа маърифатпарварларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари. АҚШнинг мустақиллик учун кураш даври сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари. XVII-XX асрлардаги либерализм сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти. Россия сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг айрим хусусиятлари. XX- XXI- асрлардаги сиёсий- ҳуқуқий таълимотлар каби мавзулар ёритилган.

Тузувчи: Боймирзаева Раҳимахон, ўқитувчи

Такризчилар: Жиянов Мирзаахмад Хасанбоевич - НамДУ
ҳуқуқшунослик факультети декани, ю.ф.н, доцент.

Акаева Марафатхон Абдухоликовна - НамДУ фуқаролик
ҳуқуқи ва процесси кафедраси мудири, ю.ф.н, доцент.

Ушбу маърузалар матни 5380100-Юриспруденция таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 27 октябрдаги “373”-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Наманган давлат университети илмий кенгашининг 2010 йил сентябрда тасдиқланган фаннинг ишчи дастури асосида тайёрланган.

Илмий кенгаш раиси: _____ М.Х.Жиянов
2010 йил 30 август

Келишилди:

Кафедра мудири: _____ М.А.Акаева
2010 йил 27 август

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....

1-боб.“Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фани тушунчаси, предмети, вазифалари ва принциплари.

2-боб.Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

3-боб.Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.....

4-боб.Қадимги Рим давлатида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар.

5-боб.Ўрта асрларда Ғарбий Европада сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. XVII асрда Голландиядаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

6-боб.Европа маърифатпарварларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари..

7-боб.АҚШ сиёсий - ҳуқуқий таълимотлари.

8-боб.XVIII аср охири- XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар.....

9-боб.XVII-XX асрлардаги либерализм назарияси эволюцияси.Россия сиёсий - ҳуқуқий таълимотлар.

10-боб.XX - XXI асрларда сиёсий- ҳуқуқий ғоялар.....

СЎЗ БОШИ

«Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фани инсоният тарихининг ўзига хос маънавий маданиятининг белгисидир. Ушбу фан орқали давлат ва ҳуқуқ, қонун, сиёсат, эрк ва адолат ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимот назарияларини инсоният тарихи турли босқичларида илгари сурилган илғор ғояларнинг юқори даражада ўрганилиши ва улардан ҳозирги даврнинг баъзи бир муаммоларнинг ечимини топишда қўлланиши билан ажралиб туради.

“Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фанини ўрганиш орқали сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, давлатчиликнинг турли мамлакатлар ва даврлардаги шаклланиши ҳамда умумжаҳон тарихи бўйича назарий билимларни талабаларда шакллантирилади. Мазкур фаннинг мақсади бу маданий ўтмиш ва инсоният томонидан қўлга киритилган қадриятларни, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг замонамиздаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанинига хос хусуиятлар шундан иборатки, унда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар биргаликда ўрганилади. Сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда анализ қилган талабада, сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларга бўлган назарий тушунчалар, хулосалар пайдо бўлади.

Ушбу Фан сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ижтимоий тузумга, сиёсатга, давлат ва ҳуқуқ масалаларига алоҳида эътибор бериши билан бошқа фанлардан ажралиб туради.

Ушбу маърузалар матнини тайёрлашда, Республикаимизнинг машҳур ҳуқуқшунос олимлари, хусусан, ю.ф.д.проф.Бобоев Ҳ.Б., ю.ф.д.проф Саидов А.Х., ю.ф.д.проф. Исломов З.М., ю.ф.н.доцент Муҳиддинова Ф.А ва рус ҳуқуқшунос олими, проф. Н.Нерсисянц каби устозларнинг фанга доир манбалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда илмий мақолаларидан кенг фойдаланилди. Ўйлаймизки ушбу маърузалар матни талабаларнинг фан мавзуларини чуқурроқ ўрганишлари, семинар машғулотларга тайёргарлик кўришлари ҳамда мустақил иш мавзулари бўйича манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

1-боб.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фани тушунчаси, предмети, вазифалари ва принциплари

РЕЖА:

РЕЖА

1.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети, ўрганиш услублари ва аҳамияти.

2. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг вазифалари ва унга қўйилган талаблар.

3.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг бошқа умумназарий фанлари билан алоқадорлиги.

1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети, ўрганиш услублари ва аҳамияти.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганувчи ҳам тарихий , ҳам назарий ихтисосликка мансуб фандир.

Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети бўлиб,жамиятдаги назарий таълимотлардан ташқари сиёсий ва ҳуқуқий воқеликни ўзида акс этувчи турли тасаввурлар, ҳис-туйғулар,эътиқодлар, кайфиятлар, фикрлар ҳам мавжуд. Булар турли асарларда, давлат ва жамоат арбобларининг фикрларида ва мулоҳазаларида ифодаланган.Улар махсус назария даражасида бўлмасада , жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг манфаатларини , сиёсий дастурларини аниқлаш ва ёритиш имконини беради.Фаннинг предмети буларнинг барчасини камраб олади.

Мазкур ўқув фанининг ўқитишдан мақсад бўлажак ҳуқуқ соҳаси мутахассисларини умумжаҳон миқёсидаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўргатиш, уларнинг тафаккури тарихий синовлардан ўтган ибратли сиёсий ва ҳуқуқий фикрлар билан бойитиш, турли сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, фикрлар, назариялар моҳиятини англаб олиш малакасини шакллантиришдир.

«Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фанини ўрганишда ижтимоий фанларни ўрганишда қўлланиладиган услублардан фойдаланилади. Фалсафий ва махсус-ҳуқуқий, формал мантикий, диалектик, систематик, киёсий- тарихийлик услублари алоҳида ўрин тутади.¹

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани юристларнинг замон талабига мос дунёқарашини шакллантириб, ҳуқуқ соҳасидаги илмларини янада мустахкамлашга ёрдам беради. Хозирги даврда давлат ва ҳуқуқ ҳақида чуқур илмий тасаввурга эга бўлиш замонавий дунёвий тафаккурнинг теранлашувига ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сифатида ўз қонуний ўрнини эгаллашига хизмат қилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг аҳамияти шундаки, у бўлажак ҳуқуқшуносларни умумжаҳон миқёсидаги таълимотларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари билан таништириш билан бирга,уларда бу таълимотларнинг моҳиятини англаб олиш малакасини шакллантиради.

2. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг вазифалари ва унга қўйилган талаблар

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг биринчи вазифаси - ҳуқуқ соҳаси бўйича булажак мутахассисларга сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланиши жараёнида руй бераётган эволюцияси ҳақида билим бериш.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг иккинчи вазифаси - давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарияларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун талабаларни назарий билимлар билан қуроллантириш.

¹ История политических и правовых учений. Под. Ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М, 1997.7-бет

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг учинчи муҳим вазифаси - талабаларда бугунги кунда мавжуд қонунларни сиёсий ва ҳуқуқий оқимлар, назарияларининг моҳиятини англаш ва тушунтириб бера олиш малакасини шакллантиришдир.

“Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фанининг вазифалари қуйидагилар:

- ҳуқуқ соҳаси бўйича бўлажак мутахассисларга сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланиши жараёнида рўй бераётган эволюцияси ҳақида билим бериш;

- давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарияларни ҳаётга татбиқ этиш учун назарий билимлар билан қуроллантириш;

- бугунги кундаги қонунларни, мавжуд сиёсий-ҳуқуқий ғояларни, қарашларнинг моҳиятини англаш ва тушунтириб бера олиш малакасини шакллантиришдан иборат.

“Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи” фани давлат ва ҳуқуқ назарияси билан ўзаро боғлиқликда тарихий фан сифатида давлат, ҳуқуқ, сиёсат ва қонунчилик ҳақидаги назарий билимларнинг шаклланиш ва ривожланишининг тарихий қонуниятларини ўрганади.

Талаблар сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани бўйича қуйидагилардан иборат.

1. Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий билимлар тадрижи, яъни эволюциясини билиши даркор.

2. Давлат ва ҳуқуқнинг говий, илмий асосларини англаб етишлари лозим.

3. Сиёсий ва ҳуқуқий назариялар, фикрлар, қарашларларнинг келиб чиқиши, ўзгариши ҳамда ривожланиш сабабларини билишлари керак.

4. Сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг, илмий асосларини ўрганишлари зарур

5. Сиёсий ва ҳуқуқий муаммолар бўйича ўз фикр ҳамда ғояларини, қарашларини илмий асосда баён қила олишни билиши керак.

6. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини шарҳлаш, тушунтириб бера олиш малакасига эга бўлишлари керак.

7. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг манбаларини яхши билиши, улардан фойдали, бугунги кун учун зарур жихатларини аниқлаш кўникмаси шаклланган бўлиши керак.

8. Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назариялар, қарашлар, ғоялар, фикрларни, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларни таҳлил, синтез қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

3. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг бошқа умумназарий фанлари билан алоқадорлиги.

Мазкур фан ўқув режасидаги Давлат ва ҳуқуқ назарияси, Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи, Рим ҳуқуқи, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи, Сиёсатшунослик фанлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг мураккаб жихатларини эгаллаш учун сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини мукамал билиши керак.

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш, ривожланиш қонуниятларини биз бу ҳодисалар тўғрисидаги назарий билимлар манбалари орқали ўрганишимиз. Шу боис давлат ва ҳуқуқ назариясини ўрганиш сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан доимий алоқада бўлиши керак.

Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи фани билан сиёси йва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани чамбарчас алоқадор. Чунки хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳуқуқи тарихи манбаларида турли хил давридаги давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий билимларни билиб олиш мумкин. Ўз навбатида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи уз усуллари ва воситалари билан хорижий мамлакатлар давлат ҳамда ҳуқуқи манбаларининг хусусиятлари илғор ёхуд салбий жихатлари ўрганилади. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда ҳам сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанидан олинган билимлар муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсатшунослик фани билан бу фан мустаҳкам алоқада бўлади. Сиёсат ҳақидаги фан сифатида сиёсатшунослик фани сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг илмий

натижаларига таянади. Сиёсий ҳуқуқий ходисалар ҳақидаги тарихий-назарий билимлар келажакда сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг ривожланиш истикболларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи барча ижтимоий фанлар, хусусан, ҳуқуқшунослик фанларидан мустахкам алоқада бўлиб, умумий мақсадга хизмат қилади.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўрганишга ҳар томонлама ҳолисона ёндашиш, манбалар асосида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларни ўрганишга эътибор талаб қилинади. Мухими сиёсий ғоялар таълимотлар жамиятнинг моддий ҳаётигина эмас, маънавий ҳаётига ҳам боғлиқ ҳолда ўрганилиши зарур. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ўзини келтириб чиқарган моддий ва маънавий асосларга ҳам таъсир этишини ҳисобга олиш керак. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Халқ оғзаки ижоди намуналаридаги дастлабки ёзма манбаларида давлат, ҳуқуқ, озодлик, адолат, тинчлик тўғрисидаги фикрларни ўрганишга ҳам эътиборни қаратиш керак.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

- 1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДҶОИ, 2003. –205 б.
- 2.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Дав.наз). –Т.: Адолат, 2000.
- 3.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч сўз ва тушунчалар: сиёсий ва ҳуқуқий, таълимот, ғоя, қараш, фаннинг услуби, фаннинг предмети, фаннинг вазифалари, фаннинг тизими, фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси, фанни даврийлаштириш.

Назорат саволлари

1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети нима?
2. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанини ўрганиш услублари қайсилар?
3. Фаннинг вазифалари нималардан иборат?
4. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг тизимини тушунтириб беринг?
5. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг бошқа умумназарий фанлари билан алоқадорлиги.
6. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини даврийлаштириш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

Тестлар

- 1.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи қандай вужудга келади?
 - А. Давлат пайдо бўлгач
 - В. Ҳуқуқ пайдо бўлгач
 - С. Миллатлар пайдо бўлгач
 - Д.Сиёсатчилар фаолияти ривожлангач
 - Е.Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгач
- 2.Ҳуқуқ фалсафасига ким асос солган?
 - А.Афлотун
 - В.Конфуций ва Фаробий
 - С.Кант ва Гегель
 - Д.Арасту
 - Е.Жавобларнинг барчаси тўғри
- 3.Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанини ўрганиш услуларини белгиланг.
 - А.Тарихийлик, хронологик, қиёсийлик, муаммовийлик

В.График, арифметик, систематик
С.Мантикийлик, схемали, тарихийлик
Д.Фалсафий, арифметик
Е.Юридик, тарихий, аналитик

2-боб. Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

РЕЖА:

- 1.Қадимги Шарқда диний-афсонавий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.**
- 2.Қадимги Миср ва қадимги Бобилдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.**
- 3.Қадимги Ҳиндистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.**
- 4.Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.**
- 5.Қадимги Туронда сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар (“Авесто”).**

1. Қадимги Шарқда диний-афсонавий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Дастлабки сиёсий ҳуқуқий таълимотлар асосан диний билимларда, афсоналарда, достонларда акс этган. Давлат пайдо бўлгач уни илоҳийлаштиришга эътибор берилади. Масалан: Қадимги Миср давлатида Миср подшолари (Фиръавн) «Худо Ранинг ўғли» деб эътироф этилган. Афсоналарда давлат илоҳий қувват туфайли пайдо бўлган деган тасаввур мавжуд бўлган.

Дастлабки мифологик тасаввурларнинг аста-секин, конкретлашиб, ижтимоий ҳаёт, давлат, сиёсат, ҳуқуқ ҳақидаги дастлабки таълимотларнинг пайдо бўлиши тарихи узоқ тарихга эга. Бу жараён турли халқларда турли хил кечган. Лекин барча халқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятларни олсак адолатсизликка қарши адолат, зўрлик ва қонунсизликка қарши қонунийлик, раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ғояларининг илгари сурилишини кузатамиз. Характерли жойи шундаки, халқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда диний ва дунёвий китобларда эзгуликка интилиш, инсон номини улуғлаш, социал адолатга эришиш учун кураш тарихи барча қадимги халқлар ҳаётига хосдир.

Шундай қилиб, энг қадимги давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар, ғоялар Шарқда тахминан тўрт минг йил аввал халқ оғзаки ижодида, ёзма диний китобларда диний-мифологиялар тарзида шаклланди.¹

2. Қадимги Миср ва қадимги Бобилдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

Қадимги Мисрда мамлакат Фиръавнга қарашли бўлган. Унинг ҳуқуқлари чексиз ҳисобланган. Фиръавн мамлакатни вазилар, аёнлар, катта-кичик амалдорлар ёрдамида бошқарган. Қўшин подшонинг асосий таянчи бўлган. Қадимги Мисрни давлат бошқарув ташкилотлари 3 босқичли – марказий, вилоят ва маҳаллий давлат ташкилотларидан иборат бўлган.

Қадимги Мисрдаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асосан падшолар ёки бирор бир воқеа ҳодиса юзасидан берилган ҳулосаларда кўринади. Милоддан аввалги 1750 йилда содир бўлган қадимги Мисрдаги йирик халқ қўзғолони ҳақидаги ҳикояда сиёсий-ҳуқуқий ғоялар берилган. Мисрдаги бу воқеалар ўша вақтда яратилган «Ипусер сўзлари» номли ёдгорликда ўз ифодасини топган. Бу ёдгорлик муаллифи йирик мансабдор шахс бўлган. Шунинг учун халқ оммасига

¹ Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.проф.Х.Б.Бобоев таҳрири остида .(Дарслик).Тошкент. ТДЮИ.2003йил.19-бет

нафрат билан қарайди. Ипусердаги маълумотларга кўра камбағаллар ва қуллар зодагон ва аёнларга қарши бош кўтарганлар. Қуйида ундан бир парча келтирилади: «Насл-насаби бўлмаган кишилар энди зодагонлардан фарқ қилмайдилар. Ҳокимларнинг фарзандлари кўзғалончилар кўлида асирга тушган, уларни уриб калтаклаганлар. Подшо ва бадавлат кишиларнинг мол-мулклари бутунлай тақсимланган. Бошпанаси бўлмаган кишилар эндиликда ҳашаматли турар жойларга эга. Битта қайиғи бўлмаган кишилар бутун бир кемалар флотилиясига эгалик қалганлар. Бир вақтлар башанг кийиниб юрган кишилар эндиликда жулдур кийимда юрадилар. Кўзғалончилар суд идорасига ва архивларга кириб, унда сақланаётган ҳужжатларни солиқ рўйхатларини кўчаларга улоқтириб ташаганлар. Қуллар қулдорларга айланди.» Ипусердаги бу кўзғалонни қанча давом этгани тўғрисидаги маълумот сақланмаган.

Фиръавн Аменхотеп III давлатни бошқариш тўғрисида фикр билдириб, «тинчлик энг улуғ иш» дейди. Айнан унинг даврида истилочилик юришларига барҳам берилади.

Мил. ав. 1280 йилда Рамзес II билан Хетт подшоси Хеттисули III ўртасида тинчлик ва дўстлик битими тузилади. Бу сулҳ шартномасига кўра ҳар икки томон бир-бирларига мамлакат ҳудудига бостириб кирмаслик тўғрисидаги шарномани имзолайдилар. Улар ҳарбий иттифоқ тузадилар. Жиноятчиларни жазолашда ҳар икки томоннинг ўзаро ёрдам беришлиги қайд этилган. Айни пайтда бирдан иккинчисига қочиб ўтган мухожирларни ўз юртига қайтариш ва уларга умумий авф бериш мажбурияти ҳам олинган.

Қадимги Миср халқларида кенг тарқалган ғояларга кўра, барча ҳақиқат, Адолат, одил судлов (Маат) худо томонидан бошқарилади. Судьялар Маат тасвири туширилган туморларни тақиб юрганлар. Ердаги барча тартиботлар, сиёсат, қонунлар, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бош ижодкорга сиғиниш «Птахотеп насиҳатлари» (мил.авв. XXV -XXIV асрлар), «Мурдалар китоби» каби қадимги ёзма манбаларда ўз аксини топган. «Птахотеп насиҳатлари» да таъкидланишича, барча эркин фуқаролар табиий равишда бир-бирига тенгдир, ушбу ҳолат инсоннинг ахлоқий жиҳатларини кўрсатувчи принцип бўлган - ҳар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари адолат ва яхшилик меъёрларига мос бўлиши керак.¹ Албатта бу талаблар қадимги миср жамиятининг юқори табақа вакилларга тегишли эди. Аҳолининг кўпчилигини ташкил этган қўллар бундан ташқарида эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қадимги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар авваламбор халқ оғзаки ижодида кейинчалик ёзма манбаларда афсонавий қаҳрамонлар, халқ халоскорлари ҳудолар тўғрисидаги ёзма манбаларда ифодаланган бўлса, кейинчалик "Авесто" (Ахура Мазда) ҳамда Сиптомен ҳақидаги афсоновий диний таълимотларга мухолифат сифатида дунёвий таълимотлар ҳам тараққий этди. Масалан, қадимги Юнон мутафаккирлари Сукрот, Афлотун, Арасту шарқда эса Фаробий кабилар асарларида ўз ифодасини топди. Қадимги Вавилонияда тарқалган мифга кўра, адолат ҳомийси, эзилганларни ҳимоя қилувчи худо Шаман бўлиб, у барча адолатсиз ва ёмонликни кескин жазоларди. Кимда ким Шаманнинг адолатли, ҳақиқий тамойилларини бузса, ўша пайтда амалдаги қонунлар асосида қаттиқ жазога тортиларди. Шаман талабларини бузиш бу оғир жиноят эди.

Шумер ва Вавилония ҳукмдорлари ўз ҳокимиятларини худо томонидан берилган деб ҳисоблардилар. Бу ғоялар эрамизгача XVIII асрда яратилган Хаммурапи қонунларида (бу қонунлар ўз даврида кенг тарқалган эди) ифодалаб берилган. Бу қонунлар одамларни эркинлар ва қулларга ажратарди. Эркинлар ҳам бир қанча табақаларга бўлинарди.

Хаммурапи (1792 – 1750) Бобил подшолигига ҳукумронлик қилган даврда ўзи тузган қонунлар асосида давлатни бошқарди.

Хаммурапи қонунлари қора базальт тошга ёзилган бўлиб, 282 моддадан иборат бўлган бироқ унинг 274 таси бизга қадар етиб келган. Қонуннинг кириш қисмида қонунларни чиқаришдан асосий мақсад мамлакатда адолат ўрнатиш деб айтилган. Унда подшо улуғланиб кўкларга кўтарилган.

¹ История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц .Москва. «НОРМА-ИНФРА.М»,1999.17-бет.

Қонунларнинг асосий қисмида мамлакат хўжалигининг ўрмончилик, чорвачилик, чорва моллари, экинзорлар ва мулкый муносабатлар билан боғлиқ кўплаб масалалар тўғрисида фикр билдирилади. Қонунда хусусий мулк қаттиқ ҳимоя қилинади. Оилавий муносабатлар ва турли жинойтларга тегишли бўлган масалар кўриб чиқилган. Қонунда кўрсатилишича жинойт қилган шахслар ким бўлишидан қатъий назар қаттиқ жазоланган. Қонунда подшо ҳуқуқларининг чекланмаганлиги таъкидланади. Агарда мамлакатда жорий қилинган қонун-қоидаларни бузган ҳар қандай шахсни Хаммурапи қонунлари асосида жавобгарликка тортилган.

Хаммурапи қонунларида шундай дейилади: “Мен мамлакатимда ҳақиқат ва адолат ўрнатдим. Бундан буён: агар кимки ибодатхона ёки подшонинг мулкини ўғирласа ўлдирилиши керак. Агар кимки қочоқ қулни яширса у ўлдирилиши керак. Агар кимки ўзига тенг кишини башарасига урса у жарима тўлаш керак. Агар кимки қўшнининг буюмини ўғирласа унга ўлим жазоси”. Хаммурапи қонунларида Талион (кўзга-кўз) принципи сақланган.

3. Қадимги Ҳиндистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

Қадимги Ҳиндистонда илк бор пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар мифология ва дастлабки динлар таъсирида шаклланди. Брахманизм ғоялари қадимги Ҳиндистонда эрамиздан олдинги 2-минг йилликда пайдо бўлган Ведалларда ифодаланган. «Веда» санскритда «билим» деган маънони билдиради. Эрамиздан олдинги IX-VI асрда яратилган Ҳинд ёдгорлиги Упанишадаларда брахманизм янада ривожланган ва конкретлашган ҳолда тасвирланди. Веда ва Упанишадаларда таъкидланишича ҳар бир одам драхма яъни, қонун, бурч, одатларга, тартибларга риоя этиши зарур. Брахманизм турли мактаблари ташкил этувчи дхармасутра ва дхармашастрлар, ҳуқуқий тўпламлар брахманизм мафкурасини вужудга келтиради. Машҳур сиёсий ва ҳуқуқий ёдгорлик «Ману қонунлари» эрамизгача II асрда ёзма равишда бунёд этилди. Унда Ведалар ва Упанишадалардаги ғоялар ҳар томонлама ривожлантириб ҳимоя этилади. «Ману қонунлари» да асосий эътибор жазо белгилашга қаратилади. Жамият варналарга бўлинган, улар ўртасида нотенглик мавжуд. Эрамизгача VI асрда яшаган Сиддхартха брахманизм ва Ведда, Упанишададаги ғояларни кескин танқид қилиб чиқди ва у ўзини «Маърифатли инсон» Будда деб атади. Унинг уқдиришча, Олий ҳокимият худо ҳақидаги ғоялар инсонни чалғитади, ҳамма гап инсоннинг ўзига боғлиқ. У барча сиёсий ва ҳуқуқий нормаларни, ахлоқий тартиботларни одамлар ўзлари яратиб олишлари керак деб кўрсатади.

Буддизмга хос бўлган жазо чораларини чеклаш ҳақидаги фикрлар «Дхампадада»да учрайди. Инсоннинг айби тасдиқланмасдан уни жазолаш мумкин эмас. Буддизмда дхаммани улуғлаш, қонунликни улуғлаш деган гап эди. Буддизм аста-секин барча ижтимоий сиёсий воқеаларга, шу жумладан давлат фаолиятига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Гарчи буддизмда асосий ғоя ҳар инсоннинг ўзи ўзини шакллантириб, ниҳоят нирванга руҳан юксалиб бориши билан боғлиқ бўлсада, аммо бу янги диннинг кўп томонлари ердаги ҳаёт билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам эрамизгача 268-232 йилларда ҳокимиятни бошқарган Ашока буддизмни давлат дини деб эълон қилади. Буддизм шу тариқа жанубий-шарқий мамлакатларнинг бир қанчасига тарқалди.

IV-III асрларда (эрамизгача) яратилган Артхашастрада давлатнинг моҳияти, вазибалари, қонунларнинг яратилиши ва амал қилиши борасида брахманизмдан фарқли улар реал ғоялари ифодаланади. Вазир ва маслаҳатчи Каутиля бу китобнинг муаллифи дейилади. «Ахтхашастра» дунёвий таълимотларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришида катта рол ўйнайди. Бу китобда ҳар бир сиёсатнинг, қонуннинг нечоғли амалий фойдаси борлигига асосий эътибор қаратилди. Бу қонунлар одамларнинг ҳаётини, давлат фаолиятини тўғри акс эттириши зарур.

4.Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

Қадимги Хитой фалсафаси ва ижтимоий-сиёсий фикрлари ривожда катта роль ўйнаган даосизм ва унинг асосчиси Лао-Цзи (эрамизгача VI аср) ва у яратган «Дао-Дэ-цзин» асари диний схоластикага катта зарба берди.

Бутун ижтимоий тараққиёт манбаларини илоҳий қудратга эмас, балки дао қилади, дао қонунчилиқ ва сиёсий бошқарувнинг асосидир, деб таъкидлади. Даога бўлган муносабатда барча тенгдир. Лао-Цзиннинг кўрсатишича, ўша пайтдаги барча нохушлиқлар, маданиятнинг чекланганлиги, одамлар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий нотенгликларнинг асосий сабаби ҳақиқатни қарор топмаганидир. У ҳаётдаги, жамиятдаги барча адолатсизликларни қоралар экан, у бутун эътиборини ўзини ўзи яратувчи даога қаратди, дао адолатни тикловчи асосий восита деб уқтирди. Даоизмдаги муҳим томон одамларни хотиржам яшашга ундашдир. Бойлик ҳам, мансаб ҳам ўткинчи, улардан четроқда юриш керак деган ғоялар илгари сурилган. Қадимги Хитой ижтимоий-сиёсий фикр тараққиётида Конфуций (Эрамизгача 551-479 йиллар) таълимоти унинг шогирдлари томонидан тўпланган «Лунь Юй» (суҳбатлар ва мулоҳазалар) китоби катта рол ўйнайди.

Конфуций ўздан олдин пайдо бўлган билимларни умумлаштириб, янада ривожлантириб, давлат ҳақидаги ўз қарашларики баён этади. Давлат гўё катта бир оила, оила бошлиғи император бош ҳукмрон, қолганлар унга бўйсунуши керак. Конфуций мавжуд тартибларни кескин танқид қилиш йўлидан бормайди. У келишувчилик, муроса йўлини танлайди. Мавжуд ижтимоий тузим ва тартиботларни тан олган ҳолда, уларни янада такомиллаштириш ҳақида фикр юритади. Давлатни бошқаришда адолат тамойилларига амал қилиш кераклигини уқтирар экан унинг таълимоти прогрессив йўналиш касб этади. Бу ғоя шу пайтгача ҳукмрон бўлган давлат бошқаришдаги зўрлик ғояларига зид эди.¹

Конфуций Давлатни катта оилага қиёслар экан ҳокимиятга қарши қаратилган ҳаракатларга норози бўлади. Император ҳокимиятини (осмон угли) қувватлайди.

Кичиклар ҳолати катталардан келиб чиқади. Шунинг учун жамиятни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан табақаларга бўлади. «Кичиклар», «қора одамлар», «оддий одамлар». «Яхшилар», «юқорилар», «катталарга» бўйсунди. Конфуций ҳокимиятга қарши курашлар, кузғолонларни қоралайди. Фуқаролар тинчлиги учун ҳаракатни қадрлайди. Конфуций ҳарбий юришларга хайрихоҳ бўлади.²

Конфуций ҳукмдорларни, раҳбарларни, мансабдорларни адолатли бўлишга чақиради. Энг муҳими бош ҳукмроннинг адолатчилиги барча аҳолининг ҳаётига таъсир қилади. Давлат ишларида ҳам, жамиятда ҳам кичиклар катталарга, пастдагилар юқоридагиларга бўйсунушлари, ҳурмат кўрсатишлари зарур. Конфуцийнинг асосий мақсади жамиятнинг юқори табақаси билан қуйи табақаси ўртасида тотувлик яратиш, жамият тараққиётини барқарорлаштиришга қаратилган. Конфуций ташқи урушларга ҳам, Хитой подшоларининг ўзаро олишувларига ҳам қарши эди. Жамиятни бошқариш учун қмлинадиган ҳаракатларнинг асосини фақат қонунлар эмас, балки ахлоқий нормалар ҳам ташкил этиши керак. Одамлар ўртасидаги барча муносабатлар мана шу ахлоқий ҳуқуқий нормалар асосида (зўрлик ишлатмай) ривожланиб бориши керак.

Конфуций таълимоти пайдо бўлиши билан кўпчиликнинг эътиборига тушди, эрамизгача II асрда Хитойда бу таълимот махсус давлат мафкураси деб эълон қилинди. Мл.ав. VI-V асрларда яшаган Лаоцзи Конфуций таълимотига қарши чиқади. У Даосизмга асос солди. Унинг қарашлари «Дао дэ цзин» асарида келтирилган. Лаоцзи табиат, жамият ходисалари «дао билан боғлиқ» деб уқтиради.

¹ История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсисянца.НОРМА-ИНФРА.М.1997. 27-бет.

² История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсисянца.НОРМА-ИНФРА.М.1997. 27-бет.

Лаоцизи хар кандай урушлар, кўркитишларни ва армияни каттиқ танқид қилди. Урушда ҳеч бир томон ғалаба қозонмаган. Жамиятда одамларни кам сонли бўлиб қишлоқларда яшашлари, меҳнат қуроллари ва ёзувдан, замоннинг ютуқларидан фойдаланмаслик тарафдори бўлади.¹

Мил.ав. 479-400 йилларда Моцзи таълимоти вужудга келди.

Янги оқим асосчиси Мо-цзи (эрамизгача 479-400 йиллар) ўз қарашлари барча одамларнинг табиий равишда бир-бирига тенглигини, давлатнинг пайдо бўлишини халқ ҳокимияти билан амалга ошишини ҳимоя қилади. У худо ғоясини янгича талқин этди. Осмондан инсонлар учун фақат яхшилик ёғилиб туради. Шунинг учун худога катта ҳурмат ва ишонч билан қараш лозим.

Моцзи жамиятни бошқаришда халқ билан келишиш кераклигини уқтиради, зўрликдан халқ ҳоли бўлиши, зулм ва қашшоқликни бартараф этиш керак деди. Ҳокимиятнинг марказлаштириш ва қонунчиликни ривожлантириш учун қаттиқ қўллик керак эди. Хитой императорлари мамлакатни бир марказга бўйсундириш учун кураш олиб бордилар, шунинг учун ҳам улар халқ манфаати ва курашдан ажралиб қолишга мажбур бўлдилар.

Моцизи фикрича давлатни бошқаришда халқнинг талаби ҳисобга олиниши зарур. Жамиятни ривожланиши учун паст табақадагиларни зум, очликдан озод қилиш зарур. «Камбағаллик ва йўқсилликка асосий сабаб, бу давлат бошқарувидаги пала-партишликлар» дейди.

Мил.ав. III-асрда яшаган Хан Фэянинг «Хань Фэйцзи» асарида сиёсий-ҳуқуқий қарашларга кўра подшо ўз бошқарув услубини бошқалардан сир тутиши зарур булган. Қонунларга бўйсунуш ва унга амал қилиш шарт. Хар бир даврга мос булган қонунлар яратилиши керак. Бу қонунлар кейинчалик муомаладан чиқиши мумкин.²

Шундай қилиб, қадимги Хитой сиёсий-ҳуқуқий таълимотида давлат, сиёсат, ҳуқуқ соҳасининг дастлабки диний ва дунёвий билимлар билан берилган таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

5. Туронда сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар («Авесто»).

Марказий Осиё халқларининг қадимий маънавий меросининг намуналаридан бири ҳисобланган. «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. «Авесто» ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эрамизгача II мингинчи йиллик ўрталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафкураси, илк давлатчилик ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумот беради.

Зардуштийлик динининг таркиботчиси Сипийтлун Зардушт ҳисобланади. У Хоразмда туғилиб, кейинчалик Эронга боради. Зардушт Эронда ўз динининг кенг тарғиб қилади. Зардушт вафотидан кейин диний дуолар, такбирлар, расм-русумлар йиғиндиси «Авесто» унинг издошлари томонидан китоб ҳолига келтирилди. «Авесто» баён этилган сиёсий-ҳуқуқий фикрларда, ўша даврда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий муҳит ҳақида тушунча пайдо бўлади.

«Авесто»да давлат бошқаруви ҳақида гапирилганда: давлатни шоҳ - «Кави» ирода қилган. «Кави» муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларни ўзида мужассамлаштирган.

Оилаларнинг бирлашмаси - «Нмана», катта оила жамоаси оқсоқоли - «нманапати», уруғ жамоаси бошлиғи - «вис», қишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила бошлиғи «зантупати», вилоят ҳокими «дахюпати». Қонун чиқарувчи Олий орган - Оқсоқоллар Кенгаши (Қабилалар Иттифоқи) - «варзанапа» деб аталган. Олий Судья вазифасини Коҳин бажарган, уни «Заратуштроэма» деб аташган. Унинг ҳукми мутлоқ бўлган ва унга ҳеч ким эътироз бирдирмаган.

«Авесто»да тасвирланган жамият аҳли тўрт тоифага, коҳинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва ҳунармандларга бўлинган («Ясна» 19-бет).

¹История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсисянца.НОРМА-ИНФРА.М.1997. 26-бет

² История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсисянца.НОРМА-ИНФРА.М.1997. 33-бет

Эркин жамоа аъзоларининг асосий бойлиги чорва ҳисобланган. Биринчи навбатда чорва, кейин эса шахсий мулк - уй, ҳовли-жой, қалъа, қўрғон...

Зардуштийлик таълимотига кўра ёлғон гапириб гувоҳлик бериш жиноят ҳисобланади.

«Авесто»да қайд этилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ғоялардан бири - ёвузликка қарши ва ҳақиқат (адолат) учун кураш масаласидир.

Ҳуқуқий қарашлар баён этилган «Видевдад» қисмида («Девларга қарши дуолар») жиноятларни классификация қилиб қуйидагиларга бўлинган:

1. Динга қарши жиноятлар: диндан қайтиш, бошқа дин вакили билан никоҳ тузиш, коҳин томонидан диний расм-русумларни, амалларни қўпол бузиш, атеизм кирган.
2. Шахсга қарши жиноятларга: қасддан тажовуз қилиш, қўрқитиш, табибнинг нотўғри ҳаракати ва унинг ёмон оқибатлари.
3. Ҳайвонот оламига қарши жиноятлар: айниқса итларга қарши ҳаракатлар.
4. Мулкий жиноятлар: ўғирлик, талончилик, йўл тўсарлик ва зикналик.
5. Ахлоқий нормаларга қарши жиноятлар: фоҳишабозлик, оилага ҳиёнат ва бунинг учун ўлим жазоси берилган.
6. Табиатга қарши жиноятлар: тупроқ, сув, олов, ўсимлик дунёси (Видевдад VI. 54-83) айниқса тупроқни ифлослантириш.

«Авесто»да оила моногамия асосида тузилган. Никоҳ шартномаси 10 йил муддатга тузилган.¹

«Авесто» - ҳуқуқий манба сифатида ўрганган олимлар ичида Инглиз олимаси Мэри Бойс ва А.Г.Переханян, З.Муқимовнинг таъкидлашича, Сипийтлюн Зардушт ўз таълимотида адолатли суд қисми учун Ордалиа (синаб кўриш ёки жазо бериш) 33 усули мавжуд бўлган. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда сув билан синаш ўтказилиб айбдор ёки гумондорга ўзининг ҳуқуқлигини исботлашга имкон берилган.

Ўт билан синфида айбдор чалаёнлар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтган, агар тирик қолса, Шартнома тангриси Митра уни асбсиз деб ҳисоблаган.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

- 1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
- 2.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.
3. А.Х.Саидов. «Авесто » муҳим манба. Тошкент, 2001 йил. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси».

Таянч тушунчалар: шарқ, ҳуқуқ фалсафаси, диний-афсонавий, сиёсий, ҳуқуқий, Қадимги Миср, Бобил, Хамурапи қонунлари, Брахманизм, «Ипусер сўзлари», «Ману қонунлари», Конфуций, легизм, Дао, Веда, артхашастра, дхармашастра, Лаоцзи, Хань, Фея, «Авесто».

Назорат саволлари

1. Қадимги Шарқда сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар қандай вужудга келган?
2. Қадимги Мисрда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар қандай ривожланган?
3. Қадимги Бобилда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.
4. Хамураппи қонунларидаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг моҳияти қандай?
5. Қадимги Ҳиндистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти нимада?
6. Брахманизм сиёсий-ҳуқуқий ғояларида қандай фикрлар илгари сурилади?
7. Ману қонунларидаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.
8. Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилувчи омиллар қайсилар?

¹ А.Х.Саидов. «Авесто » муҳим манба. Тошкент, 2001 йил. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси».37 бет

9.Қадимги Туронда сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг бошқа Шарқ мамлакатларида қарашлардан қандай фарқи мавжуд?

10. “Авесто”да қандай ҳуқуқий меъёрлар белгиланган?

Тестлар

1. Дастлабки сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар қандай кўринишда бўлган?

А.Диний

В.Сиёсий

Д.Фалсафий

С.Ҳуқуқий

Е.Афсонавий

2.Қадимги Мисрни давлат бошқаруви неча босқичли бўлган?

А.беш босқичли.

В.Тўрт босқичли

Д.Уч босқичли

С.Икки босқичли

Е. Босқич мавжуд бўлмаган.

3. «Ҳаммураппи қонунлари» неча моддадан иборат?

А.290 модда

В. 350 модда

Д.286 модда

С.275 модда

Е.247 модда

4. Қайси ҳукмдор даврида Қадимги Ҳиндистонда Буддизм давлат динига айланган эди?

А.Чандра Гупта

В.Ашока

Д.Ману

С.Евтидем

Е.Канишка

5. Қадимги Хитой сиёсий - ҳуқуқий қарашларида ким томонидан урушлар қаттиқ танқид қилинади?

А.Конфуций

В.Ли Бан Ян

Д.Мо Ци Зи

С.Хан Фэя

Е.Лао Цизи

3-боб. Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

РЕЖА:

1. Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг асосий йўналишлари.

2. Қадим Юнонистоннинг илк даврдаги сиёсий-ҳуқуқий фикрлари.

3.Юнонистоннинг энг ривожланган даври сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

4.Эллинизм даври (м.ав. IV-II асарлар) сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари.

1.Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг асосий йўналишлари.

Қадимги Грецияда эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик бошларида давлатлар пайдо бўлади. Мустақил полислар шаҳар давлатлар ён атрофидаги кишлоқларни ҳам ўз ичига олади. Ибтидоий тузумдан илк синфий тузумга ўтганда жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкиллашга катта эътибор берилади, бу ишлар аҳолини социал табақалаштиришни кучайтириб юборади ва улар ўртасида зиддиятлар авж ола бошлайди. Бу шароитда полислар ичида ҳам, ташқарисида ҳам ҳокимият учун кураш кескинлашади.

Давлатларни бошқаришнинг турли шакллари келиб чиқади. Эрамизгача IV-V асрларда Афинада демократия қарор топади, Фива, Мегерада Олигархия, Спартада аристократия шакллари давлатчиликнинг турли йўсиндаги бошқариш шакллари келтириб чиқаради. Қадимги Грецияда пайдо бўлган ва аста-секин ривожланиб борган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини уч даврга бўлиш мумкин. Илк давр (эрамизгача IX-V асрлар) қадимги грек давлатларининг пайдо бўлиш даврини ўз ичига олади.

Бу даврда сиёсий ва ҳуқуқий тасаввурларнинг мифологиядан озод бўла бошлашини, рационаллашувини кузатиш мумкин. бу жараён Гомер, Гесиод ва машхур "етти донишмандлар" ижодида ўз ифодасини топгандир. Шу даврда давлат ва ҳуқуқ муаммоларига фалсафий ёндашиш ҳам шакллана бошлайди (Пифагор ва унинг издошлари, Гераклит). Иккинчи давр (эрамизгача V ва IV асрнинг биринчи ярми. Бу давр қадимги грек фалсафий сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг гуллаган даври. Бу даврда Демокрит, Сукрот, Платон, Арастуларнинг фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти шаклланди ва ривожланди.

Учинчи давр (IV асрнинг иккинчи ярми ва II асргача). Бу давр тарихда эллинизм даври бўлиб. Бу даврнинг муҳим белгиси грек давлатчилигининг таназзулга юз тутган даври. Грек полислари дастлаб Македония, сўнгра рим тасарруфига ўта бошлайди. Бу даврдаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар Эпикур, стоиклар ва Полибий ижодида ўз аксини топди.

2.Қадим Юнонистоннинг илк даврдаги сиёсий-ҳуқуқий фикрлари.

Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган ва ривожланган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар тарихини Гомер ва Гесиод дostonларида кўриш мумкин. Бу буюк шахслар яратган дostonларда жамиятда пайдо бўлган ижтимоий муаммолар худолар образлари орқали изчил таъсирлагандир.

Адолат, қонунчилик ва полис ҳаётига оид бошқа тушунчаларнинг моҳияти, йўналишлари ва шаклланиши энг аввало Зевснинг фаолияти билан боғланади. Бош Худо Зевс барча худоларни исканжага олиб, адолат ўрнатишни талаб қилган. Гомер поэмаларида Зевс худди мана шу тартибда, яъни каттиққўл адолатли Бош Худо образида ифодаланган. Бунда адолат тушунчаси ердаги воқеалар билан боғланган ҳолда изохданади. Ердаги оддий қонун-қоида асослари одамларни бирлаштирувчи бир куч, умуминсоний қадрият сифатида намоён бўлади.

Гесиод (эрамизгача VII аср) асарларида адолат, ҳуқуқ-тартибот тушунчалари янада ёрқинроқ ифодаланган. Унинг «Теогония», «Меҳнатлар ва кунлар» номли асарларида турли тамойилларга эга бўлган ахлоқий-ҳуқуқий нормалар таърифланади ва ҳимоя қилинади.

Масалан, унинг «Теогония» асарида Зевс ва абадий табиий тартибнинг тимсоли Фемида никоҳидан икки қиз Дике адолат худоси ва Эвномия қонунчилик худоси туғилади. Дике адолатни ҳимоя қилади, уни бузувчиларни қаттиқ жазолайди. Эвномия эса қонунчилик, тартиб-интизом илохушт томонидан ўрнатилган одамлар орасида бўлиши шарт бўлган қонун деб ҳисоблаб уни ҳимоя қилади. Дике ҳам, Эвномия ҳам барча ишларни бош худо-оталари Зевс буйруғи билан бажарадилар. Демак, адолат ҳам,

қонунчилик ҳам илоҳий манбага эга. У бош худо ва бошқа худолар томонидан бошқариб борилади.

Гесиод «Меҳнатлар ва кунлар» поэмасида патриархал тузум идеалларини ҳимоя қилар экан, одамлар ҳаётида бешта бири-бири билан алмашилиб турадиган босқичларини ўзига хос томонларини ифодалаб беради. «Олтин аср», «кумуш асри», «мис асри», «ярим худо-қахрамонлар асри» ва ниҳоят ўзи яшаб тўрган асрни «темир асри» деб баҳолайди. «Олтин аср» одамлари бахтли эдилар, ғам-ташвишсиз умр кечирдилар. «Кумуш асрининг» қайсар, худоларга итоат қилмаган одамларини Зевс қириб ташлади. «Мис асри» нинг одамлари ўзаро рақобатда ва чиқишмовчиликлар туфайли ўзлари бири-бирини янчиб ташлашди. Тўртинчи «Темир асрининг» қонли урушларда Ярим худо қахрамонлар ҳам ҳалок бўлдилар. Гесиод «Темир асрини» қора бўёқлар билан ғамгин тасвирлайди. Меҳнат оғир, кун кўриш қийин, ҳақиқат топталган, одамлар ўртасидан инсоф, диёнат кўтарилган.

Гомер ва Гесиод ижодига хос бўлган ахлоқий, ҳуқуқий тартиб-интизомнинг инсонлар ўртасида қарор топтириш ва уларга ақл нўрини бағишлашга қаратилган интилишлар кейинчалик етти донишманд фаолиятида давом эттирилди. Бу етти донишманд Фалес, Питтак, Пермандр, Биант, Солон, Клеобул ва Хилон. Бу донишмандлар жамият адолат тантана қилиши учун кураш олиб бордилар. Уларнинг айримлари ҳоким ёки қонун чиқарувчилар сифатида ўз ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Солон хусусий ва давлат қарзларини бекор қилди, қарз беришни адолатли асосга қўйди. Солон томонидан ташкил этилган полис демократияси демос билан задогонларни, бойлар билан камбағалларни муросага келтириш учун ишлаб чиқилган қоидаларга асосланар эди. Солон бир томоннинг иккинчи томон манфаатларини ерга уриш асосида устунликка эришишларини очиқ қоралайди.

Ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий тартибларнинг фалсафий ғоялар асосида қайта ўзгартириш фикрларини илгари сўрган Пифагор (эрамизгача 580-500 йиллар) ва унинг издошлари (Архит, Лизис, Дигиолай ва бошқалар), ҳамда қадимги дунёнинг атоқли файласуфи Гераклит (эрамизгача 530-470) демократияни танқид қилиб аристократик бошқарув усулини, ақлан ва ахлоқий етук одамлар ҳокимиятини ёклаб чиқдилар.

Пифагор ва унинг ҳамфикрлари дунёқарашлари бир қадар мистик бўлсада, аммо улар оламнинг асосини моддийлик белгиси сонлар ташкил этади деб ҳисоблашди. Ҳамма нарсанинг моҳияти охир оқибатда сонларга бориб тақалади. Ахлоқий ва сиёсий-ҳуқуқий воқеаларнинг ҳам моҳиятини сонлар характеристикасидан излаш керак, масалан, адолат тушунчаси тенгларга тенглик билан жавоб қайтариш демакдир.

Пифагорчилар идеали полис эди. Аммо полисда адолатли қонунлар мавжуд бўлиши керак. Пифагорнинг кўрсатишича, худодан сўнг, ота-онани ва қонунни ҳурмат қилиш керак, худо, ота-она ва қонун. Пифагорчилар тартибсизлик, анархиядан қаттиқ нафратланар, инсоний муносабатлар анархия зулмидан озод этилиб ҳуқуқий тартиб ва гармонияга эга бўлиши керак деган ғояни илгари сурдилар.

3. Юнонистоннинг энг ривожланган даври сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Афлотуннинг идеал давлат ва жамият ҳақидаги таълимоти унинг кейинги диалогларида («Давлат», «Қонунлар» ва бошқалар) ривожлантирилди. Унинг идеялар ҳақидаги қарашларининг моҳияти қуйидагича: ҳақиқий борлиқ бу моддийликдан ташқари, ақл билан идрок этиладиган идеядир. Бизнинг кўзимизга кўриниб, ҳиссиётимизга таъсир қилиб тўрган нарсалар борлиққа алоқадор эмас, шунинг учун ҳам ҳақиқий билиш бу борлиқни билишдан иборат, яъни идеяларни билишдан иборат. Борлиқни ҳамма ҳам билавермайди, фақат файласуфларгина бунга қодир.

У ўзининг «Давлат» номли асарида адолатли идеал давлатни таърифлар экан, давлат полисдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан коинотнинг бирикувидан ҳосил бўлади, дейди.

Афлотуннинг таълимотига кўра адолат деганда биричи навбатда ҳар бир одам ўз иши билан шуғуллансин, бошқаларнинг ишларига аралашмасин, полис турли эҳтиёжларнинг умумлашган ифодасидир деган ғояни илгари суради. Бу турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун давлатда одамлар ўртасида меҳнат тақсимоти қарор топган бўлиши керак Идеал давлатда аёллар эркаклар билан барабар ҳуқуққа эга. Афлотун идеал давлатида уч табақа файласуфлар, ҳарбийлар ва деҳқон, ҳунармандларни бўлишини эътироф этган.

Афлотун ўзининг «қонунлар» номли асарида давлатнинг моҳияти ва қурилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтади. Афлотун идеал давлатнинг энг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат. Унинг 5040 фуқароси чек ташлаш орқали ер майдони ва уй-жой оладилар, аммо бу ер ва уй уларнинг хусусий мулки ҳисобланмайди. Барча ерлар давлатнинг мулки бўлиб одамларнинг фарзандларидан бирига мерос бўлиб ўтиши мумкин. Мавжуд мулкнинг кўп ва озлигига қараб, одамлар тўрт тоифага бўлинадилар: бойликнинг ҳам, камбағалликнинг ҳам маълум чегараси бўлиб, бу қонун томонидан белгилаб қўйилади. қуллар ва чет эллардан келган деҳқон, қунарманд, савдогарлар юқорида айтилган 5040 фуқаро таркибига кирмайди. Биринчи давлатда ҳам, иккинчи давлатда ҳам ҳамма иш ўзаро келишув ва муомила асосида олиб борилади. Ёшлар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлсаларда, аммо улар олий раҳбарликка кўтарила олмайдилар. Афлотун давлатининг бошида босқичма-босқич сайловлардан ўтган 37 ҳукмдор туради. Ҳукмдорларнинг ёши 50 дан 70 ёшгача бўлади. 360 кишидан иборат бўлган сайлов кенгаши катта ҳуқуқларга эга.

Афлотуннинг идеал давлатида қонунчиликка эътибор қаратган. қонун чиқарувчиларга Афлотун маслаҳат бериб қонунлар жуда қаттиқ бўлмасин, қонунга итоат этиш билан бирга ҳукмдорлар жамиятни эркин бошқара олсинлар, қонунларни ишлаб чиққанда географик муҳит, иқлим, тупроқ ва бошқа омиллар эътиборга олиниши зарур. Афлотун қонунларга риоя этмаслиқни қаттиқ қоралайди. Ҳар хил шоирлар, олимлар турли-туман янгиликлар яратиб, қонунларни бузишавермасин.

Афлотун ўз қарашларида мафкуравий масалаларга катта эътибор берди. Давлат ва қонунларнинг илоҳий ва муқаррар қудратини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш керак. қонун-қоидаларни бузиш қаттиқ жазоланиши керак.

Афлотун томонидан икки ярим минг йил олдин айтилган "қонун устиворлиги", "қонун ҳуқумронлиги" ғоялари бизнинг қуниimiz учун шубҳасиз жуда фойдали.

Арасту (Аристотель)нинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимоти

Арасту Афлотундан кейин энг улуғ мутафаккир сифатида майдонга чиқди. (Эрамиздан олдинги 384-322 йиллар). Ўзининг «Полития», «Афина сиёсати», «Этика» номли асарларида сиёсий, ҳуқуқий қарашларини баён этади. Арасту сиёсат фанини хдр томонлама ишлаб чиқишга, сиёсатни ахлоқ доирасида қарашга ҳаракат қилди. Ахлоқ сиёсатнинг бошланғич нуктаси, унинг муқаддимасидир, дейди у. Арасту адолатнинг икки хилини фарқлаб кўрсатади. Мувозанатга солувчи адолат мисоли арифметик тенглик, яъни мана шу таомойилни жамият тараққиётига тадбиқ этиш. Белгиловчи адолат худди геометрик тенгликка ўхшайди. Яъни барча ҳақ-ҳуқуқлар, неъматлар одамлар ўртасида ҳар кимнинг ўзига яраша тақсимланиши керак.

Арастунинг этика соҳасидаги изланишларининг моҳияти шундаки, сиёсий адолат одамлар ўртасидаги тенглик, эркинликка асосланган бўлиб, ҳар бир одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириши билан белгиланади. Арасту тасаввурида давлат кўплаб таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлигидан ташкил топади. Давлат ўзига хос бир ташкилот бўлиб, фуқароларнинг уюшишидан ташкил топди. Давлатнинг ҳар бир турида ўзига хос инсон ҳуқуқлари ишлаб чиқилган бўлади.

Арасту давлатнинг сиёсий ташкилот эканини таъкидлаб, давлат бу олий ҳокимиятга эга бўлган сиёсий тизимдир, деб уқдиради. Давлатнинг тўғри ва нотўғри бошқариш шакллари ажратади. Давлатнинг тўғри бошқариш шаклида халққа манфаат келтиради. Нотўғри бошқариш шаклида факат тор доирадаги одамларга фойда

келтиради холос. Давлат бошқаришининг учта тўғри шакли монархия, аристократия, полиция. Давлат бошқаришнинг нотўғри шакли тирания, олигархия, демократиядир.

Арасту давлат *бошқариш* шакллариининг турли хилларини ҳам текшириб чиқади. Унинг фикрича, энг тўғри бошқариш шакли бу полициядир. Бошқа давлат формалари полициядан озми-кўпми чекинишларга асосланади. Давлатни нотўғри бошқариш шаклидан энг ёмони бу тираниядир. Полиция олигархия ва демократиянинг энг яхши томонларини бирлаштиради, аммо уларнинг ёмон томонларидан бутунлай холи давлат шаклидир. Арасту ишлаб чиққан идеал давлатнинг лойиҳасини оддий бир фактни тажрибада синаб кўришдек аниқ бир белгилар билан характерлаб бўлмайди, деб кўрсатади. Идеал давлатнинг аҳолиси етарли даражада бўлиб, аниқ кўзга ташланиб туриши керак. Унинг худудида куриқлик ва денгизга яхши йўналтирилган бўлмоғи зарур.

Барча ерлар иккига бўлинади. Бир қисми бутун давлат томонидан умумий тарзда фойдаланиладиган ерлар, иккинчиси фуқароларнинг хусусий ерлари. Тинчликни жамиятнинг равнақи деб баҳолаган олим, урушларни ҳуқуққа қарши ҳодиса деб баҳолайди. Арасту Сократ ва Афлотуннинг адолат ва қонуннинг бири-бирига мос келиши зарурлига ғоясини ҳимоя қилади. Умуман олганда, ҳуқуқ сиёсий ҳодиса бўлгани учун уни сиёсий ҳуқуқ деб атаса бўлади. Табиат қонунлари ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга бўлиб, тан олиниши ёки олинмаслигига қарамай мавжуд бўлаверади. Бундан ташқари, шартли ҳуқуқ ҳам бор. У шароитга қараб ўзгариб туриши мумкин. Табиий ҳуқуқлар ҳам шартли ҳуқуқлар ҳам давлат сиёсатига хизмат қилади. Бу ҳуқуқ нормалари изчил, барқарор бўлиши зарур.

Қонун сиёсатга мос бўлиши учун аввало қонунлар адолат асосида шаклланиши зарур. Арасту қадимги дунёнинг энг машҳур, гениал тафаккур эгаси эди. Унинг асарлари асрлар оша ўз кучини йўқотмай қолмоқда. У воқеаларни чуқур, илмий таҳлил этишда ўз устози Афлотундан анча ўзиб кетган эди.

4.Эллинизм даври (м.ав. IV-II асарлар) сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари.

Эпикур, Полибий қарашларида ҳам давлат, бошқарув формаси тўғрисида фикрлар бор.

Полибий - ўзининг қарашларини «Тарихнинг қирқ китоби асарида баён қилган». Полибий давлат келиб чиқиши. Давлатчилик асослари ҳақида фикр юритади. Полибийнинг фикрича давлат куйидаги олти давлат формасига эга: Подшолик, Тирания, Аристократия, Олигархия, Демократия, Охлократия. Полибий давлат одат ҳуқуқ асосида бошқарилади дейди.

Ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари билан эллинизм даврининг намоёндаларидан бири бўлган Эпикур (341-270 й.й) Демокритнинг атомистик фикрларини давом эттиради. Эпикурнинг фикрича, қонунлар фақат донишмандлар учун чиқарилган. Ундан ёвузлик эмас, балки ёвузлик қилмасликлари учун фойдаланилади.¹

Қадимги Грецияда Афина Полисида мансабдор шахслар стратеглар ва орхонтларга булинган. Улар имтиёзларга эга булишган . Афина олий суд органи Гелиэя булган. Талончилик, угирлик ва бошқа ишлар ун бирлар хайъати томонидан қурилган. Перекл замонидан бошлаб демлар бўйича сайёр судлар ташкил этилган.

Полиция-функциясини махсус хизматчилар –токсотлар бажарган. Қадимги Юнонистонда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар файласуфлар давлат арбоблари томонидан майдонга келди. Бу таълимотлар ўз даврида муҳим ўрин тутган.

Стоицизм вакилларида бири бўлган Зенон давлатни табиий ҳолат натижаси дейди. Ҳуқуқни тушунтиришда «илоҳий қонунлар»асосида тушунтиради. Фақатгина Подшолар ва донишмандлар озод қишилардир. Давлатнинг энг яхши формаси- бу демократия, подшо ҳокимияти ва аристократиянинг умумлашган типидир, деб тушунтиради Зенон.²

Умуман олганда , Қадимги Юнонистондаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ўз даврининг маҳсули бўлибгина қолмай, анча даврлар мобайнида хизмат қилди.

¹ История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц, таҳрири остида. НОРМА-ИНФРА.1997.65-бет

² История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц, таҳрири остида. НОРМА-ИНФРА.1997.66-бет

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
- 2..Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар :

Қадимги Юнонистондаги сиёсий- ҳуқуқий ғоялар, Гомер, Гесиод, Пифагор,Гераклит, Солон,Демокрит , Гиппий, Антифонт, Фрасимах, Сукрот, Афлотун, Эллинизм, Эпикур, Зенон, Полибий,

Назорат саволлари

- 1.Қадимги Юнонистонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг асосий йўналишлари қайсилар?
- 2.Қадим Юнонистоннинг илк даврдаги сиёсий ва ҳуқуқи қарашлар нимаси билан ажралиб туради?
3. «Етти донишмандлар» кимлар ?
- 4.Гомер, Гесиод, Пифагор, Гераклит, Солонларнинг сиёсий-ҳуқуқий фикрлари.
- 5.Юнонистоннинг энг ривожланган даври (V-аср биринчи ярми IV аср)даги сиёсий ва ҳуқуқийқарашларни кимлар ривожлантирганлар?
- 6.Демокрит, Гиппий, Антифонт, Фрасимах , Сукротнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- 7.Афлотуннинг давлат, қонунчилик ва сиёсат ҳақидаги таълимоти.
- 8.Арастунинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.
9. Эллинизм даври (м.ав. IV-II асарлар) сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари ўзига хос хусусияти нималарда кўриш мумкин?
- 10.Эпикур, Зенон, Полибийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- 11.Юнонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг ҳуқуқий давлат қуришда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда туган ўрни ва роли.

Тестлар

- 1.Полис нима?
А.Қонунлар
В.Қонун чиқаувчи орган
С. Шаҳар давлат
Д.Армия бўлинмаси
Е.Ҳукмдор
2. «Давлат қонунга доим муҳтождир.» деган фикрни ким айтган эди?
А.Аристотель
В.Гомер
С.Пифагор
Д.Сократ
Е.Солон
3. «Қонунлар оддий одамлар учундир» деган фикрни ким томонидан билдирилган эди?
А.Зенон
В.Демокрит
С.Арасту
Д.Эпикур
Е.Солон
4. «Афина Политияси» асарининг муаллифи ким?
А.Аристотель
В.Платон
Д.Сократ
С.Солон

Е.Пифагор

5.Қадимги Юнонистондаги сиёсий – ҳуқуқий қарашларнинг ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни белгиланг

А. Диний ва афсонавий қарашлар

В. Илғор фикр

Д. Эллинизм маданияти

С. Қадимги Шарқ фалсафаси

Е. Тўғри жавоб йўқ

4-боб.Қадимги Рим давлатида сиёсий- ҳуқуқий таълимотлар (4)

РЕЖА

1.Қадимги Римдаги асосий сиёсий-ҳуқуқий оқимлар.

2.Цицероннинг давлат, қонунлар ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.

3.Рим юристларининг: ҳуқуқшунослик фанларининг ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида. Гай, Папиниан, Павел, Ульпиан, Модестинларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

4.Христиан динининг пайдо бўлиши. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар.

1.Қадимги Римдаги асосий сиёсий-ҳуқуқий оқимлар.

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи минг йилларни ўз ичига олади ва шу давр ичида Қадимги Римда ўзгариб турган социал иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий қарашларни воқеаларни акс эттиради. қадимги Рим тарихи уч босқичдан иборат. Подшолик (эрамизгача 754-510 й.), республика бошқариш усули (504-28 й), империаторлик (27 эрамизгача ва 475 й). Ягона Рим империяси эрамизнинг 395 йили батамом бўлиниб кетди. Ғарбий (марказ Рим), Шарқий (маркази Константинополь) Византия империяси-булар 1453 йилгача яшаб келди.

Қадимги Римдаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлар узоқ вақт давомида турли қарама-қарши кучлар патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги, тўхтовсиз курашлар ичида шаклланиб боради ва шу кучлар нисбатини, манфаатларини ўзида акс эттирди.

Қадимги Римдаги сиёсий-ҳуқуқий институтлар ва ғоялар аҳолининг турли табақалари — патрицийлар ва плебейлар, нобилитетлар (патрицийлар ва бой плебейлар) ва камбағаллар, оптиматлар (юқори табақа тарафдорлари) ва популярлар (қўйи табақалар эркинлиги тарафдорлари), озод кишилар ва қуллар ўртасидаги узоқ давом этган курашлар давомида шаклланиб, ривожланиб борди.

Қадимги Рим тарихида плебейларнинг асл “Рим халқи” деб ҳисобланувчи, барча сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини ўз қўлларига олган патрицийлар билан тенг мавқега эришиш учун олиб борган кураши муҳим из қолдирди. Бу кураш Римнинг олтинчи подшоҳи Сервий Туллий ислохотлари бошланишига олиб келди. Ушбу ислохотлар натижасида плебейлар мулкӣ (ижтимоий) аҳволига қараб беш тоифага бўлинувчи “Рим халқи” таркибига киритилди. Ислохотлар давлат бошқарувида бойлар устунлигини таъминлади. Плебейлар халқ йиғинида қатнашиш, жамоат мулки ва ердан ўз улушига эга бўлиш ҳуқуқини олдилар. Лекин плебейлар патрицийлар билан тенг ҳуқуққа эга бўла олмадилар, натижада улар патрицийларнинг имтиёзларига қарши яна қўп вақт курашишларига тўғри келди.

Эрамиздан аввалги 494 йилда ўз мавқеларидан норози бўлган плебейларнинг Римни тарк этишлари натижасида ҳукмрон доиралар ён беришга мажбур бўлди. Уларни бу қарордан қайтариш мақсадида плебей (халқ) трибуни лавозими таъсис этилди. Трибун плебейлар манфаатини ҳимоя қилиш учун анча кенг ваколатларга эга бўлди. Маълумки, халқ йиғини томонидан ҳар йили Рим республикасининг юқори мартабали амалдорлари ҳисобланган икки консул сайланарди. Эрамиздан аввалги 367 йилга келиб халқ йиғини томонидан сайланадиган икки консулнинг бири албатта плебейлардан бўлиши шартлиги ҳақида қонун қабул қилинди.

Плебейларнинг кўзга кўринган мафкурачилари ва ғоявий раҳномалари ака-ука Тиберий (эрамиздан аввалги 133 йил) ва Гай Гракх (эрамиздан аввалги 122 йил)лар бўлиб, улар халқ трибуналари бўлиб сайланган даврларда (тегишли равишда 123ларда) ортиқча ерларни тортиб олиш ва уларни ерсизларга тарқатиш, йўллар қуриш ва озиқ-овқат нархини пасайтириш ғояси билан чиқишади. Бу чораларни амалга ошириш борасидаги уларнинг уринишлари юқори табақаларнинг каттиқ қаршилигига учрайди ва оқибатда куролли тўқнашувга айланиб кетади, бу курашда ака-ука Гракхлар ҳам ҳалок бўлишди.

Сиёсий жихатдан Гракхлар ҳаракати давлат ишларида сенат ва сенатдаги консерватив гуруҳлар таъсирини камайтиришга, оддий халқ иштирокини кўпайтиришга қаратилган эди. Гай Гракх савий-ҳаракати билан қабул қилинган суд қонунига кўра шу пайтгача сенат ихтиёрида бўлган судьялар суворийлар, яъни отлиқ чавандозлар қўл остига ўтганди. Бу қонун Рим республикаси юқори табақаларига қарши курашда сенатга қарши кучларнинг бирлашишига ва демократик руҳдаги ҳаракатларнинг кучайишига ҳисса қўшди.

Назарий жихатдан олганда, Қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Қадимги Юнонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг сезиларли таъсири остида ривожланди. Диккатга сазовор томони шундаки, эрамиздан аввал V аср ўрталарида плебейлар ёзма қонунлар талаб қилишган бир пайтда Рим вакиллари Юнонистонга у ердаги қонунчилик, айниқса Солон қонунлари билан танишиш учун юборилган эдилар. Бу танишувнинг самаралари Қадимги Римнинг муҳим ҳуқуқ манбаи — машҳур XII жадвал Қонунларини тузишда фойдаланилган.

Сукрот, Афлотун, Арасту, Полибий сингари юнон мутафаккирларининг қарашлари Қадимги Рим муаллифларига катта таъсир кўрсатган. Масалан, Демокритнинг одамларнинг маълум тартибли сиёсий ҳаётга, давлат ва қонунлар яратилгунга қадар бўлган тараққиёти ҳақидаги, Эпикурнинг давлат ва ҳуқуқнинг шартномавий (келишув) хусусияти тўғрисидаги мулоҳазалари Тит Лукреций Карнинг (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) “Буюмларнинг табиати ҳақида” достонида ривожлантирилган.

Рим олимлари ўзларининг назарий асарларида юнон мутафаккирларининг табиий-ҳуқуқий ғояларини, адолатли сиёсат, давлат шакллари, “бошқарувнинг аралаш шакли” тўғрисидаги тасаввурларига суянишган. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, римлик муаллифлар ўзларидан олдин ўтган юнонистонлик мутафаккирларнинг ғояларини шунчаки кўчириб олган эмаслар, балки уларнинг назарияларини Рим воқелигидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий шароитлар ва вазифалардан келиб чиқиб янада ривожлантирганлар.

Қадимги Римдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар қадимги Юнонистонда шаклланган ижтимоий-сиёсий қарашлар таъсирида эди. Эрамизгача V аср ўрталарида плебейлар ёзма равишдаги қонунлар тайёрланишини талаб қилиб чиқдилар ва Юнонистонга одамлар юбориб, улардаги қонунчилик, давлатчилик асосларини ўрганиб келиш, хусусан Солон даврида яратилган қонунларга катта эътибор беришни топширдилар. Бу тажрибалар пухта ўрганилиб, ниҳоят XII жадвалдан иборат бўлган қадимги рим ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишга асос бўлди. Қадимги Юнонистоннинг атоқли файласуфлари Сократ, Афлотун, Арасту, Эпикур, стоиклар, Полибий ва бошқалар қадимги рим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланишига кучли таъсир қилди.

Қадимги Римда ҳуқуқшунослик фанининг ривожланиши катта воқеа эди. Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқнинг умумий назарияси муаммоларини ёритиб бердилар. Айрим ҳуқуқшунослик соҳалари (давлат ва ҳуқуқ назарияси ва маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ) мустақил тарзда ишлаб чиқилди. Рим ҳуқуқшунослари жамият ҳаётида рўй бераётган янгиликларнинг назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Рим юристлари томонидан кашф қилинган ҳуқуқшуносликка оид атамалар, фанлар бугун бизда ҳам ўрганилмоқда.

Рим империясида эрамиз бошида христианлик пайдо бўлади. Илк христиан таълимотлари барча эркинлик ҳақидаги қонунларни, мавжуд бўлган кўплаб табиий ҳуқуқ ғояларини янги дин ўз номидан, илоҳий рух, худонинг ифодаси деб талқин қила бошайди. Барча одамларнинг тенглиги, уни одамлар ўртасида қарор топиши зарурлиги ҳақидаги ғоя муҳим аҳамиятга эга эди. Христианликнинг пайдо бўлиши

ва жaxon дини сифатида кенгайиб, мустаҳкамланиб бориши инсоният тараққиётининг кейинги боскичларига кучли таъсир қилди. Эрамизнинг II асрида христиан жамоаларида ахвол бир мунча ўзгаради. Жамоа бошлиқларининг ҳукмронлиги мустаҳкамланади, улар ўртасида алоқа кучаяди, руҳонийлар пайдо бўлади. Черков иерархиясининг пайдо бўлиши, диний догматнинг кучайтириб юборди. Илк христианлик таълимотларида қулчиликни йўқотишга, хусусий мулкчиликни бекор қилишга, одамлар ўртасидаги нотенгликни бартараф этишга қаратилган ғоялар мавжуд эди.

2. Цицероннинг давлат, қонунлар ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида Марк Туллий Цицерон (эрамиздан аввалги 106-43 йиллар) – машҳур римлик нотик, ҳуқуқшунос, давлат арбоби ва мутафаккир бўлган. Унинг ижодида давлат ва ҳуқуқ муаммоларига кенг ўрин берилган. Бу масалалар унинг “Давлат тўғрисида” ва “Қонунлар тўғрисида” асарларида ёритилган. Бир қатор сиёсий-ҳуқуқий масалалар Цицероннинг бошқа асарларида ҳам (масалан, “Мажбуриятлар ҳақида” асарида) сиёсатга ва судга оид нутқларида кўриб чиқилган.

Цицероннинг давлатчилик ва ҳуқуқ борасидаги назарий қарашлари Қадимги Рим тафаккурининг, энг аввало, Афлотун, Арасту, Полибий ва стоикларнинг сезиларли таъсири остида бўлган. Шу билан бирга Цицерон чин ватанпарвар ва амалиётчи сиёсатчи сифатида бу “чет” таъсирни Рим давлатчилиги ва ҳуқуқий амалиёти анъаналари, бу ердаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг ўзига хос тарихи билан уйғун ҳолда бўлишига катта эътибор берган. Ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Цицерон таълимотида давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги янги, оригинал қарашлар билан бойиган.

Цицерон давлатни халқнинг умумий иши сифатида баҳолайди. У: “халқ одамларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки манфаатлар умумийлиги ва ҳуқуқ масаласида ўзаро келишувга эришган кўпчиликнинг йиғиндисидир”, дея тарифлайди. Шу тарзда давлат, Қадимги Юнонистонда шаклланган назарияларида кўзда тутилганидек, фақат ўзининг озод аъзоларининг умумий манфаатлари ифодасигина бўлиб қолмай, айтиш мумкин бу аъзоларнинг келишилган ҳуқуқий муносабатлари, маълум бир ҳуқуқий тузилма, умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида намоён бўлади. Цицерон давлат ҳақидаги бундай тасаввурлари билан кейинчалик майдонга келган кўплаб, назарияларнинг ҳатто “ҳуқуқий давлат” ғоясигача бўлган назарияларнинг ибтидосида туради. Цицерон фақат одамларнинг ожизлиги ва қўрқувини (Полибий ғояси) эмас, балки уларнинг туғилгандан бирга яшашга бўлган эҳтиёжларини давлат келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида кўрсатиб берган.

Цицероннинг оилани жамиятнинг дастлабки бўғини сифатида талқин қилиши Арастунинг таъсирида рўй берган. Цицерон талқинига кўра, оиладан кейинчалик табиий йўл билан давлат пайдо бўлади. Цицерон давлат ва мулкнинг алоқадорлигини таъкидлайди ва стоик Панатиянинг, давлат пайдо бўлишининг сабаби мулкни ҳимоя қилишдир, деган фикрларига қўшилади.

Қадимги Юнонистон мутафаккирлари анъаналарига амал қилган Цицерон давлат тузумининг турли шакллари таҳлил қилишга катта эътибор қаратади. У бошқарувчилар микдорига кўра бошқарувнинг учта оддий шаклини ажратиб кўрсатади, булар: подшоҳлик ҳокимияти, оптиматлар (аристократлар) ҳокимияти, халқ ҳокимияти (демократия).

Бу шаклларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Подшоҳлик ҳокимиятида одамлар қонун ва қарорлар қабул қилишдан узоқлаштирилган, оптиматлар бошқарувида ҳам халқ ўз эркидан маҳрум қилинган. Демократияда эса барча тенг, аҳолининг ижтимоий ҳолатида табақаланиш йўқлиги сабабли у адолатсиздир, деб тушунтиради Цицерон.

Цицерон: “Ўз марҳамати билан подшоҳлик, — донишмандлиги билан оптиматлар, эркинлиги билан халқ бизни ўзига тортади”,-деб ёзади. Цицероннинг фикрича, санаб ўтилган бошқарув шакллариининг ижобий жиҳатлари давлат бошқарувининг аралаш (ва шу сабабли ҳам энг яхши бўлган) шаклида жамланмоғи даркор. “Давлатда,-дея таъкидлайди Цицерон,-шоҳона илғорлик бўлиши керак, бир қисм ҳокимият бошчилик қилувчи илғор кишиларга, бир қисми халқ ҳукмига топширилмоғи лозим”. У ёки бу томонга оғишлар рўй бермаслиги учун “магситратларда ҳокимият, бошчилик қилувчиларда таъсир, халқда эрк етарли бўлиши учун мажбуриятлар ва ваколатларни тенг тақсимлаш” зарурлигини уқтиради Цицерон.

У бундай давлат тузумининг энг муҳим томони давлатнинг мустаҳкамлигида ва фуқароларнинг ҳуқуқий тенглигида деб билади.

Цицерон ўз ижодида ва амалий сиёсий фаолиятида (квестор, сенатор, консул сифатида) изчил равишда сенаторлик республикасини ёқлаб чиқди ҳамда алоҳида шахслар ва ҳарбий диктатура режимига қарши курашди. У республика анъаналарини ҳимоя қиларкан, Рим фуқаролари барча табақаларининг “умумий тартиб” доирасида “умумхалқ келишуви” шиорини кўтариб чиқди.

Цезарнинг шахсий яккахокимлигининг ўрнатилишини у, “республика туни”, “давлатда эркинликнинг барҳам топиши” ва тирания, деб баҳолади. Цицерон ҳаётининг сўнгги йиллари ҳарбий диктатура ва янги триумвирларнинг (Антоний, Октавиан, Лепидларнинг) пайдо бўлган хавфига қарши кураш билан ўтди. Триумвирлар ғалабасидан сўнг, яъни эрамиздан аввалги 43 йил 7 декабрда Цицерон триумвирлар тарафдорлари томонидан қатл қилинди.

Табиатга, унинг қонунларига мурожаат қилиш Цицероннинг ҳуқуқий назариясига хосдир. Табиий ҳуқуқ борасидаги қарашларида у Афлотун, Арасту ва стоикларнинг таъсирида бўлади. Табиий ҳуқуқнинг асосий тамойили бўлган адолатнинг асл моҳиятини у “ҳар кимга ўз ажрини бериш ва улар орасида тенгликни сақлаш”да кўради. Цицероннинг фикрича, табиий ҳуқуқ бошқа ҳар қандай қонунлар яратилишидан, давлатлар пайдо бўлишидан олдин вужудга келган. Инсонлар яратган қонунларнинг табиат қонунларига мос келиши ёки мос келмаслиги уларнинг адолатли ёки адолатсизлиги мезонидир.

Цицерон табиий ҳуқуқни инсоний қонундан фарқлаш билан бирга, инсоний қонунларнинг ўзини хусусий ва оммавий ҳуқуқга ажратади. У халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариш зарурлиги ҳақидаги тамойилни шакллантиришга ҳам муваффақ бўлади.

Цицерон урушнинг тинч музокаралар натижа бермагандагина йўл қўйиш мумкин бўлган мажбурий чора эканлигини махсус таърифлайди. Шунинг учун ҳам у адолатли урушнинг сабаби давлатни ҳимоя қилиш зарурияти бўлса, унинг мақсади — тинчлик ўрнатиш деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, Цицероннинг мероси, унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти инсониятнинг кейинги маданиятига, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари ривожига улкан ҳисса қўшди.

3.Рим юристларининг: ҳуқуқшунослик фанларининг ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида. Гай, Папиниан, Павел, Ульпиан, Модестинларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Қадимги Римда ҳуқуқ билан шуғулланиш дастлаб қоҳинларнинг бир тури бўлган понтификларнинг иши бўлган. Дунёвий ҳуқуқшунослик Гнея Флавия номи билан боғлиқ. Флавия таниқли давлат арбоби Аппия Клавдия Цеканинг мирзоси бўлган ҳамда у ўз хўжаси тузган ҳуқуқий жараёнларда ишлатиладиган ҳуқуқий қоидалар тўпламини ўғирлаб олиб, эълон қилган. Бу тўплам кейинчалик Флавиянинг фуқаролик ҳуқуқи дея ном олган.

Эрамиздан аввалги 253 йилда плебейлардан чиққан биринчи олий понтифик Тиберий Корункий шогирдлари олдида ҳуқуқий масалаларни ошқора муҳокама қила бошлаган ва бу билан у ҳуқуқшуносликни оммавий ўрганишга асос солган.

Эрамиздан аввалги II аср бошларида Секст Элий Пет Флавия тўпламини янги қоидалар, яъни даъво қоидалари билан тўлдирди. У XII жадвал Қонунларини ҳам ҳуқуқшунослар шарҳи ва даъво қоидалари билан тўлдирган ҳолда нашр этди.

Эрамизгача II аср бошларида ҳуқуқшунослик, хусусан фуқаролик ҳуқуқи борасида М. Манилий, П. Муций Сцевола ва М. Юний Брут самарали фаолият кўрсатдилар. Ҳуқуқий масалалар қуйидаги соҳаларни қамраб оларди:

- 1.Одамларнинг юридик саволларига жавоблар;
- 2.Битимлар тузишда тавсия қилиш ва ёрдам бериш;
- 3.Судда ишларни ҳал қилиш учун формулалар ишлаб чиқиш;

Рим ҳуқуқшунослиги республиканинг охириги давларида, хусусан, империянинг дастлабки икки ярим асрида ўзининг энг юқори ривожланиш даражасига етди. III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, императорнинг қонуний ҳокимиятга эга бўлишидан сўнг рим ҳуқуқшунослигининг ривожланиши пасая бошлади. Тўғри, классик даврда

юристарнинг аҳволи ҳурмат эътибори янги даврда ҳам сақланиб турди. Худди мана шу классик даврда яшаган машҳур ҳуқуқшунослардан Гай, Панминак, Павел, Ульпиан, Модестинларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ҳуқуқшуносларнинг вазифаси хусусий шахсларнинг ҳуқуқий саволларига жавоб бериш, олди-сотди келишувларида керакли қоидаларни ошкор қилиш ва қўмаклашиш, суд ишларида керакли қоидаларни маълум қилишдан иборат бўлган. Мавжуд ҳуқуқий манбаларга суянган ҳуқуқшунослар ишларни ҳал қилишда мавжуд қонунларни адолатга мувофиқ келиш-келмаслигини талқин қилишган, бу борада ноаниқликларга дуч келинганда эса эски меъёрларни адолатли ҳуқуқ ҳақидаги янги тасаввурлар асосида янгилаб боришган.

Рим ҳуқуқшунослиги республиканинг сўнгги даврида, айниқса империянинг дастлабки икки ярим асри давомида гуллаб-яшнаган. Дастлабки императорлар таъсири бениҳоя улкан бўлган ҳуқуқшуносликнинг қўллаб-қувватланишига эришишга ҳаракат қилишган, имкони бўлса, уни ўз манфаатларига бўйсиндиришга интилишган. Шу ниятда император Август таниқли ҳуқуқшуносларга император номидан махсус жавоб ёзиш ҳуқуқини берган. Бундай жавоблар катта нуфузга эга ҳисобланган, вақт ўтиши билан улар судлар учун мажбурий кучга эга бўлиб борган.

Ўша даврдаги кўплаб машҳур ҳуқуқшунослар орасида Гай (II аср) ва II—III асрларда яшаган Папиниан, Павел, Ульпиан, Модестинлар айниқса шухрат қозонишганди. 426 йилда Валентин III махсус қонун билан шу беш ҳуқуқшуноснинг қоидалари қонуний кучга эгаллигини белгилаб қўяди.

Рим ҳуқуқшунослари фаолияти асосан ҳуқуқий тажриба ва амалдаги меъёрларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Шу билан бирга улар ўзларининг алоҳида ишлар юзасидан шарҳ ва жавобларида, шунингдек, илмий асарларида бир қатор умумназарий қоидаларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди. Умумҳуқуқий тамойил ва таърифларни ифодалашга Рим ҳуқуқшунослари жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишган. I—II асрларда яшаган ҳуқуқшунос Яволеннинг: “Фуқаролик ҳуқуқида ҳар қандай таъриф хавфлидир, чунки у (таъриф) инкор қилинмайдиган ҳоллар жуда кам”, деган мулоҳазалари асосида “ҳар қандай таъриф хавфлидир” деган машҳур ибора келиб чиққан. Умумий қоидаларни ифодалашдаги бундай эҳтиёткорликнинг сабаби шунда эдики, ҳуқуқшуносларнинг бу хил ифодалари умумий ҳуқуқий қоидалар (ҳуқуқий меъёр, қоида ва тамойил) мавқеига эга бўларди. Бу борада Павел шундай дейди: “Қоида – мавжуд нарсанинг қисқача ифодаси; ҳуқуқ қоидадан эмас, балки қоида мавжуд ҳуқуқдан келиб чиқади”.

Рим ҳуқуқшунослари талқинида табиий ҳуқуқ улар тан олувчи барча ҳуқуқ турлари каби амалдаги ҳуқуқга тегишли ва унинг ўзига хос таркибий қисмидир. Бу ҳол Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқ ҳақидаги турли хил таърифлари ва турларга бўлишида яққол намоён бўлади. Масалан, Ульпиан ҳуқуқларни оммавий (“Рим давлати ҳолатига тегишли ҳуқуқ”) ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ (“алоҳида кишилар манфаатларига тегишли ҳуқуқ”) турларига ажратар экан, ўз ўрнида хусусий ҳуқуқ уч қисмга бўлинишини куйидагича кўрсатиб ўтган: “Чунки у табиий ҳуқуқдан, халқлар томонидан яратилган ҳуқуқдан ёки фуқаролар ҳуқуқидан тузилган”.

Ҳуқуқнинг турли қисмлари бир-бирига алоқодорлиги, уларни том маънода ажратиб бўлмаслиги ҳақида Ульпиан шундай дейди: “Фуқаролик ҳуқуқини табиий ҳуқуқдан ёки халқлар ҳуқуқидан ажратиб бўлмайди. Агар биз умумий ҳуқуққа нимадир қўшсак ёки олсак, биз ўз ҳуқуқимизни, яъни фуқаро ҳуқуқини яратган бўламиз”.

Халқлар ҳуқуқи, Ульпиан нуктаи назарига кўра, табиий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида намоён бўлади: “Халқлар ҳуқуқи – барча инсоният фойдаланувчи ҳуқуқдир; уни табиий ҳуқуқдан осон фарқлаш мумкин, табиий ҳуқуқ барча жонзотлар учун умумий, иккинчиси эса фақат одамларнинг ўзаро муносабатларигагина хосдир”. Бу ўринда улар ўртасидаги фарқ моҳиятига ёки хусусиятларига кўра эмас, балки улар таъсир қилувчи субъектларга кўра фаркланади.

Рим ҳуқуқшуносларининг табиий ҳуқуқни умумий ҳуқуқ доирасига киритганлари уларнинг, ҳуқуқ, энг аввало, адолатли кўринишдир, деган тасаввурларига айнан мувофиқ келарди.

“Хуқуқни ўрганувчи,- дейди Ульпиан, аввало, ҳуқуқ сўзи қаердан келиб чиққанлигини билиши керак; у адолат, ҳақиқат деган сўздан пайдо бўлган, Цельс қойил мақом қилиб таърифлаганидек, ҳуқуқ билим ва қобилиятни амалга ошириш санъатидир, эзгулик ва тенгликдир”. Ульпианнинг ғоясига кўра, ҳуқуқ ва адолат ҳар кимга ўз ҳуқуқини бериш йўлидаги муттасил ирода (ҳаракат) дир. Бу тарздаги умумий қарашдан Ульпиан қуйидаги батафсил “ҳуқуқ фармойишлари”ни келтириб чиқаради: “ҳалол яшаш, бошқаларга зарар етказмаслик, ҳар кимга ўз ҳаққини бериш”.

Папиниан қонунга қуйидагича таъриф беради: “Қонун — фармойиш, донишмандлар қарори, билиб-билмай қилинган жиноятларга барҳам бериш, давлатнинг умумий аҳдидир”. Ушбу таърифда қонуннинг келажакда муомалага кирадиган умумий императивлиги, ижтимоийлиги, давлат аҳамиятига моликлиги сингари хусусиятлари таъкидланади. Қонуннинг шунга ўхшаш тавсифи Марцианда ҳам учрайди. У Юнонистонлик нотик Демосфеннинг қуйидаги таърифига қўшилади: “Қонун турли сабабларга кўра, энг муҳими, барча қонунлар тафаккур маҳсули ва худонинг инъоми, донишмандлар қарори ва жиноятларга барҳам берувчи, жамиятнинг умумий келишуви бўлгани учун ҳам барча бўйсунадиган асосдир”.

Хуқуқшунос Модестин: “ҳуқуқнинг фаолияти амр этиш, таъқиқлаш, жазолаш”, деб кўрсатади. Цицерон руҳсат этиш ва таъқиқлаш ҳақида фикр билдирса, Квинтилини тақдирлаш, чеклаш, жазолаш, таъқиқлаш хусусида мулоҳаза юритган. Бунда ҳуқуқий императивликнинг бу хил турларга ажратиш адолатли ҳуқуқ ҳақида гап боргандагина мазмунга эга бўлиши назарда тутилган. Масалан, Павелнинг фикрича: “ҳуқуқнинг асл ибтидосига зид қабул қилинган нарса (қонун) оқибатни келтириб чиқармайди”. Яъни нимаки ҳуқуқий тамойилларга зид экан, демак, у юридик кучга эга бўлмайди. Юлиан ҳам шундай фикрни ривожлантирган.

Хуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуқ турларига бўлиш Рим ҳуқуқий таълимотининг муҳим ютуғи ҳисобланади. Оммавий ҳуқуқ соҳасида Рим ҳуқуқшунослари авлиёлар ва қоҳинларнинг ҳуқуқий аҳволи, давлат идоралари ва мансабдор шахслар ваколатлари, ҳокимият, фуқаролик, давлат ва маъмурий ҳуқуқнинг бир қатор институтлари тушунчаларини ишлаб чиқишган.

Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида Рим ҳуқуқшунослари мулк, оила, васийлик, шартнома, шахс мақоми сингари муаммоларни кенг таҳлил қилишган. Уларнинг мулкчилик муносабатларини ишлаб чиқишлари хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ўта синчков саъй-ҳаракат сифатида билан ажралиб туради. Рим ҳуқуқига кўра, ҳайвонлар ва бошқа моддий буюмлар қаторида қуллар ҳам мулк объектлари қаторига киритилган.

Рим ҳуқуқшуносларининг ижодлари кейинги ҳуқуқий таълимотлар ривожига катта таъсир кўрсатган. Бунга сабаб Рим юриспруденциясининг ҳуқуқий маданияти юқори, таҳлиллари ишонарли, талқинлари аниқ, ишланган умумназарий, тармоқ муаммолари доираси жуда кенг эди.

Хуқуқшуносликнинг қатор фундаментал қоидаларини мустақил фан даражасида ишлаган Рим олимларининг эришган натижалари ҳозирги кунга қадар замонавий тадқиқотчиларнинг диққат-марказида турибди. Бу тушунарли ва табиий ҳол бўлиб, жуда кўплаб замонавий тушунчалар, атамалар ва ҳуқуқий қурилмаларнинг яратилиши тарихи Рим ҳуқуқи ва Рим ҳуқуқшунослари фаолиятига бориб тақалади.

Рим ҳуқуқшуносларининг фаолияти асосан ҳуқуқ амалиётида мавжуд бўлган эҳтиёжларни қондириш, мавжуд ҳуқуқий нормаларни ўзгариб турувчи вазиятга мослаштириб боришга қаратилган эди. Улар шу билан бирга берилган саволларга қайтарилган жавобларда, конкрет ишлар муҳокамасида бир қатор назарий масалаларни ҳам ишлаб чиқдилар. Рим ҳуқуқшунослари анчагина тушунчаларга аниқлик киритдилар. Ўша вақтнинг тили билан айтганда амалий ҳуқуқ нормалари, оддий ҳуқуқ, қонун, магистрантлар, император конституцияси ва бошқа соҳалар шаклланди.

Табиий ҳуқуқ амалий ҳуқуқ учун асос бўлиб қолаверди. Ульпианнинг халқлар ҳуқуқларига табиий ҳуқуқларнинг бир қисми сифатида олиб қаралади. Уларнинг

одамларга таъсири ўртасида фарқлар бўлган. Ана шулардан қилинган хулосаларга кўра жамиятда никоҳ, болалар тарбияси ҳам табиий ҳуқуқ таъсири остида шаклланиб боради. Ҳуқуқшунос Гайнинг қарашлари ҳам шунга ҳамоҳанг. Умуман ҳуқуқ борасидаги турли ҳолатлар, хусусиятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг моҳиятини Павел изчилроқ ифодалаб берди. У ҳуқуқнинг турли қисмлари ҳақида эмас, балки ягона бир бутун бўлган ҳуқуқнинг ўзаро боғланган кўринишлари ҳақида фикр юритиш керак деб ҳисоблайди.

Умуман рим юристларининг аксарияти ҳуқуқнинг бир бутунлигини тан олиб, унинг турли тушунчаларини конкрет изоҳлаб берганлар. Жумладан зарурият адолатли ҳуқуқнинг муҳим томони, ҳуқуқнинг барча кўринишлари ва йўналишларига ҳос бош хусусиятдир. Зарурият адолатга асосланади, ундан келиб чиқади. Қадимги рим ҳуқуқшуносларининг юқоридаги талаблари ҳуқуқнинг барча соҳаларига тегишли бўлиши билан бирга конкрет қонунларга ҳам тегишлидир. қонунлар ҳуқуқ нормаларининг изчил, қатъий ишланган шакли сифатида қаралади.

Рим ҳуқуқшунослари фаолиятига стоикларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Улар мана шу таъсир остида кўплаб ҳуқуқий масалаларни, хусусан бурч масаласини ҳар томонлама тасвирлаб бердилар. Табиий ҳуқуқ, қонунларнинг ғоявий асосларини ташкил қилиши ҳақидаги фикр ҳам диққатга сазовор. Ҳуқуқшунос Модестиннинг кўрсатишича, ҳуқуқнинг вазифаси руҳсат этиш, ман этиш, жазолашдан иборат. Албатта бу талаблар ҳар қаерда ҳар хил бўлиб, асосан императив ҳуқуқ нормаларини акс эттиради. Юлиан ҳам худди шу фикрни ифодалайди.

Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқнинг умумназарий моҳиятини чуқур тадқиқ этиш билан барча амалий ҳаётдаги ҳуқуқий нормаларнинг таъсири, уларга қай тарзда асосланиш зарурлиги ва бошқа хусусий масалаларни анмқ конкрет мисоллар асосида характерлаб бердилар. Ижтимоий ҳуқуқ нормалари ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқилди. Давлат органларининг ваколатлари, мансабдор шахслар, ҳокимият, фуқаролик тушунчалари ва давлат ҳамда маъмурий Ҳуқуқнинг кўплаб масалалари ёритиб берилди.

4.Христиан динининг пайдо бўлиши. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар.

Эрамининг бошларида Рим империяси ҳудудида умумий тенгликни ва одамлар эркинлигини тарғиб қилувчи христиан дини пайдо бўлади. Илк христианлар барча бойлар ва ҳукмрон табақаларга тавқи-лаънат ёғдиришади, Рим тартибларини қаттиқ танқид қилишади, хусусий мулкни, одамларни бой-камбағалга, озод ва қулларга бўлишни инкор қилиб чиқишади, ўз мулкларини ўзлари мансуб секталар ва черковлар ихтиёрига ўтказишади.

68-69 йилларда яратилган “Иоанн Богослав ваҳийлари”да (“Апокалипсисда”) “йўлдан озган” Римнинг ҳалокати башорат қилинади. Унда Рим “барча халқларга ўз бузуклигининг қаҳрли шаробини ичирди ва ер подшоҳлари у билан ҳузурланди, савдогарлари унинг буюк ҳашаматидан бойидилар” дейилади. Камбағалларга ҳамдardлик ва бойларни танқид қилиш руҳи “Луки юборган Евенгалие” (“Евенгалии от Луки”)да ҳам яққол намоён бўлади, шунга кўра унда: “ҳузур-ҳаловатга зор-интизорлар, энди, тўйгайсиз... Вале, сизга мусибат, бойлар! Чунки сиз ўз овунчингизни олиб бўлдингиз”, дейилади. Бойларга қарши кескин муносабат “Апостал Иаковнинг Собор мурожаати”дан ҳам ўрин олган.

“Муқаддас апостоллар фаолияти”да маълум қилинишича, илк христиан жамоаларида ҳеч ким ўз мулкига эга бўлмаган, “уларда ҳамма нарса умумий бўлган”, жамоа аъзолари ҳаёти учун лозим бўлган нарсаларни “ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб” ўртада тақсимлашган. Мулкчилик, меҳнат ва тақсимлаш масалаларига ёндашишда илк христианлар барчанинг меҳнат қилиш мажбурияти ва ҳар кимнинг меҳнатига яраша тақдирланиши тамойилларини тарғиб қилишган. Бу талаблар: “ҳар ким қилган ишига яраша мукофатланади”, “Ишламаган, тишламайди”, деган қоидаларда ифодаланган.

Худонинг “эркинлик қонуни”га суянган илк христианлар янги дин нуқтаи назаридан ва талабларидан келиб чиқиб, ўзларининг аввалги табиий-ҳуқуқий ғоялари ва тасаввурларидан ижодий фойдаланишган. Бунда барча кишиларнинг тенглиги ва инсонлараро муносабатларда бу тенгликка риоя қилиш тамойилига катта эътибор берилган.

Илк христианликнинг ҳуқуқий мафкурасининг бир қатор қоидалари ана шу тенгликка бағишланган: “(Ўзгаларни) қандай суд қилсангиз, (ўзингиз ҳам) шундай судланасиз”; “Қандай ўлчовда ўлчасангиз, сизни ҳам шундай ўлчовда ўлчашади”.

Кишилар эрки ва тенглиги дини сифатида дунёда христианликнинг пайдо бўлиши ва ўрнатилиши дунёнинг янгиланишида зўр омил бўлди ва кейинги тарихий тараққиётга катта таъсир кўрсатди. Аммо янги диннинг реал амалиёти ва турмушдаги натижалари илк христианлар тасаввур қилгандан кўра бошқачароқ бўлиб чиқди. II асрга келгандаёқ христиан жамоаларидаги ҳаёт анча ўзгаради. Жамоа раҳбарларининг ҳокимияти кучаяди, улар ўртасида алоқалар мустаҳкамланади, шу тарика черков бюрократияси (руҳонийлар) шаклланади. Бир пайтнинг ўзида расмий диний таълимотлар ҳам шаклланиб боради. Черков ҳар қандай ҳокимиятнинг илоҳий хусусиятига урғу бера бошлайди, ҳокимиятга бўйсунуш лозимлигини тарғиб қилади, зўравонликка қарши чиқишни қоралайди.

Ҳатто, биринчи апостол Павел ўзининг “Римликларга мурожаат”ида шундай деганди: “ҳар қандай зот юқори ҳокимиятга бўйсунмоғи шарт; чунки худо бермаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятлар худо томонидан ўрнатилгандир. Шу боис ҳокимиятга қарши бўлганлар худо иродасига қаршидирлар”. Павелнинг таъкидлашича, “бошлиқ худонинг хизматқоридир”, шунинг учун унга “жазодан кўрққандан эмас, виждонан бўйсунуш лозим”.

Черков иерархияси, епископлик ва ягона черковнинг шаклланиш жараёни, христианликни қонунийлаштириш “асл” диний таълимотдан чекинган турли хил оқимлар ва секталарга қарши кескин курашлар воситасида кечган. Бундай оқим ва секталар тарафдорлари, жумладан Кичик Осиёдаги “монтанчилар”, Шимолий Африкадаги “агонистлар” илк христиан ғояларини тезроқ амалга ошириш, қулдорликни, хусусий мулкни ва кишилар тенгсизлигини барҳам топтириш тарафдорлари сифатида майдонга чиқдилар.

Шаклланиб ва мавқеи кучайиб бораётган христиан черкови бундай курашлар чоғида расмий ҳокимият сиймосида кўпинча ўз иттифоқчисига эга бўларди. Тўғри, II—III асрларда черковнинг ўзи ҳам ярим яширин ҳолатда эди, қолаверса кўп ҳолларда христианлар қувғинга ҳам учрар эдилар. Лекин 311 йилдаёқ христианлик Римдаги тенг ҳуқуқли динлардан бирига айланиб улгурган эди. 324 йилда эса христианлик давлат дини мақомига эришганди. Бу даврга келиб христианликнинг расмий доктринаси шаклланган бўлиб, христианлик мафкурасининг кўзга кўринган вакилларида бири Аврелий Августин эди.

Қадимги Рим ҳуқуқий қарашлари фақатгина дунёвий бўлмасдан диний қарашлар ҳам таъсир кўрсатган. Августин Аврелиан томонидан (354-430) берилган қарашлар узига хосдир. Бу қарашлар Христиан черковининг идеалогиясига асосланган. Унга кура худо инсонларнинг ҳуқуқларини белгилаб қуйган. Инсонлар гуноҳлари учун қўлга айланадилар ва бу билан жазоланадилар. Августин ҳукмдорларни адолатли бўлишга ва худонинг хохишини бажаришга чақиради.

Антик даврни христианлик даври билан боғлаган дастлабки буюк теологларида бири Августин эди (354-430). У Платон фалсафаси ва Цицерон асарлари билан танишади. Унинг томонидан христиан фалсафасининг асоси ишлаб чиқилган. Августиннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари «Худо шахри» ва «Эркнинг озодлиги ҳақида» асарларида баён қилади.¹

У «Худо шахри» асарида икки шахар яъни Замин шахри ва Худо шахри ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқади. Августиннинг фикрича, инсон худо яратган энг улуғ мавжудотдир. Инсоннинг ички дунёси турли – хис – туйғулар, ирода, истакларнинг кураш майдони бўлиб, паноҳ топишга бўлган истак соҳасидир. Инсон худонинг марҳаматига ёрдамга муҳтождир.²

Августин Худо шахри ва замин шахри ўртасида қарама қаршилик шаклида қуради. Ҳар бир индивидуал ҳаёт паноҳ ва гуноҳ ўртасида кураш майдони бўлгани сингари, тарих ҳам эзгулик ва гуноҳ «подшолиги» ўртасида кураш майдонидир.

Черков маълум маънода Худо «подшолиги»ни, Империя эса замин «подшолиги»ни ифодалайди. Августин замин подшолиги бўлишини зарур ва шарт эканлигини айтади.³

¹ История политических и правовых учений. Под ред. В.С.Нерсисянца ..НОРМА-ИНФРА. М. Москва, 1999.102- бет.

² История политических и правовых учений. Под ред. В.С.Нерсисянца ..НОРМА-ИНФРА. М. Москва, 1999.103- бет.

³ История политических и правовых учений. Под ред. В.С.Нерсисянца ..НОРМА-ИНФРА. М. Москва, 1999.103- бет.

Ер подшолиги ҳуқумдорлари Худо томонидан тартиб сақлаш учун тайинланади. Ҳалқ, Худонинг иродасига бўйсунishi шарт бўлгани боис, бу ҳуқмдорларга ҳам бўйсунишга мажбур бўлади. Дунёвий подшолик одамлардаги ёвузликни Худо подшоҳлигисиз (черковсиз) бартараф қила олмайди. Христианлик давлатининг барчаси аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам папанинг, ҳам императорнинг фуқароларидир, дейди Августин.

Августин епископ Амвросийнинг черковнинг давлат устидан раҳбарлик қилиши билан боғлиқ қарашларини ривожлантириб, ҳуқуқни черковнинг ёрдами билан тушунтириш давлат учун қулай эканлигини айтиб ўтади.¹

Шундай қилиб, Рим католик черкови томонидан Августининг қарашларига катта эътибор қаратилган. Унинг қарашлари христиан–теологик концепциясининг ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатган.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

- 1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
2. Мухитдинова Ф.А.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2006.-306 б.
- 3.Мухитдинова Ф.А. Siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – 295 б.
- 4.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар: Гай, Папиан, Павел, Ульпиан, Модестин, Сенека, Эпиктет, Цицерон, Пандект, «Ўн икки жадвал қонуни», Юстиниан қонунлари, неотомизм, Фома Аквинский, Августин.

Назорат саволлари

- 1.Рим тарихи неча даврга бўлинади?
- 2.Рим ҳуқуқининг кенг қамровли кодификациясини ким амалга оширган?
- 3.Пандект нима?
- 4.Рим фуқаролик ҳуқуқи манбаларини айтинг.
- 5.Принципат даврида Рим юристлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари қайсилар?
- 6.Қадимги Рим ҳуқуқининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган омиллар қайси?

Тест саволлари

- 1.Қадимги Римда биринчи император конституцияси ким томонидан жорий этилган?
А.Гай Туллий
В.Нерон
С.Ульпиан
Д.Цезарь
Е.Адриан
- 2.Қайси император давридла кенг қамровли қонунлар кодекслаштириш амалга оширилади?
А.Юстиниан
В.Цезарь
С.Ульпиан
Д.Октавиан Август
Е.Папиан

¹ История политических и правовых учений. Под ред. В.С.Нерсисянца ..НОРМА-ИНФРА. М. Москва,1999.107- бет.

3. Христиан дини Рим ҳуқуқшунослик соҳасини ривожланишига кўрсатган таъсири қандай бўлган?

- А.Салбий
 - В.Ривожлантирган
 - Д.Давлат билан алоқасини узган
 - С. Ҳуқуқнинг ривожланишига тўсқинлик қилган
 - Е. тўғри жавоб йўқ
4. Қадимги Рим ҳуқуқи қандай қисмлардан иборат?
- А.Оммавий ва хусусий ҳуқуқ
 - В.Фуқаролик ва жинойт ҳуқуқи
 - Д.Мажбурият, шартнома ва жинойт ҳуқуқи
 - С.Давлат бошқаруви ва халқ бошқаруви
 - Е. Оила, мулк, шартнома ва жинойт ҳуқуқи

5-боб. Ўрта асрларда Ғарбий Европада сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.

XVII асрда Голландияда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар (4)

1. Ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари ҳақида.

2. Фома Аквинскийнинг диний, сиёсий қарашлари.

3. Н.Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.

4. Ж.Боденнинг давлат ва мустақиллиги суверенитет ҳақидаги гоялари.

5. Европадаги XVII аср инқилобларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада ақс этиши. Табиий ҳуқуқ назариясига умумий тавсиф

6. Гуго Гроцийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.

7. Спинозанинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари.

8. Томас Гоббснинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

9. Европа утопистларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

1. Ўрта асрларда Ғарб Оврўпа мамлакатларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари ҳақида.

Ўрта асрларда Ғарбий Европа сиёсий ҳаётига, жамиятига янги ўзгаришлар олиб келди. Инсон муаммоси, шахснинг давлат ва жамиятда тутган ўрни ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини сиёсий қарашлардан ақс этишини кузатиш мумкин. Сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг бундай йўналиши инсонпарварлик ғояси билан боғлиқдир. Бу йўналиш уйғониш даври билан бир вақтда пайдо бўлди.

Бир қатор гуманистларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида халққа нисбатан ишончсизлик, халқни турли қўзғолонларга бўлган муносабатини қоралайдилар.

Сиёсий-ҳуқуқий қарашларда давлат ҳақидаги таълимотларин илоҳиётдан ажратиб тушунтириш вужудга келди. Бунинг асосида эса табиий ҳуқуқ концепцияси ривожланди. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асосида XVI асрда кучли феодал ҳаракатларга айланган лютеранлик, кальвинизм сиёсий ғоялари ётади.

2. Фома Аквинскийнинг диний, сиёсий қарашлари

Фома Аквинский (1226-1274) ўрта аср диний сколастикасининг кўзга кўринган намоёнчаси. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари "Теология мажмуи", "Хукмдорларнинг бошқаруви ҳақида", ҳамда Аристотелнинг "Сиёсат", "Ахлоқ" асарларига ёзилган изоҳларида баён қилинган.

Ҳуқуқ ва қонун муаммоларини Фома Аквинский христиан динининг инсон ва унинг ҳаёт мазмуни ҳақидаги тасаввурларига таянган ҳолда ёритади. У қадимги дунё мутафаккирларининг табиий ҳуқуқ ва адолат ғояларига, айниқса Арастунинг сиёсат ва инсон "сиёсий махлуқ" таълимотига диний нуқтаи назардан ёндошиб мурожаат қилади.

Фома Аквинский таълимотига кўра олам ва ундаги тартибнинг ижодкори Худодир. Инсон ҳаёти ва ҳаракатларининг илдизи Худодадир.

Шу билан бирга инсон ақл ва эркин иродага эга мавжудотдир. Ҳар қандай эркинликнинг илдизини ақл-идрок (интеллектуал қобилият) ташкил қилади. Инсоннинг эркин иродасини яхшиликка ундовчи барча ҳаракат Худо амрига, ақл-идрок, адолат ва яхшиликка қаратилган бўлиши керак.

Фома Аквинский бу фикрини ўзининг қонун ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотида конкретлаштиради. Қонун, - дейди у, - ҳаракатнинг маълум қондаси ва ўлчовидир. Унинг моҳияти инсон ҳаёти ва фаолиятини тартибга солишдан иборатдир. Қонун жамият аъзоларининг умумий фойдасини ифода қилиши зарур. У бевосита жамият томонидан, ёки унинг ишончига эга бўлган вакиллари томонидан жорий қилинади. Қонун эълон қилиниши шарт.

Фома Аквинский қонунларни қуйидаги туркумларга ажратади: абадий қонун, табиий қонун, инсон яратган қонун, илоҳият қонуни.

Абадий қонун илоҳий ақл-заковатнинг ифода этувчи коинотнинг умумий қонунидир. Бу қонун оламнинг мутлоқ қондаси ва тамойили сифатида табиий ва ижтимоий жараёнларнинг барчасини идора қилади ва уларни ақлга мувофиқ ривожланишини таъминлайди.

Абадий қонун умумий бўлганлиги учун ҳам барча бошқа қонунларнинг манбаъидир. Бу қонун бевосита табиий қонунда намоён бўлади. Табиий қонунга мувофиқ Худо яратган барча нарсалар, жумладан инсон ҳам, ўзининг табиий хоссаларига кўра ўз қонунларига эга ва шу қонунларга биноан ривож топади.

Инсон ўз табиатида кўра яхшилик ва ёмонликнинг ажратиш қобилиятига эга, эзгуликка интилади, яхшилик талабига мос ҳаракат қилишга мойилдир. Яъни инсон ўзининг амалий фаолиятида яхшилик қилиш ва ёмонликдан қочиш талабига амал қилади. Бошқа одамлар билан бўладиган муносабатларда инсон табиий тулма интилиш, инстинкт ва иштиёқлари билан белгиланадиган қоида ва талабаларга риоя қилади. Булар ўз жонини сақлашга тиришиш, оила қуриш ва фарзанд кўриш, бошқа одамлар билан мулоқатда бўлиш, Худога интилиш ва ҳақозолар.

Табиий қонун талабларига риоя қилиш инсон учун ақл-идрокка мувофиқ ҳаракат қилиш демакдир.

Одамларнинг жисмоний, эмоционал ва интеллектуал табиий хусусиятлари, ҳаёт шароитлари бир хил бўлмаганлиги сабабли улар табиий қонун талабларини ҳар хил тушунадилар ва тадбиқ қиладилар. Оқибатда барча учун бир хил мажбурий бўлган табиий қонун талабларига зид ҳаракатлар ҳам пайдо бўлади.

Инсон қонунининг пайдо бўлиши илдизи мана шундадир. Инсон қонуни табиий қонун талабларига асослангандагина одамларнинг муҳофаза қила олиши, инсон ҳаётининг турли шароитларига мос ҳолда қўлланиши мумкин бўлади.

Инсон қонуни мажбур қилиш санкцияси билан таъминланган ижобий қонундир, дейди Фома Аквинский. Яхши фазилатга эга одамлар бусиз ҳам ашашлари мумкин, улар учун табиий қонуннинг ўзи кифоя, лекин насихатга қулоқ солмайдиган, эътиқодсиз одамларни зарарсизлантириш учун жазо ва мажбур қилиш керак. Буни борлигидан одамлар кўрқиши керак. Шу туфайли одамларда ахлоқий фазилатлар ривож топади, ақлга мувофиқ, яхшиликка амал қилиш одатлари шаклланади.

Инсон қонуни табиий қонун талабларига мос келмаса у қонун эмас, қонуннинг бузиш, ундан четга чиқишдир. Шу фикрдан келиб чиқиб Фома Аквинский адолатли ва адолатсиз қонунларни ажратади.

Инсон қонунларининг мақсади одамларнинг умумий фойдаси, бахт-саодатига хизмат қилишдан иборат. Бу инсоний қонуннинг асосий белгиси ва сифатидир.

Инсоний қонун оддий одамлар бажариши мумкин бўлган талабаларни қўйиши, уларнинг заифлик ва камчиликларини ҳам ҳисобга олиши керак. У барча учун тенг, бир хил талаб ва жазо белгилаши, тегишли инстанция томонидан қабул қилиниши шарт. Мана шу белги ва хоссалар бўлгандагина уни ижобий қонун деб ҳисоблаш мумкин, бўлмаса у қонун адолатсиз қонундир. Уни қонун деб қабул қилиш ҳам мумкин эмас.

Фома Аквинский икки хил адолатсиз қонун ҳақида фикр юритади.

Биринчиси, агарда қонунда унга хос биронта белги бўлмаса, масалан, қонун заминига умумий фойда ўрнига, қонун чиқарувчининг хусусий фойдаси қўйилган бўлса, ёки қонун чиқарувчи ўз ҳуқуқ доирасидан чиқиб кетса ва бошқалар. Фуқаролар учун бундай қонунлар мажбурий эмас. Лекин умумий тинчликни сақлаш ва қонунбузарлик одат бўлиб қолмаслиги учун уларга риоя қилиш тақиқланмайди.

Адолатсиз қонунларнинг иккинчи турини табиий ва илоҳий қонунларга зид бўлган қонунлар ташкил қилади. Бу қонунларга риоя қилиш шарт эмас.

Диний қонунлар муқаддас кўҳна васиятномаларда ифодаланган илоҳий ҳақиқат ва қоидалар. Фома инсоний қонун-қоидаларни илоҳий қонун қоидалари билан тўлдириш зарурлигини бир неча сабабларини кўрсатади.

Биринчидан, диний қонун инсон ҳаётининг охиратини эслатиш учун керак. Инсоннинг ўзи бунга ожиздир. Иккинчидан, диний қонун одамларнинг адолат, яхши фазилят ва камчиликлар ҳақидаги мунозараларида мезон вазифасини ўтайди. Учинчидан, диний қонун инсоннинг ҳар-хил талпинишларининг тўғри йўлга солиш учун керак. Чунки руҳий ҳаракатлар инсоний қонун доирасида эмас. Тўрттинчидан, диний қонун барча ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишларни, шу жумладан инсоний қонун билан ман қилиб бўлмайдиган барча нуқсонларни тағ-томири билан тугатиш учун керак.

Фома Аквинский ўзининг қонунлар ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти билан тўлдиради. Унинг фикрича, ҳуқуқ Худо иродаси билан ўрнатилган турмуш тарзи, қоидалари ва ундаги адолат ҳаракатидир. Адолат бу ахлоқий фазилятлардан бўлиб ҳар кимга ўзига тегишлисини, қилмишига яраша олишининг ўзгармас ва доимий ифодасидир.

Умуман Фома Аквинский ҳуқуқшуносликнинг изчил ва чуқур христиантеологик вариантини ишлаб чиқди. Унинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари табиий ҳуқуқнинг томистик ва неотомистик концепцияларида ўз ривожини топди.

3.Николло Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.

Уйғониш даврининг буюк мутафаккири, сиёсий фанлар асосчиси Никколо Макиавелли (1469-1527) Флоренция республикасининг давлат секретари вазифасида 14 йил (1498-1512) фаолият кўрсатди. Флоренция республикасининг Медичилар томонидан яқка ҳукмронликни ўрнатилиши оқибатида Макиавелли давлат ишларидан четлаштирилган. Шундан сўнг унинг ажойиб асарлари сиёсий фанлар тизимида ўз ўрнига эга бўлди. Бу асарлар «Ҳукмдор», «Флоренция тарихи».

Макиавелли сиёсий-ҳуқуқий қарашларида, ўрта асрда давлатни келиб чиқиши тўғрисидаги илоҳийлаштирилган фикрларни ўрнига, давлатни пайдо бўлишининг асосий сабаби тарихий тараққиёт талаби деб тушунтиради. Бу ходисани fortuna (тақдир) деб атади.

Маклавелли сиёсий фанга янги иборани киритади. Бу ибора Stato(давлат) сўзидир. Бу сўздан кейинчалик, инглизча State, французча Etat, испанча Estado тушунчалари муомалага

киритилди. Макиавеллининг фикрича давлат-жамиятнинг сиёсий тузулишини англатади. “Сиёсат ва давлат илоҳий эмас, балки инсонлар ўз қўллари билан яратадилар ва муомалада бўлади.”- деган назарияни Макиавелли илгари сурди.

Макиавеллининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида давлат формалари тўғрисидаги фикрлар тарихийлик нуқтаи-назаридан берилган.

Давлат формалари бошқарувчиларнинг сони билан белгиланиши Макиавеллида кузатиш мумкин. Унинг фикрича давлат формалари: монархия, аристократия ва демократиядир.

Давлатнинг раҳбари Макиавеллининг ғояларига кўра: “шер ва тулкининг сифатлари эга бўлиши керак”- дейди. Макиавелли давлат формаларининг бир-бири билан солиштириб кўрди. “Қаерда тенглик қарор топган экан-дейди Макиавелли- у ерда монархияга ўрин йўқ, тенглик йўқ ерда республика тузуми бўлмайди.”¹

Макиавеллининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўз давридаги энг илғор сиёсий ғоялар эди. Сиёсатшунос сифатида унингш фаолиятидаги ёрқин қирраларни, унинг асарлари ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида кўришимиз мумкин.

4.Жон Боденнинг давлат ва мустақиллик, суверенитет ҳақидаги ғоялари.

Франциядаги давлатни марказлаштириш сиёсати охирига етказилган давр XVI аср ўрталарига тўғри келди. Бу даврда француз идеологи Жан Боден(1530-1596) қиролнинг мутлоқ ҳокимиятини ёқлаб чиқди. Ж. Боденнинг «Республика тўғрисида олти китоб» асарида давлатнинг тарихий келиб чиқиш шарт-шароитларини таҳлил қилди.

Ж. Боденнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида давлатнинг марказлаштириш ва ўша давр учун сиёсий ғояларда янги ғоя бўлган-давлат суверенитетини илгари сурди.

Боденнинг назариясида бир бутун, бўлинмас, доимий қонуний давлатнинг ҳокимиятини асослади. Суверенитет, Боденнинг фикрича давлатнинг барча фуқароларини қонун олдида тенглидир.

Боден давлат формалари орасида монархия энг маъқул давлат формасидир, фақатгина монархиядаги давлат бир бутун, доимий ва қонун билан иш тутувчи давлат бўлади. «Аристократия формасида давлат гуруҳсозликка берилиб кетган бир неча ҳокимият учун курашувчиларнинг давлат формаси»- деб таърифлайди Боден.«Демократия давлат формасининг энг ноқулай формаси»-дейди у.

Боден аралаш давлат формаси тўғрисида фикр билдириб, бундай давлат бўлиши мумкин эмас дейди. Бироқ Боден суверенитет ва бошқарув ёки ҳукуматни аралаш шаклда бўлиши мумкинлигини айтади.

Давлатнинг асосий вазифаси шундаки у фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдир. Давлат мустақиллиги фақат давлат ҳокимиятини амалга ошириш даврида ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, Боденнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги ғояси асосан юғори табақа вакиллари манфаатларини ифодалади. Ж. Боденнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўз даврининг йирик маҳсули эди.

5.Европадаги XVII аср инқилобларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада акс этиши. Табиий ҳуқуқ назариясига умумий тавсиф

XVII асрда Европада муваффақият қозона бошлаган инқилоблар, яъни жамият тараққиётида ва тафаккур ривожиди рўй берган туб сифат ўзгаришлари, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш жараёни табиийки, сиёсий-ҳуқуқий мафкурада ҳам ўз инъикосини топди. Маълумки, XVII аср бошларида Голландияда рўй берган инқилобда дастлабки ғолибона инқилоб бўлди. Шундан сўнг Англияда (1642-1649) инқилоб рўй берди. Кейинчалик Шимолий Америкада ва Европанинг бошқа малакатларида ғалаба қозongan инқилоблар ҳам XVII асрда бошланган инқилобларнинг мантикий давоми эди. Бу инқилоблар вазифалари орасида миллий мустақилликка эришиш вазифаси билан бирга, сиёсий вазифа — феодал монархияни йўқотиб, буржуа республикасини ўрнатиш вазифаси муҳим ўрин тутди.

Шунинг учун ҳам диний догматизмга, черковнинг маънавий соҳадаги диктатурасига қарши кураш айниқса ўрганилаётган давр учун хос бўлган хусусиятдир. Шу сабабли бутун

¹ История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц таҳрири остида. Москва. 1997.166-бет

Европа фалсафаси, шу жумладан сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожланишида янгича, рационал ва дунёвий ёндашув марказий ўрин тутди.

Антик давр мутафаккирлари табиий ҳуқуқ назариясининг шаклланишига асос солганлар. Улар, хусусан, Сукрот, Афлотунлар, ҳуқуқ табиатнинг ўзида, инсоннинг моҳиятида мавжуддир, деган қарашни илгари сурадилар. XVII—XIII асрларга келиб табиий ҳуқуқ концепцияси маърифатпарварлар томонидан ривожлантирилади. Ушбу назариянинг йирик вакиллари Боден, Гроций, Гоббс, Пуффендорф, Вольф ва Кантлардир. Христианликда кенг тарқалган қарашга кўра, табиий ҳуқуқ илоҳий қонун натижасида вужудга келган бўлиб, инсон табиатида у яратилгандан буён мавжуддир. Табиий ҳуқуқ, замон ва макондан қатъи назар, барча учун баробардир.

Шунга кўра табиий ҳуқуқ сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурлар тарихида кенг тарқалган таълимотлардан бири ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ — кишиларнинг табиатидан келиб чиқадиган, муайян ижтимоий шароитга боғлиқ бўлмаган тамойил, қоида, ҳуқуқлар мажмуидир. Айни чоғда табиий ҳуқуқ — ҳуқуқ тўғрисидаги бенуксон, теран ахлоқий ва юксак даражада адолатли тасаввурлар йиғиндиси ҳамдир. Табиий ҳуқуқ азалдан мавжуд сиёсий жамиятдаги жорий ҳуқуқий тизим ва ижтимоий муносабатларни баҳолаш категорияси сифатида хизмат қилган. Шу боисдан Европадаги XVII аср инқилобларида ҳам табиий ҳуқуқ муҳим аҳамият касб этган.

Умуман олганда, инсоннинг табиий ҳуқуқи билан боғлиқ тамойиллар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Табиий ҳуқуқ ва унга тегишли юридик мажбуриятлар давлатларнинг конституцияларида, энг муҳим қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб келинади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси шу жиҳатдан ибратли. Жумладан, унда шундай дейилади: “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш оғир жиноятдир”. Дарҳақиқат, Конституциямизда табиий ҳуқуқ тамойилларига асосланган кўплаб моддалар мавжуд.

6. Гуго Гроцийнинг ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимоти

Гуго Гроций (1583-1645) – машҳур голландиялик мутафаккир ва сиёсий арбоб. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги илк буржуа таълимотининг, табиий ва халқаро ҳуқуқнинг назарий асосларини яратганлардан бири.

Гроцийни шухрат чўққисига олиб чиққан асари 1625 йилда ёзиб тугалланган “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида” номли асари ҳисобланади. Ушбу асар уч китобдан иборат бўлиб, унда табиий ҳуқуқ, халқлар ҳуқуқи (халқаро ҳуқуқ) ва оммавий ҳуқуқ тамойилларига таъриф берилади. Шунингдек, Гроцийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Ўлжа ҳуқуқи тўғрисида” (1609), “Голландия ҳуқуқини ўрганишга киришиш” (1631) каби асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Гроций қарашларининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у сиёсий мавзудаги муаммоларга юриспруденция нуктаи-назаридан ёндашади ва муаммонинг ҳуқуқий жиҳатларига асосий эътиборни қаратади. Гроцийнинг таъкидлашича, юриспруденция предмети ҳуқуқ ва адолат, сиёсий фанлар предмети эса мақсадга мувофиқлик ва фойда ташкил этади.

Гуго Гроций фикрига кўра юриспруденцияга “илмий тус” бериш учун нарсаларнинг қайси асосдан келиб чиққанлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Яъни: у қабул қилиш орқали таркиб топганми ёки табиатнинг ўзидан келиб чиққанми? Сўнгисигина илмий тусга эга бўлиши мумкин. Чунки у (табиий ҳуқуқ) доимо ўзига айнан ўхшаш бўлади. Қабул қилиш орқали вужудга келган давлат қонунлари, шартномалар, халқлар ҳуқуқи ва бошқалар вақта нисбатан ўзгарувчан бўлади, турли жойларда турлича зухур этади. Шу боисдан ҳам уларни маълум илмий тизимга солишнинг имкони бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, Гроций юриспруденцияда “табиий, ўзгармас” ва “манбаи маълум ирода билан боғлиқ” қисмларни бир-биридан фарқлаш лозимлигини уқтиради. Гроций нуктаи назарига кўра, табиий ҳуқуқ чин маънодаги ҳуқуқдир. У бир вақтнинг ўзида адолат ҳамдир. Табиий ҳуқуқнинг манбаи бирор кимсанинг фойдасига, манфаати ёки иродасига боғлиқ бўлмайди. Унинг манбаи ўзаро мулоқотга мойил бўлган ижтимоий мавжудот саналмиш инсоннинг онгли табиатидан келиб

чиқади. Инсон ўзи кабилар билан ўзаро мулоқотда бўлиши, ўзи яшаётган жамият учун умумий бўлган қоидаларни билиши ва уларга оғишмай риоя қилиши керак. Ушбу умумий қоидаларга риоя қилиш эса ҳуқуқ манбаи саналади. Умумий қоидалар: бошқалар мулкига кўз олайтирмаслик, шу мулкни ва ундан олинган фойдани ўз эгасига қайтариш, берган вадаси устидан чиқиш, келтирган зарарни қоплаш ва бошқалар. Қолган барча қонунлар, шу жумладан илоҳий қонунлар ҳам ирода билан боғлиқ бўлиб, табиий ҳуқуқ тамойилларига мос келиши лозим. Худо ҳам табиий ҳуқуққа зид келадиган қонунни ярата олмайди. Чунки табиий ҳуқуқ абадий ва ўзгармасдир. Шу сабабли табиий ҳуқуқ худо томонидан ҳам ўзгартирилиши мумкин эмас.

Г. Гроций ўзининг табиий ҳуқуқ концепциясида муҳим норматив аҳамият касб этувчи юриспруденциянинг аксиоматик тизимини ҳамда алоҳида давлатларнинг ички муносабатларида ва давлатлараро муносабатларда вужудга келадиган аниқ ҳолатлар учун қўллаш мумкин бўлган умумий қоидаларни яратишга интилди. Давлатнинг ва ички давлат ҳуқуқининг келиб чиқиши табиий ҳуқуқ мавжудлиги билан боғлиқдир. Шартномаларга риоя қилиш табиий ҳуқуқ билан белгиланади. Ана шу манбадан ички давлат қонунлари яратилади. Ички давлат ҳуқуқининг яратилиши “табиий ҳолат”дан “фуқаролик ҳолати”га ўтиш тарзида таърифланади. Сиёсий соҳада ҳуқуқнинг адолат тамойилига сиёсатнинг фойда ва мақсадга мувофиқлик тамойили қўшилади. Гроций давлатни ва давлат қонунларини сиёсий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Халқаро ҳуқуқда ёки унинг таъбири билан айтганда, халқлар ҳуқуқи негизида ҳам маълум бир субъектлар иродаси ифодаланган бўлади. Шу боисдан ҳам халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиий ҳуқуқ илдизларига бориб тақалади. Халқлар ҳуқуқи давлатларнинг ўзаро келушуви натижаси ўларок, вужудга келади. Бу таърифнинг бугунги кунда қанчалик тўғри эканлиги ҳозирги давр халқаро ҳуқуқий муносабатлари моҳияти таҳлилидан ҳам кўриниб турибди. Ушбу ҳуқуқ қоидалар барча халқлар ёки уларнинг кўпчилиги иродасининг муштараклиги натижасида шаклланади ва мажбурий юридик кучга эга бўлади. Гроцийнинг таъкидлашича, табиий ҳуқуқ талабларидан келиб чиқувчи адолат ва фойданинг (ҳуқуқ ва кучнинг) ўзаро мувофиқлашуви давлатда ўзининг муносиб ифодасини топади. “Давлат, — Гроций нуктаи назарига кўра, — эркин инсонларнинг умумий фойда ва ҳуқуқа риоя қилиш мақсадида тузилган мукамал иттифоқидир”. Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Гроций давлатнинг келиб чиқиши шартнома асосида амалга ошганлиги тўғрисидаги назариянинг тарафдори бўлган.

Мулк умумий бўлган, яъни давлат вужудга келгунга қадар бўлган даврни Гроций “табиий ҳолат” сифатида тавсифлайди. Унинг таърифлашича, давлатнинг келиб чиқиши илоҳий асосга эга эмас. Давлат инсонларнинг аччиқ тажрибаси мевасидир. Алоҳида турмуш тарзини кечиришга ўрганган оилалар зулм-зўравонликлар қурбонига айланадилар. Улар ўз кучлари билан бу жабр-стамларга қарши тура олмайдилар. Натижада улар ўзлари каби бошқа оилалар билан бирлаша бориб, давлатни яратадилар. Гроций шу фикрига таянган ҳолда, давлатнинг келиб чиқиши инсонлар иродасига боғлиқ, деган хулосага келади. Унинг талқин қилишича, ўз ижтимоий мазмунига кўра давлат кўпчиликнинг озчиликка қарши келишувидир, яъни кучсизлар ва эзилганларнинг кучлилар ва қудратлиларга қарши иттифоқидир.

Олий ҳокимиятнинг моҳияти бошқа ҳеч қандай ҳокимиятга бўйсунмасликда ҳамда унинг ваколатлари ва хатти-ҳаракатлари бошқа бир ҳокимият томонидан бекор қилина олмасликда намоён бўлади. Олий ҳокимият деганда суверен ҳокимият назарда тутилади. Олий ҳокимиятнинг, яъни суверенитетнинг умумий соҳиби — (“мукамал иттифоқ” сифатида) давлатдир. Бироқ ҳокимиятга эгалик шу халқ анъаналари, одатлари ва қонунларидан келиб чиққани ҳолда бир ёки бир неча шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Гроций Арасту, Цицерон ва бошқа мутафаккирларнинг фикрларга таянган ҳолда, давлат бошқарув шакли турларини тасниф қилар экан, подшоҳ ҳокимияти, аслзодалар ҳокимияти, эркин фуқаролар жамоаси, демократик республика кабиларни келтириб ўтади. Бироқ Гроцийнинг таъкидлашича, бошқарув шакли у қадар муҳим эмас. Шу билан бирга мутафаккир тирания бошқарув шаклига ўта салбий муносабатда бўлган. Чунки, бундай давлат бошқаруви зўравонлик ва ҳуқуқий тартиботнинг йўқлигига асослангандир. У ўз

қарашларида якка ҳокимиятчилик ва аристократик бошқарув шакллари тарафдори эканлигини яққол намоён этади. Гроций олий ҳокимиятнинг халққа тегишли бўлишини инкор этмайди. Бироқ у халқнинг ҳокимият органлари фаолиятига қарши чиқа олиш ҳуқуқини қўллаб-қувватламайди. Шундай бўлса-да, Гроций, халқ бу ҳуқуқдан, маълум шартларга риоя қилгани ҳолда, фойдалана олиши мумкин, деб ҳисоблайди. Халқнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши давлатга катта зарар етказмаслиги, қўллаб бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлмаслиги лозим.

Ҳозирги давр учун ҳам долзарб бўлган мавзулардан бири — бу эркинлик ва тинчлик (инсон ҳуқуқлари ва барқарорлик) мавзуларининг ўзаро муносабати мавзусидир. Гроций бу борада тўхталиб, низоли вазиятлар юз бераётган бир пайтда жамият ва давлат ҳокимияти учун тинчлик (барқарорлик) аҳамиятлироқдир, деган хулосага келади.

Маълумки, XX асрнинг биринчи чорагига қадар, аниқроғи, Бриллиан-Келлог тинчлик пакти тузилгунига қадар уруш ҳуқуқига халқаро ҳуқуқ моҳиятини белгиловчи омил сифатида муносабат билдириб келинган. Чунки бу даврга қадар халқаро ҳуқуқ нормалари, биринчи навбатда, уруш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Гроцийнинг халқаро ҳуқуқни ривожлантиришдаги буюк хизматларидан бири шундаки, у, уруш ва ҳуқуқ бир-бирига зид бўлган ҳодисалардир, деган фикрга қарши чиқиб, урушнинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозимлигини белгиловчи назарий асосни яратади. Гроцкий уруш табиий ҳолат бўлиб, у табиий ҳуқуқ билан ҳам, илоҳий қонунлар ва давлат ҳуқуқи билан ҳам тақиқланмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Сабаби шундаки, ҳар бир инсон, шу билан бирга давлатлар ҳам бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқиб, муаллиф ҳар қандай урушларни икки турга: адолатли уруш ва адолатсиз урушга ажратади. Адолатли урушларга у бевосита субъектлар ҳуқуқлари бузилиши натижасида вужудга келган урушларни киритади. Масалан, тажовуз амалга оширилганда мудофаа қилиш, давлат бирлигини сақлаб қолиш, мулкни ҳимоя қилиш ва бошқалар. Адолатсиз уруш ҳуқуққа ҳилофдир. Гроцийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида тинчлик мавзуси устувор ўрин тутаяди. Унинг ўқитишига кўра, уруш олиб боришдан кўзланган асосий мақсад — тинчликка эришишдир.

Гуго Гроций чин маънода “халқаро ҳуқуқнинг отасидир”. Мутафаккирнинг давлатларнинг ўзаро муносабатларида тенглик, ҳамкорлик тамойилларига асосланган янги халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимини шакллантиришнинг назарий жиҳатларини яратишдаги хизматлари бекиёсдир. Гроций ўз таълимоти билан ихтиёрий равишда ўрнатиладиган ва суверен давлатлар томонидан риоя қилинишига асосланган ҳуқуқий тартибнинг ташаббускори ва даъватчиси бўлиб қолди.

7. Бенедикт Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

XVII асрга келиб Голландияда сиёсий-ҳуқуқий қарашларни ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган мутафаккирлардан бири – Бенедикт Спиноза (диний таҳаллуси — Барух)дир (1632-1677). Спиноза ўзининг “даҳшатли ёлғон таълимоти” учун яҳудийлар жамоасидан қайдалган олимдир.

У илмий билишда Декарт услубига асосланади ва ҳақиқатни билишда математик усулдан кенг фойдаланади. Унинг фикрича, фақат математик (геометрик) усул орқалигина ҳақиқатга етишиш мумкин. Унинг энг муҳим асарлари қаторига “Этика”, “Сиёсий трактат”, “Декарт фалсафаси тамойиллари” ва бошқа асарлари киради.

Спинозанинг фикрича, инсон табиатнинг бир қисми бўлганлиги боис табиат қонунлари унга ҳам тегишлидир, шу сабабли у ўз фаолияти давомида ушбу қонунларга сўзсиз риоя қилиши лозим.

Спинозанинг табиий ҳуқуққа берган таърифи “одам одамга бўри”, “барчанинг барчага қарши уруши” тезисларининг асосчиси Гоббснинг қарашларига мос келади. У ҳам Гоббс каби, табиат ва табиий ҳуқуққа мувофиқ инсонлар бир-бирларига душмандирлар, деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди. Инсонлар ва табиатдаги бошқа жонзотлар тенгдирлар, яъни улар тенг табиий ҳуқуқларга эгадирлар. Бироқ ҳуқуқларнинг мазмуни ва салмоғи турли инсонларда (ва турли жонзотларда) турлича бўлиб, уларнинг амалий (ақлий ва жисмоний) қувватларига боғлиқдир.

Инсонлар ва табиатдаги бошқа кучларнинг доимий олиб бориладиган ўзаро курашларининг бош мезони — ўз жонларини омон сақлаб қолишга интилишдир. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши бўлмайди, ҳеч ким бировнинг манфаати ва қизиқиши билан ҳисоблашмайди.

Шу билан бирга, Спиноза фикрича табиий ҳуқуқ мавжуд бўлиб, барча учун умумий ҳисобланган ҳуқуқнинг биронтаси етишмаган жойда инсонларнинг ўз жонларини омон сақлаб қолишга интилишлари, хоҳишларига эришишлари ва хавфсизликларини таъминлашлари учун шарт-шароитлар яратилмаган бўлади. Бироқ табиатнинг ўзи ва табиий зарурият инсонларга табиий ҳолатдан чиқиш ҳамда умумий шартнома орқали фуқаролик ҳолатига ўтиш усул ва йўлларини кўрсатиб беради. Аёнки, Спиноза ўз таълимотида давлат ва жамиятни бир-биридан фарқламайди.

Сиёсат тўғрисидаги таълимотларнинг заиф бўғини, Спиноза таҳлилига кўра, ушбу таълимотларда инсон табиатининг нотўғри талқин қилинганлигидадир. Сиёсат тўғрисидаги таълимотларнинг муаллифлари инсон табиатини ёритишда инсон қандай бўлса, шу тарзда эмас, балки ўзлари хоҳлаган кўринишда тасвирлаганлар. Шунинг учун ҳам бу таълимотлар ҳаётда ўзининг амалий натижасини берган эмас.

Спиноза давлатни ташкил этиш борасидаги қатор оқилона қарашларни, ғояларни инкор этади ҳамда мавжуд тажриба гувоҳлик бераётганидек, “барча турдаги давлатлар” ва бошқарув воситаларининг бош мақсади — инсонларнинг мувофиқлашган турмуш тарзини таъминлаш ҳамда уларни маълум чегараларда ушлаб туриш, деб ҳисоблайди.

Инсонлар ҳар доим, ҳар ерда ўзаро мулоқотда бўладилар ва муайян фуқаролик ҳолатида яшайдилар. Бундан Спиноза шундай хулосага келади: “давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ва табиий асосларини ақл (идрок) кўрсатмаларидан эмас, балки инсоннинг умумий табиатидан излаш лозим”.

Фуқаролик ҳолатининг ўзига хос жиҳати — олий ҳокимиятнинг мавжудлиги билан ифодаланиб, Спиноза талқинича олий ҳокимият тушунчаси орқали давлат ва унинг суверенитети тушунилади. Спиноза табиий ва фуқаролик ҳолатларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталиб, фуқаролик ҳолатида давлатнинг шартномавий белгиланган олий (суверен) табиий ҳуқуқи мавжудлигини таъкидлайди. Фуқаролик ҳуқуқи барча учун умумий бўлган ҳуқуқ ҳисобланиб, у умумий кафолат сифатида номоён бўлади ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайди, бунда жамиятнинг барча аъзолари олий ҳокимиятга бўйсунадилар. Фақат олий ҳокимиятгина эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги чегарани аниқлаш ҳамда нимани қилиши мумкину нимадан тийилиш лозимлигини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, олий ҳокимият ваколатига қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, уларни шарҳлаш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва бошқа ҳуқуқлар ҳам киради.

Донишманднинг фикрича, олий ҳокимият ҳеч қандай қонунлар билан боғлиқ бўлмайди. Бироқ унинг иродасига барча бўйсуниши ва унинг кўрсатмалари сўзсиз бажарилиши шарт.

Спиноза шартномадан кейин вужудга келадиган ҳуқуқни “хусусий фуқаролик ҳуқуқи” деб номлайди. Хусусий фуқаролик ҳуқуқи ҳам умумий ҳуқуқ каби ўз моҳиятига кўра табиий ҳуқуқ ҳисобланади. Илоҳий ҳуқуқ бундан мустасно. Хусусий фуқаролик ҳуқуқи фуқаролик ҳолати шароитида олий ҳокимият томонидан рухсат этилган индивиднинг табиий ҳуқуқидир. Индивид томонидан рухсат этилмаган бошқа табиий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши жиноят саналади. Спиноза давлат ва табаалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавзусида мулоҳаза юритар экан, уларни буйруқ тарзидаги муносабатлар сифатида номлайди.

Давлатнинг мақсадлари мавзусини ёритишда Спиноза қуйидагича ўзига хос хулосаларга келади: Давлатнинг пировард мақсади — барчани кўрқувдан халос этиш, хавфсизлигини таъминлашдир. Айниқса, давлатнинг мақсади — чин маънодаги эркинликдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Спиноза давлатнинг келиб чиқишида шартнома назариясига таянади. Шартномавий назарияга мувофиқ, олий ҳокимият ва тобелар ўртасидаги ўзаро муносабатларда табаалар ўзларига тегишли маълум ҳуқуқлардан олий ҳокимият фойдасига воз кечадилар. Шундай бўлса-да, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини тўлиғича олий ҳокимият тасарруфига топширмайдилар ҳамда ўзлари учун муҳим бўлган ва

фақат ўзларигина қарор қабул қила олиш ваколатини берувчи ҳуқуқларни сақлаб қоладилар. Агар Спиноза қарашларида куч-қудрат ва ҳуқуқ айнан ўхшаш категориялар сифатида кўриб чиқирилишини инобатга олсак, бу ҳолатнинг қанчалик муҳим эканлиги тушуниб олишимиз қийин бўлмайди.

Б.Спиноза фуқароларнинг давлатга қарши кураш олиб бориш, давлат институтлари томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларни ўзгартириш, шарҳлаш ва уларга риоя қилмаслик ҳуқуқини инкор этади. Бироқ ҳокимият идоралари томонидан табаалар ҳуқуқ ва эркинликларининг паймол қилиниши, табаалар билан тузилган шартнома шартларининг бузилиши натижасида келиб чиққан қарама-қаршилиқни Спиноза халқнинг табиий ҳуқуқи сифатида баҳолайди. Б. Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ахлоқ мавзуси етакчи ўрин тутди.

Спиноза давлат (олий ҳокимият)нинг уч шаклини кўрсатиб ўтади, булар: монархия, аристократия ва демократия. Мутафаккир демократик давлат бошқарувини қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам у монархия бошқарув шаклини таҳлил қилар экан, бир одам олий ҳуқуқ ва давлатнинг бутун қудратининг соҳиби бўла олмаслигини таъкидлайди ҳамда монарх ҳузуридаги кенгашга катта ўрин ажратилиши лозимлигини уқтиради. Давлатнинг асосий қонунларини ҳимоя қилиш, муҳим масалалар бўйича тавсиялар бериш каби масалалар бундай кенгашнинг асосий мақсади бўлмоғи лозим. Одил судловни амалга ошириш учун алоҳида кенгаш тузилиши керак бўлади.

Унинг фикрича, аристократик бошқарув шакли монархиядан афзалроқдир. Чунки давлат ҳокимияти маълум даражада сайланган шахслар қўлида бўлади. Аристократиядан фарқли ўлароқ, “олий ҳокимиятнинг мутлақ шакли” бўлган демократияда ҳукмдорнинг тайинлиниши бевосита асосий қонун қоидаларида белгилаб қўйилади.

Спиноза ўз қарашларида яна қуйидаги мулоҳазаларни ҳам илгари суради: давлатлараро муносабатларда давлатлар табиий ҳолатда бўлади ва икки давлат ўз табиатида кўра бир-бири билан душман ҳисобланади. Уруш ҳуқуқи ҳар бир давлатнинг алоҳида ҳуқуқидир. Чунки уруш фақат тинчлик барқарор бўлиши йўлида олиб борилиши лозим, токи уруш тўхтагач, бошқа қурол кўтарилмасин. Тинчлик ҳуқуқи – иттифоқдош бўлган икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳуқуқидир.

8. Томас Гоббснинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти

XVII асрда Англияда амалга оширилган инқилоб феодал тузумга қақшатқич зарба берди ва Ғарбий Европанинг илғор мамлакатларидан бирида капиталистик муносабатлар таркиб топишига кенг йўл очди. Бу инқилоб, шубҳасиз, ўша давр инглиз сиёсий-ҳуқуқий мафқураси, тафаккури, назарияси тарихида ҳам ўчмас из қолдирди.

Маълумки, Томас Гоббс (1588-1679) — буюк инглиз мутафаккири, “Фуқаро тўғрисидаги таълимотнинг фалсафий асоси” (1642), “Левиофан ёки Материя, черков ва фуқаро давлатининг шакли ва ҳокимияти” (1651) номли асарларнинг муаллифи, XVII аср инглиз сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим.

Гоббснинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари замирида инсон табиати масаласи ётади. Бироқ бу мавзунинг у бир қадар ўзгача руҳда таҳлил қилади. Унинг фикрича, инсонлар ўзларининг ақлий ва жисмоний имкониятлари бўйича тенгдирлар. Аммо улардаги қатор салбий жиҳатлар, хусусан, шухратпарастлик, очкўзлик, манманлик кабилар инсонларнинг бир-бирлари билан иноқ-иттифоқликда яшашларига тўсқинлик қилади. Шу боисдан у “одам одамга бўри” машҳур тезисини тезисини илгари суради ва жамиятда барча барчага қарши уруш ҳолатида бўлишини айтади. Гоббс бу каби ҳолатни “инсониятнинг табиий ҳолати” дея баҳолайди.

Шу билан бирга Гоббс инсон табиатида бу аянчли аҳволдан қутулишга йўл кўрсатувчи, унга туртки берувчи омиллар ҳам борлигини айтиб ўтади. Унинг фикрича, ўлимдан қўрқиш ва ўз жонини омон сақлаб қолишга интилиш ҳисси инсонларни табиий ҳолат қийинчиликларини енгиб ўтишга ундайди. Бу ўринда табиий қонунларнинг ўзи инсонларга йўл кўрсатади. Ушбу вазиятда энг муҳими тинчликка эришдир. Бу биринчи табиий қонундир. Тинчлик, хотиржамликка эришиш эса инсонлардан ўзларига тегишли бўлган маълум ҳуқуқлардан воз кечишни талаб қилади. Бу иккинчи табиий қонундир. Адолатнинг манбаи ва асоси ўз ифодасини топган учинчи табиий қонун эса шартномадан

келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилишдир. Гоббс шартномани инсониятни тинчликка етакловчи энг муҳим омил сифатида кўради. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари қатор табиий қонунларга асосланган бўлиб, уларни умумлаштирганимизда қуйидаги қоида келиб чиқади: ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма.

Давлат қонунлари (фуқаролик қонунларини) қабул қилиш орқали табиий қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Гоббс табиий ва фуқаролик қонунларини моҳиятан бир мазмунга эга бўлган тушунчалар сифатида баҳолайди. Фуқаролик қонунларининг фарқли жиҳати шундаки, бу қонунлар давлатнинг нуфузи ва қудрати билан мустаҳкамлангандир.

Гоббс давлатнинг келиб чиқиши мавзусини шартнома назариясига асосланган ҳолда ёритади. Унинг фикрига кўра, жамият аъзолари тинчликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан келишувга – муросаи мадорага эришадилар. Ушбу келишув натижасида улар жамият бошқарувини бир кишига ёки маълум бир гуруҳга топширадилар. Бу табиий ҳолатдан фуқаролик ҳолатига ўтиш ҳисобланади. Олий ҳокимият соҳиби суверендир. Шунда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Гоббс қарашларига кўра, суверен табаалар билан ҳеч қандай шартнома тузмайди, шу сабабли у табаалар олдида ҳеч қандай жавобгарлик ҳис этмайди. Табааларнинг суверен ҳокимиятига қарши чиқишлари тақиқланади.

Куч ишлатиш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш давлатнинг вужудга келишининг иккинчи шакли саналади. Муаллиф ихтиёрий келишув натижасида вужудга келган давлатни ифодалашда “сиёсий давлат” иборасини қўллайди.

Гоббс суверен ҳокимиятини бўлинмас, фуқаролик қонунларига бўйсунмайдиган мутлақ ҳокимият сифатида талқин қилади. ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ваколатлар фақат унгагина тегишлидир. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши уни инқирозга олиб келади. Чунки бўлинган ҳокимият бир-бирини йўқ қилади.

Томас Гоббс давлат вазифалари қаторида полиция-муҳофаза қилиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш, тарбиявий-маърифий фаолиятни олиб бориш кабиларни санаб ўтади.

Тобе одам фуқаролик қонунлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Гоббс ўз асарларида суверен риоя қилиши лозим бўлган мажбуриятлар тўғрисида ҳам сўз юритади. Давлат ҳокимияти фақат суверен манфаатларига хизмат қилиш учун эмас, балки халқ манфаатларини амалга ошириш учун ташкил қилингандир. Гоббс халқ фаровонлиги – олий қонун қондасидан келиб чиқади. Давлат моҳиятини ёритишда Гоббс, биринчи навбатда, ушбу давлатнинг табаалар ҳимоя қила олиш имконияти мавжудлиги омилидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Т. Гоббс давлат шаклларида у қадар катта аҳамият бермайди. Давлат шакллари қаторига у монархия, аристократия ва демократияни киритади.

Олим фикрича табиатнинг олий қонуни саналмиш ўз жонини омон сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқни суверен ҳам буза олмайди. Агарда у бу ҳуқуқни поймол этса, табаалар унга қарши қўзғалишлари мумкин. Гоббс шу орқали халқнинг суверен ҳокимиятига қарши чиқа олиш ҳуқуқини тан олади.

Томас Гоббс ўз даврининг илғор мутафаккирлари мулоҳазаларига қўшилгани ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларни таҳлил этишда диннинг ҳал қилувчи ролини инкор этади. У ўз қарашларида онг ва тажрибага суянганлиги яққол кўриниб турибди.

9.Европа утопистларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Томас Мор (1478-1535) ўзининг «Утопия» номли асарида Англиянинг сиёсий тузуми ва жамиятини танқид қилади. Томас Морнинг ҳаёлий давлат тўғрисидаги ғоялари «Утопия»да ўз аксини топади. «Утопия»даги жаимят ҳусусий мулкчиликни тўла бартараф этган ҳолда, фуқароларнинг тенглиги асосида қурилади.

«Утопия»да давлатнинг мансабдор шахслари халқ хизматидаги кишилардир. Давлат раҳбари сайланади ва у княз номи билан аталади. Мансабдор шахслар-филархлар деб аталган ва улар оилаларни раҳбарлари. «Утопия» да ахлоқий нормалар юқори баҳоланади. Мор босқинчилик юришларига қарши чиқади.

Ҳаёлий социализм ғояларини ривожлантирган шахслардан яна бири Италиялик Томмазо Кампанелла (1568-1639) ўзининг «Қуёш Шаҳри» асарида идеал жамият тўғрисидаги

фикрлар мавжуд. «Қуёш шаҳри»да хусусий мулкчилик шакли йўқ ишлаб чиқариш воситалари жамиятга қарашли, Қуёш шаҳри фуқороларининг барчаси меҳнат қилишлари шарафлидир.

Кампанелланинг таъминотида меҳнат тарбияси муҳим ўрин тутган. Қуёш шаҳрида ривожланиш бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Фан ва техниканинг ривожланиш катта аҳамият касб этган.

Қуёш шаҳрида аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат раҳбари энг донишманд ва билимли фуқародан сайланган. Давлат бошқарувчиси «Қуёш» ёки «Метафизик» диний ва дунёвий раҳбар ҳисобланган. Шундай қилиб, ҳаётий социализм ғояларининг пайдо бўлиши ўрта асрда ўзига хос ғоялар тизимига асос солган.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

- 1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
- 2.Мухитдинова Ф.А.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2006.-306 б.
- 3.Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2006.- 176 б.
- 4.Мухитдинова Ф.А. Siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – 295 б.
- 5.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар: уйғониш даври, Реформация, Николо Макиавелли, Жан Боден, суверинитет.

Назорат саволлари

- 1.Европа уйғониш даври сиёсий- ҳуқуқий таълимотларини ўзига хос хусусиятлари нимада?
- 2.Реформациянинг сиёсий- ҳуқуқий таълимотларга таъсири қандай бўлган?
- 3.Николло Макиавеллининг давлат тўғрисидаги қарашлари қайси асарида берилган?
4. Жан Боденнинг суверенитет тўғрисидаги қарашларини тушунтириб беринг.
5. «Ҳаёлий социализм» ғояларини кимлар ривожлантирган эди?
- 6.Гуго Гроцийнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари қайси асарларида берилган?
- 7.Б.Спинозанинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларида давлатнинг қандай бошқарув шакли идеал бошқарув шакли сифатида таълиф этилган?
- 8.Томас Гоббснинг энг машҳур сиёсий ва ҳуқуқий афоризмлари қайси?

Тест саволлари

1. Реформация даврида европада сессий – ҳуқуқий қарашларда нима ўзгарди?
А.Дининг давлатдан ажралиши
В. Христианликни чекланиши
С.Черковни ислоҳ қилиш
Д. Черковга қарши кураш
Е.Католицизмга қарши янги динни яратиш
2. Николло Макиавеллининг фикрича, давлат раҳбарида «қандай ҳайвонларнинг ҳислатлари бўлиши шарт» деган эди?
А. Тулки ва бўри
В. Фил ва туя
Д. Шер ва тўнғиз
С. Шер ва тулки
Е. Қуён ва бўри

3. Жон Боденнинг фикрича энг яхши давлат шакли қайси деб ҳисоблаган эди?

А. Аристократия

В. Монархия

Д. Республика

С. Империя

Е. Тирания

4. Европадаги Реформациянинг тарафдорларининг сиёсий- ҳуқуқий қарашларининг моҳияти нимадан иборат эди?

А. Динни ислоҳ қилиш

В. Динни давлатдан ажратиш

Д. Давлатнинг республика шаклини жорий қилиш

С. Ҳуқуқий давлат ўрнатиш

Е. Фуқаролик жамияти қуриш

6-боб. Европа маърифатпарварларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари

РЕЖА:

1. Вольтернинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

2. Монтескьенинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

3. Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти.

4. XVII-XVIII асрларда Германия сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари.

5. XVIII асрларда Италиядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар

1. Вольтернинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Франсуа-Мари Волтер (1694-1778) таъкидлашича, эркинликка интилиш одамнинг табиий инстинктидир. Бу инстинкт унинг жон сақлаши ва яшаши учун зарур жамиятни яратишга ундайди. Жамият инсоннинг такомиллашишига имкон беради.

Вольтер нуктаи назарига кўра, табиий қонунлар бу ақл қонунлари, инсониятга табиат инъом қилган қонунлардир. Инсон эркинликда яшашни истайди, шунга интилади. Эркинлик бу фикр эркинлиги, матбуот, виждон эркинлиги, ўзбошимчаликка йўл қўймасликдир-"Эркинлик фақат қонунларга қарам бўлишдан иборатдир",-дейди Вольтер. Вольтер демократия ва халқ ҳокимиятчилигидан ўлгудай кўрқар эди.¹ У маърифатли абсолютизм тарафдори эди.

2. Монтескьенинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Табиий ҳуқуқ назариясининг ривожланишига француз файласуфи маърифатпарвар сиёсий мутафаккир ва ҳуқуқшунос Шарль Луи Монтескье (1689-1775) катта ҳисса қўшди. Монтескье асарлари ичида унинг "қонунлар руҳи ҳақида" асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда баён қилинган таълимот буржуа дунёсининг сиёсий-ҳуқуқий фикр тарихи ва давлат муассасаларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Монтескье таълимотининг моҳияти ҳар бир халқ қонунларининг "руҳи" бир қанча конкрет шарт-шароитлар билан белгиланганлиги, бу шарт-шароитларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этишини англашга қаратилганлигидир. Монтескье фикрича, қонун чиқарувчи биринчи навбатда иқлим билан ҳисоблашиши зарур. Иссиқ

¹ История политических и правовых учений. В.С. Нерсисянц таҳрири остида. М. 1997. 279 -бет

иқлим халқни нозиклаштиради ва эринчоқ қилади. Шунинг учун бу ерда жазо билан қўрқитиш одамларни ишлашга мажбур қилади. Давлат депотизм шаклида бўлади.

Иқлимдан ташқари Монтескье ернинг ҳосилдорлиги, тоғлар ва ороллар, текисликлар, иқтисодий аҳвол, диннинг роли ҳақида ҳам фикрлар баён қилади. Мўтадил иқлим қонунлар руҳига ижобий таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Монтескье фикрича, географик муҳит жамият ривожининг бошланғич даврида ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки бу даврда табиат ва иқлимнинг таъсирини чеклашга қодир қонун чиқарувчи одамнинг ўзи бўлмаган қонун "руҳини", унинг мазмунини белгиловчи муҳим омил давлатнинг бошқариш шакли, жамиятдаги сиёсий тузумдир. Бу омил географик омил таъсирини чеклаб қўйиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди Монтескье.

Мана шунинг учун Монтескье давлат шаклларига алоҳида тўхталади. У учта тўғри давлат шакллари ахжратади: демократия, аристократия ва монархия. Буларнинг барчасига таъриф беради ва ўзига хос хусусият ва белгиларини кўрсатади. Унинг ўзи конституцион монархия тарафдори эди. У деспотизмни қоралайди, уни табиий ҳуқуққа мутлоқ зид сиёсий тузум деб билади.

Сиёсий тузумнинг қонунлар руҳига таъсири ҳақидаги фикрларини Монтескье эркинлик ва уни таъминлаш масаласи билан боғлайди. Унинг фикрича, эркинлик бу ҳавфсизликни хис қилишдир. Бу ҳиссиёт қонунларнинг ҳукмронлигидан келиб чиқади. Давлатдаги эркинликнинг энг муҳим белгиси қонунчиликдир. Бинобарин, сиёсий арбобнинг асосий вазифаси қонунчиликнинг таъминлаш чора ва воситасини топиш ва кўрсатиб беришдан иборатдир. Бундай восита, дейди Монтескье, ҳокимиятлар тақсимлаш принципини жорий қилишдир. Мана шу принцип жорий қилинган давлатдагина эркинлик таъминланиши мумкин. Бу сиз деспотизм ҳукм суради.

Монтескьенинг ҳокимиятларни тақсимлаш таълимоти ўз замондошлари орасида машҳур бўлди. Бу таълимот XVIII аср охири Француз буржуа революциясининг конституцион ҳужжатларида ўз аксини топди. Масалан, 1789 йилги "Инсон ва гражданин ҳуқуқларининг Декларацияси" да шундай дейилган: "Ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмаган ва ҳокимиятларнинг тақсимланиши ўрнатилмаган жамият конституцияга эга эмас". Ҳокимиятларни тақсимлаш принципи 1787 йил АҚШ конституциясида ҳам ўз аксини топган. Кейинчалик бу принцип барча демократик давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топди.

3. Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти.

XVIII асрда табиий ҳуқуқ назариясида икки йўналиш пайдо бўлади. Улар жамиятда ёмонлик қандай пайдо бўлган деган муаммони ҳал қилиш билан бир-биридан фарқ қиларди. Биринчи йўналиш вакиллари Жан Жак Руссо (1702-1778) Жольен Офре де Ламетри (1709-1751) ва бошқалар фикрига кўра, инсон ибтидоий ҳолатда эркин ва мустақил бўлган, бахтли ҳаёт кечирган, одамлар ўртасидаги муносабатлар адолатли табиий қонунлар билан тартибга солинган. Табиат ёмонликнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин эмас. Бу ибтидоий жаннатнинг бузилиб кетишига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлгани ва натижада одамларнинг бой ва камбағалларга бўлиниб кетиши сабаб бўлди.

Руссонинг фикрича, давлат ҳукмронликни мустаҳкамлаш, хусусий мулкни қўриқлаш учун пайдо бўлган. Бу одамлар орасида тенгликни янада кучайтирди. Айниқса деспотик давлатларда инсон қулга айланган. Инсон эркин туғилган, лекин у ҳамма ерда кишанлангандир. Бу ҳолатдан чиқишнинг қонуний йўли нимадан иборат, деган саволга Руссо ўзининг машҳур "Ижтимоий шартнома" номли асарида жавоб беришга ҳаракат қилади.

Руссонинг фикрича, қонун чиқаришда бутун халқ иштирок этгандагина эркинлик таъминланади. Давлат демократик принципларга амал қилгандагина одам йўқотган табиий эркинлиги ўрнига сиёсий эркинликка эга бўлади.

У ҳокимиятга бўйсунди, лекин деспотизмдаги қулликдан озод бўлади. Барчага таъаллуқли умумий ироданинг хато қилиши мумкин эмас. У доим умумий манфаат учун хизмат қилади, дейди Руссо.

Қонун умумий ироданинг ифодаси бўлиши керак. Агар бу шарт давлатда амалга оширилса фуқаролар эркин бўладилар, чунки улар ўзлари қабул қилган қонунларга бўйсундилар.

Руссо халқ суверенитети тарафдоридир. Унинг фикрича, суверенитет бўлинмас, ягона, бегоналаштирилмайди, унга фақат халқ эгалик қилади. Ижтимоий шартноманинг асосий талаби шундадир. Давлат ҳокимияти шу талабга мос ҳолда ташкил қилиниши керак. Бунда инсон табиий ҳуқуқларининг маълум қисми сақланади, дейди Руссо.

4.XVII-XVIII асрларда Германияда сиёсий ҳуқуқий таълимотлар

XVI-XVII асрлар Германияда табиий ҳуқуқ мактабининг йирик номоёндалари Пуфендорф, Томазий, Лейбниц, Вольф каби мутафаккирлар ижод қилдилар.

Германияда ҳуқуқ фанининг дунёвий фан сифатида ривожланишига биринчилардан бўлиб, Пуфендорф (1632-1694) ҳисса қўшди. Унинг қарашларида жамиятнинг давлатчилик пайдо бўлгунга қадар, табиий ҳуқуқ концепцияси катта ўрин эгаллаган. Унинг фикрича: давлатнинг ҳуқуқий асоси икки ҳужжатга боғлиқдир. Улар хусусий шартнома (pacta) ва мурожаатнома (decretum).

Давлатнинг асосий вазифаси инсониятнинг тинчлиги ва тартиб учун жавобгарликдадир. Бир гуруҳ шахсларнинг давлатга қарши ҳаракати қонундан ташқари деган фикрни билдиради.

Юриспруденциянинг назарий ривожланишига ҳисса қўшган инсонлардан бири Х. Томазий (1655-1728) ҳисобланади. Унинг қарашларида ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари чуқур таҳлил қилинади. У ахлоқни ҳуқуқдан устун қўяди: “Агарда ким ахлоқий жиҳатдан етук шахс бўла олмаса, ундай шахс яхши сиёсатчи бўла олмайди”.

5.XVIII-асрларда Италиядаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар

Италиядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланиши Жамбаттиста Вико (1668-1744) номи билан боғлиқ. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Миллатнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фан” (1725) асарида берилган. Ж. Вико Давлатнинг ривожланишини уч асосий босқичда ифодалайди.

Биринчи босқич: илоҳий яъни бу даврда давлатчиликнинг ҳеч қандай ҳуқуқий нормалари мавжуд бўлмаган. Жамиятни руҳонийлар бошқарган.

Иккинчи босқич: қахрамонлар даври яъни бу даврда ҳокимият аристократия қўлида бўлган. Ҳуқуқ нормалари катъий ва шавқатсиздир.

Учинчи босқич: инсонлар даври бўлиб, бунда республика демократик бошқаруви, қонуннинг устиворлиги, халқ суверенитети таъминланган даврдир¹.

Ҳуқуқшунослик фанида жаноят ҳуқуқида “классик мактаб” асосчиси Чезаре Беккариа (1738-1794) томонидан ёзилган “Жиноятлар ва жазолар тўғрисида” номли асарида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар берилган. “Жиноятчиликнинг асосий келиб чиқиши социал тенгсизлик оқибатида” дейди.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.

2.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар: маърифатпарварлик, маърифатпарварлар, Вольтер, Монтескье, Жан Жак Руссо, жирондистлар, якобинчилар, «табиий ҳуқуқ», «ижтимоий шартнома», Пуфендорф, Томазий, Лейбниц, Вольф.

Назорат саволлари

1. Европа маърифатпарварлиги даврида сиёсий вазият қандай эди?
2. XVIII асрда Италиядаги сиёсий ва ҳуқуқий қандай омиллар таъсир кўрсатган эди?
3. Вольтернинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида илгари сурилган ғояларни тушунтириб беринг.
4. Монтескьенинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларидаги асосий мақсад нималардан иборат бўлган?
5. Шарль Монтескьенинг ҳокимиятларни бўлиниш принципини тушунтириб беринг.

¹ История политических и правовых учений. М.1997. 323-бет

6. Жан Жак Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг мазмуни нималардан иборат бўлган?
7. Француз социалистлари ва якобинчиларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ўзаро хусусиятлари нималардан иборат эди?
8. XVII-XVIII асрларда Олмония сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари.
9. XVIII асрларда Италиядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар.
10. Маърифатпарварларнинг сиёсий- ҳуқуқий қарашларига фаннинг муносабати қандай ?

Тестлар

1. Табиий ҳуқуқ назариясини ривожланишига ҳисса ўшган француз маърифатпарварини белгиланг.
 А. Жан Жак Руссо
 В. Шарль Монтескье
 Д. Француа –Мари Вольтер
 С. Клод-Анри Гелвеций
 Е. Жавобларнинг барчаси тўғри
2. Қуйидаги жаволардан «Қонунлар руҳи ҳақида» асари муаллифини белгиланг.
 А. Жан Жак Руссо
 В. Шарль Монтескье
 Д. Француа –Мари Вольтер
 С. Клод-Анри Гелвеций
 Е. Жольен Офре де Ламетри
3. «Эркинлик фақат қонунларга қарам бўлишдан иборатдир» деган фикрни Ким илгари сўрган эди?
 А. Клод-Анри Гелвеций
 В. Шарль Монтескье
 Д. Француа –Мари Вольтер
 С. Бенедект Спиноза
 Е. Жон Локк
4. «Табиий ҳуқуқ »назариясига «ижтимоий манфаат» тушунчасини Ким томонидан киритилган?
 А. Клод-Анри Гелвеций
 В. Шарль Монтескье
 Д. Француа –Мари Вольтер
 С. Бенедект Спиноза
 Е. Жон Локк
5. XVII-XVIII- асрларда Германияда табиий ҳуқуқ мактаби намояндалари кимлар?
 А. Пуфендорф
 В. Томазий
 Д. Лейбниц
 С. Вольф
 Е. Жавобларнинг барчаси тўғри

7-боб. АҚШнинг мустақиллик учун кураш даври сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари РЕЖА

1.АҚШда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида.

2. Томас Джефферсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

3. Томас Пейннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

4.А.Гамильтон, Ж.Адамс, Ж.Медисоннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

5.АҚШ ҳуқуқий тизими.АҚШ Конституцияси.

6.АҚШ президентлари

1.АҚШда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида.

XVIII аср иккинчи ярмида Америка қўшма Штатларининг мустақиллик учун кураши кескин тус олди. Бу 1775-1783 йиллар гражданлар урушда яққол намоён бўлди. Метрополия зулмига қарши ҳаракатлар демократик ғояларни ривожланишига, табиий ҳуқуқ назарияларини тарқалишга катта туртки берди.

Мустақиллик учун кураш даврининг сиёсий ва ҳуқуқий фикрида 1776 йилда қабул қилинган Америка Қўшма Штатларининг мустақиллик декларацияси алоҳида аҳамият касб этади. Унда барча кишилар яшаш, эрққа, мулкка эга бўлиш ва ҳавф-хатарсиз турмуш кечириш табиий ҳуқуқларига эгадирлар, халқ ҳокимият манбаидир, суверенитет халққа тегишлидир, ҳукумат халқ хизматкори, барча давлат идоралари халқ манфаатлари учун хизмат қилади, ҳокимият бўлиниш принципини жорий қилиш каби ғоялар ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундаки, унда сиёсий таълимотларнинг асосий ғоялари, айниқса халқ суверенитети ғояси давлатнинг амалий принциплари сифатида биринчи бўлиб эълон қилингандир.

Мустақиллик декларациясининг асосий ғояларини ишлаб чиқиш ва уларни сиёсий тажрибага жорий қилишда Америка қўшма Штатлари демократлари Т. Джефферсон, Т. Пейн катта рол ўйнади.

2.Томас Джефферсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

Томас Жефферсон 1743 йилнинг 13 апрелида Шедуеллда, отаси — полковник Питер Жефферсоннинг плантациясида дунёга келган.

АҚШ президенти сифатида фаоллиги ва машҳурлиги бўйича XX асргача Томас Жефферсон (1801-1809) мамлакат отаси Вашингтон (1789-1797) ва қуллар халоскори Авраам Линкольдан (1861-1865) кейин учин ўринда турган. Тарих Жефферсонни, авваламбор, 1776 йилги мустақиллик Декларациясининг ҳамда Виргиниянинг 1786 йилги диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонунининг асосий муаллифи сифатида эътироф этади. ҳатто бугунги кунда ҳам Жефферсон демократияси, Жефферсон республикачилиги ёки жефферсончилик деган тушунчалар АҚШ сиёсатида кенг қўлланилади.

Томас Жефферсон 1826 йилнинг 4 июлида вафот этган.

Инқилобий Минтақа конгрессида қаршилиқ ҳаракатининг энг жонқуяр вакили сифатида Жефферсонга мустақилликни эълон қилиш асослари лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Ниҳоят, Конгресс 1776 йилнинг 4 июлида Жефферсоннинг матнини жузъий ўзгартиришлар билан қабул қилди. Жефферсон бир умр мустақиллик Декларацияси ғоясига содиқ қолди: халқнинг суверенитети бошқарув ҳукуматининг ягона манбаидир. ҳукумат ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқларини, айниқса яшаш, эркинлик ва бахтли бўлишга интилиш ҳуқуқларини ҳимоя этмоғи шарт.

Шунингдек, Жефферсон Виргиния қонун чиқарувчи ҳукумати аъзоси сифатида (1776-1779) мерос ҳуқуқи қонунига ўзгартириш киритди, чунки ўша пайтгача мерос фақат тўнғич ўғилга ёки эркак авлодга қолдириларди. Жефферсон ўзининг энг яқин сиёсий ҳамкори Жеймс Мэдисон билан черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қонун ишлаб чиқди ва бу қонун 1786 йили кучга кирди. Жефферсон Виргиния штатининг батафсил табиий-географик ва сиёсий-иқтимоий манзаралари акс эттирилган мақолалари билан Американинг қомусий кашф этилишига ҳисса қўшган европалик маърифатпарварларнинг эътиборини торта олди. “Виргиния штати хусусида қайдлар” деб номланган бу мақолаларда муаллиф қулчиликни

кескин танкид қилади, бундай ҳолатни ғайритабиий, эътиқодсизликка ва зўрликка асосланилган, қулларни ҳам, уларнинг эгаларини ҳам маънан мажруҳ этадиган тузум дея баҳолади.

Жефферсон 1801 йилнинг 4 мартида президент сифатида фаолиятини бошлашдан олдин сўзлаган маърузасида сўз ва матбуот эркинлиги тарафдори сифатида ўта кескин сайловолди курашидан кейин келишув томон бир қадам ташланганлигини намоён этди. Сайловолди курашида газеталарда билдирилган фикрлар қарама-қаршилиги принципаал аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлади. Жефферсон ҳамда ўша газеталар “ҳуқуқларини ёлғон ва тухматдан ҳимоя қиламан”, дея сўз берди. Зеро, бошқарувнинг республикача шаклига ёки иттифоқнинг ўзига ҳеч қандай хавф таҳдид солиб турмаганди. Шунинг учун ҳам: “Биз ҳаммамиз республикачилармиз, биз ҳаммамиз федералчилармиз”, деган фикр янгради.

Жефферсон иккинчи перзидентлик муддати даврида ҳам мануфактуралар кенгайишига, Гамильтон томонидан ташкил этилган мамлакат банки фаолиятига эътироз билдирмади. Англияга қарши савдо эмбаргоси эса саноатнинг, айниқса пахтачилик, тўқимачилик соҳаларининг ривожланишига олиб келди. 1806 йили Жефферсон қулларни эркин олиб келиб сотишга қарши қаратилган қонун ишлаб чиқилиши жараёнида фаол иштирок этди. Шундай қилиб, 1808 йилдан эътиборан Африкадан қулларни олиб келиб бемалол сотиш амалиётига барҳам берилди. Жефферсон ташаббуси билан бу қонун 1808 йилнинг 1 январидан қучга кирди.

Биринчи президент Вашингтонга ҳурмат юзасидан икки муддатдан ортиқ президент бўлмаслик анъанаси 1940 йилгача сақланиб келди. Умуман олганда, ташқи сиёсат соҳасидаги баъзи муваффақиятсизликларга қарамай, Жефферсон ўзидан кейин қучли президентлик бошқарувини қолдирди. Жефферсон мухолифат етакчисидан давлатнинг энг юқори лавозимида кўтарилган биринчи президент эди. 1800 йилга қадар президент тўғридан-тўғри эркин овоз бериш йўли билан сайланмасди. Бу лавозимга партия ташкилотлари ўз номзодларини тавсия этишар ва сайловда оқ танли аҳолининг асосий қисми иштирок этарди. Жефферсон президентлик фаолиятини бошларкан, давлат раҳбари сифатида партия манфаатларидан устун туришини билдирди. Бироқ, у фаолияти мобайнида зарур бўлиб қолган вазиятларда ҳеч иккиланмай, ўз партиясига суянди. Жефферсон тажрибаси 1800 йилдан эътиборан Америка президенти мутлақо мустақил, партиялар таъсиридан холи бўлмаслигини кўрсатди. Энди президент мунтазам равишда ўз фаолиятининг тарафдорларини кўпайтириш учун кураш олиб бормоғи лозим бўларди. Жефферсон истеъфога чиққандан сўнг ёш қариндошларидан бирига бу ҳолатни: “Бизнинг бошқарув тизимимизда юқори лавозимни эгаллаб турган шахс, ўз вазифаси талабидан келиб чиққан ҳолда, бутун халқнинг ишончини қозониш учун барча воситаларни ишга солиши зарур. Фақат шундагина бу қудратли халқни бошқа қучлироқ халқ босиб ололмайди”, дея таъкидлаган эди.

Джефферсон ижтимоий шартнома ва инсон табиий ҳуқуқ назариясига асосланиб монархия давлат тузумини танкид остига олди ва халқ суверенитети ғоясини асослаб чиқди. Унинг фикрича, қирол ҳокимияти халқ ҳокимиятидан ҳосил бўлган, унга қарамдир. Давлат ҳокимиятининг тузиш ва уни назорат қилишда барча иштирок қилиш ҳуқуқига эга, ҳеч ким бу ҳуқуқдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Агар ҳокимият халқ ҳуқуқларини оёқ ости қилгудай бўлса, халқ бундай ҳукуматни алмаштириш ҳуқуқига эгадир. Тенглик, эркинликни халқдан тортиб олишга ҳеч кимни ҳаққи йўқ, буларнинг барчаси бегона қилинмайдиган табиий ҳуқуқлардир.

"Дунёда инсон ҳуқуқларидан бошқа барча нарса ўзгаради", дейди Джефферсон. Унинг фикрича, табиий ҳуқуқлар давлат чиқарган қонунлардан устундир. Улар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар ҳар доим табиий ҳуқуқ фойдасига ҳал қилиниши керак. Давлат табиий ҳуқуқларнинг таминлаш учун яратилгандир.

Джефферсон сиёсий таълимотининг асосий муаммоси шахс ҳуқуқлари ва ҳокимиятни демократик усулда тузиш муаммосидир. Шахс ҳуқуқларини ҳукумат ҳуқуқларига нисбатан устувор қўйиш орқали Джефферсон шахсни ҳокимият ўзбошимчалигидан муҳофаза қилмоқчи бўлади. Джефферсоннинг сиёсий идеали

давлатни халқ сайлаган вакиллар орқали бошқариш ва назорат қилиш имконини берувчи демократик республика эди.

Барча мансабдор шахслар маълум бир муддатга сайланиши ва халқ назорати остида бўлиши шарт, дейди Джефферсон, ва шу нуктаи назардан Монтескьенинг монархия ҳақидаги фикрларини танқид олади. Джефферсон ташаббуси билан 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясига ўнта қўшимча киритилиши зарур деб топилди. Бу қўшимчалар сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги каби демократик ҳуқуқ ва эркинликларни ўз ичига олган эди. Бу қўшимчаларнинг барчаси 1791 йил кучга кирган АҚШ Конституциясида ўз аксини топди.

3. Томас Пейнининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

АҚШ мустақиллиги учун курашни назарий асослаб чиққан сиёсий мутафаккирлардан яна бири Томас Пейн эди (1727-1809). У инглиз қирол ҳокимиятини АҚШ халқига нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсатини табиий ҳуқуқ нуктаи назаридан танқид қилади, унга қарши озодлик кураши зарурлигини асослайди. Унинг фикрича, мустақиллик учун кураш ҳар бир халқнинг бегоналаштириб бўлмайдиган табиий ҳуқуқидир.

Пейн инсон эрки ва ҳуқуқларининг таъминлаш масалаларига катта аҳамият беради. "Барча одамлар насл-насаби билан бирдирлар, демек, уларнинг барчаси тенг туғиладилар ва тенг табиий ҳуқуқларга эгадирлар". Пейн сўз эркинлиги, матбуот, виждон эркинлиги, тенглик, фаравон ҳаёт ва бахтга эришиш, каби ҳуқуқларни табиий туғма ҳуқуқлар деб билади. Табиий ҳуқуқ асосида фуқаровий ҳуқуқ пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ одамларнинг табиий ҳуқуқларига зид бўлмаслиги керак. Пейннинг айтишича, табиий ҳуқуқ асосида пайдо бўлган ҳокимият ҳеч қачон якка шахс қўлида ва инсон табиий ҳуқуқларига зид бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Пейн халқ суверенитети ғоясини асослайди. Ҳокимият манъбаи-халқнинг ўзидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг халқ томонидан ташкил қилиш халқнинг бегоналаштириб бўлмайдиган табиий ҳуқуқидир. Пейн жамият ва давлат бир эмаслиги, уларнинг ўртасидаги фарқ ҳақида ўз фикрини баён қилади. "Жамият бизнинг эҳтиёжларимиз туфайли пайдо бўлади, ҳукумат эса бизнинг нуксонларимиз туфайли", дейди Пейн.

Давлат ва жамият келиб чиқиши нуктаи назаридангина эмас, вазифалари жихатидан ҳам бир биридан фарқланади. Агар одамлар нуксонларига эга бўлмай ўзаро муносабатларини адолат асосида қўрганларида эди, ҳукуматларга эҳтиёж бўлмас эди. Ҳукуматнинг асосий мақсади хавфсизлик ва эркинликни таъминлашдир. Шунинг учун давлатнинг идора қилишнинг энг яхши шакли халқнинг хавфсизлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи демократик республикадир, Джефферсон, Пейн, Линкольнларнинг демократик анъаналари АҚШда прогрессив сиёсий ва ҳуқуқий фикрнинг ривожига катта таъсир кўрсатди.

4. А. Гамильтон, Ж. Медисоннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Александр Гамильтон (1757-1804) томонидан берилган назарияда давлатни қаттиқ марказлашган сиёсатда ушлаб туришни тушунтирилган. Жамиятда «паст» (камбағаллар) ва «юқори» (бойлар) табақа вакилларига бўлиниши А. Гамильтоннинг ғояларидан бири.

«Давлатнинг асосий вазифаси - дейди у – хусусий мулкни халқдан ҳимоя қилиш». Унинг қарашларида федерализм масаласи алоҳида ўринда турган.

Жеймс Медисон Филадельфия конвенти қатнашчиларидан бири бўлиб, АҚШнинг республика шаклидаги бошқарувини таркиб топтиришга ката ҳисса қўшган. Медисон «факция» иборасини сиёсий таҳлил этиб, ўрганиб, Ушбу иборани «фракция» иборасидан фарқини изоҳлаб беради.¹

5. Жон Адамснинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

¹ Ўша китоб. 390-бет

Жон Адамс 1735 йилнинг 30 октябрида Массачусетс штатида фермер оиласида дунёга келган. (Президентлик даври - 1797-1801 йиллар).

Жон Адамс 1797 йилнинг 4 мартида президентлик лавозимида ўтириб экан, изчиллик ва ярашув ваъда қилди. У ўздан аввалги президентга ҳурмат ифодаси ўлароқ, Вашингтоннинг одмигина кабинетини сақлаб қолди. Кейинроқ Адамс ушбу қарори хато эканини англаб етди, чунки кўпчилик вазирлар унга нисбатан Александер Гамильтонга яқинроқ бўлишга интилардилар. Гамильтоннинг ўзи эса Нью-Йоркдаги адвокатлик идорасида туриб бошқарув тизгинини қўлга олишга ҳаракат қиларди. Худди Вашингтон сингари, Адамс ҳам ўзини партиялар, фракциялардан юқори турувчи, халқ бахти-саодати йўлида қайғурувчи президент сифатида кўрарди. Шу сабабли ҳам у ўзи ишлаб чиққан президентлик концепциясини амалга оширишга киришди. Адамснинг нуқтаи назарига кўра, президент бутун давлатдаги барқарорлик учун асосий жавобгардир, шу боис давлатнинг биринчи раҳбари қаёқдан кўпроқ барқарорликка хавф туғиладиган бўлса, айнан ўша тарафга ҳужум уюштирмоғи жоиз. Аҳамиятга молик ижтимоий кучлар ўртасида мустақил воситачилик ролини мақбул кўрган президентнинг мазкур ақидаси амалиётда ҳокимият гуллаб-яшнашининг ва айни пайтда ҳокимият фаолиятсизлигининг ажиб хоришмасини вужудга келтирди. Аслини олганда Адамснинг ўзида ҳаётга татбиқ этадиган дастурнинг йўқ эди, шу сабабли ҳам у йилнинг деярли ярмини бемалол Филадельфия пойтахтидан олисдаги Массачусетсда ўтказиши мумкин эди. Бошқа томондан олиб қараганда, яъни у агар мувозанатга хавф туғилаётганини пайқаса, ҳар қандай масалани тез ва қатъиятчилик билан еча оларди.

Адамс иқтисодий масалаларга унчалик қизиқиш билан қарамасди. Бунинг устига, унинг фикрича, ҳаддан ортиқ тўкин-сочинлик республика ахлоқий мезонларига путур етказиши мумкин эди. Инагурация нутқида Адамс Америка бетарафлигини сақлаб қолишни ўзининг асосий вазифаси деб эълон қилди. Жон Адамснинг қарашларида давлат ва сиёсий фанлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин беради. Давлат формалари орасида аралаш давлат формаси ғоясини илгари суради.¹

Пойтахт ҳақидаги қонунга кўра ҳукумат Вашингтон шахрига 1800 йилнинг кўкламида кўчиб ўтганди. Кўчиб ўтиш жуда енгил кечди, зеро барча вазирликларнинг жами ҳужжатлари еттита йирик яшикка сиғиб кетганди. Абигейл президентлик саройидаги «биринчи хоним» эди. Бироқ Абигейл саройни ёқтирмас, уни ҳаддан ташқари катта, хунук жиҳозланган, хира ёритилган ва ёмон иситиладиган бино деб танқид қиларди. Адамс эса ўз ибодатларида бу саройда фақат ҳалол ва донишманд етакчилар раҳбарлик қилишларини, яратгандан сўраб илтижо қиларди. Шундай қилиб, Адамс ўз президентлик муддатининг сўнгги ойларини Вашингтонда ўтказди. Бу даврда Адамс бўлғуси зиддиятлар учун замин яратиб қўйди. Чунончи, кўплаб судьялар лавозимларига федералчиларни қўйди. Бу вазифалар Конгресс томонидан тасдиқланган қонун асосида ташкил этилганди. Шубҳасиз, энг муҳим қарор сифатида Адамс ўзининг сўнгги ташқи ишлар вазири - Жон Маршаллни Бош федерал судья лавозимида тайинланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Худди шу қарор федерал ҳукумат ва ижроия ҳокимиятининг узоқ вақт кучли ишлашига ўз таъсирини кўрсатиб келди. 1801 йилнинг 4 мартида, Жефферсон президентлик фаолиятини бошлашдан бир неча соат бурун иккинчи муддатга сайланмаган президент Адамс пойтахтни сездирмасдан тарк этди ва Янги Англия сари йўл олди.

6. Жорж Вашингтоннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари (Президентлик даври — 1789-1797 йиллар)

Жорж Вашингтон 1732 йилнинг 22 феврилида Виргинияда бой плантатор оиласида дунёга келган. Жоржни ўғай акаси Лоуренс тарбиялаган. Унга Виргиниянинг энг сармоядор ер эгаларидан бўлган лорд Фэафлекс устозлик қилган.

У 27 ёшида анчагина сармоёга ва 150 нафар қулга эга, икки фарзанди бор бева Марта Дендриж Кастисга уйланган. Вашингтоннинг ўз фарзанди бўлмаган, шу сабабли у Мартанинг биринчи никоҳидан бўлган ўғил ва қизига чин оталик қилиш вазифасини

¹ Ўша китоб. 388-бет

зиммасига олган. Вашингтон дунёкараши ва сиёсий фалсафаси ўша давр инглиз мухолифат адабиёти таъсирида шаклланган.

Жорж Вашингтон – АҚШнинг биринчи президенти, Америкада президентлик институтига асос солган шахс. Шунинг учун ҳам унинг номи Америка миллий тарихида муносиб ўрин тутди. У 1799 йилнинг 14 декабрида вафот этган.

Вашингтон XVIII аср 60-йилларидан кейинги Англия империячилиги сиёсатини аграр мафкура сифатида тушунарди. Кўчиб келганларнинг «қўхна ҳуқуқлар»га ҳужумини эса, агар унга қарши кескин равишда қарши турилмаса, мустамлакачиликнинг ўзини ўзи бошқаруви барҳам топишига замин яратади деб ҳисобларди. Бу курашда раҳбарликни умум манфаати йўлида шахсий, моддий манфаатлардан юқори турувчи миллат гуллари ўз зиммаларига олмоқлари керак. Ўз навбатида халқ бу қатламга лозим даражадаги ҳурмат-эътибор билан қараши даркор. Шу муносабат билан Вашингтон Британиянинг солиқ қонунларини ва суверенетга дохил қилишини кескин қоралаб чиқди. Виргиния парламентида ҳамда 1774 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган биринчи Қитъа конгрессида Вашингтон биринчилар қаторида Англияга қарши қуролли қўзғолонни қўллаб-қувватлади.

Вашингтоннинг президентлик давридаги сиёсий фаолияти. Жорж Вашингтон Қўшма Штатларнинг биринчи президенти сифатида ўз фаолиятини бошлар экан, президентнинг олий мақсади – абсолютизм ва зўравонликка тўлиб-тошган дунёда ўзини-ўзи бошқариш тизимини шакллантириш, конституция принципларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ва янги ҳукумат тизимининг ибтидосидан «адолат принциплари» асосида фаолият кўрсатишини таъминлашдек эзгу ниятларни амалга ошириш деб ҳисобларди. Шу мақсад йўлида у президентлик бошқаруви ваколати доирасида барча конституциявий имкониятлардан фойдаланишни истади. Вашингтон яхши тушуниб турардики, улкан мамлакатнинг биринчи президенти сифатида ҳозирча унчалик яққол намоён бўлмаётган бу бошқарув тизимини шакллантиришини, айнан биринчи президентнинг фаолияти ва ҳал қилув қарорлари бўлғуси йўлбошчилар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташини яхши тушунарди. Маъмурий вазифаларни топширар экан, бу жараёнда Вашингтон алоҳида минтақалар манфаатларини ҳисобга олиш билан бир қаторда турли сиёсий ва мафкуравий йўналишларга ҳам эътиборни қаратишга ҳаракат қилди. Ўзининг ҳарбий кенгашидаги сингари президент ўз атрофига ажойиб ақл соҳибларини жамлади. Улар фақат ижрочилигина бўлиб қолмасликлари керак эди. Вашингтон ўз вазирлари бўлган Александер Гамильтон (молия), Томас Жефферсон (халқаро ишлар), Генри Нокс (ҳарбий масалалар) ва Эдмунд Рэндольф (адлия)дан мадад ва маслаҳат ҳам кутарди. Натижада ана шу вазирлардан иборат (конституцияда кўзда тутилмаган) ўзига хос маҳкама пайдо бўлди. Вашингтон вазирлар ва амалдорларнинг фақат президент олдида жавобгар бўлишига эришди. Айни пайтда Вашингтон бу амалдорларни ишдан бўшатиш чоғида сенатнинг рухсатини олиш шарт эмаслигини ҳам белгилатиб олди.

АҚШнинг биринчи президенти иттифоқ гуллаб-яшнаши йўлида елкама-елка туриб ҳаракат қиладиган ягона федерал ҳукумат хусусидаги тасаввурларини Конгресс билан яқин ҳамкорликда амалга оширишни истарди. Бу борада Вашингтонга ўзи ҳукуматнинг дўсти деб ҳисоблайдиган федералчилар биринчи федерал сайловларда вакиллар палатаси ва сенатда кўпчилик овозни олганлиги анча қўл келди. Бунинг устига, Жеймс Мэдисон палатада ишончли спикер вазифасини ўтай бошлади. Вашингтон ўзининг вето ҳуқуқидан камдан-кам ҳоллардагина фойдаланарди. Зеро, Вашингтон қонунни бекор қилишда унинг мазмуни ўзига ёқиш-ёқмаслигини эмас, балки конституцияга мувофиқ келиш-келмаслигини асосий мезон қилиб олганди. Вашингтон ўзининг Конгрессга йўллайдиган ҳар йиллик мактубини шахсан ўзи ўқиб берарди (бу амалиёт анча кейин бекор қилинди ва фақат президент Вудро Вильсон даврида қайта тикланди). Ушбу яқдил ҳокимият фаолияти самараларидан Вашингтоннинг ўзи ҳам баҳраманд бўлди. Чунончи, сенат шартнома масаласи бўйича у билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришдан бош тортди. Ана шундан кейин Вашингтон нуқтаи назарлар акс этган мактублар алмашишга мажбур бўлди, аммо бу ҳол президентнинг алоҳида сенаторларга бўлган ишончига путур етказолмади. Вашингтон Олий суд раиси этиб нью-йорклик Жон Жейни тайинлангач, бу маҳкама билан муносабатларда бир оз таранглик вужудга келди. Чунки президент (унинг вето асослаши кўрсатиб турганидек) конституция ҳимоясини ўз

зиммасига олган. Талаб этилган ҳукукий ҳужжатни кўрсатишдан намоишкорона бўйин товлаш билан судьялар президентга мустақил учинчи ҳокимият билан ишлаётганини яна бир бор эслатиб қўйишга уринишди. Назорат ва мувозанат тизимида учраб туриши муқаррар бўлган чекловларга қарамай, Вашингтоннинг президентлик лавозимида қолишининг биринчи босқичи ички уюшқоқлик, ҳамфикрлилик билан ажралиб турди. Бунга эса фақат аниқ мақсадга йўналтирилган ва ишчан бошқарув механизми орқали эришиш мумкин эди.

У президентликни миллий бирлик тимсоли ва аҳолининг ҳали шаклланиб улгурмаган америкаликларга хос иродасини шакллантириш воситаси деб биларди..

Президент сифатида Вашингтон жамиятга йўналтирилган амалий, консерватив республиканизмни шахс эркинлиги томон йўналтирилган замонавий иқтисодий масалалар билан чоғиштира олган зот эди. Энг аввало, у ўзини Америка штатларининг янги конституциявий тизимга интеграциясини тезлаштиришга бурчли ҳисобларди.

Вашингтон кўп муваффақиятларга ходимлари, биринчи навбатда, Гамильтон туфайли эришди. Вашингтон раҳбарлиги даврида жуда кўп муҳим масалаларда, айниқса ташқи сиёсат масалаларида сўнгги ҳал қилувчи қарорни шахсан ўзи қабул қилганини яшириб ўтирмасди. Демак, унинг маслаҳатчиларининг истеъдоди ҳам президент саъй-ҳаракатлари туфайли намоён бўлган. Ўз фазилатлари, салоҳияти ва маънавиятига кўра Вашингтон эски мустамлака Америкадан инқилоб орқали конституциявий-демократик федерал давлат бўлмиш янги Америкага кўприк ташлай оладиган шахс эди. Вашингтон ҳаётлик давридаёқ миллий ирода тимсолига айланди. Президент мана шундай ирода шаклланишига жуда катта эътибор берарди. У ҳукук ва мажбуриятлар, қонунлар измидаги ҳукуматни вужудга келтира олди. Вашингтон ҳокимиятни анъанавий тарзда кенгайтириш ёки шафқатсизлик билан бошқариш орқали эмас, демократик тамойиллар асосида бошқариб, тинч, сайловлар йўли билан ўзгартириб туриш орқали барқарор жамият қуриш мумкин эканлигини исботлади.

Шундай қилиб, Американинг биринчи президенти бўлган Жорж Вашингтон ватандошлари қалбида биринчи шахс сифатида қолди. У президентлиги чоғида америкаликлар ўз миллий тотувлигига эришган республика федерал давлати учун яратди. Айниқса, Вашингтон АҚШ президентлик институти ижодкори асосчиси сифатида чуқур из қолдирди.

АҚШ пойтахти, штатлардан бири, Нью-Йоркдаги Гурзон дарёси устига қурилган осма кўприк, Вашингтон шаҳридаги хусусий университет ва бошқалар унинг номи билан юритилади. Жорж Вашингтоннинг “Битиклар” ва “Кундаликлар” асарлари нашр қилинган.

Уильям Х. ТАФТ сиёсий ва ҳукукий қарашлари

(Президентлик даври — 1909-1913 йиллар)

Уильям Х. Тафт 1857 йилнинг 15 сентябрида Огайо штатидаги Цинциннати шаҳрида туғилган. Тафтнинг болалиги ва ўсмирлиги Цинциннатиди, етти ака-ука ва опа-сингллари қуршовида хотиржам кечди. Уильямнинг отаси Альфонсо Тафт ҳурматга сазовор судья бўлган. Тафт аввалига ўз шаҳридаги мактабга қатнаган, кейин Йельск университетида ўқиган, 1878 йили шу ерда илмий даражага эга бўлган, Цинциннатидидаги юридик мактабда ҳуқуқшуносликдан таълим олган.

Уильям Х. Тафт Теодор Рузвельтдан кейин бир муддат АҚШ президенти лавозимида фаолият олиб борган. У 1930 йилнинг 8 мартида вафот этган.

1912 йилги президентлик сайловларида Тафт Демократлар партияси номзоди бўлган Вудро Вильсонга ютқазиб қўйди. Чунки бу пайтда Тафтнинг Республикачилар партияси парчаланиб кетган, экс-президент Рузвельт эса прогрессив қанот номзоди сифатида унга қарши чиққан эди. Шу билан республикачиларнинг Вашингтонда узоқ давом этган ҳукмронлик муддати барҳам топди.

Уильям Х. Тафтнинг отаси Альфонсо Тафт таниқли судья эди. Тафт ўз президентлиги даврида почта ва почта маҳкамаларининг омонат кассаларини ташкил этиш бўйича мураккаб ислохотлар ўтказди, меҳнатга ҳақ тўлашнинг федерал қонунларига ҳам ўзгартиришлар киритди. Савдо ва меҳнат вазирлигига болалар меҳнатини чеклаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғи берилди. 1910 йили эса Манн Элкинс қонунига мувофиқ темир йўллар компаниялари устидан давлат назоратини кучайтириш имконияти туғилди.

Тадбиркорларга нисбатан дўстона муносабатда бўлишига қарамай, Тафт бозор ҳокимиятини ноқонуний фойдаланишда айбланиб, жавобгарликка тортилган 90 та трестга қарши суд жараёнида Рузвельтга нисбатан фаолроқ иштирок этди. Айни пайтда ушбу йирик трестларга қарши фаолият Тафтнинг Республикачилар партиясида нуфузи бир оз тушишига ҳам сабаб бўлди.

Ички сиёсатда бож тарифи ислохоти етилиб турган эди. 1897 йилги Дингли қонунига кўра белгиланган баланд бож тарифлари пасайтирилиши керак эди. Рузвельт онгли равишда бу нозик масалани кўзгамай турган эди. Чунки Республикачилар партиясининг бир қисми Америка маҳсулотларини ҳимоя қилиш мақсадида хориж маҳсулотларига катта бож тарифлари қўйиш талаби билан чиққан бўлса, бошқа қисми ташқи савдони либераллаштириш ва шу йўл билан экспортга кўпроқ маҳсулот чиқариш тарафдори эди. Бож тарифи пасайтирилгандан кейин моддий йўқотишнинг ўрнини босиш учун меросдан солиқни кўпайтириш ва даромад солиғи киритиш бўйича таклифни Конгрессда манфаатдор томонлар узоқ вақт ушлаб турди. Тафт эса бу борада бирон-бир жиддий уриниш қилмади. Натижада прогрессив республикачилар орасида Тафтнинг консерватив лагерга кириши ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб қолди. Тафтнинг ўзи ҳам ўз сиёсатини тарғиб қилиш учун ғарбий штатларга узоқ муддатли сафарларга чиққанида аҳолининг ҳақиқий яшаш шароитидан ва норозилигидан бохабар бўлди. 1910 йили кўплаб штатларда норозилик намоёнликлари бўлиб ўтди.

1921 йили Тафт Олий судга бош судья этиб тайинланди. Ана шундан кейингина Тафт ўзининг ҳақиқий ишини топгандай бўлди. 1922 йилда у Америка суд тизимида катта ислохотлар ўтказди. Тафтнинг ҳукукий фалсафаси негизида қонун амалиётда ишлаши учун ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга аста-секин мослаша бориши лозим деган ақида ётарди. Тафт 73 ёшида вафот этди. У президент сифатида обрў орттиролмади, аммо унинг АҚШнинг энг буюк бош судьяларидан бири сифатида тарихда қолганлигига шубҳа йўқ.

АҚШ ҳукукий тизими ҳақида

Ҳукукий тизим фақат қисман прецедент принципига суянади. Ҳукукий тизимнинг асоси федерал ва штатлар даражасида мавжуд бўлган ёзма қонунчиликдир. АҚШ федерал кодекслари тўпламининг ўзи 166 жилддан иборат. Масалан, Калифорния қонунчилиги 75 мавзудаги 174 жилдда баён қилинган бўлиб, корпорациялар тўғрисидаги қонунлардан тортиб то маориф кодексигача ўз ичига олади.

Шу билан бирга, суд ҳокимиятининг кучини кўрсатувчи прецедент ҳукуқи ҳам ривожланмоқда. Умумий ҳуқуқ ўхшаш вазиятлардаги суд қарорларига эргашишга асосланади. Апелляция судларининг қарорлари кўп жилдли тўпламлар шаклида нашр этилади. Прецедент ҳуқуқининг асосий доктринаси прецедент қоидаларини кўр-кўрона кўчириш эмас, балки бир можарони бошқасидан фарқлашга имкон беради. Шунинг учун судьялар янги ҳуқуқий қоидалар яратиши мумкин.

Ҳукукий тизим таснифига кўра, фуқаролик ва жиной ҳуқуқ, моддий ва процессуал ҳуқуқ, хусусий ва маъмурий ҳуқуқлар фарқланади.

Бундай бўлиш қонун қатъий қоидалар тўплами деган нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин. Бироқ кодексларнинг барқарорлиги ҳам, прецедентларнинг уйғунлиги ҳам ҳукукий тизимнинг асл мақсади эмас. Асл мақсад — талаб қилинаётган янгилик ва мавжуд қонунларга ворислик ўртасида зарур иерархияни сақлаган ҳолда мувозанатни сақлашдан иборат.

АҚШ конституцияси

Қўшма Штатлар халқи, янада баркамол иттифок тузиш, одил судловни ўрнатиш, ички осойишталикни кафолатлаш, биргаликда мудофаани таъминлаш, умумий фаровонликка йўл очиш ҳамда озодлик неъматларини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида Америка қўшма Штатлари учун мамлакат конституциясини тантанали равишда эълон қилди.

Шунга кўра Конституциявий конвент томонидан 1787 йил 17 сентябрда Филадельфияда АҚШ Конституцияси қабул қилинди, 1789 йил 4 мартдан бошлаб у кучга кирди. АҚШ конституциясининг асосида учта принцип ётади, булар: бўлиниши, федерализм ва конституциявий суд назорати. Биринчи принципга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва

суд ҳокимиятлари бир-биридан мустақилдир. АҚШда федерализм тизими самарали ишламоқда.

Маълумки, АҚШ — президентлик республика. Президент — ижроия ҳокимиятининг бошлиғи. У айни вақтда давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади ва 4 йилга сайланади. Президент — олий бошқўмондон, ташқи сиёсатнинг бошқарувчиси. У вазирлар ва идоралар бошлиқларини тайинлайди. қонун чиқарувчи орган — Конгрессни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас. Конгресс эса ўз навбатида президент томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватламаслиги мумкин. Президент Конгресс томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаларни тасдиқлашга ҳамда уларга вето қўйишга ҳақлидир. Президент Сенатнинг рухсати билангина қатор ваколатларидан (масалан, халқаро шартномалардан) фойдаланиши мумкин. Суд ҳокимиятига эгалик қилувчи АҚШ Олий судини президент ва Сенат биргаликда тузади. Олий судга Конгресс қонунлари ва ҳукумат қарорларини конституцияга мос эмас деб топиш ҳуқуқи берилган.

Федерализм моделига кўра, федерал ҳукумат ва федерация субъекти бўлган штатлар ўртасида вазифалар бўлинади. АҚШ штатлари муайян даражада мустақилликка эга бўлса-да, ташқи сиёсий фаолиятда иштирок эта олмайди. Шунингдек, улар федерациядан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Штатларнинг ваколатлар доирасига қуйидагилар: ички қонунлар ва конституцияни қабул қилиш, савдо ва ишбилармонликни бошқариш, ички тартибни сақлаш ва ҳоказолар қиради.

АҚШ конституцияси муқаддима ва 7 та моддадан иборатдир. Муқаддимада конституцияни қабул қилишнинг мақсадлари айтиб ўтилган.

I моддада АҚШ Конгрессининг ваколатлари тузилиш, шаклланиш тартиби ва фаолияти ҳақида айтилади.

II модда президент ҳокимияти тўғрисида бўлиб, унда айтилишича, ижроия ҳокимияти АҚШ президентида топширилади. Бу моддада президентнинг қатор ваколатлари санаб ўтилган, уларни бажариш муддати ва ҳоказолар белгиланган.

III модда Федерал суд ҳокимияти тўғрисида бўлиб, унда айтилишича, Олий суд ва бошқа федерал судларга АҚШнинг суд ҳокимияти топширилади.

IV модда штатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда штатлар ва федерал ҳукумат ўртасидаги муносабатлар тўғрисида.

V моддада конституцияга тузатишлар киритиш тартиби ҳақида фикр юритилган.

VI моддада конституция ва федерал қонунлар Олий қонун деб эълон қилинган.

Охириги VII моддада конституциянинг кучга кириш учун кўпчилик штатлар томонида ратификация қилиниши зарурлиги ҳақида айтилади. Конституциянинг асосий қисми унга киритилган тузатишлар бўлиб, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 26 тага етган. Дастлабки ўн тузатиш — «Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл» алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда фуқароларнинг сиёсий, шахсий ва процессуал ҳуқуқлари кафолатланган. Америкаликлар бу конституцияси билан фахрланадилар. АҚШ конституцияси инсоният тарихидаги энг қадимги конституция ҳисобланади. У Филадельфия конвентининг 55 та делегати томонидан қабул қилинган. Бу жараёнда Жорж Вашингтон, Бенжамин Франклин, Жеймс Мэдисон, Александр Гамильтон каби машҳур америкаликлар иштирок этишган. АҚШда яшашни хоҳловчи муҳожирлар мамлакат қонунларини, айниқса конституциясини билишлари шарт. Америка фуқаролигини олиш учун имтиҳонда улардан нафақат тилни, балки мамлакатнинг қонунлари, тарихини билиш ҳам талаб этилади. АҚШ конституциясининг дастлабки матни Вашингтондаги миллий архивда сақланмоқда.

50 штатнинг ҳар бири ўз конституциясига эга. Штатлар конституциялари, бир томондан, мамлакат конституциясини мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, иккинчи томондан штатларнинг ваколати доирасига кирувчи масалаларга тегишли бўлади. Нимани ҳуқуқий этикетга амал қилиш ва таъминлаш дейиш мумкин ёки нимани бундай дейиш мумкин эмаслигини аниқлаш зарур бўлган ҳар қандай ишда конституциявий масалалар келиб чиқиши мумкин. Бу нарса Америка конституциясининг энг муҳим ўзига хосликларидан биридир. Конституцияга бешинчи тузатишда ҳокимият зулмидан ҳимояланиш борасидаги шахснинг мутлақ ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Кўплаб чекловлар қаторида шундай қоида ҳам мавжуд: “ҳеч бир одам ноқонуний равишда ҳаётидан, эркидан ва мулкидан маҳрум этилиши

мумкин эмас”. Бу чекловга амал қилмаган ҳолда бирорта суд ҳулосаси ёки маъмурий идоралар қарори чиқарилиши, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

АҚШ президентлари:

Америкаликларнинг статистика ва рекордларга қаттиқ қизиқиши президентларни ҳам четлаб ўтмади. Чунончи, кўплаб бошқа далиллар қаторида қуйидагилар қайд этилган: ҳозирги президент Жорж Буш Америка қўшма Штатларининг 43-президенти, аммо лавозимни эгаллашига қараб ҳисоблайдиган бўлсак, у 42-президент ҳисобланади, чунки Гровер Кливленд ўз бошқарувининг муддатлари орасидаги узилиш туфайли икки марта ҳисобланган. Президентликка шу пайтгача фақат оқ танли эркаклар сайланган, бироқ вице-президентликка номзодлар орасида аёл киши ҳам бўлган — Жеральдин Ферраро 1984 йили Уолтер Мондейл билан бирга республикачилардан номзодлар Рейган ва Бушга сайловни ютказганлар. Сайлангунга қадар президентларнинг кўпчилиги адвокатлик билан шуғулланишган, бироқ 11 президент — Вашингтондан Эйзенхауэргача — ҳарбий бўлган ва генерал унвонига хизмат қилган. Ҳозирги президент Жорж Бушгача 41 президентдан фақат 15 таси биринчи муддатдан кейин дарҳол иккинчи муддатга сайланган (фақат Франклин Д. Рузвельт уч марта сайланган) ёки танаффусдан сўнг яна бир марта сайланган (Кулиж); тўрт президент (Теодор Рузвельт, Калвин Кулиж, Гарри Трумэн ва Линдон Жонсон) олий лавозимга вице-президентликдан ўтган ва навбатдаги сайловда тасдиқланган; 22 президент Оқ Уйда фақат 4 йилдан ва бундан ҳам кам хизмат қилган. Тўрт президент (Уильям Гаррисон, Закари Тейлор, Уоррен Гардинг ва Франклин Рузвельт) лавозимни эгаллаб турган даврида вафот этган; тўрт президент: Авраам Линкольн, Жеймс Гарфилд, Уильям МакКинли ва Жон Ф. Кеннеди ўлдирилган; Ричард М. Никсон истеъфо берган. Президентлардан фақат Жеймс Бьюкенен бўйдоқ бўлган. Теодор Рузвельт президентлик лавозимига ўтирган энг ёш президент ҳисобланади — 42 ёш (бироқ у ўлдирилган МакКинлининг ўрнини эгаллаганлиги туфайли энг ёш сайланган президент шуҳрати 43 ёшли Кеннедига тегишли). 69 ёшида лавозимга ўтирган Рональд Рейган энг кекса президенти. қўшма Штатларнинг иккинчи президенти Жон Адамс энг узоқ умр кўрган — у 91 ёшида вафот этган. Шуниси эътиборга молики, у учинчи президент Томас Жефферсон билан бир кунда — 1826 йил 4 июлда, иккаласи Мустақиллик декларациясини имзолаганидан сўнг роппароса 50 йил ўтиб вафот этган. Ҳозирги кунгача мавжуд бўлган партия тизими вужудга келган 1856 йилги президент сайловидан буён республикачилар 21 марта, демократлар эса фақат 14 марта ғолиб чиққанлар. Учинчи партиядан қўйилган ёки мустақил номзодларнинг бирортаси ҳам ғалаба қозонмаган, аммо Южин В. Дебс (Социалистик партия, 1912 йил), Теодор Рузвельт (Прогрессив партия, 1912 йил), Роберт М. Лафоллет (Прогрессив партия, 1924 йил), Жорж Уоллес (Америка мустақил партияси, 1968 йил) ва Росс Перо (мустақил номзод, 1992 йил) ҳурматэҳтиромга асосланган ютуққа эришганлар.

Жамоатчилик фикрини ўрганувчи олимлар, тарихчилар ва сиёсатшуносларнинг яхши кўрган машғулоти ўзига хос жадваллар тузиш бўлиб, уларда президентлар халқ орасида машҳурлигига ёки раҳбарлик фазилатига кўра ва якуний ҳисобда уларнинг тарихий «улуғворлиги»га қараб жойлаштирилади. Ҳамма жадвалларда Линкольн, Вашингтон ва Жефферсонлар (кўпинча шу кетмакетликда) пешқадамлик қиладилар, Улисс С. Грант эса ҳамиша сўнгги ўринни эгаллаб келади. Кенг оралиқ майдонда жамоатчиликнинг кайфиятидан ёки ревизионистик илмий тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, кўпинча жиддий ўзгаришлар кузатилади.

Уч етакчи АҚШнинг жамоавий онгида афсонавий шахсларга, уларнинг Вашингтондаги ҳайкаллари эса — миллий зиёратгоҳга айланган. Жорж Вашингтон Америка миллий тарихининг тамал тошини қўйган шахс бўлиб, у АҚШ давлатчилигининг асосчиси сифатида тилга олинади. Мамлакат пойтахти ҳам Вашингтон иштирокида лойиҳалаштирилган ва унинг номи билан аталган; шаҳардаги машҳур сайилгоҳнинг ўртасида унинг ҳайкали қад ростлаб туради. қўшма Штатлар биринчи президентининг таъсири ҳанузгача сўнмаган. Томас Жефферсон Мустақиллик декларацияси принциплари, репрезентатив демократия неъматлари ва халқнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятининг

тимсоли ҳисобланади. Ниҳоят, Авраам Линкольн миллатнинг бирлиги ва — ўз ўлими билан — Америка тарихининг буюк эпоси бўлган фуқаролар урушида миллий тикланиш ва қулчиликни тугатиш йўлида берилган қурбонни тажассум топтиради. Учала ҳолатда ҳам «улуғлик»нинг эътироф этилиши ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Ўз мамлакатини XX асрдаги иккала жаҳон урушида ғалабага олиб келган президентлар Вудро Вильсон ва Франклин Д. Рузвельтнинг улуғлиги ҳам шубҳасиздир. Агар бу арбобларни ягона назар билан бирлаштирсак, идеал президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат арбоби, ҳам ҳукумат бошлиғи, ҳам сиёсий мутафаккир, ҳам ҳарбий стратег бўлиши керак экан деган- хулосага келамиз.

Президент ва Конгресс ўртасидаги муносабатларда Жорж Вашингтон давридан бошлаб деярли ҳеч нарса ўзгармади, чунки ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг комплекс ҳамкорлиги ва қарамақаршилиги Америка ҳукумат тизимининг асосий константалари ҳисобланади.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

1.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.

2..Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар: Б.Франклин, Томас Пейн, Томас Жефферсон, Александр Гамильтон, Жон Адамс,Д.Медисон, Д.Маршал, Д.Калкун, В.Вильсон,Холмс, АҚШ қонунчилиги. Фуқаролик жамияти.

Назорат саволлари

1.Б.Франклиннинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларида илгари сурилган таълимотларни тушунтириб беринг.

2.Томас Пейн АҚШ конституциясини яратишда ўзининг қайси ғояларини таклиф этади?

3.Томас Жефферсоннинг сиёсий- ҳуқуқий қарашлари қандай эди?

4.Александр Гамильтон инсон ҳуқуқларини ўз қарашларида қандай тушунтириб беради?

5.Жон Адамсинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида қандай ғоялар илгари сурилган?

6.Д.Медисон, Д.Маршал, Д.Калкун, В.Вильсон сиёсий-ҳуқуқий ғоялари.

7.Холмснинг ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.

8.Инсон ҳуқуқлари тўғрисида АҚШ қонунчилиги.

9.Фуқаролик жамияти тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар кимлар томонидан ривожлантирилган?

10. АҚШ конституциясини тузишда кимлар қатнашган эди?

Тестлар

1.Метрополия нима?

А.Мустамлака тури

В.Ўлка

С..Маъмурий бошқарув

Д. Давлатни идора услуби

Е.Тўғри жавоб йўқ

2.АҚШдаги мустақиллик учун курашнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари нимада акс этган?

А.АҚШ конституциясида

В.Мустақиллик Декларациясида

С.Т.Джефферсоннинг қарашларида

Д.Т. Пейннинг қарашларида

Е.Жон Адамснинг қарашларида

3.Кимнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳалқ суверенитети ғоясини асосий ўринга қўйилади?

А.Д.Медисоннинг қарашларида

В.Д.Маршалнинг қарашларида

С.Т.Джефферсоннинг қарашларида

Д.Т. Пейннинг қарашларида

Е.Жон Адамснинг қарашларида

4.Т.Джефферсоннинг ташаббуси билан 1787 йилдаги АҚШ конституциясига нечта қўшимча киритилади?

А.10 та

В.7 та

С.9 та

Д.6 та

Е. 5 та

5.«Дунёда инсон ҳуқуқларидан бошқа барча нарса ўзгаради» деган фикр кимга тегишлидир?

А. Жон Адамсга

В.Д.Маршалга

С.Калкунга

Д.Т. Пейнга

Е. Т.Джефферсонга

8-боб. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар

РЕЖА

1. Кант ва Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.

2. XIX асрнинг биринчи ярмида инглиз, француз, немис либерализми.

3. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг асосий оқимларига умумий тавсиф.

4. Джон Стюарт Милль (1806-1873) давлат, ҳуқуқий сиёсат, қонун тўғрисидаги қарашлари.

1. Кант ва Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.

Иммануил Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳам маълум маънода шундан далолат беради.

Кенигсберг университетининг фалсафа фанлари профессори Иммануил Кант (1724-1804) Германияда биринчилардан бўлиб либерализм асосини тизимлаштирган ва мамлакатда иқтисодий-сиёсий эркинликнинг ўрнатилиши тарафдори бўлган. Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ҳамда сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг «Космополитик нуқтаи назаридан умумий тарих ғоялари», «Мутлақ дунё сари», «ҳуқуқ ҳақидаги таълимотнинг метафизик асоси» каби асарларида баён этилган.

Маърифатга йўғирилган ва табиий ҳуқуқ мактабининг индивидуализимига асосланган Кант қуйидаги ижтимоий тамойилни кўрсатади. ҳар бир шахс мутлақ кадр-қимматига эга; шахс маълум бир режаларни амалга оширишда, гарчи умумфойдага қаратилган режалар бўлса-да, улар восита бўлиб хизмат қилмасиги лозим, ахлоқий онг субъектидир, у бошқа табиат мавжудотларидан мутлақ фарқ қилади, шунинг учун инсон фақат ахлоқий қонунларга таяниши лозим, бу қонун ҳеч қандай ташқи вазиятлар, сабабларга боғлиқ бўлмайди.

Кантнинг фикрича, ҳуқуқ умуммажбурий характерга эга бўлиши лозим. Лекин бунга қандай эришиш мумкин?

Бунинг учун, аввало, унинг таркибига мажбурлов чораларини сингдириш лозим. Акс ҳолда инсонларнинг ҳуқуқий нормаларга итоат қилишга, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга ва бузилган ҳуқуқни тиклашга эришиб бўлмайди. Агар ҳуқуқ мажбурлов чораси билан бирга фаолият юритмас экан, у жамиятда ўзининг вазифасини бажариш имкониятига эга бўлмайди. Лекин шуни ҳам инобатга олиш керакки, умумий қонунларни мутлақ императив характерга эга бўлиши унинг шартларига тўғри келмайди. ҳуқуққа бундай хусусиятларни сингдириш фақат давлатнинг ваколатига киради. Кантнинг фикрича, давлатчилик охир оқибатда императив талабларга зарурат сезади. Чунки давлатга бўлган эҳтиёж индивид, гуруҳ, жамиятнинг умумий эҳтиёжларидан эмас, балки уларнинг ақлий-амалий хатти-ҳаракатларидан вужудга келган. Бундан шу нарса англашадики, Кант давлатнинг олдида фуқароларни моддий таъминлаш, уларнинг маданий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш меҳнат, соғлиқ, таълим масалаларида қайғуриш мажбурияти йўқ деб билади. Бу масалалар давлатнинг олдида турган вазифаларга кирмайди. Инсонлар ҳақиқий бахтга эришишлари учун табиий шарт-шароитларга таянадилар, бунда мамлакатдаги давлатнинг бошқарув шакли муҳим ҳисобланмайди. Давлатнинг асосий мақсади эса унинг мутлақ ҳуқуққа эришиши ва конституция тамойилларига мос равишда фаолият кўрсатишда деб билади. Ушбу фикрга асосланиб, биз Кантнинг «ҳуқуқий давлат» концепциясининг яратувчиларидан деб биламиз. Кант давлатнинг фақат ҳуқуққа таяниши, ўз фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ доирасида амал қилиши ҳақида кўп марта таъкидлаган. Ушбу ҳолатдан чекиниш эса давлатга жуда қимматга тушади. Агар давлат ҳуқуқ ва эркинликларга итоат этмаса, позитив қонунларнинг муҳофазасини таъминламаса, у ўз фуқароси олдида обрў ва ишончини йўқотибўйиши мумкин. Инсонлар бундай давлатдан бора-бора бегоналашиб кетадилар.

Хукук доирасидан эркинликка келсак, Кантнинг танқид қилиш эркинлигини биринчи ўринга қўяди. Давлатнинг фуқароси ҳукмдорнинг рухсати билан ўз фикрини очиқ-ойдин изҳор этиши лозим. Бунда ҳукмдор ўзининг қандай хатти-ҳаракати жамиятга нисбатан адолатсиз бўлаётганлигидан хабардор бўлиб туради. ҳукук масаласига келганда, Кант унинг уч категориясини фарқлайди: табиий ҳукук, ижобий ҳукук, адолат.

Табиий ҳукук ўз навбатида икки қисмга бўлинади: хусусий ҳукук, оммавий ҳукук. Хусусий ҳукук индивидлар ўртасидаги муносабатларни мулкӣ нуктаи назардан тартибга солади. Оммавий ҳукук эса давлат ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Феодал тартибсизликларга қарши Кант ҳамма учун умуммажбурий бўлган қонунларни кўндаланг қўяди. У мулкчиликдан, тарафларнинг тенг хусусий, ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тартибни ёқлайди. Оммавий ҳукуқнинг марказий институти давлатда конституцияни қабул қилишда халқнинг иштироки ҳисобланади. Ўз мазмунига кўра халқ сувериннитетининг ривожланиб боровчи демократик ғояси саналади. ҳар бир индивид ўз хатти-ҳаракатларини фақат ўзи белгилайди. Халқнинг олий қадрияти давлат фуқароларининг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги деб билади. Кант халқ суверинитети тамойилини тарғиб қилиш билан бирга, уни кенг талқин қилинишига қарши чиқади. Унинг исботи тариқаси фуқароларни актив ҳамда пассив (сайлов ҳукуқидан маҳрум бўлганлар) каби турларга ажратади. Пассив фуқаролар — фақат яшаш учун қайғурувчилар, яъни бошқаларнинг топшириқларини бажарувчилар ҳисобланган жамиятнинг қуйи қатламидир. Кантнинг таъкидлашича, ҳар қандай давлат уч ҳокимиятдан ташкил топади. Булар: қонун чиқарувчи (халқнинг иродасига тегишли), ижро этувчи (қонун чиқарувчи олий ҳокимиятга ва қонуний ҳукмдорга бўйсинувчи), суд (ижро этувчи ҳокимият томонидан тайинладиган) ҳокимияти. Бу ҳокимиятларнинг субардинацияси ва ўзаро келишув натижасида деспотизмдан қутулиш ҳамда давлатнинг истиқболига эришиш мумкин. Давлатнинг бошқарув шакли нуктаи назаридан Кант қуйидагича таснифлайди: автократия (абсолютизм), аристократия ва демократия. Кантнинг фикрича, халқ устидан ҳукмронлик қилишнинг услуби ва методлари давлат бошқаруви муаммосининг марказида туради. Шу нуктаи наардан бошқарув шаклининг Республика ва деспотик шаклини кўрсатади. Республика шаклида ижро этувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан ажратилган бўлади, деспотик шаклида эса, аксинча, қўшилган бўлади. Кант энг мақбул давлат сифатида конституциявий монархияни кўрсатади.

Кантнинг тасаввурига кўра, ҳукмдор, бошлиқ ўзига бўйсунувчилар билан муносабатда фақат ҳукуққа эга. ҳукмдор ўзига бўйсунувчилар олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас, агар ҳукмдор ўз мамлакати олдида айбдор бўлса-да, халқнинг уни жазолашга ҳаққи йўқ. Шунингдек, Кант томонидан халқнинг ҳар қандай давлатга қарши ҳаракатлари, кўзғолонлари қораланган.

Ташқи сиёсат муаммоларига ҳам Кант ўзининг муносабатларини билдиради ва мамлакат устига юриш қилишни, босқинчилик юришлари ва умуман ҳар қандай ғоқонуний урушларни қоралайди. Кантнинг таъкидлашича, «барча халқларни ларзага солувчи энг катта офат — бу доимий урушлардан келиб чиқадиган оқибатлардир». Файласуф барча давлатларни халқаро шартномаларни бажариш, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик халқаро савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиришга чақиради. Кант доимий тинчликка эришиш мумкинлигини айтади ҳамда бунинг учун халқ маърифатли бўлиши, ҳукмдорлар эса оқил ва одил бўлиши, барча ҳаракатлар миллатнинг иқтисодий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлиши керак деб ҳисоблайди.

Давлат бу - ҳукуқий қонунларга бўйсунган кўпчилик инсонларнинг бирлашмасидир. Кантнинг бу машҳур тарифи, унинг давлатнинг ҳукуқий асосга таяниши кераклиги ғоясини ўзида ифодалаган. Шуниси эътиборлики, Кант бевосита “ҳукуқий давлат” атамасини гарчи қўлламаса-да, бироқ унга мазмунан яқин бўлган бошқа атамаларни қўллайди, хусусан: “ҳукуқий фуқаролик жамияти”, “ҳукуқий маънода мустаҳкам бўлган давлат тузилиши”. “фуқаролик -ҳукуқий ҳолати” ва бошқалар. Кантнинг ҳукуқий давлатга оид қарашларининг энг қимматли мағзи шундаки, у ҳукуқий қонуннинг устуворлигини давлатнинг конституциявий белгиси деб ҳисоблайди.¹

Кейинчалик Германияда ҳам ҳукукий давлат ғоясини шакллантириш борасида фаолият юргизган катор олимлар гуруҳи таркиб топган, уларни умумлаштириб рехтштатистлар деб ҳам аташган. Бунинг боиси, Германияда биринчи бор “ҳукукий давлат” атамаси шаклланган. Бу ибора дастлаб 1813 йилда Карл Велькер ва 1824 йилда эса И.Х.Фрайхер Фон Аретиннинг ишларида учраган бўлса, 1832 йилда немис олими Роберт Фон Моль томонидан биринчи бор бу атама илмий таҳлил этилиб, илмий муомалага ҳам бир йўла киритилган.

Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) фалсафий ва сиёсий қарашларнинг бутун бир тарихида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган буюк мутафаккирдир. Гегелнинг бутун бир ижодий фаолияти давомида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муаммолар марказий ўринда турган. Бу мавзу унинг «Германия конституцияси», “Табиий ҳуқуқни тадқиқ этишнинг илмий усуллари, амалий фалсафада унинг ўрни ва позитив ҳуқуқ ҳақидаги фанга муносабати», «Рух феноменологияси», «Вюртемберг киролигининг табақа йиғилиши ҳисоботи», «Рух фалсафаси», «ҳуқуқ фалсафаси», «Тарих фалсафаси» каби асарларида ёритилган. Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти асосан 1820 йилда ёзилган «ҳуқуқ фалсафаси» китобида баён этилган бўлиб, бу китоб сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида муҳим манбалардан бири саналади.

Ҳуқуқ фалсафаси Гегелнинг бутун фалсафий тизиминг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Гегелнинг фикрича, руҳнинг диалектик ривожланишнинг уч асосий даражаси мавжуд: субъектив руҳ (антропология, феоменология, психология) объектив руҳ (ҳуқуқ, одоб, ахлоқ) мутлақ руҳ (санъат, дин, фалсафа).

Бу ўринда қуйидаги икки жиҳатни эътиборга олиш лозим: 1. Гегель сиёсий-ҳуқуқий таълимотнинг манбаи объектив ҳуқуқ даражасига тааллуқли бўлиб, объективлик ташки мавжудлик ташкил топишини билдиради. 2. Гегелнинг сиёсий-ҳуқуқий назарияси ҳуқуқ фалсафаси кўринишида ишлаб чиқилган бўлиб, объектив руҳ ҳақидаги фалсафий таълимот, яъни объектив руҳнинг мутлақ руҳ нуктаи назаридан таҳлил қилинишини билдиради. ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаси давлат ва ҳуқуқнинг қандай бўлишини белгилаш эмас балки давлат ва ҳуқуқни илмий ўрганишдир. Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасига кўра, «ҳуқуқ» тушунчаси қуйидаги асосий маъноларни англатади: 1) эркинлик сифатидаги ҳуқуқ («ҳуқуқ ғояси»); 2) эркинликнинг бир шакли ва муайян даражаси сифатидаги ҳуқуқ («махсус ҳуқуқ»); 3) қонун сифатидаги ҳуқуқ («махсус ҳуқуқ»):

Гегелнинг таълимотига кўра, ҳуқуқ ривожланиш босқичи уч асосдан ташкил топади: мавҳум ҳуқуқ, одоб ва ахлоқ. Мавҳум ҳуқуқ ҳақидаги таълимот ўз ичига мулкчилик ва шартнома муаммоларини олади. Одоб ҳақидаги таълимот қасд ва айб, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва виждон муаммоларини ўрганади. Ахлоқ ҳақидаги таълимот эса оила, фуқаролик жамияти ва давлат муаммоларини ўрганади. Гегель фуқаролар жамияти ҳамда сиёсий давлат ҳақидаги фарқни кўрсатиб ўтади. Фуқаролик жамияти босқичида ҳақиқий эркинликка ҳали эришилмаган бўлади.

Фуқаролик жамияти тузилмасида уч қатлам мавжуд: 1) субстанция (ер эгалари - дворянлар ва деҳқонлар); 2) ишлаб чиқариш қатлами (фабрикада ишловчилар, сотувчилар, ҳунармандлар); 3) умумий қатлам (мансабдор шахслар).

Фуқаролик жамиятини талқин қилишда Гегель қонун, одил судлов, полиция фаолияти ҳақидаги муаммоларга ҳам тўхталади. Бу институтлар умумий манфаатларга хизмат қилиши билан бирга давлатнинг куч-қудратини ҳам ташкил этади.

Гегель қонунларни оммавий эълон қилиш, оммавий суд ишлаб чиқариши ва ҳокимият зарурлигини таъкидлайди. У сиёсий давлат бошқарувини танқид остига олиб, давлатнинг (полициянинг) шахсий ишларига аралашинишнинг чегараси бўлиши кераклигини айтади. Гегель фуқаролик жамияти масаласини ёритар экан, унинг вужудга келишига сабаб хусусий мулкчилик ҳукмронлиги натижасида ва инсонларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида вужудга келган деб эътироф этади. Гегелнинг тасаввурига кўра, давлат онг, эркинлик, ҳуқуқ ғоясини илгари сурувчи тушунча ҳисобланади. «Давлат бу худонинг ердаги амридир» ва у онгга хизмат қилади, дейди Гегель. Гарчи Гегель ёмон, ёвуз давлатлар мавжудлигини тан олса-да, бундай давлатларни у ҳуқуқ фалсафасининг доирасига киритмайди. Гегель фақат онгга асосланган ҳақиқий давлатни тан олади. Гегель ҳам ҳуқуқий давлат тарафдоридир.

Эркинлик эса ҳуқуқий давлатга эришиш демакдир. Гегелнинг онгли давлатида индивидларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг монархияси, уларнинг жамоаси, жамият, давлат ва уларнинг органлари худди органик жараён сифатида ҳаракат қилади. Гегелнинг фикрича, давлат ғояси уч маънони билдиради: мустақил давлат кўринишидаги тушунча (бу ўринда давлат тизими, давлатнинг ички ҳуқуқи назарда тутилади); давлатлар ўртасидаги муносабатларда ташқи давлат ғояси; умумжаҳон тарихи ғояси.

Муайян бир эркинликни ифодаловчи давлат бу индивидуал давлатдир бундай давлат ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига асосланган конституциявий монархия кўринишида бўлади. Гегелнинг фикрича, сиёсий давлат қуйидаги уч ҳокимиятга бўлинади: қонун чиқарувчи; вакиллик ҳокимияти; ҳукмдор ҳокимияти.

Гегель халқ суверенитетининг демократик ғоясини танқид қилади, ворислик конституциявий монархия суверенитетини ёқлайди.

Яхши ташкил этилган конституциявий монархияда монарх ўз ваколатини белгилар экан, давлат ишларини ҳал қилишда қабул қилинган қонунларга қўшимча равишда монарх «Мен хоҳлайман» иборасини киритишининг ўзи кифоя. Вакиллик ҳокимияти таркибига Гегель суд ҳокимиятини ҳам киритади вакиллик ҳокимиятининг вазифаси монарх қарорларини ижро этиш, мавжуд қонунлар ва ташкилотларни қўллаб-қувватлашдан иборат. ҳукумат аъзолари ҳамда давлат мансабдор шахслари халқнинг ўрта қатлампидан, яъни зиёлилардан иборат бўлиши керак, дейди Гегель. Гегелнинг тавсифлашича, қонун чиқарувчи ҳокимият — бу умумий белгилувчи ва ўрнатувчи ҳокимиятдир, қонун чиқарувчи Кенгаш икки палатадан иборат бўлади.

Юқори палата ворислик тамойилига асосан ер, мулк эгаларидан ташкил топади, депутатлар палатаси эса фуқаролик жамиятининг қолган қатламларидан ташкил топиб, овоз бериш йўли билан эмас, балки жамоа корпорация ташкилотлари томонидан номзодликка тақдим этилади. Гегель палаталарда оммавий музокаралар ўтказиш, эркин фикр билдириш, сўз эркинлиги тамойилини ёқлаб чиқади.

Давлат ғоясининг юқори нуктаси — бу унинг суверенитетидир. Давлатлар бир-бирларига нисбатан мустақил, эркин ва дахлсиз, бўлмоғи лозим. Суверенитет деганда давлатнинг барча ахлоқ масалаларида ҳам эркинлиги тушунилади.

Гегель ташқи давлат ўртасидаги муносабатда ташқи давлат ҳуқуқининг намоён бўлишини талқин этади. Халқаро ҳуқуқ — бу, Гегель таъбирича, ҳақиқий ҳуқуқ бўлмай, балки мажбуриятларга асосланган ҳуқуқдир.

Агар давлатлар ўртасидаги низо ўзаро келишувчилик асосида ҳал этилмаса, уруш йўли билан ўз ечимини топиши керак. Гегель бу фикри билан Кантнинг мутлақ тинчликка эришиш ғоясига қарши чиқади. Гегелнинг фикрича, ҳозирги замонда урушлар инсоний тамойиллар доирасида олиб борилмоқда, тарихда эса бу нарсани кузатиш қийин эди. Гегелнинг камчилиги унинг давлатни индивид ва жамиятдан устун қўйиб, шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқига оид қадриятларни рад этишида кўринади. Гегель давлат ҳуқуқ ғояси сифатида, ҳуқуқий давлат сифатида кўриш билан бирга, унинг зўравонлик, сиёсий ҳукмдорлик каби функцияларини ҳам ҳуқуқ доирасига киритган. Гегель таълимотида давлатнинг ҳуқуқдан устунлигини, давлат ҳокимиятининг ҳеч қандай чегара билмаслигини эътироф этади. Унинг бу таълимоти тоталитаризм таълимотига жуда яқин туради. XX аср тоталитаризми Гегелнинг сиёсат ва ҳуқуқ ҳақидаги нуктаи назаридан кўриб чиқилгандир. Тоталитаризм — бу сиёсий ҳокимиятнинг аксил ҳуқуқий, аксил давлат шакли бўлиб, мустабидликнинг тараққий этган туридир. XX асрда тоталитаризм ҳақидаги билим ва тажрибаларни таҳлил қилганда, шу нарса кўринадики, давлатчилик ҳамда тоталитаризм ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд.

Гегелнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимоти кейинги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихида ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатган. Бу айниқса Гегель таълимотини ҳамда гегелчиларнинг ғояларини ғоявий-назарий нуктаи назардан таҳлил қилганда яққолроқ намоён бўлади.

2. XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европадаги либерал ғояларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурага монандлиги. Инглиз, француз, немис либерализми.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа давлатларининг — Англия, Франция, Германия, Швейцария, Голландиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти буржуа тартибларининг ўрнатилиши ва мустақамланиши жараёни билан кечди. Бундай тарихий жараён натижасида кўпгина ғоявий оқимлар пайдо бўлди. XVIII асрнинг охирида Францияда рўй берган инқилоб Европада капитализмнинг ривожига муҳим омил бўлди.

Ғарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум либерализм остида ўзининг ғоявий ифодасини топди. Бу XIX асрда машҳур сиёсий ва интеллектуал оқим ҳисобланган. Унинг тарафдорлари турли ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлганлар.

Француз адибларидан Жозефде Местер (1753-1821), Луиде Бональд (1768-1840), немис адибларидан Людвиг Фон Раллер (1768-1854), Адам Мюллер (1779-1829) ларнинг ғоялари консерваторларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига асос бўлиб хизмат қилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европадаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг эволюцияси кенг қамровли, биринчиси иккинчисидан келтириб чиқарадиган ва тарихий нуқтаи назардан бир-бирига таъсир этиб турувчи кўринишда бўлган.

Инглиз либерализми Англия XVIII асрнинг охири учинчи чорагида йирик капиталистик давлатга айланган эди. Бунга бир қатор факторлар таъсир этган. Мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар инглиз сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ёрдамида қўллаб-қувватланганди. Хусусий мулкчилик, мулк ва шахс дахлсизлиги инсонларнинг шахсий фаолиятларидаги фаоллик масаласи доимо мамлакат диққат марказида бўлган ҳар бир индивиднинг хатти-ҳаракати ўз мулкидан максимал даражада фойда олиш нуқтаи назари кенг тарғиб қилинган.

Бундай нуқтаи назарнинг ривожига Иеремия Бентам (1748-1832) ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. У Гоббс, Локк, Юнг каби олимларнинг ижтимоий-фалсафий ғояларини ўзида қамраб олган. Бентам утилитаризм назариясининг асосчиси ҳисобланади. Бу назариянинг таркибида уч қоида ётади. Биринчиси, инсон фаолияти — у асосий қониқиш ҳосил қилиш ҳамда азият чекмасликни ташкил этиши керак. Иккинчиси, фойда — у барча мақсадларнинг ечимида восита бўлиши лозим. Учинчиси, инсонлар ахлоқи — у одамларга кўпроқ бахтли бўлиш имконини яратади. Шахсий ва ижтимоий манфаатлар ҳузур-ҳаловат учун энг кўп даражада фойда келтириш инсоният тараққиётининг мақсадидир.

Бентам юқоридаги қоидаларга асосланган ҳолда, сиёсат, давлат, ҳуқуқ, қонунчилик ва бошқаларни таҳлил қилган. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари «Қонунчилик тамойиллари», «ҳукумат ҳақида», «Барча давлатлар конституциявий кодексига бошланғич қўлланма», «Дентология ёки ахлоқ ҳақидаги фан» асарларида ўз ифодасини топган. Бентам индивиднинг озодлиги ҳақида фикр юритса-да, алоҳида шахснинг озодлигини назарда тутмайди. Бентамнинг фикрича, инсон ўз келажаги, баркамоллиги ҳақида фақат ўзи қайғуриши лозим. Инсоннинг манфаати, фойдаси нимадан ташкил топишини фақат инсоннинг ўзигина билади ва у ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ёрдам кутиши керак эмас. Бентам таъкидлашича, ҳеч кимнинг сизга таъсир этишига йўл қўйманг ва бу билан сиз жамият учун зарур ишни қилган бўласиз.

«Эркинлик» сўзини Бентам ўзгача талқин қилади. Бентам эркинлик ва ўзбилармонлик ўртасида ҳеч қандай фарқни кўрмайди. Бентамнинг қарашлари XIX—XX асрлардаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган, шунингдек, табиий ҳуқуқ, табиий қонун ва умуман ҳуқуқий фанларнинг истиқболдаги ривожига Бентамнинг ғоялари таъсир этган.

Француз либерализми вакили Бенжамен Констан (1767-1830) кўп тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Европа ҳудудида либерализмнинг отаси ҳисобланади. Унинг сиёсат, ҳокимият, давлат масалалари бўйича қарашлари «Конституциявий сиёсат йўли», «Курс» каби китобларида баён этилган.

Констан сиёсий назарияси асосида шахсий эркинлик муаммоси ётади. Унинг фикрича, бундай эркинлик антик дунё фанларида баён қилинган эркинликдан тубдан тубдан фарқ қилади, Қадимги юнонистонликлар ва римликлар назарида, эркинлик — бу фуқаролар томонидан олий ҳокимиятни жамоа бўлиб бошқариш ҳамда давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконияти ҳисобланган. Шу билан бирга, антик даврдаги эркинлик индивиднинг оммавий ҳокимиятга тўла бўйсунishi билан қоришиб кетган. Европаликларнинг бу эркинлиги эса шахсий мустақиллик, хавфсизлик, давлат бошқаруви

таъсир этиш ҳукукидир. Давлат функцияларини бажаришда индивиднинг доимий иштироки эркинликнинг мажбурий элементи ҳисобланмайди.

Констан таъкидлашича, одамлар эркин бўлар эканлар, ҳаётда ўз ўринларини мустақил топа оладилар. Улар ўзларининг шахсий ҳаракатлари билан ва ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ўзларига лойиқ ҳаётни ярата оладилар, Ушбу тасаввурларга таянган ҳолда Констан халқ суверинитети зарурати ҳақидаги тезисга аниқлик киритади.

Констан ҳеч қачон пассив ва кучсиз бўлган давлат бошқарувини ёкламаган. Шунинг учун ҳам у, ҳозирги замон давлати конституциявий монархия кўринишида бўлиши лозим, дейди. Констаннинг бу нуқтаи назари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган албатта. Конституциявий монархияда сиёсий уюшмалар «бетарафлик» ҳолатида бўлади. У ҳокимиятнинг классик услубига (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига) ўхшамайди, шунинг учун ҳам рисоладагидек фаолиятни таъминловчи яқдилликни таркиб топтира олади. Қирол ҳеч қандай ҳокимиятнинг ағдарилиши, бири иккинчисидан устун келишининг тарафдори эмас, аксинча, ҳокимиятлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва келишиб фаолият юритиши тарафдоридир.

Қирол ҳокимиятини бетараф ҳокимиятга айлантириш ҳуқуқий давлат бошқарувида монархия институтининг моделлашган кўринишидир. ҳуқуқ ҳам жамият фикрини назорат қилувчи, сўз эркинлигини, шахсий эркинликни кафолатловчи давлат ҳокимияти институтлари билан бир қаторга чиқиши лозим. Бу — Констаннинг қатъий позициясидир.

Алексис де Токвиль (1805-1859) унинг сиёсий концепцияси Констан боялари таъсири остида ривожланган Констаннинг «Америкада демократия ҳақида», «Эски тузум ва инқилоби» асарлари сиёсат ва давлат ҳақидаги фан ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Токвиль демократиянинг назарий ва амалий соҳаларига қизиққан. Демократияни жуда кенг талқин қилган. Унинг фикрича, бундай ижтимоий тузум феодал тузумга мутлақо қарама-қарши бўлибгина қолмай, балки жамиятнинг юқори ва қуйи қатламлари орасидаги фарқни ҳам тан олмайди. Шундай бўлса-да, демократия ижтимоий тузумни ўзида акс этувчи сиёсий бошқарув шаклидир.

Демократиянинг маъно-моҳияти тарихда фақат ғалабага интилган тенглик тамойилидир. Босқичма-босқич ўрнатиладиган тенглик юқоридан белгиланган қоидадир. Ушбу жараён жаҳон миқёсидаги узоқ давом этувчи жараён бўлиб, инсонларнинг иродасига боғлиқ бўлади.

Токвиль фикрича, эркинлик ва тенглик ҳар хил тартибда жойлашган, уларнинг ўртасидаги муносабат ҳам ҳар хилдир, инсонлар ҳам уларга ҳар хил муносабатда бўладилар.

Барча замонларда инсонлар эркинлик масаласида тенгликни афзал кўрганлар, чунки бунга инсонлар осон эришадилар ва уни тўғри қабул қиладилар. Тенглик натижасида эришилган хурсандчилик ҳеч қандай ҳаракатлар ва қурбонлар талаб қилмайди. Унга эришиш учун яшашнинг ўзи кифоя.

Эркинлик эса ўзгача муаммодир (хусусан, сиёсий эркинлик). Эркинлик шароитида яшаш инсондан мустақил ҳаракат қилиш учун ўз хатти-ҳаракатларига ва уларнинг оқибатларига жавоб бериши билан боғлиқ бўлган, кўп саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Эркинликдан фойдаланиш одатда дарҳол ўз натижасини бермайди. Унга эришган инсонларнинг ҳаммаси ҳам роҳат-фароғат олмайди. Шунинг учун ҳам демократия тарафдорлари доимий равишда эркинликка қараганда тенгликни севадилар.

Таквилнинг ўзи қуйидагича таъкидлайди: «ҳозирги замон демократияси эркинлик ва тенгликнинг ўзаро иттифоқи туфайлигина мавжуд бўлиши мумкин. Тенгликни ўта севиш эркинликни сиқиб чиқариб, ҳаётда истибдодни юзага келтиради. Истибдод бошқаруви эса ўз навбатида тенгликни маъносизлантиради. Тенглик бўлмаган жойда эркинлик ҳам узоқ яшай олмайди». Шунингдек, Токвиль тенглик ва эркинликни мувофиқлаштириш, бу мувофиқликни сақлаб турувчи сиёсий-ҳуқуқий институтларни яратиш ўз замонаси демократиясининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир бу муаммоларни тадқиқ этишда Франция ва АҚШнинг тарихий тажрибасига таянади.

Аниқланишича, демократиянинг олдидаги жиддий тўсиқлардан бири бу давлат ҳокимиятининг ҳаддан зиёд марказлашувидир. ҳокимият мамлакатдаги деярли барча соҳага аралашади. Агар марказлашган ҳокимият эркинликни йўққа чиқаришга ҳаракат қилса,

аксинча, демократик йўналишдаги сиёсий-ҳуқуқий тартиблар индивид ва жамиятнинг эркинлигини мустаҳкамлайди. Бундай тартиботга ҳокимият бўлиниши, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ суверинитетини таъминловчи бошқа қоидалар киради. Аммо Таквил суверинитет чегара билмайдиган даражада бўлишининг тарафдори эмас. Агар суверинитет меъёрдан ортиб кетса, давлат бошқарув шакли тиранияга айланиб кетиши мумкин.

Токвиль демократик институтлар қаторига сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги, ҳакамлар суди, судьяларнинг мустақиллиги ва ҳоказоларни киритади. Шуни ҳам айтиш керакки, давлат қандай бошқарув шаклини мақбул кўриши Токвиль асарларида баён этилмаган. Унинг фикрича, жамиятда вакиллик давлат бошқаруви ўрнатилиши лозим.

Германияда либерал ҳаракатлар XIX асрнинг биринчи ярмида бошланган, 1848-1849 йилларда Германияда рўй берган инқилоб даврида эса ўзининг юқори чўққисига етган. Дастлабки немис либерализми конституциявий ҳаракатлар асосида кечган. Бу даврдаги Германия давлатининг сиёсий-ҳуқуқий тартибига янгидан-янги моделлар таклиф этилган. Инглиз ва француз либераллари сингари немис либераллари ҳам аҳолининг ўрта буржуа қатламига таянганлар.

XIX асрнинг биринчи ярмида немис либерализмини Фридрих Дальман, Роберт фон Моль, Карл Роттек ва Карл Велькер, Юлиус Фрёбель ва бошқалар ҳимоя қилганлар, уларнинг қарашлари ва фаолиятлари Германиянинг сиёсий ва маънавий муҳитига таъсир қилган. Бундан ташқари, Вильгельм фон Гумбольд ва Лоренц Штейн ғояларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Гумбольдт (1767-1835) 1792 йилда ёзилган «Давлат фаолиятига чегара қўйиш тажрибаси» номли асосий сиёсий асарида давлат масаласига инсонпарварлик индивидуализм нуқтаи назарида ёндашади. Ушбу асарда давлатда инсоннинг ўз ўрнини топиши масаласи асосий вазифа сифатида қаламга олинади.

XVIII асрда бошланган ижтимоий фанни Гумбольдт қўллаб-қувватлаган. Бу фан давлат ва жамиятнинг белгиларига кўра табақаланиши билан боғлиқ. Ушбу табақаланиш чегараси сифатида қуйидаги фарқлар майдонга чиқади: 1) миллий ташкилотлар тизими (ташкилотлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар) ҳамда давлат институтлари ва хизматлари; 2) табиий ва умумий ҳуқуқ ҳамда бевосита давлат томонидан яратиладиган позитив ҳуқуқ; 3) инсон ва фуқаро.

Гумбольдт жамият ва давлат ўртасида чегара белгилар экан, уларнинг бир хил даражада эмаслигини таъкидлайди. Унинг нуқтаи назарича, жамият давлатга нисбатан, инсон ва фуқарога нисбатан кенгроқ тушунчадир. Шунинг учун ҳам табиий ва умумий ҳуқуқ давлат томонидан қабул қилинадиган қонунларни ишлаб чиқишда ягона асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Давлатнинг мавжуд бўлишидан асосий мақсад жамиятга хизмат қилишдир. Лекин жамият тушунчаси негизида, Гумбольдт назарида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, яъни индивид туради. Шунинг учун «давлат тузуми инсон камолотининг воситаси, холос» деган тезис амал қилади.

Гумбольдт минимал давлат концепцияси тарафдори бўлган дастлабки буржуа либералистларидан биридир. Гумбольдтнинг фикрича, давлатнинг функциялари иложи борида тор доирада бўлиши лозим. Давлат ҳокимияти доираси қанчалик кенг бўлса, индивидлар иттифоқининг эркинлиги шучалик тор бўлади. Давлатнинг кучайиши инсонларда туғулажак эркинликнинг ўсишига тўсиқ бўлади. Гумбольдт давлат функцияларининг кенгайишига қарши чиққан бўлса-да, унинг айрим ижтимоий ҳимоя функцияларининг зарурлигини тан олади. Шунинг учун у фуқароларни давлатга, қонунларига ҳурмат ва итоатда бўлишга чақиради. Давлатнинг заруратини тушунган Гумбольдт бошқа анархист таълимотчиларидан фарқ қилади. Немис мутафаккирининг бу соҳадаги ғоялари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Лоренц Штейн (1815-1890) давлат, ҳуқуқ, бошқарув, жамият ҳақида бир қанча изланишлар олиб борган. Унинг «1789 йилдан то ҳозирги кунгача Францияда ижтимоий ҳаракатлар тарихи», «Бошқарув ҳақида таълимот» асарларида Германияда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фаннинг ҳозирги даври ва истиқболи баён этилган. Штейннинг концепциясида жамият мустақил ўзига хос ижтимоий уюшма сифатида гавдаланади. Индивидлар бирликда ҳаракат қилар эканлар, ундаги инсонлар бир-бирларига нисбатан доимо ва ҳар тарафлама қарам бўладилар. Жамиятнинг ўзига хос хусусияти эса ундаги ҳар бир аъзо ўзининг хоҳиш-

иродасига таяниб ҳаракат қилади. Бу концепция орқали Штейн жамиятда эркинлик йўқлигини таъкидлайди. Штейннинг қатъий хулосаси қуйидагича: жамият амал қиладиган тамойил бу эрксизликдир. «Давлат, — дейди Штейн, — бу барчанинг хоҳиш-иродаси натижасида пайдо бўлган. Шунинг учун у фақат жамиятга хизмат қилиши керак. Бундай ташкилот давлат бўлгани учун фақат унгагина эркинлик берилмоғи лозим. Эркинлик бу шундай тамойилки, давлат унга доимо таянади».

Штейннинг фикрича, жамият ва давлат доимо бир-бирига таъсир этади ҳам. Бунда жамият давлатни ўзининг тамойилларига хос равишда мослаштиришга ҳаракат қилса, давлат эса, аксинча, ўзига мос бўлган ижтимоий тузумни яртишга ҳаракат қилади. Давлат жамиятдан устун турар экан, жамиятнинг «хўжайини» ва «устози» бўлиши керак. Фақат давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимиятга аниқ ва оқишма бўйсунган тақдирда, давлат ўзининг асосий вазифасини бажарган бўлади. Бундай субардинация оддий давлатни ҳуқуқий давлатга айлантиради ва сифатини сақлашни кафолатлайди.

Штейн ҳуқуқий давлат тарафдоридир. «Бошқарув ҳуқуқи конституция ва қонунларга таяниш керак», — дейди у. Штейн бундай давлатни конституциявий монархия шаклида кўради. Конституциявий монархияда ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунishi назорат қилувчи бу монархдир. Фақат монархгина жамиятда инсонларнинг манфаатларини таъмилаб бериши мумкин. Конституциявий монархияда ижтимоий ислохотлар ҳам ўтказилиши лозим. Бундай ислохотлар натижасида қуйи табақа аҳолисининг мақоми, уларнинг унумдорлиги, савияси ва ҳаётий эҳтиёжлари ортади. Штейннинг давлата меҳнаткашлар фойдасига ижтимоий ислохотлар амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги ғоялари кўплаб инқилоб тарафдорлари томонидан қораланди.

3.XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-ҳуқуқий мафкуранинг асосий оқимларига умумий тавсиф.

1789 йилда Германиянинг ижтимоий-сиёсий аҳволи XVIII асрнинг 10-йилларига қадар ўзгармай келаётган эди. Бироқ француз инқилоби мамлакатда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Баден, Саксония, Пфальцеда деҳқонлар ҳаракати авж олди. Шаҳарликлар норозилик чиқишлари билан кўзғолон кўтардилар. 1793 йил баҳорида Силезия худудида тўқувчилар томонидан кўзғолон кўтарилди. Майнцда эса Республика эълон қилинди. Франциядаги инқилобий воқеалар Германиянинг маданият вакиллари ҳамда халқ оммаси томонидан илиқ кутиб олинди. Немис зиёли, ёзувчи ва публицистлари халқнинг сиёсий уйғониши, Республикавий ғояларни кўллаб-қувватлаш ҳақидаги асарлари билан газета ва журналларда тез-тез чиқиб турдилар. Аммо Германияда объектив сабабларга кўра француз тажрибасини кўллашга батина олмадилар.

Германияда миллий бирликка эришиш, давлат ҳуқуқий тузумини демократлаштириш, крепостной бекор қилинишидек уч муаммо ечимини топиш арафасида эди. Немис буржуазияси вакиллари эски феодал тузумни бутунлай ағдариб ташлашда кенг меҳнаткашлар оммасининг кучигагина таяниб қолишдан қўрққан эдилар. Улар ўз ғояларини барчага ҳам тушунарли бўлавермаган фалсафий тилга ўгирдилар ва ўша даврдаги вазиятни бир қадар юмшатишга олий кадрият сифатида эълон қилдилар. Бу эса герман буржуазиясининг қатъиятсизлигини бир оз яширгандай эди.

4.Джон Стюарт Милль (1806-1873) давлат, ҳуқуқий сиёсат, қонун тўғрисидаги қарашлари

Джон Стюарт Милль (1806-1873). Унинг давлат, ҳуқуқий сиёсат, қонун тўғрисидаги қарашлари «Эркинлик ҳақида», «Вакиллик бошқаруви», «Сиёсий иқтисодиёт асослари» каби асарларида ўз ифодасини топган. У ўзининг илмий-адабий фаолиятини Бентам утилитаризми тарафдори сифатида бошлаган бўлса-да, унинг ғояларидан четга чиқади. Масалан, унинг фикрича, ахлоқ фақат шахснинг иқтисодий фойдаси асосигагина қурилмайди, балки шахсий бахтга эриши учун нафақат индивиднинг манфаатлари балки бошқа шахсларнинг

манфаатлари ҳам инобатга олинishi лозим. Бошқа шахсларнинг, қолаверса, бутун бир жамиятнинг манфаатлари билан келишган ҳолда ўз манфаатлари кўрилиши керак.

Миллнинг фикрича, шахсий эркинлик фақат инсонга тегишли бўлган фаолият доирасида унинг мутлақ мустақиллиги тушунилади, шу доирада инсон ўзининг устидан хўжайин ҳисобланади ва ўзича ҳаракат қилади.

Шахсий эркинликнинг чегараси сифатида қуйидагиларни кўрсатади: фикр ва ғоя эркинлиги, бошқа индивидлар билан келишиб ҳаракат қилиш эркинлиги, шахсий тақдирини мустақил белгилаш ва ҳаётий мақсадларни танлаш эркинлиги. Бу бир-бирига яқин бўлган эркинликлар индивиднинг баркамолликка эришувидаги муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Сиёсий тузилмага бўлган муносабатларда, унинг фаолият юритишида шахснинг эркинлиги мавжуддир.

Миллнинг фикрича, барчага шахсий эркинлик бера оладиган ва уни кафолатлай оладиган давлат ўзининг ичида ҳам тартиб ўрната олади. «Тартиб сўзи бўйсунуш» сўзини англатади. Милль таъкидлайдики, ўз буйруқларига бўйсундира олмайдиган ҳокимият ҳеч қачон ҳеч кимни бошқара олмайди. Бўйсунуш, итоат қилиш ҳар қандай цивилизациянинг белгисидир, ҳокимиятга итоат қилиш бошқа индивидларнинг манфаатлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини бузмасликни англатади. Шундай қилиб, шахсий эркинлик бу шахснинг қонунга итоат қилишидир.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда либерал сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос тизимига асосланган мактабини яратган Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ғоят ўринли: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ... чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркинлик фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади».

Милль вакиллик бошқаруви масаласида ўзининг асосий сиёсий ғоясини илгари суради, яъни давлат фаолияти ва бошқарувида халқнинг бевосита иштироки давлатчилик масаласида халқ масъулияти ғояларидир. Биринчидан, вакиллик бошқаруви мазкур давлат шаклида қабул қилинган халқ хоҳиши билан амалга оширилади. Иккинчидан, халқ уни қўллаб-қувватлаши учун зарур бўлган барча истак ва қобилиятларга эга бўлиши керак.

Милль либерализм нафақат шахсий эркинлик, шахсий ҳуқуқни ҳимоя қилишда, балки демократик ва ҳуқуқий асосларда давлат механизмини ташкил этиш ҳамдир. Бундан маълум бўладики, ҳуқуқий давлатнинг концепцияси либерал сиёсий, ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттирувчи зарурат ҳисобланади.

9-боб.XVII-XX асрлардаги либерализм сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти

РЕЖА:

1.Жон Локк, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббсларнинг таълимоти.

2.XVIII-XIX аср либерализми таракқиёти.

3.XX аср либерализм назарияси асосий йўналишлари.

4.Бенжамен Констаннинг сиёсат, ҳокимият, давлат масалалари бўйича қарашлари «Конституциявий сиёсат йўли», «Курс» каби асарларида либерализм ғоялари.

5.Алексис де Токвиль (1805-1859) унинг сиёсий концепцияси Констан ғоялари таъсири остида ривожланган Констаннинг «Америкада демократия ҳақида», «Эски тузум ва инқилоби» асарлари.

6.Россияда сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

7.Маърифатпарварлар ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Славянофинлар.

8.Либерал йўналиш вакиллари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

9.Карамзин, Муравьёв, Сперанский сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

1.Жон Локк, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббслар сиёсий-ҳуқуқий қарашларида либерализм ғоялари.

Табиий ҳуқуқ назариясига катта ҳисса қўшган мутафаккирлар орасида Жон Локк (1632-1704) алоҳида ўрин эгаллайди. У сиёсий назария классикларидан бири ҳисобланади. Унинг давлат ва табиий ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари "Бошқарув ҳақида трактат" номли асарида ифодаланган. Бу асарни либерализмнинг библияси деб ҳам атайдилар.

Локк одамларнинг табиий ҳолатини тасвирлашда Гоббснинг ҳаммани ҳаммага қарши уруш ҳолати ҳақидаги фикрига қарама-қарши фикрини баён қилади. Унинг фикрича, табиий ҳолатда эркинлик ва тенглик ҳукм суради. Табиий эркинлик ҳеч қачон бегоналаштирилмайди. Локк мулкка эгаликни ҳам эркинлик каби одамнинг табиий ҳуқуқи деб ҳисоблайди.

Одамларнинг эркинлиги ва уларнинг мулки, дейди Локк, табиий ҳолатда ишончли муҳофаза қилинмайди. Умумий тенглик туфайли барча ўзини қирол деб тасаввур қилади. Бироқ, кўпчилик ҳамма вақт ҳам адолат талабларига риоя қилади деб бўлмайди. Бу ҳол ўз мулкига эгалик қилишни қийинлаштиради. Одамларнинг олмий мақсади ўз мулкани, табиий эркинлигини муҳофаза қилишдан иборатдир. Шу мақсадда улар ижтимоий шартнома асосида ўзларининг табиий эркинлиги, ҳаёти ва мулкани муҳофаза қилиш ҳуқуқини жамиятга топширадилар. Лекин табиий ҳуқуқнинг барчасидан воз кечилмайди. Индивид фақат ҳокимиятнинг сақланиши учун зарур бўлган миқдордагина табиий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди.

Қолган қисми инсоннинг ўзида дахлсиз қолади. Давлатнинг вазифаси дейди Локк, ўз тадбиркорларининг хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тартиб сақлашдан иборатдир. Лекин давлат савдо-сотиқ ва саноатни бошқариш ишларига аралашмаслиги лозим. Давлат индивидларга ижтимоий ва иқтисодий тенгликни эмас, балки ҳуқуқий тенгликни таъминлаши керак.

Мадомики, индивидлар ижтимоий шартномани маъқуллар эканлар, унда уларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг иродасига бўйсунishi лозим. Локк абсолютизмга қатъий қарши чиқади. У ҳукмдорлар ҳокимиятини чеклаш муаммоси билан жиддий шуғулланди, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини қўллаб-қувватлади. Локк қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва иттифок, (федератив) ҳокимиятларни ажратади. Улар битта орган қўлида бўлмаслиги керак. Суд ҳокимиятини Локк ижро этувчи ҳокимият ихтиёрига беради.

Локк ўзига замондош Англиядаги сиёсий шароитнинг назарий ҳимоячиси сифатида ижод қилди. Унинг таълимоти буржуа давлатчилиги принципларини асослашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у кейинги давр буржуа сиёсий таълимотлари ривожига катта таъсир кўрсатди.

Табиий ҳуқуқ назариясининг ривожланишига Голландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1670) ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари "Диний-сиёсий трактат", "Сиёсий трактат", "Этика" асарларида ўз ифодасини топган.

Спиноза давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, келиб чиқишини табиий зарурат нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилди. Унинг таълимотининг бошланғич нуқтаси табиий ҳуқуқ тушунчасидир. Унинг фикрича табиий ҳуқуқ бу дунёдаги барча нарсалар итоат қиладиган табиий қонунлар ёки қоидалардир.

Табиий ҳуқуққа биноан инсон кучи етганича хоҳлаган нарсасини қилишга ҳақлидир. Лекин инсоннинг куч-қудрати, ўз жонини сақлаши ақлга итоат қилиш билангина таъминланади. Ақл эса инсонни бошқа одамлар билан мулоқатда бўлишини буюради, чунки одам ҳаёт кечириши учун зарур нарсаларни ёлғиз ўзи топишга қодир эмас. Одамнинг хавфсизлиги, унинг табиий ҳуқуқлари жамиятдагина таъминланиши мумкин. Жамиятдан ташқарида унинг куч-қудрати мадад олиш имкониятидан маҳрум. Натижада одам муқарар равишда бегона бир кучга бўйсунишга мужбур бўлади.

Шунинг учун одамлар табиий ҳолатдан гражданлик ҳолатига ўтадилар. Улар ўзларининг кучи ва табиий ҳуқуқларини бирлаштиради ва хавфсизликда яшаш учун

давлат ҳокимиятини ўрнатадилар. Давлат билан бирга "умумий ҳуқуқ" ҳам пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ давлатга бирлашган барча одамларнинг куч-қудрати билан белгиланади.

Алоҳида одамларнинг табиий ҳуқуқларининг бирлаштирилиши ва одамларнинг бир бутун бирикмаси ҳокимиятни ташкил қилади.

Спиноза таълимотига кўра табиий ҳолат давлатнинг пайдо бўлганидан кейин ҳам сақланади, бекор қилинмайди. Давлатда у фақат ўзгартирилади. Спиноза давлат ҳокимиятининг чегарасини аниқлаш, табиий ҳуқуқларнинг дахлсизлиги, қирол ҳокимиятини чеклаш масалаларини қўйди. Айниқса, дейди Спиноза, олий ҳокимият эркин фикрлаш ва виждон эркинлигини чекламаслиги керак.

Спиноза давлат шакллари ҳақида ўз фикрини баён қилиб, демократик давлат тизимини тарафдори эканлигини билдиради. Демократияда беъмани қонунларнинг чиқиб қолиш хавфи деярли йўқ, чунки кўпчилик беъманиликка йўл қўйиши мумкин эмас. Спиноза чекланмаган монархиянинг жиддий душмани эди. Унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти фикр ва виждон эркинлиги принципларини асослашга қаратилгандир.

Англиялик мутафаккир Томас Гоббс (1588-1679) томонидан давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги янги таълимотлар пайдо бўлди. Т. Гоббс давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назариясида, шахснинг табиатдаги ўрни билан боғлайди. Унинг фикрича «дастлаб инсонларнинг барчаси тенг, озод бўлиб, жисмоний ва рухий жihatдан тенг ҳуқуқли эдилар кейинчалик «инсон-инсонга душман» тарзида фикр ҳар бир кишида пайдо бўдиши туфайли, тенг ҳуқуқлилик принципи йўқолди».

Гоббснинг табиий ҳуқуқ назариясида «ҳуқуқ» (jus) ва «қонун» (lex) тушунчаларини алоҳида тушунтириб беради. Унинг фикрича “Ҳуқуқ”- бу эркинлик бўлиб, нимадир қилиш ёки нимадир қилмасликдир, “қонун” эса – нимадир қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги ўлчовдир”.

Т. Гоббс давлат бошқарувига тариф берар экан: “Мутлоқ ҳокимият тинчлик гарови ва табиий қонунларнинг муомалага киритишдир” дейди.

Давлат инсонлар томонидан “барчага қарши уруш” га чек қўйиш, тинчлик осойишта ҳаёт учун тузилган ташкилотдир.

Гоббснинг фикрича давлат формалари асосан уч хил кўринишда яъни монархия, демократия ва аристократия бўлиши мумкин. Давлат ўз фуқароларига озодлик ва эркин кафолатлаши керак. Т.Гоббс фикрича монархия бошқарув услуби энг мақул давлат бошқарув услубидир. У Б. Спинозанинг “подшо бу давлатдир” деган фикрига қўшилади.

2. XVIII-XIX аср либерализми тараққиёти.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг ижтимоий илдизлари Ғарбий Европанинг илгор ривожланган капиталистик мамлакатлардаги капитализмнинг ривожланиб боришига тақаларди.

Биринчи томондан эркин ракобатнинг гуллаб яшнаши, баъзи бир мамлакатларда буржуа ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенгайиб бориши Буржуа сиёсий ва ҳуқуқий мафкурадаги кучли либерал - индивидуалистик тенденциянинг ривожини такозо қиларди ва либерализм уша даврнинг буржуа сиёсий - ҳуқуқий фикрида муҳим йўналишга айлана борди.

Иккинчи томондан, XIX аср охирига келиб Эркин ракобат монополиянинг ҳукмронлигига жой бўшатиб бера бошлади. Империализмнинг оёкка туриб олиши ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб кирди. Буржуазия ишчилар синфига ён босишга, қатор ижтимоий қонунчилик актларини қабул қилиш га мажбур булди. Халқнинг меҳнаткашлари макбул ва яхшироқ тузм учун кураши Париж Коммунасида уз аксини топди. Буржуа давлати ўзининг ижтимоий - иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга киришди, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига фаолроқ аралаша бошлади. Буларнинг барчаси буржуа Сиёсий ва ҳуқуқий мафкурадаги консерватив, антидемк ва реакцион тенденцияни кучайтиришга олиб келади, Либерализмнинг инқироzi, зурлик култи этиатизм, агрессив сиёсат, расизм, шовинизм ва эштизм ушбу тенденциянинг типик номоён этилиши эди.

ЭТАТИЗМ - буржуа сиёсий фани тушунчаси бўлиб, бу тушунча давлатнинг мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига фаол аралашувини билдиради.

Зурлик назарияси – идеалистик назария бўлиб, бу назарияга кура ижтимоий тенгсизлик бировларнинг бошқаларга зурлик қилиш и натижасида пайдо бўлган эмиш. Буржуа сиёсий мафкурасида реформизм ва ревизионизм оқимлар ҳам пайдо бўлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги буржуа сиёсий ҳуқуқий таълимотлар спекулятив- метофизик фалсафани сиқиб чиқарган позетив асосига таяниб, ривожлана борди.

Спекулятив фалсафа (ақл сотиш фалсафаси) – билимнинг ақл сотиш типига, яъни билимни тажрибага мурожаат қилмасдан рефлексия ёрдамига хулоса қилиб чиқаришга асосланган фалсафий системалар.

Позетивизм (лат. *Positivus* – ижобий) – конкрет (эмпирик) фанларни чинакам, Ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи деб билувчи фалсафадаги бир йўналиш бўлиб, фалсафий тадқиқотнинг билувчилик кимматини инкор этади. Позетивизмнинг пайдо бўлиши спекулятив фалсафанинг (немис кл. идеализмининг) фанларнинг ривож илгари сўрган фалсафий муаммоларни ҳал этишга этишга кодир эмаслигига узига хос жавоб эди. Позетивизм кейинчалик билимлар ҳосил қилиш воситаси сифатида назарий ақл юритишни буткул рад этди. Позетивизмнинг асосчиси Кант эди. Ва Кантнинг ўзи «позетивизм» терминини киритган эди.

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида ғарбий Европада капитализм қарор топди ва ривожланди. Саноатда юз берган кескин ўзгаришлар мануфактура ишлаб чиқаришнинг йирик машина индустрияси билан алмашув жараёнининг тезлаштирди. Бу жараён энг олдин Англияда, кейин Франция ва бошқа Европа мамлакатларида юз берди. Йирик саноат, савдо, алоқа воситаларини ривожланиши, умумжаҳон бозорининг вужудга келиши ва бошқалар капитализмнинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимига айланишини таъминлади.

Мана шу ўзгаришларга мос ҳолда сиёсий-ҳуқуқий тизим вужудга кела бошлади. XIX-асрнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг мустахкамланишига мос конституциялар қабул қилинди. Хусусий ва давлат ҳуқуқи тизими ташкил топди. Сиёсий партияларнинг ҳаракати фаоллашди. Конституционализм ва сиёсий ваколатчилик институтлари вужудга кела бошлади. Конституцион монархия ва республика шаклидаги замонавий ваколатли давлатлар пайдо бўла бошлади. Сиёсий ҳаётда эркинлик ва тараққиётга, қонунчиликка интилиш кўчайди. Ғарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум ўзининг мафкурасини либерализмда ифода қилди.

Либерализмнинг асосий ғоялари: ҳар бир шахс кадр-қиммат ва эрк эгаси ва ўз ҳаракатлари учун масъулдир; шахс эркинлигининг зарурий шарти хусусий мулкдир; эркин бозор, эркин рақобат ва эркин тадбиркорлик, тенг имкониятлар; сиёсий соҳада-ҳокимиятлар бўлиниши, қонун устиворлиги, ҳуқуқий давлат ғояси, шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш; умумий сайлов ҳуқуқи ва бошқалар.

Либерализм турли ижтимоий-тарихий ва миллий-маданий шароитларда шаклланди ва ривожланди. Унда турли хил бир-биридан фарқ қиладиган қирралар, босқичлар ва қарама-қаршилиқлар борлигини кўриш мумкин. Турли даврларда у ҳар хил шаклларда намоён бўлди.

Бу ҳолни ҳисобга олсак турли хил либерализм борлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Лекин либерализмнинг хиллари кўп бўлишидан қатъий назар унинг илдизлари, асосий ғоя, тамойил ва идеаллари умумийдир. Мана шу умумийлик либерализмнинг ижтимоий-

сиёсий фикрнинг махсус тури сифатида намоён қилади.
Либерализмнинг илдизлари уйғониш давлари билан боғлиқ.
Унинг бошланишида Ж. Локк, Ш.Л.Монтескье, И. Кант,
Т. Джефферсон ва бошқалар турган эдилар.

Либерализмнинг шаклланишига маърифатпарварлик ҳаракатининг намоёндалари, немис классик фалсафаси вакиллари ҳам муҳим ҳисса қўшдилар. Юқорида кўрганимиздек, улар ўз қарашлари билан бир биридан фарқ қилсаларда, уларнинг барчаси ўз даврининг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал қилишда эскириб қолган қадрият ва ёндашувларни, ўз самарадорлигини йўқотган ижтимоий-сиёсий ва давлат институтларини янгидан қуриш зарурлигини англаганлар.

Мана шундай ёндашув асосида классик либерализм меросий ҳокимият шакллари, табақавий имтиёзларни инкор қилади. Унинг вакиллари яқка индивиднинг эрки ва табиий қобилятларини биринчи ўринга қўйдилар. Ҳар бир одамнинг яшаш, эркинлик ва хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқлари ғояси замирида мана шу индивидуализм ётади.

Сиёсий ва гражданлик эркинликлар иқтисодий эркинликдан чиқарилди. Индивидуал эркинлик ғоясининг шаклланиши ва қарор топиши давлат ва шахс муносабатлари, давлатнинг индивид ишларига аралашуш чегаралари муаммоси аниқ ажралиб чиқа бошлади. Шу қоидалар асосида ҳуқуқий ва сиёсий концепциялар вужудга келди. Бу концепциялар ҳуқуқ ҳар бир индивиднинг қадр-қиммати ва эркинликни ҳимоя қилиш воситаси сифатида талқин қилинди.

Бу индивидуалистик идеал тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, янгиликка интилиш каби фазилатларни шаклланишига туртки бўлди.

Капитализмнинг ўзгарувчан тизим сифатида ривожланишида мана шу қадриятлар катта рол ўйнади. Либерализмнинг вакиллари инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги, мақсад ва манфаатларини амалга ошириш йўлида тенг имконият ва ҳуқуқларга эга бўлиш учун курашдилар. Либерализм инсон ҳаётининг янги ҳаракатчан кучларини очди. У Европага тадбиркорлик ва бизнес йўлидан ҳар қандай тўсқинларни улоқтириб ташлашни ўргатди. Эркинлик бўлмаган ерда тадбиркорлик ривожланмаслигини кўрсатди.

Либерализм ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида плюрализм принципи жорий қилинишининг талаб қилди. Ижтимоий соҳада турли синф, қатлам ва тоифалар, манфаатдор гуруҳлар эркинлиги; маданий соҳада турли хил маиший маданиятлар, сиёсий соҳада-сиёсий ҳаракатлар, партия ва жамоат ташкилотлари эркинлиги.

Либерализмнинг шахс эркинлиги талабаларидан ҳар ким хоҳлаганини қилиши мумкин деган ҳулоса чиқмайди. Шахс эркинлиги ғоясининг ажралмас иккинчи томони шахснинг жамият олдида маъсуллиги ғоясидир. Либерализм вакиллари умумий бахт-саодатнинг таъминлашда давлат ижобий рол ўйнаши мумкинлигини ҳам инкор қилмайди. Конституциявийлик, парламентаризм ва ҳуқуқий давлат қадрияти ва принципларини ишлаб чиқишда либерализмнинг роли катта бўлди.

Умуман олганда либерализм догматизм, схематизмга зид тафаккур тарзидир. Унда ўзгармас, бир хил меъёр ва қоидалар йўқ. Либерализм шароитнинг ўзгариши билан ўзгариб бори, унга мослашди. У ўз вазифасини ўтаб бўлган ижтимоий-сиёсий институт, меъёр ва қадриятларни қайта кўриб чиқиш, хатто уларни ўзгартиришдан ҳам қўрқмади. Либерализм вакилларининг кўпчилиги классик меросни ўзгарувчан шароитга мослаштириш билан банд бўлганлар.

3. XX аср Либерализмининг йўналишлари.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида либерализм янги босқичга кўтарилди. Бу капитализмнинг янги босқичга ўтиши билан боғлиқ эди. Шу даврда либерализмнинг кучли томонлари билан бир қаторда бўш томонлари ҳам намоён бўла бошлади. Хусусан, классик либерализмнинг эркин бозор муносабатлари ва эркин рақобат каби муҳим қоидалари аҳолининг имтиёзли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга

бўйсундирилди. Шунинг учун ҳам Европа ва АҚШ да бу ўринишларга қарама-қарши ғоялар билан бир қанча атоқли сиёсатшунослар иқтисодчилар гуруҳи классик либерализмнинг муҳим қоидаларини қайта кўриб чиқиш, корпорацияларнинг ўзбошимчаликларини чеклаш ва аҳолининг мухтож қатламларини ахволини енгилаштиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш таклифлари билан майдонга, чиқадилар. Булар орасида Германияда Ж.Тобсон, Т.Грин, Л.Хобхауз, Ф.Науман, Италияда Б.Кроче, АҚШ Л.Уорд Ж. Кроули, У.Бирд, Ж.Дьюи ва бошқаларни эслатиш мумкин.

Улар янги либерализмни номини орган бир қанча янги ғоя ва принципларни ишлаб чиқдилар. Энг аввал улар эркин бозор ва эркин рақобат ғояларини қайта караб чиқиш зарурлигини асослашга ўриндилар. Биринчи галда улар либерализмга хос индивидуализмнинг маълум даражада янгича талқин қилдилар. Улар давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётида ижобий рол ўйнашини тан олдилар.

XX асрнинг 30 йилларида юз берган иқтисодий кризис ва бу кризисдан чиқиш йўлида АҚШнинг ислохотчи президенти Д.Рузвельтнинг иқтисод соҳасида тутган "янги йўли" иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат ижобий рол ўйнашини яққол намоён қилган эди. Бу ходисалар либерализмнинг шаклланишида бурилиш ясада.

Иккинчи жаҳон уришидан кейин либерализмда муҳим ўзгаришлар юз берди. Шунинг таъкидлаш керакки XIX аср давомида ва XX асрнинг биринчи ун йилликларида либерализмнинг асосий ғоялари сиёсий амалётда текширилди ва яхши натижалар берди. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда демократик меъёр ва принциплар сиёсий амалиётга жорий қилинди. Бу ҳол либерализмда ютуқларни санлаб қолади асосий вазифадир деган тасаввурларни туғдирди. Хатто либерализм ўз вазифасини ўтаб бўлди, унга ўрин қолмади, у ўлди ҳам дейишди. Лекин либерализм ўлган эмас эди. Аксинча, XX асрнинг 70-80 йилларига келиб либерализмнинг қайтадан тикланиши ҳақида гапирила бошланди.

Либерализм тарафдорларининг кўпчилиги жамият давлат ва индивид муносабатлари, капитализм ва демократия, эркинлик ва ижтимоий тенглик, адолат масалаларига доир қарашларни қайтадан кўриб чиқишга ўриндилар. Бу ўринишлар ижтимоий-сиёсий фикрда турли хил оқимларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу оқимлар ичида икки йўналишни ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири жамият олдида тўрған муҳим муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос умумий ғоя принцип ва ёндашувларга эгадир. Биринчи йўналиш вакиллари иқтисодий консерваторлар деб баҳоланса бўлади. Улар классик либерализмнинг асосий қоидаларини, айниқса, эркин бозор тамойилларини муайян ўзгаришлар билан такрорлайдилар. Иккинчи оқим намоёндалари ижтимоий-иқтисодий соҳада муҳим ислохотлар ўтказиш, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ролини қайта кўриб чиқиш, кам таъминланган аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатиш каби масалаларни кўриб чиқдилар.

XX аср охирида либерализмнинг хусусияти мана шундан иборат бўлди. Шу билан бирга либераллар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга аралашиб боришининг кучайишидан хавфсирардилар. Шунинг учун ҳам улар бозор механизмларини рағбатлантириш ва шу билан бирга давлатнинг тартибга солиш вазифаларини чеклаш талабларини ҳам қўйдилар. Давлатнинг аралашувининг муқаррарлиги ва зарурлигини тан олиш билан бирга, либераллар бу аралашувни чегараларини белгилаш зарурлиги ҳақида хавотирланиб гапирадилар.

Улар иқтисодий кризис ва унинг оқибатларини юмшатишда давлатнинг-аралашуви имкон берганлигини хотирасидан чиқармаган бўлсада, давлатнинг аралашув чегаралари қанча бўлишини англадилар.

Либерализм ўзининг икки юз йиллик тарихидан ҳар доим шароитга мослашиб ўзгариб борди. Инсон эркинлиги, унинг ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги ғоясидан муайян даражада давлат аралашуви керак, деган ғояга келди. Ҳар бир одам эркин,

хохлаган ишини қилиши мумкин, лекин қоидага риоя қилган ҳолда қилсин. Давлат мана шунини таъминлаши зарур.

Давлатнинг идора қилиш шакли масаласига келганда либерализм адолат принципларига асосланган қонуний ва самарадор идора қилиш шакли тарафдоридир. Либерализм умумий қонун ва принципларни, фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини Таъминловчи адолат бу- "сиёсий адолат" ёки "расмий адолат"дир, деб биладилар. Ижтимоий ҳуқуқлар ва ўларнинг амалга ошириш масаласида ўлар ҳар бир фуқарога муайян даражада фаровон ҳаёт таъминланишини талаб қиладилар. Бу таълим олиш, меҳнат қилиш, қарилик нафақаси билан таъминланиш каби ҳуқуқлардир.

Кўпчилик либераллар ижтимоий тенгликка нисбатан имкониятлар тенглигини устун қўядилар. Уларнинг фикрича, давлат қонун устиворлигини, барча фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишда тенг ҳуқуқга эгаллигини ижтимоий-иқтисодий соҳада тенг имкониятларга эгаллигини таъминлаш гаровидир. Адолат принципларини амалда таъминловчи омил шундан иборатдир. Либералларнинг энг заиф томони ҳам шу ерда, Уларнинг биронтаси ҳам инсоният олдида қадимдан тўрган тенглик, эркинлик ва адолат ўртасидаги жумбоқни ҳал қила олмадилар.

4. Бенжамен Констаннинг сиёсат, ҳокимият, давлат масалалари бўйича қарашлари «Конституциявий сиёсат йўли», «Курс» каби асарларида либерализм ғоялари.

Француз либерализми вакили Бенжамен Констан (1767-1830) кўп тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Европа ҳудудида либерализмнинг отаси ҳисобланади. Унинг сиёсат, ҳокимият, давлат масалалари бўйича қарашлари «Конституциявий сиёсат йўли», «Курс» каби китобларида баён этилган.

Констан сиёсий назарияси асосида шахсий эркинлик муаммоси ётади. Унинг фикрича, бундай эркинлик антик дунё фанларида баён қилинган эркинликдан тубдан тубдан фарқ қилади, Қадимги юнонистонликлар ва римликлар назарида, эркинлик — бу фуқаролар томонидан олий ҳокимиятни жамоа бўлиб бошқариш ҳамда давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконияти ҳисобланган. Шу билан бирга, антик даврдаги эркинлик индивиднинг оммавий ҳокимиятга тўла бўйсунishi билан қоришиб кетган. Европаликларнинг бу эркинлиги эса шахсий мустақиллик, ҳавфсизлик, давлат бошқарувига таъсир этиш ҳуқуқидир. Давлат функцияларини бажаришда индивиднинг доимий иштироки эркинликнинг мажбурий элементи ҳисобланмайди.

Констан таъкидлашича, одамлар эркин бўлар эканлар, ҳаётда ўз ўринларини мустақил топа оладилар. Улар ўзларининг шахсий ҳаракатлари билан ва ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ўзларига лойиқ ҳаётни ярата оладилар, Ушбу тасаввурларга таянган ҳолда Констан халқ суверинитети зарурати ҳақидаги тезисга аниқлик киритади.

Констан ҳеч қачон пассив ва кучсиз бўлган давлат бошқарувини ёқламаган. Шунинг учун ҳам у, ҳозирги замон давлати конституциявий монархия кўринишида бўлиши лозим, дейди. Констаннинг бу нуқтаи назари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган албатта. Конституциявий монархияда сиёсий уюшмалар «бетарафлик» ҳолатида бўлади. У ҳокимиятнинг классик услубига (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига) ўхшамайди, шунинг учун ҳам рисоладагидек фаолиятни таъминловчи яқдилликни таркиб топтира олади. Қирол ҳеч қандай ҳокимиятнинг ағдарилиши, бири иккинчисидан устун келишининг тарафдори эмас, аксинча, ҳокимиятлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва келишиб фаолият юритиши тарафдоридир.

Қирол ҳокимиятини бетараф ҳокимиятга айлантириш ҳуқуқий давлат бошқарувида монархия институтининг моделлашган кўринишидир. ҳуқуқ ҳам жамият фикрини назорат қилувчи, сўз эркинлигини, шахсий эркинликни қафолатловчи давлат ҳокимияти институтлари билан бир қаторга чиқиши лозим. Бу — Констаннинг қатъий позициясидир.

5. Алексис де Токвиль (1805-1859) унинг сиёсий концепцияси Констан ғоялари таъсири остида ривожланган Констаннинг «Америкада демократия ҳақида», «Эски тузум ва инқилоби» асарлари

Алексис де Токвиль (1805-1859) унинг сиёсий концепцияси Констан ғоялари таъсири остида ривожланган Констаннинг «Америкада демократия ҳақида», «Эски тузум ва

инкилоби» асарлари сиёсат ва давлат ҳақидаги фан ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Токвиль демократиянинг назарий ва амалий соҳаларига қизиққан. Демократияни жуда кенг талқин қилган. Унинг фикрича, бундай ижтимоий тузум феодал тузумга мутлақо қарама-қарши бўлибгина қолмай, балки жамиятнинг юқори ва қуйи қатламлари орасидаги фарқни ҳам тан олмайди. Шундай бўлса-да, демократия ижтимоий тузумни ўзида акс этувчи сиёсий бошқарув шаклидир.

Демократиянинг маъно-моҳияти тарихда фақат ғалабага интилган тенглик тамойилидир. Босқичма-босқич ўрнатиладиган тенглик юқоридан белгиланган қоидадир. Ушбу жараён жаҳон миқёсидаги узоқ давом этувчи жараён бўлиб, инсонларнинг иродасига боғлиқ бўлади.

Токвиль фикрича, эркинлик ва тенглик ҳар хил тартибда жойлашган, уларнинг ўртасидаги муносабат ҳам ҳар хилдир, инсонлар ҳам уларга ҳар хил муносабатда бўладилар.

Барча замонларда инсонлар эркинлик масаласида тенгликни афзал кўрганлар, чунки бунга инсонлар осон эришадилар ва уни тўғри қабул қиладилар. Тенглик натижасида эришилган хурсандчилик ҳеч қандай ҳаракатлар ва қурбонлар талаб қилмайди. Унга эришиш учун яшашнинг ўзи кифоя.

Эркинлик эса ўзгача муаммодир (хусусан, сиёсий эркинлик). Эркинлик шароитида яшаш инсондан мустақил ҳаракат қилиш учун ўз хатти-ҳаракатларига ва уларнинг оқибатларига жавоб бериши билан боғлиқ бўлган, кўп саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Эркинликдан фойдаланиш одатда дарҳол ўз натижасини бермайди. Унга эришган инсонларнинг ҳаммаси ҳам роҳат-фароғат олмайди. Шунинг учун ҳам демократия тарафдорлари доимий равишда эркинликка қараганда тенгликни севадилар.

Таквилнинг ўзи қуйидагича таъкидлайди: «ҳозирги замон демократияси эркинлик ва тенгликнинг ўзаро иттифоқи туфайлигина мавжуд бўлиши мумкин. Тенгликни ўта севиш эркинликни сиқиб чиқариб, ҳаётда истибдодни юзага келтиради. Истибдод бошқаруви эса ўз навбатида тенгликни маъносизлантиради. Тенглик бўлмаган жойда эркинлик ҳам узоқ яшай олмайди». Шунингдек, Токвиль тенглик ва эркинликни мувофиқлаштириш, бу мувофиқликни сақлаб турувчи сиёсий-ҳуқуқий институтларни яратиш ўз замонаси демократиясининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир бу муаммоларни тадқиқ этишда Франция ва АҚШнинг тарихий тажрибасига таянади.

Аниқланишича, демократиянинг олдидаги жиддий тўсиқлардан бири бу давлат ҳокимиятининг ҳаддан зиёд марказлашувидир. ҳокимият мамлакатдаги деярли барча соҳага аралашади. Агар марказлашган ҳокимият эркинликни йўққа чиқаришга ҳаракат қилса, аксинча, демократик йўналишдаги сиёсий-ҳуқуқий тартиблар индивид ва жамиятнинг эркинлигини мустаҳкамлайди. Бундай тартиботга ҳокимият бўлиниши, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ суверинитетини таъминловчи бошқа қоидалар киради. Аммо Таквил суверинитет чегара билмайдиган даражада бўлишининг тарафдори эмас. Агар суверинитет меъёрдан ортиб кетса, давлат бошқарув шакли тиранияга айланиб кетиши мумкин.

Токвиль демократик институтлар каторига сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги, ҳакамлар суди, судьяларнинг мустақиллиги ва ҳоказоларни киритади. Шунинг ҳам айтиш керакки, давлат қандай бошқарув шаклини мақбул кўриши Токвиль асарларида баён этилмаган. Унинг фикрича, жамиятда вакиллик давлат бошқаруви ўрнатилиши лозим.

6. Россияда сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Россия сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўзининг хусусияти ва анъаналарига эгадир. Улар бир қанча омиллар таъсирида шаклланди. Бу омиллар орасида Россиянинг жуғрофий-сиёсий ҳолати, унинг Шарқ билан ғарб ўртасида жойлашганлиги, катта худудий маконга эгаллиги ва иқлимий шароитлари аҳоли таркибининг хилма-хиллиги, хўжалик фаолияти, ижтимоий-маданий турмуши, анъаналари ва эътиқодларини эслатиб ўтиш кифоядир.

Россия давлати кўп миллатли бўлганлиги учун муайян даражада миллий, тарихий, диний, ижтимоий-маданий хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур эди. Масалан, муайян сиёсий мақсадларга бўйсундирилган шаклда рус давлати қонунлари билан бир қаторда шариат, одат ҳукуқи ва бошқа ҳуқуқ тизимлари ҳам ҳаракатда бўлган. Кўп асрлар давомида Россияда ҳукм сўрган мустабид ҳокимият тузуми, аҳолининг аксарият қисмини ҳуқуқсизлиги, ички ва ташқи сиёсатда асосан зўрлик усулларига амал қилиш, мамлакатнинг бошқаришда марказлашган бюрократизимга таяниш, ҳар қандай эркин фикрнинг бостириш сиёсати мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг қоқоқ ва тўрғун ҳолатда қоқилишига сабаб бўлди.

XI-асрда вужудга кела бошлаган рус сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларида мустақиллик, давлатнинг марказлаштириш, кучли, чекланмаган мустабид подшоҳ ҳокимиятини ўрнатиш ғоялари ўз аксини топади. Бу таълимотларда православ черков билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари ҳам катта ўрин олган. Проваслав черкови давлатнинг идораларидан биридир. У подшоҳ ҳокимиятига бўйсунити шарт, деган фикр кенг тарғиб қилинди.

Мамлакатни қоқоқликдан чиқариш зарурлигини англаш Петр I даврдан бошлаб рус давлатчилигининг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири бўлиб қоқди. Кейинги даврларда ҳам Россиянинг ғарбий Европа илғор мамлакатларига нисбатан орқада қоқганлиги, иқтисодий ва маданий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳолининг Европага таққослаб баҳолаш ва зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш муаммолари сиёсий фикр диққат марказида бўлади.

Рус давлати ўзининг ҳудудий ва этник таркиби жихдидан Европа континентига мансуб давлат сифатида шаклланди. Бунга христианликнинг таъсири катта бўлди. Христианлик 988 йил Киев Руси князи Владимир даврида қабул қилинди ва давлат дини сифатида Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади.

Рус давлати тараққиётининг ҳамма босқичларида рус давлатчилигининг бошланиши ва илдизи Киев Руси эканлиги ҳақидаги ғоя ўқтирилиб келинди. Россиянинг мўғуллар зулмидан озод қилиниши, Москва князлиги заминида марказлашган рус давлатининг шаклланиши ва мустахкамланиши даврига келиб Киев Руси ва Москва давлати тарихининг илдизи бир эканлиги ҳақидаги ғоя ҳуқумрон давлат мафкуриси даражасига кўтарилди. Бу ғоя Москва ҳуқумдорларининг Киев буюк князлари орқали дунёподшоҳи ҳисобланган Рим императори Август билан ворислик алоқаси борлигини ва проваслав христианлигининг ягона ҳомийси Москва ҳуқумдорларидир, деган фикрни асослашга хизмат қилиши керак эди. Москва қадимий Рим ва Константинополдан кейинги "учинчи Рим", деб эълон қилиниши шу билан изоҳланади. Бу таълимотни Псков монастирининг монархи Филофей батафсил ишлаб чиқди. Унинг таълимоти рус давлатининг Рим ва Византиядан кейинги энг буюк давлатдир. Москва ҳуқумдорлари эса худо танлаган буюк ҳуқумдорлар ҳокимиятининг қонуний ворисларидир, деган фикрни асослашга қаратилган эди. Филофей давлатга ҳуқумдорнинг мулки сифатида қарайди.

Россия давлатчилиги тарихига хос ҳусусиятларидан бири шундаки, бу ерда мўғуллар зулмидан кейин Москва подшолиги вужудга келиши даврдан бошлаб, сиёсий диққат ҳудудни кенгайтириш ва марказий ҳокимиятни мустахкамлашга қаратилган. Аҳолининг манфаатлари ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Вақт ўтиши билан бу жараён кучайиб борди ва Россияни бу соҳада ғарбий Европадан фарқланишини яққол қўрсата бошлади. Ғарбий Европада феодад муносабатларидан янги давр жамияти ва давлати томон ўтиш жараёни тезлашди, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари борган сари кенгроқ тан олина бошланди ва натижасида олий ҳуқумдор ҳокимияти чекланиб борди.

Россияда эса аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқсизлиги XVIII асрнинг иккинчи ярмигача давом этди. Россиянинг сиёсий ва ҳуқуқий тарихида биринчи бўлиб император Петр III фармони билан дворянлар мажбурий давлат хизматидан озод қилинди.

Бундан кейин Екатерина II-XVIII асрнинг 70-80 йилларида дворянларга айрим бошқа гражданлик ҳуқуқ ва эркинликларни шу жумладан хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Россия аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган деҳқонларнинг крепостной қарамликдан озод қилиш учун яна 100 йил керак бўлди. Бу Александр II томонидан 1861 йилда амалга оширилди.

Инсон-ҳуқуқи ва эркинликлари, ҳуқуқий кадриятлар ва умуман ҳуқуқ масалаларига салбий муносабат аҳолининг ҳуқуқсизлигини янада мушкуллаштирарди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Россия давлати йирик евроазия мамлакати сифатида ривожланишида Европага таҳлид қилиш йўлидан борди. Петр I ислохотларидан бошлаб Россиянинг асосий ислохотлари мана шу фундаментал вазифаларни ечишга қаратилди.

XVII-XVIII асрларда Россия сиёсий фикри янги давр ғарбий Европа ғоялари тасири остида ривожланди. Сиёсий таълимотлар аста-секин диндан ажралиб борди, дунёвий тус ола бошлади. Бу жараённинг тезлашишга Петр I нинг ислохотлари катта туртки берди.

Бироқ Европа маърифатпарварлигининг "ижтимоий шартнома", "табиий ҳуқуқ", "ҳокимиятлар бўлинишида" каби тушунчалари Россияда ўзига хос йўлда талқин қилинди, ёки умуман тадбиқ қилинмади. Маърифатпарвар абсолютизм ғоясининг тарафдорлари: Ф. Прокопович, В.Н. Татщев, И.Т. Посошков ва бошқалар давлат бу "умумий маъфаат", "умумхалқ фойдаси" учун хизмат қилувчи, ўз фуқароларининг орзу истакларига кулоқ солувчи кучдир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бир вақтда рус тарихий жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва демократик институтларнинг йўқлиги ижтимоий ўзгаришлар фақат юқоридан, давлатнинг инъоми сифатида амалга оширилади, бундай давлатнинг энг қулай шакли абсолют монархиядир, деган хулоса чиқаришни тақозо қилар эди.

XVIII-асрнинг иккинчи ярмида Россия сиёсий фикри янги босқичга кўтарилди. Унда француз маърифат парварлиги таъсири остида давлатнинг идора қилувчи ҳукмдор ҳокимияти билан шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабати, шахс кадр-қиммати, унинг табиий ҳуқуқлари каби муаммолар таҳлил қилина бошланди. Сиёсий фикрда консерватив, маърифатпарварлик ва унинг радикал йўналишларини кўрамиз. Консерватив йўналишнинг кўзга кўринган номоёнчаси М.М.Цербатов (1733-1790) чекланмаган монархия давлат шаклини, крепостной тузумни сақлаб қолиш ғоясини ҳимоя қилиб чиқди.

XIX асрнинг биринчи ярмида капиталистик муносабатларнинг кучайиши сиёсий-ҳуқуқий муносабатларга ўз таъсирини ўтказди. Крепостной қарамликни бекор қилиш учун сиёсий чиқишлар бўлиб турди.

7.Маърифатпарварлар ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Славянофинлар.

Маърифатпарвар ва уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

Маърифатпарварлик йўналиши вакиллари С.Е.Десницкий Я.П.Козильский, Н.И.Новиков, А.Я.Поленов ва бошқалар крепостной ҳуқуқ тузумини танқид остига олдилар. Уларнинг айримлари "Маърифатли ҳукмдор" ғоясини ҳам шубҳа остига олдилар.

XVIII аср иккинчи ярмида маърифатпарварлик йўналишининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ўз ифодасини биринчи рус ҳуқуқшунос-профессори С.Ч. Десницкий (1740-1789) асарларида топди. С.Ч.Десницкий Г.Гроцийнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги қарашларига хайрихоҳлик билдиради.

Маърифатпарварлик радикал йўналишининг намоёнчаси А.Н.Радишевдир (1749-1789). У крепостной ҳуқуқни, мустабид монархия давлатини кескин танқид остига олди. Мустабид монарх ҳокимияти мамлакатнинг тараққий этишига ғовдир, ўзбошимчалик маконидир, деб баҳолади. Радишчев маърифатли ҳукмдор назариясини ҳам рад қилди. А.Н.Радишчев "ижтимоий шартнома" назариясига асосланиб, халқ шартномага амал қилмаган давлатдан воз кечиш ҳуқуқига эгадир, деган хулосага келди.

Пётр I ислохотларидан бошланган Россиянинг европалаштириш ҳаракати жамият консерватив кучларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Улар мамлакатни европалаштиришга мутлақо қарши эдилар.

XIX асрнинг 30-40 йилларида Россия ижтимоий-сиёсий фикрида славянофиллар ва ғарбчилар номини олган оқимлар вужудга келди.

Бу оқимлар Россиянинг тарихий тақдири масалаларини муҳокама қилдилар ва ўзаро баҳслашдилар.

Славянофиллар ва ғарбчилар йўналиши вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Славянофиллар Россия ўзига хос ривожланиш йўлига эгадир ва шу йўлдан бориши зарур, деб чиқдилар. Буларнинг йирик намоёндалари А.С.Хомяков, М.В. Кривовский, Ю.Ф.Самарин, Ц.С Аксаков ва бошқалар.

Россия ўзининг патриалхал деҳқон обидинаси, ижтимоий ва маънавий психологик анъаналари билан Европадан ажралиб туради, бу миллий хусусиятни сақлаш ва ривожлантириш зарур деб биладилар. Славянофиллар ғарбнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш ижтимоий ва давлат тизимида ижобий ислохотлар ўтказишга мутлақо қарши чиқдилар.

Улар мустабид монарх ҳокимияти тарафдори эдилар. Ғарбчилар оқимининг намоёндалари А.И.Герцен, Т.Н.Грановский, Ю.П Огарев,, В.П.Боткин ва бошқалар Россияда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ўтказиш зарурлигини, ғарбий Европа мамлакатлари эришган ютуқларнинг ўзлаштириш ва уларга амал қилиш ғояларини тарғиб қилдилар.

8.Либерал йўналиш вакиллари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус сиёсий ва ҳуқуқий фикрида либерализм ғоялари ривож топа бошлади. Либерал йўналиш вакиллари Россия ва Ғарбий Европада давлатларининг ривожланиш йўллари бирдир, деган ғояни асосладилар. Улар мустабид монархияни конституцион монархия билан алмаштиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишни талаб қилиб чиқдилар. Бу талабларнинг асослашда улар табиий ҳуқуқ назариясига, Кант ва Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасига мурожаат қилдилар. Бу йўналиш намоёндалари Б.Н.Чичерин, П.И.Новгородцев, И.Алльин, К.Д.Кавелин, С.А.Муромцев, М.М.Ковалевский ва бошқалар.

Б.Н.Чичерин (1828-1904) қаламига мансуб асарлар орасида "Ҳуқуқ фалсафаси" ва 5 жилдлик "Сиёсий таълимотлар тарихи" алоҳида ўрин олган.

Б.Н.Чичерин таълимотига кўра, инсон ўз табиати билан энг сезгир ва ўз кадр-қимматини англашга қодир мавжудотдир. Уни оддий қуролга айлантириш мумкин эмас. Кишилиқ жамиятларининг барчасини ҳаракатланувчи кучи мана шу онгдир. Ҳуқуқ ғояси мана шу онгдан келиб чиқади ва борган сари кенгайиб онгда ҳуқумронлик қила бошлайди.

Бироқ одам жамиятда яшайди ва узлуксиз ўз эрки доирасини кенгайтиришга интилувчи бошқа одамлар билан тўқнашади. "Шундай, дейди Чичерин, уларнинг ҳар бирига нима тегишлилигини аниқлаш ва ўзаро тортишувларни бартараф қилиш учун муайян қоидалар ўрнатиш зарурати пайдо бўлади. Ҳуқуқ кишилиқ жамоасининг илк босқичларида мана шундай пайдо бўлади ва ўсиш, мураккаблашиш натижасида энг юқори босқич томон ривожланади. Ҳуқуқ бу эркинликни умумий қонун остида ўзаро чекловчи, барча кишилиқ жамиятларининг ажралмас белгисидир".

Шундай қилиб Чичерин ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва яшаш сабаларини жамиятда мавжуд икки қарама-қарши элементдадир деб кўрсатади: Эрдан иборат шахснинг рухий табиати ва эркинликни чекловчи қонунда ифодасини топган ижтимоий омил. Буларнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш асосий масаладир.

Б.Н.Чичерин ҳуқуқ фалсафасининг ахамияти ва ролини кўрсатишга ўринди. Унинг фикрича, ҳуқуқнинг фалсафий асослари амалиёт учун кўргазма вазифасини ўтайди, чунки "ҳуқуқ соҳаси ижобий қонунчилик билангина чекланмайди".

Амалдаги қонунлар одамлар эҳтиёжи ва қарашларининг ўзгариши билан ўзгариб боради ва инсон иродаси билан яратилганлиги учун яхши ва ёмон бўлиши мумкин. Уларни одамлар баҳолайдилар. Қонун чиқарувчининг ўзи ҳам қонунларга баҳо

беради, қонун чиқарувчи ўзининг кўргазмаларига итоат қилиши шарт бўлган одамларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда нимага асосланиши керак?

У бундай кўргазмани амалдаги ҳуқуқиятни ўзидан ололмайди, чунки унинг ўзини баҳолаш ва ўзгартириш керак. Бунинг учун бошқа юқори даражадаги тасаввур ва тушунчалар керак бўлади. Қонун чиқарувчи ҳаётий тажриба кўргазмалари билан қам қифоялана олмайди, чунки улар бир-бирига қарама-қарши тушунишни талаб қиладиган ҳар хил элемент, манфаат ва талаблардан иборатдир. Амалдаги қонунларнинг нисбий кучи ва кадр-қимматини аниқлаш учун умумий тарози ва ўлчов, яъни йўл кўрсатувчи қўлланма бўлиши керак. Бу вазифани фақат фалсафа бажара олади.

Одамларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда ақилга мувофиқ белгилаш учун ҳуқуқ нима, унинг манъбаи қаерда ва ундан қандай талаблар келиб чиқади, каби масалаларни билиш керак. Бу муаммолар инсон шахси билан узвий боғлиқ. Бунинг аниқлаш инсон табиати, ундаги хусусиятлари ва ҳаётий мақсадларини тадқиқ қилишни талаб қилади. Бу масалаларнинг барчаси ҳуқуқ фалсафаси доирасига киради, дейди Чичерин.

У Гегель ҳуқуқ фалсафасига асосланади.

Шахс ва жамият масалаларини таҳлил қилишда Б.Л.Чичерин ўзининг индивидуализм концепциясини баён қилади. Инсоннинг ақл-заковатли мавжудод эканлиги эркин иродада намоён бўлади. Мана шу туфайли инсон шахс сифатида тан олинади ва унга ҳуқуқлар берилади.

Шахс барча ижтимоий муносабатларнинг илдизи ва белгиловчи асосидир. Қонуннинг эркинликка нисбатан муносабати икки хил бўлиши мумкин: мажбур қилиш (давлат қонунини) ва ихтиёрий (ахлоқий қонун). Биринчиси ташқи эркинлик доирасидан ташкил топган ташқи ҳаракатларга таалукли, шуларгина мажбур қилинишга мадсубдир; иккинчиси ички эркинликдан чиқадиган интилишларга мурожат қилади. Биринчисидан, ҳуқуқ пайдо бўлади, иккинчиси ахлоқ маънабини ташкил қилади, Чичерин ҳуқуқнинг субъектив ҳуқуқ ва объектив ҳуқуқ маънода тушуниш лозим дейди.

Субъектив ҳуқуқ бу ахлоқий имконият, бошқача айтилса, қонун доирасида эркин ҳаракат қилиш имконияти. Объектив ҳуқуқ эркинликни белгиловчи қонуннинг ўзи. Бу икки маънонинг бирлаштириш натижасида ҳуқуқнинг умумий тарифини беради. Ҳуқуқ қонун билан белгиланган эркинликдир.

Б.Т.Чичерин ижобий ҳуқуқ замирида табиий ҳуқуқ ётиши керак, деган ғояни олға суради. Табиий ҳуқуқ инсон ақл-идрокидан келиб чиқадиган, мажбурий бўладаган умумий юридик нормалар тизимидир. Табиий ҳуқуқнинг адолат, тенглик ва эркинлик каби нормалари ижобий қонунлар учун асосий ўлчов ва қўлланма бўлиши керак, дейди Чичерин. Бу "Чичерин жамият тузилиши ҳақида фикр юритар экан, 4 бирликни ажратади: оила, фуқаролар иттифоқи (фуқаролар жамияти, индивидларнинг ташқи эркинлик соҳаси), черков иттифоқи (ички эркинлик ва виждон, инсоннинг худо билан мулоқатда бўлиши ва ақлоқий қонуннинг бажарилиши соҳаси), давлат ижтимоий иттифоқлар ривожининг энг юқори босқичи.

Чичерин фикрига кўра, давлат барча иттифоқлар ичида энг устиворидир. Лекин у бошқа иттифоқлар мустақиллигига тўсқинлик қилмаслиги керак. Барча иттифоқлар муассасага эмас, шахсга, эркин одамларга таянади. Иттифоқларнинг мақсади ҳам шундадир. "Шахслар муассасалар учун эмас, муассасалар шахслар учун.

Муассасаларнинг такомиллаштириш ҳам шунга боғлиқ. Б.И.Чичериннинг таълимоти рус мустабид тузумини ислоҳ қилишга, конституцион монархиянинг жорий қилиш зарурлигини асослашга қаратилган эди. Б.Л.Чичерин ғоялари рус ҳуқуқий фикр ривожига чуқур из қолдирди.

Россия сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар табиатда И.А.Ильин ғоялари диққатга сазовордир. И.А.Ильин (1883-1954) рус файласуфи ва ҳуқуқ назариётчиси, Москва университети юридик факультетининг профессори.

1922 йил Россиядан сургун қилинган Германия, Швецарияда яшаган.

И.А.Ильин	ҳуқуқ	муамоларини	инсоният	тарихи	ва
маданиятининг	таркибий	қисми	сифатида	тадқиқ	қилади.
Унинг фикрига	кўра	ҳар	бир	конкрет	одам
дунёқарашга	эга.	Ҳуқуқий	онг	дунёқарашнинг	муҳим
таркибий	қисмидир.	Ушбу	дунёда	мендан	бошқа одамлар
борлигини,	шахсий	ҳаётим	бошқа	одамларга	бўлган
муносабатимга	боғлиқ	эканлигини	англашдан	келиб	чиқади.
Ҳуқуқ,	қонун,	одатнинг	субъектив-психологик		индивид
одамларнинг	тўғри	ва	адолатли	ҳаракатларидан	ташқари
чидаб	бўлмайдиган	ёмон	ҳаракатлари	ҳам	борлигини
хис	қилишдадир.	У	этикод	ҳуқуқ	ва
фарқни	билмайди,	ҳар	қандай	қонун	ва
				одатнинг	асосини
ташқил қилади.					

Одамларнинг ички этикоди "адолат" ва "адолатсизлик", "қонунийлик", "қонунсизлик"нинг мавжудлигига қатъий ишонч ҳосил қилганлигидандир. Бу ишонч "ҳуқуқий хис", "ҳақлилиқ инстинкти"да намоён бўлади. Улар одамларнинг ўзаро муносабатларига қаратилгандир. Бу инстинкт хиснинг мазмунини очиб бериш, уни хиссиёт ҳолатидан билим даражасига ўтказиш-етук табиий ҳуқуқ онгига асос солиш демакдир. Шундай қилиб, объектив мавжуд табиий ҳуқуқ онгги табиий ҳуқуқнинг предметини ташқил қилади. Бу ҳуқуқий қонун учун асосдир. Уларнинг мажмуи эса ижобий ҳуқуқдир.

Табиий ва ижобий ҳуқуқ ўзаро муносабати ҳуқуқий онгнинг реал мазмунини белгилайди. Табиий ҳуқуқ ижтимоий онгнинг махсус шакли, инсон руҳиятининг зарур элементи сифатида намоён бўлади. Табиий ҳуқуқ одам бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишини, бусиз у жамиятда яшаши мумкин эмаслигини назарда тутди.

Одамзодга *хос объектив* нимадир борки, унга риоя қилган ҳар бир одам учун мукаддас бурч ҳисобланади. Ижобий ҳуқуқ муайян шароитда амалга оширилган ва шу шароит билан боғлиқ ҳуқуқдир. У табиий ҳуқуқнинг таъминланишига ва ўзида сақлашга ёки уни чеклашга ва бузишга қаратилган бўлиши мумкин. Унинг табиий ҳуқуқга мос келиши ёки келмаслигига қараб ижобий ҳуқуқиятнинг прогрессив ёки реакцион эканлигини ажратиш мумкин.

Ижобий ҳуқуқ шундай шароитда яратиладики, дейди Ильин, унинг мазмуни таъмагир ирода, беҳабарлик, нотўғри назария ва билмаслик таъсири остида қолиши мумкин. Шунга қарамасдан шу омиллар таъсири остида ҳуқуқ мазмунига кириб келган чекиниш ва бузилишлар қанчалик катта ва дахшатли бўлмасин, бу ҳуқуқ ўзининг табиатига кўра табиий ҳуқуқнинг асосий маъзини ўзида сақлаб қолади, чунки у табиий ҳуқуқга хизмат қилиш учун пайдо бўлган.

И.А.Ильин қуйидагиларни ижобий ҳуқуқнинг ташқи омиллари деб кўрсатади: куч ва ундан фойдаланувчи ҳокимият тизимлари, қонунларнинг обруйи, давлат органларининг қонун чиқариш фаолияти, жамиятнинг муайян табақаларининг манфаатлари, қонунда ифодаланган ёки шунга интилувчи ирода.

Реал ҳуқуқ, дейди Ильин, доим табиий ҳуқуқ билан ижобий ҳуқуқ ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади. Табиий ҳуқуқ мақсадга эришиш бўлса, ижобий ҳуқуқ мақсадни амалга ошириш воситасидир. Ҳеч қандай қонун мутлоқ бенуқсон бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонунни яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган иш тўхтовсиз олиб борилади. Табиий ҳуқуқнинг қонун йўли билан таъминлашга интилувчи ҳуқуқшунос ижтимоий муносабатларнинг доимий ислоҳатчисидир.

Агар давлат ва ҳуқуқ муайян гуруҳларнинг тор манфаатлари йўлида фойдаланадиган бўлса, ҳуқуқшуноснинг ҳаракатлари салбий оқибатларга олиб келади. Ижобий ҳуқуқ табиий ҳуқуқ ғоясини расмий, юзаки баён қилиб ўз вазифасини бажармаган ҳолда ҳам ҳуқуқ сифатида тан олинади. Мана шунда ҳуқуқий ҳаётнинг фожиавий ва кулгили томонлари намоён бўлади.

Ҳуқуқ ва бузилган ҳуқуқни онг, мазмуни бузилганлигига қарамай ҳуқуқий онг бўлиб қолмоқда. У ҳуқуқ ғоясига мурожат қилмоқда, лекин ундан фақат андозасинигина олмоқда, ундан ўз хохишича фойдаланмоқда, ҳиёнат қилмоқда, уни номуносиб, бузуқ мазмун билан тўлдирмоқда.

Ноҳақ ҳуқуқ пайдо бўлмоқда, лекин у ҳуқуқ деб кўрсатилмоқда, оқибат натижада одамлар онгида ҳуқуқ ғояси обрўсизлантирилмоқда, унга бўлган ишонч йўқолмоқда.

И.А.Ильин табиий ҳуқуқ муаммолари билан бирга ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро муносабати, зўрлик ва унинг ижтимоий ҳаётдаги роли каби ҳуқуқ фалсафаси муаммоларини ҳам тадқиқ қилди. Россия XX асрга мустабид монархия давлати сифатида кириб келди. Қонун чиқариш ва ижро этиш ҳокимиятлар тўлиқ монарх қўлида эди. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари мавжуд давлат тизимини ўзгартириш, монарх ҳуқуқларининг чеклаш, ваколатли ҳокимият органларини шакллантириш зарурлигини талаб қиларди.

Бу йўлда биринчи қадамлар 1905 йил рус революцияси таъсири остида қўйилди. Монарх қонун чиқаришнинг ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида айрим ўзгаришлар қилишга, фуқароларнинг бир қатор демократик ҳуқуқ ва эркинликларини тан олишга мажбур бўлди. Давлат Думмасини жорий қилиш орқали қонун чиқариш соҳасида монарх ҳокимиятини чеклашга қаратилган тадбир алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ ҳокимиятнинг бўлиниш принципини ва конституцион монархияни амалда жорий қилишга хали узок эди. Реал ҳокимият асосан подшоҳ қўлида сақланарди.

Умуман олганда мамлакат олдида тўрган асосий муаммоларни ислохатлар орқали ҳал қилиш имконияти йўқотилган эди.

Ўтказилган ислохатлар ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олмади. XX аср бошида Россияда инқилобий вазият вужудга келган эди. Буржуазиянинг кучсизлиги, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг фундаменталлиги ва кескинлиги, жамиятнинг қарама-қарши тоифаларга бўлиниши, юқори табақалар билан қуйи табақалар ўртасидаги антоганизмнинг кескинлашиши, талайгана қисмини қашшоқлиги, уруш оқибатлари, вайронагарчилик ва очлик, мамлакатда инқилобий куч ва ташкилотларнинг тарғиботчилик иши 1917 йил феврал революциясидан кейин пайдо бўлган буржуа демократик тузумини тугатилишига олиб келди. Мамлакатда диктаторлик социалистик тузум ўрнатилди.

9.Карамзин, Муравьев, Сперанский сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Николай Карамзин (1776-1826) Симбирскда, ўрта ҳол помещик оиласида дунёга келди. Карамзин бадиий ижод билан шуғулланган. У нашриёт ишида ҳам фаол қатнашган. 1803 йилда Карамзин нашриёт билан ҳайрлашиб, «Россия давлатлари тарихи»ни яратишга эътиборини қаратади. У ўзининг ниятини амалга ошириш мақсадида Александр I дан историограф унвонини олди. Карамзин тиранни ва тирания бошқарувини қоралайди. Карамзин тарихининг тўққизинчи томи Иван IV нинг тирания подшолигини қоралашга бағишланган. Унинг сиёсий концепцияси «Россия давлатлари тарихи» асарида ўз аксини топди.

Унинг подшо Алксандрга ёзган «Қадимги ва янги Россия ҳамда унинг сиёсий ва фқаролик муносабатлари ҳақидаги мактубида бу концепция ўзининг аниқ ифодасини топди. Мактубнинг асосий мавзуси Россияга фойдаси тегиши мумкин бўлган бошқарув шакллари ҳақида эди. У Иван VI бошқарувини таҳлил этар экан, тиранияни танқид қилади. Карамзин бундай тирания оқибатида нафақат ерлар бўшаб қолганлигини, балки одамлар ўта камбағаллашганлигини айтади. Унинг уқтиришича, тирания бошқаруви табиий қонунларни бузади.

Карамзин республика бошқаруви тарафдори эканлиги ва монархия даврида ҳам республикачи бўлиб қолишини таъкидлайди. Давлат ва жамият ҳаётининг ташкилотчиси сифатида унга республика тушунчаси фуқароларнинг эркинлик ва хавфсизликка эришишлари маъносини англатади. Карамзин иродали кучи монархдир. У ўз фаолиятида қонунларга, ўз мамлакати халқининг маънавий тарбиясига ва сиёсий маърифатига таяниши керак.

Карамзин ҳокимият бўлинишига қарши чиқади. У: «Империядаги иккита ҳокимиятни қафас ичида бир-бирини еб қўйишга шай турган шерга ўхшатади», дейди. Карамзин фикрича, ҳукмдор битта шахсда бутун ҳокимиятни бирлаштиради!

Сперанский бошқарув ва ҳокимиятнинг ислоҳ қилинишини таклиф этган бўлса, Карамзин шакл эмас, одамлар муҳим деб ҳисоблайди. У жойларда ҳокимият губернаторлар томонидан амалга оширилиши ва бунинг учун 50 нафар ақлли ва ваколатли шахс топишни маслаҳат беради. Карамзин мактубда давлат аппаратини танқид қилиб, ҳамма даражалардаги чиновникларнинг порахўр эканликларини, жавобгарликни ҳис қилмасликларини айтган.

Бу ҳолатни яхшилаш учун у янги муассасалар эмас, балки билимли, махсус ўқитилган кадрлар зарурлигини ўқтиради. Яхши давлат бошқаруви учун марказий ҳокимият ваколатини кучсизлантириб, жойлардаги ҳокимият ваколатини кенгайтириш керак. Чунки маҳаллий ҳокимиятагина жойлардаги аҳвол яхши аён. Карамзин фикрича, ҳукмдорнинг маънавий ҳукуматларига эътибор бериш керак. Ғарб давлатларидаги монархни чекловчи қонунларни танқид қилади. Лекин бу дегани олий ҳокимият фаолиятида қонунийлик принципини рад этиш дегани эмас. Карамзин инқилобий йўл билан эришилувчи янгиликларга, ислохотларга қарши чиқади. У бундай йўл Россия олдидаги муаммони ҳал қила олмайди деб ҳисоблайди. Лекин Карамзин Россияни Ғарбга қарши қўймайди.

Карамзин табиий ҳуқуқ назарияси тарафдори бўлиб, давлатда фуқаролик қонунлари табиий қонунларга мос келиши кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Россия қонунлари инкорпоратив йўл билан ва кодификациялаш орқали тартибга солини керак. Карамзин қонунлар тизимга солиниб, шарҳлар берилган йирик қонунлар мажмуи чиқарилишини хоҳлайди.

Карамзин халқнинг таълим олиши, ахлоқий-маънавий тарбиясини ошириши керак деб ҳисоблайди. Айни чоғда у Россияда олий фанларга қизиқувчилар йўқлигини айтади. Масалан, судьяларга юриспруденция асослари керак, уларга Рим ҳуқуқини ўргатишга ҳали бизнинг Ватанимиз билим даражаси тайёр эмас, дейди Карамзин. Унинг фикрича, ҳозир фақат давлат фойдаси учун ҳар бир инсондан ўзи танлаган хизмати, касбига яраша билимларни талаб қилиш керак. Карамзин бу фикри билан Сперанскийнинг мансабдор шахсларнинг билимини ошириш учун уларни имтиҳондан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклифига қарши чиқади.

Карамзин жамиятнинг табақавий тузилишига ҳам эътиборини қаратади ва уларни қуйидаги турларга ажратади: руҳонийлар, дворянлар, савдогарлар крестьянлар ва оддий халқ. Дворянларни у алоҳида имтиёзлардан фойдаланувчи ҳурматга лойиқ табақа ҳисоблайди. Карамзин руҳонийлар билим берувчи табақа, шунинг учун улар юқори маънавий салоҳиятга ва билим даражасига эга бўлишлари керак. Карамзин табиий ҳуқуқ назарияси тарафдори бўлганлиги учун ҳар бир одамнинг эркинлиги унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи деб билади. Унинг фикрича, крестьянларнинг олдинги эркинлигини сўрашлари адолатдандир. Лекин уларни ҳозирги ҳолати ишончсиз. Чунки уларнинг ери бўлмагач, эркинликка эришганидан сўнг ишсиз қоладилар. Шунинг учун улар помешчиклар қўлида ишлашга мажбур. Крепостнойликнинг йўқ қилиниши тартибсизликларга олиб келиши мумкин. Крестьянлар аҳволини яхшилаш учун улар устидан помешчикнинг адолатли ҳукмронлик қилиши мақсадга мувофиқ. Лекин Карамзин томонидан таклиф этилган ислохотлар муваффақият келтирмайди. Чунки у Россия иқтисодида крепостной ҳуқуқнинг келажиги йўқлигини тушунмайди. Ташқи сиёсат борасида Карамзин тинчлик муносабатлари тарафдоридир. Давлат сиёсий тузилишига кўра, Россия фақат зарур бўлгандагина урушга кириши мумкин. У — тинчлик сақлаш тарафдори. Шу боис армиянинг сонини қисқартириш, ҳарбий кишлоқларни йўқ қилиш кераклигини айтади.

Карамзин мактуби қаттиқ танқидга учради. Шунинг учун мактуб замондошларига номаълум бўлиб қолди. XIX асрнинг бошларида ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида Н.М.Карамзин (1766-1826) ажралиб туради. У ўзининг давлат. Жамият сиёсат ҳақидаги фикрларини «Қадимги ва янги Россия ҳақидаги ёзувлар» (1811), «Россия давлати тарихи» (1803-1826) асарларида кўришимиз мумкин. Карамзин давлат бошқарувини таҳлик қилиб, шу фикрга келадик: монахлар орасида Иван IV (Грозный) ва Павел I давлатни деспотик тарзда бошқарган эди. Деспотик бошқарув услубини қўллашда Пётр I ни айблади.

Карамзин Алесндр I нинг сиёсатини қаттиқ танқид қилади

1825 йилда Россия тарихига дворян инқилобчиларининг ҳаракатлари билан чуқур из қолдирди. Декабристларнинг асосий ғоялари Россияда подшо ҳукумати ўрнига республика тузумини ўрнатиш ва Россияда конституцион принципларнинг амал қилиши, қонуннинг устиворлиги кабилар илгари сурилди.

Декабристларнинг йирик вакили П.И.Пестелнинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларида республика бошқарувининг монархиядан устун эканлигини кўриш мумкин. Пестель томонидан «Рус Ҳақиқати» номли давлатни бошқаришдаги Низомни 12 йил давомида ишлаб чиқади.

Пестел унитар ва федератив давлатларни бир-бири билан фарқлари кўрсатади. Россияни бошқаришда унинг ҳудудини 10 та област ва 3 уделга бўлади. Ҳар бир область бештадан губернияга бўлади. Россиянинг пойтахтини Нижний Новгород шаҳри ўрнига кўчириш ва шаҳарни Владимир деб номлашни таклиф қилади.

Декабристлар орасида Н.М.Муравьевнинг (1796-1843) сиёсий-ҳуқуқий қарашларида радикализм элементлари Пестелга нисбатан камдир. Муравьевнинг ишлаб чиққан Конституция лойиҳасининг уч хил тури мавжуд бўлган. Бу лойиҳаларда давлатнинг мулк шакллари, демократик сайлов тизими, федерация субъектлари сўз тизими кабилар ифодаланган.

Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига кўра давлат бошқарувига кўра Россия давлати 13 давлат бирлашмаси ва икки вилоятга бўлинади.

Муравьев назариясига қонун чиқарувчи ҳокимият “Халқ веча”-си икки палатадан-халқ вакиллари ва Олий Думадан иборат. Халқ вакиллари палатаси 2-йил муддатга сайланади. Олий Дума депутатлари асосан давлат бирлашмаси ва вилоят бошқарувчилари олти йил муддатга сайланиб, ҳар икки йилда алмаштирилган.

Ҳар бир давлат бирлашмаларидан 3тадан депутат, Москва вилояти-икки, Дан вилояти-бир вакилини Олий Думага сайлаган. Қонун ҳар икки палата томоидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Герцен ўзининг асарларида кўпроқ давлат ва ҳуқуқ Масалаларининг том маъносини очишга эътибарини қаратган. Давлатнинг келиб чиқишини тушинтиришида у омманинг (жамият) ҳавфсизликни таъминлаш ва шартнома назариясининг асос қилиб олди.

“Давлатнинг пайдо бўлиши бевосита кулдорлик муносибатларининг юзага келиши даврига тўғри келади”-дейди Герцен.

Герцен Россиядаги крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш тарафдори эди. Ўз асарлари рус саиодержавиясининг; “Россия давлатини ривожланишидан орқада қолаётганлигининг асосий сабабчисидир”-деб кўрсатади.

Герцен инсоният жамиятидаги икки давлат формалари ; монархия в республикани тахлиҳ қилади. Герцен “Монархияда-халқ бошқарилади, Республикада-халқ бошқаради.”-дейди.

Герцен Россияда республика тузумини қарор топтиришни “Энг маъкул йўл” деб ҳисоблайди. XIX асрнинг ўрталарида Россияга қарам бўлиб ҳисобланган, Польша ва Украина ҳақида фикр билдириб ;”Агарда Россия ҳақиқатдан ҳам ривожланишнинг янги даврига ўтмоқни маъкул кўрса, менинг фикримча, Украина ундан алоҳида бўлиши турган гап... Польша ва Россия,-янги ривожланган жамиятга қўлни қўлга бериб, бир йўлдан, фақатгина алоҳида боришлари керак”.

Шундай қилиб, Герцен ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида, Россияда ўша даврдаги сиёсий вазиятга олдиндн кўра билган ҳолда баҳо беради.

Чернишевский сиёсий-ҳуқуқий қарашларда муҳим объект сифатида давлат ва ҳуқуқни келиб чиқиши хусусиятларни ўрганди. У дастлабки давлатни келиб чиқишини этнографик маълумотларга таяниб изоҳлайди. Чернишевский давлатнинг белгиларини тушунтириб беришда уни ибтидоий жамият тузуми даврда бўлган муносибатларини изоҳлаб берди. Чернишевский давлатнинг демократик республика давлат тузуми энг маъкул форма эканини ва демократия ривожланишдаги юқори кучли қуролдир-дейди. Чернишевский миллий масалага эътибор бериб, “халқлар ва миллатлар ўз тақдирини ўзи хал этмоғи зарур”. Унинг фикрича давлат кўп миллатли бўлганда, федерация таркибидаги давлат бўлиши керак.

Михаил Сперанский (1772-1839) Владимир губерниясида Черкутино қишлоғида кичик диндор Третьяков оиласида туғилди. Ёш Михаил Владимир-Суздаль маънавий семинариясини тугатди. Унга Сперанский (лотинча speranto—умид) деган ном берилди ва у энг яхши уч ўқувчининг бири сифатида Санкт-Петербург маънавий семинариясига математика, физика, риторика, фалсафа фанлари бўйича ўқитувчи сифатида юборилди. 23 ёшида Михаил Михайлович бу семинариянинг ректори бўлди. Кейин эса бош прокурор А.Б.Курагин хизматида кирди ва бу ерда у маслаҳатчи мансаби даражасигача кўтарилди. Александр I Сперанскийни саройга жалб қилди. Саройда Сперанский юқори мансабларда ишлади, охиргиси давлат котиби мансаби эди. У 1816 йилда Пенза губернатори этиб тайинланган бўлса, 1819 йилда Сибирь губернатори қилиб тайинланди. 1820 йилда Сперанский Санкт-Петербургга қайтиб келди. 1826 йилда эса Николай I оёғи Ўқсис империяси қонунлари мажмуини тузишни топширди. Сперанский бошчилигидаги комиссия қонунлар мажмуини тўрт йилда 45 томдан иборат ишлаб чиқди. Уч йилдан кейин эса амалда бўлган қонунчиликни кодификацияловчи 15 томли китоб нашр этилди.

Сперанский 1839 йилда вафот этди. Унинг замондоши шоир Пётр Вяземский бу давлат арбобини, «юксак мартабали чиновник», дея тавсифлайди.

Сперанский диндор сифатида худони бутун Ер юзининг олий қонун чиқарувчиси деб ҳисоблайди. Давлатнинг шартномавий (худо иродасини татбиқ этувчи шартнома) концепциясини у гипотеза тарзида кўриб чиқди. Сперанский фикрича, Россия ўзининг тарихий ривожланиши, бўйича уч поғонани босиб ўтди:

1) Ўрта асрларда — удель; 2) янги даврда — мутлақ монархия; 3) ҳозирги даврда — юқори ҳокимиятни конституциявий чекловчи ва ҳамма фуқароларга сиёсий, фуқаролик ҳуқуқлари берилишини талаб қилувчи (шахс ҳавфсизлиги, мулк ҳавфсизлиги, шахсий сиёсий ҳуқуқлар таъминланиши) саноат ҳолати. Унинг таъбирича, Россия Ғарб давлатлари каби инқилобий йўл билан эмас, балки тўғри қонунлар орқали эволюцион йўл билан ўтиш керак. Давлатни ислоҳ қилиш 2-3 йилда эмас, балки 10 йиллаб, ҳатто асрлар давомида қурилади. Давлат шакллари лойиҳаларида Сперанский конституциявий монархияни орзу қилди. ҳокимият амалга оширилишининг қонунийлигини у ҳокимият бўлиниши зарурияти билан боғлади. Қонунчилик ҳокимият қонунларни муҳофаза қилувчи ва қабул қилувчи икки палатали Думага топширилиши керак. Ижро ҳокимиятининг бошлиғи монарх фаолиятида иштирок этади. Лекин ҳеч қандай қонун Думанинг розилигисиз чиқарилиши мумкин эмас. Солиқлар қабул қилиниши Думада ўргатилади. Шунинг учун монарх қонунларни бузиши ва йўқ қилиб ташлаши мумкин эмас. Суд ҳокимияти олий суд органи — Сенат ва присяжныйлар судини ўз ичига олувчи суд тизими орқали татбиқ этилади. Уч ҳокимият — қонун, ирода, ижро давлатни, инсон ўз организмни бошқаргани каби бошқаради.

Сперанский монарх томонидан тайинланувчи шахслардан ёки сайлов қонунларига кўра сайланувчи шахслардан таркиб топган ҳокимиятларнинг Давлат Кенгашида биргаликда ҳаракат қилиши учун уларни бирлаштириш имкониятини ҳам кўзда тутди. Давлат Кенгаши подшоҳ раислигида мажлис олиб боради, у қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга лекин қонунлар бевосита Давлат Думаси томонидан тасдиқланади. Давлат Думаси қонун чиқариш статусига эга бўлади. Маҳаллий ҳокимият ташкилоти юқоридан қуйига қараб бошқарилувчи коллегиал бошқарувни кўзда тутди: губерния, уезд, волость — вакиллик органлари ҳисобланади. Бундай давлат қурилишида тартиб қонунлар ёрдамида ҳимоя қилинади. Сперанский Афлотун идеали (файласуфлар бошқаруви) га қарши чиқиб, бу масалада Арасту изидан боради ва давлатни одамлар эмас, қонунлар бошқариши керак, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, ўзининг лойиҳаси бўйича шаклланган давлатда фуқаролар ҳуқуқини энг яхши йўл билан ҳимоя қила олишлари мумкин бўлади. Ш.Монтескье сингари Сперанский ҳам фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқларни қуйидаги тушунчалар орқали таҳлил қилади: сиёсий қуллик ва сиёсий эркинлик, фуқаро қуллиги ва фуқаро эркинлиги. Сиёсий қуллик деганда у «битта шахснинг иродаси — ҳамма учун қонун» деган ҳолатни тушунади. Сиёсий эркинлик эса — ҳамма ва ҳар кимнинг қонунларга бўйсунлиши ва ҳаммага сайлов ҳуқуқининг берилишидир. Фуқаро қуллиги деганда у бир синфнинг иккинчи синфга бўйсунлишини тушунади. Фуқаро эркинлиги, унинг фикрича, жамиятдаги ҳамма табақаларнинг қонунга

асосланган ҳолда бир-биридан мустақиллигидир. Сперанский бу тушунчалар ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилар экан, сиёсий эркинлик ўзининг таркибига кўра катта мазмуна эга ва шунинг учун фуқаро эркинлигига пухта замин ҳисобланишини айтади. «Жамиятдаги ҳеч қандай куч давлатда сиёсий эркинликни ўрнатмасдан туриб, фуқаро эркинлигини амалга ошира олмайди», аксинча, агар давлатда сиёсий эркинлик ўрнатилса, фуқаро қўллиги ўз-ўзидан барҳам топади. «Фуқаролар ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларга асосланиши керак, фуқаролик қонуни сиёсий қонунсиз мавжуд бўла олмайди!» — дея урғу беради Сперанский. Давлатда Конституция ҳамма эркинликларнинг кафолати ҳисобланади ва унга асосланган ҳокимият бўлишини ифода этади. Россиянинг эркинликка интилишини назарда тутган Сперанский Россия учун янги тартиблар ўрнатиш вақти етиб келганлигини, Россияда ривожланиш суръатлари бошқа давлатларга қараганда тез кетаётганлигини аниқлаб беради.

Қонунга асосланган конституциявий монархия малакали чиновник аппаратида таяниши керак. Бундай лойиҳани амалга ошириш учун Сперанский чиновниклар тўғрисида иккита қонун ишлаб чиқди: 1. 1809 йил 3 апрелда «Сарой унвонлари ҳақида». 2. 1809 йил 6 августда «Чиновникларни имтиҳондан ўтказиш тўғрисида». Бундай қонунлар орқали мансабни эгаллаш ва хизмат даражаларини олиш учун зарур шартлар ўрнатилди: олий маълумотлилиқ ҳақидаги диплом, кўплаб предметлар рўйхати бўйича даража олиш учун имтиҳон топшириш шулар жумласидан. Сарой унвонлари энди даражалар олиш ва хизмат бўйича кўтарилиш учун асос бўлиб ҳисобланмай қолди. Дворянлар учун хизмат қилмай туриб, мартабага эришиш, шухрат қозониш, мумкин бўлмай қолди. Сперанский жамиятнинг табақавий тузилишини таҳлил қилар экан, табақаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий ислохот таклифини киритди.

Ўзининг лойиҳаларида у дворянларга барча сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари билан бирга, эгаллаб турган ерларига солиқларни тўлаш мажбуриятини юклаган ҳолда, ерга ва крестьян аҳолисига эгалик қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқларини ҳам берди. Ўрта табақага эса ҳамма фуқаролик ҳуқуқларини берди, мулкнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий ҳуқуқларини берди. Ишчиларга фақат фуқаролик ҳуқуқларини берди. Крепостной ҳуқуқини Сперанский қоралаган.

Сперанский лойиҳалари дворянлар томонидан каттиқ танқид қилинади. Оқибатда буюк чиновник хизматидан четлаштирилиб, сургун қилинди. Унинг лойиҳаларини Александр II қисман амалга оширди, юқори ҳокимиятнинг чегараланиши эса юз йилга кечикди.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият.
3. Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
4. Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. 695 б.
5. Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.
6. История политических и правовых учений. М.Юрлит.2001.
7. История России. М. "Наука".2000.

Таянч тушунчалар: Либерализм, Гроций, Жон Локк, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббс, Иммануэл Кант. Декабристлар, Карамзин, Диспотия, Пестел, “Рус ҳақиқати”, Муравьев, Олий Дума, Герцен, Чернышевский, маърифатпарварлар, славянофиллар, декабристлар, социалистлар, либераллар.

Назорат саволлари

1. Либерализм сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини нимада кўриш мумкин?
2. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда табиий ҳуқуқ ғояларининг тутган ўрни.
3. Жон Локкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида илгари сурилган ғоялар нималардан иборат эди?
4. Бенедикт Спинозанинг ғояларининг асоси нима?

5. Томас Гоббслар сиёсий-ҳуқуқий қарашларида либерализм ғоялари. қандай ўрин тутади?
6. XVIII-XIX аср либерализми тараққиёти.га таъсир кўрсатган омиллар.
7. XX аср либерализм назариясининг асосий йўналишлари қайсилар эди?
8. Иммануэл Кантнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- 9.Г.Гроцийнинг таълимотида ҳуқуқ масаласига қандай қаралади?
- 10.Ўзбекистонда либерализм ривожланиш истиқболлари қандай?
- 11.Россияда Декабристлар ҳаракати нима сабабдан юз берди?
- 12.Н.М.Карамзин томонидан деспотик давлат бошқарувчиларини нимада айблайди?
- 13.П.И Пестель ўзининг ‘‘Рус ҳақиқати’’асарида Россия қандай услубда бошқарилади?.
- 14.А.И.Герцин давлат тўғрисида қандай фикр билдирган?
- 15.Россияда сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши қандай ғоялар таъсир кўрсатган?
- 16.Маърифатпарварлар ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари нималардан иборат эди?.
- 17.Славянофинлар кимлар ?.
- 18.Либерал йўналиш вакиллари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- 19.Марксизмнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти ва унинг инқрози нимада?
- 20.Россиядаги XX аср сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари

Тестлар

1. «Уруш ва тинчлик масаласи» асарининг муаллифи ким?
 А.Т.Гоббс
 В.Г.Гроций
 С.Ж.Локк
 Д.Б.Спиноза
 Е.И.Кант
2. Томас Гоббснинг сиёсий- ҳуқуқий қарашлари унинг қайси асарида берилган эди?
 А. «Гражданин», «Левиофан»
 В. «Уруш ва тинчлик тўғрисида»
 С. «Бошқарув ҳақида трактат»
 Д. «Этика», «Сиёсий трактат»
 Е. «Боқий дуне сари»
3. Кант ўз таълимотини яратишда нимадан келиб чиқади?
 А.Инсоннинг ахлоқий мавжудот эканлигидан
 В.Таббий ҳуқуқдан
 С.Илоҳий таълимотлардан
 Д. Фалсафий қарашлардан
 Е. Инсон ҳуқуқларидан
- 4.Кимнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида абсолютизмга қарши чиқилган?
 А.Т.Гоббс
 В.Г.Гроций

С.Ж.Локк

Д.Б.Спиноза

Е.И.Кант

5.Ким демократик давлат тизими тарафдори эди?

А.Т.Гоббс

В.Г.Гроций

С.Ж.Локк

Д.Б.Спиноза

Е.И.Кант

6.Кимлар Россияда мустабид монарх ҳокимияти тарафдори эдилар?

А.Славянофинлар

В.Ғарбчилар

С.Социалистлар

Д.Декабристлар

Е.Либераллар

7. Россия ва Ғарбий Европа давлатларининг ривожланиш йўллари бир деган ғоянинг тарафдори кимлар эди?

А.Славянофинлар

В.Ғарбчилар

С.Социалистлар

Д.Декабристлар

Е.Либераллар

8.Россиядаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ривожланишига нима туртки бўлди?

А. Петр 1 ислохотлари

В.Крепостнойликни бекор қилиниши

С.Декабристлар қўзғолони

Д.Марксизмнинг россияга кириб келиши

Е.тўғри жавоб йўқ

9.Ким томонидан индивидуализм концепцияси илгари сурилади?

А.Б.Г.Чичерин

В.И.А.Ильин

С.Ю.П.Огарёв

Д.А.С.Пушкин

Е.П.И.Новгородцев

10-боб. XX - XXI асрларда сиёсий-ҳуқуқий ғоялар РЕЖА

- 1. Аналитик юриспруденциянинг сиёсий-ҳуқуқий хусусиятлари.**
- 2. Кельзеннинг позитивистик нормативизми**
- 3. Прагматистик позитивизм**
- 4. Бирдамлик ва институционализмнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари.**
- 5. Социологик юриспруденция**
- 6. Москва ва Паретонинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.**
- 7. Интегратив юриспруденция**
- 8. Технократик назария**
- 9. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат**

Янги давр сиёсий - ҳуқуқий таълимотларида ҳуқуқий давлат қуриш ғоялари. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда демократия ва кўппартиявийлик ҳақидаги қарашлари. Парламент ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ғоялари. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақидаги қарашлар.

Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида инсон ҳуқуқлари, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ғоялари.

1. Аналитик юриспруденциянинг сиёсий-ҳуқуқий хусусиятлари.

Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, сабаб ва мақсадлари ҳақидаги масалаларни позитивизмнинг метоилмий деб ҳисоблаган давлат ва ҳуқуқнинг позитивистик назарияси икки вариантда намоён бўлади. Биринчи вариантдаги позитивизм бу - юридик позитивизм бўлиб, буржуазиянинг юридик дунё қарашини аънаналарини давом қилиб, ҳуқуқни аниқ бир сўзсиз позитив факт сифатида қарайди. Иккинчи вариантдаги позитивизм бу – социологик позитивизмдир (ҳозирги замон буржуа социологик ҳуқуқининг илдизи) ва ҳуқуқни бошқа ижтимоий воқеа ҳодисалар билан жипс алоқадорликда тадқиқ қилади ва позитивистик социологиянинг табиий биологик ва психологик турфалигига, турлигига ишора қилади (давлатнинг органик назарияси, зурлик назарияси, социолого-психологик концепциялар ва ҳоказо).

Юридик позитивизмнинг асосий намоёндалари Англияда Д.Остин ва унинг издошлари (аналитик мактаб деб ҳам юритилади), Германияда К.Бергбон ва П.Лобанд, Францияда А.Эсмен эдилар. Булар фақат позитив ҳуқуқнинг (давлат томонидан эълон этилган нормаларнинг йигиндиси ва мажмуасини) мавжудлигини тан олишар ва барча қолган ҳуқуқни, шу жумладан, табиий ҳуқуқни характердаги позитив ҳуқуқнинг ахлоқий баҳоси – кўриниши деб билишарди. Юридик позитивизм давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини билиш ва англаш имкониятини инкор этар, юриспруденциянинг тушунчалари, принциплари ва категорияларини тафаккурнинг субъектив мавҳумлик деб тушунарди, демакки булар давлат ҳуқуқнинг объектив моҳиятини акс эттира олмайди деб эди. Юридик позитивизм вакиллари ҳуқуқни манфаат, эркин ирода ва эркинликнинг нормалари деб изохлашга қарши чиқиб, юриспруденция тушунчаларнинг юриспруденциясига айланиб қолиши мумкин деган ҳулосага келишимиз мумкин. бу назарияга кўра, ҳуқуқ давлат томонидан эълон қилинган ва жамият аъзоларига йўлланган ва демакки улар учун эълон мулжалланган умумлашган нормалар ва қоидаларнинг мажмуаси сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ моҳиятан ва мазмунан сиёсий ҳуқуқдор ёки суверен томонидан ўрнатилган қоидалар агрегати ҳисобланади, дейди Остин. Юридик позитивизм ҳуқуқ ва давлатнинг муайян базисга боғлиқ ва унинг тақозоси эканлигини рад қилади. Бундан эса ҳуқуқ нормаларини валютаристик тарзда тушунтириш келиб чиқарди. Юридик нормалар давлатнинг зуравонлиги, зурлиги ҳосиласи сифатида қурилар, нормалар абстракт тарзидаги буйруқлар, қонун чиқарувчининг норматив фикрлаши сифатида тушунилар эди. Бу назарияга кўра, ҳуқуқ олий давлат ҳокимияти чиқарган қонунлар билан тенг ва айнан бўлиши мумкин эди. Давлат қонунларини ўрнатади ва бу қонунлар орқали юридик ҳуқуқларни тақдим этади, муайян мажбуриятларни юклайди (Остин). Ҳуқуқни қонун билан айнан тушунчалар деб билгувчилар ҳуқуқий муносабатларни қонуний муносабатларга алмаштиришга ўриндилар. Ҳуқуқнинг давлат билан алоқасига догматик тарзда ёндошиш оқибатида Остин ва унинг издошлари Халқаро ҳуқуқ

нормаларини «том маънодаги ҳуқуқ» эмас деб тушунтиришар, зеро бу нормалар давлат томонидан буйруқ сифатида берилмаганли таъкидланарди. Ушбу фикр давлат суверенитетига ишора қилиниб, «суверен позитив ҳуқуқ олдида масъул эмаслиги ва суверен юридик мажбуриятлардан озод эканлиги уқдирилар эди. Шу асосда Остин ҳуқуқ соҳасидан конституцион ҳуқуқни истисно этди. Унинг фикрича давлат суверен булар экан, ҳуқуқ нормаларига бўйсунishi мумкин эмас ва ўз фаолиятида чекловлар ва доиралар бўйсунмайди.

Юридик позитивизм тарафдорлари давлатшуносликка формал юридик методни куллаб, давлатнинг юридик конструкциясини вужудга келтирди (Германияда К.Гербер ва П.Лабанд, Англияда А.Дайси, Францияда А.Эсмен). давлат, Гербернинг фикрича, «хулнинг умумий асосда биргалашиб яшаши учун мулжалланган ҳуқуқий формади ва давлат «олий юридик шахсдир. Лабанд давлатда «Халқнинг юридик ташкилоти»ни кўради. Эсменнинг фикрига кўра эса, давлат – миллатнинг юридик сиймосидир. Давлат ҳуқуқий конструкция сифатида кўрилар, кўпроқ ҳуқуқ субъекти бўлган – юридик шахс сифатида қаралар эди. Натижада ҳуқуқ ва давла ўзаро муносабати ва нисбати ҳақидаги масалада тушунарсиз, бир ҳолат юзага келдики: бир томондан ҳуқуқ давлат томонидан ижод қилиниб вужудга келади ва давлатнинг буйруқлари, хоши-иродасининг мажмуаси булса, иккинчи томондан эса, давлатнинг узи ҳуқуқий воқеа-ходиса (яъни, ҳуқуқ субъекти ёки ҳуқуқий муносабат) ҳисобланади. Давлатнинг юридик конструкцияси «ҳуқуқ ҳукмронлиги», «ҳуқуқий давлат», «давлатнинг ҳуқуқ билан ўз-ўзини чеклаши» каби доктриналар билан тўлдирилиб борди.

Замонавий аналитик юриспруденция Янги юридик позитивизмнинг модификацияси тарзида ривожланди. Ушбу назариянинг методологик ва назарий жиҳатларини Джон Остиннинг асарларида кўриш мумкин. Тарихий –фалсафий нуқтаи назардан аналитик юриспруденция кўп жиҳатдан Ганс Кельзеннинг юридик позитивизмига яқин туради. Аналитик юриспруденцияда қонун қонун чиқарувчининг фикрларининг ифодаланиши деб тушунтиради. Қонунларни анализ қилиш ва шарҳлаш мантақан тўғрилиги эътиборни қаратиш жоиз. Ҳуқуқшуносларнинг асосий вазифаси ҳуқуқни қарама-қаршиликлардан ва бўшлиқлардан ҳалос этиш ва мукамал ҳуқуқий матнлар ва қонунлар шарҳини яратишдан иборат, деган фикрни илгари суради. Аналитик юриспруденциядаги фикрларда догматик тарзда ҳуқуқни тушунишга ишора қилинган. Джон Остеннинг «Юриспруденция ҳақида маъруза ёки позитив ҳуқуқ фалсафаси» асарида (XIX аср ўрталари) позитив ҳуқуқнинг олдида бошқа ҳуқуқ жавоб бера олмайди, дейди.¹

Аналитик юриспруденция белгилари мавжуд бўлган қарашлар инглиз олими Герберт Харт фикрларида ҳам яққол кўринади. Ҳуқуқни анализ қилиб, расмий- мантикий тизим сифатида «бирламчи» ва «иккиламчи» қоидаларга бўлади (Ҳуқуқ концепцияси.1961). Бирламчи қоидалар ўзида қонуний ўрнатилганлигини кўрсатади. Бунда бирламчи қоидалар суверен давлат органи (парламент) томонидан тайёрланади ва маълум ҳуқуқий оқибатлар, бурчлар ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Иккиламчи қоидалар уч турдаги қуринишга эга бўлади- тан олиш қоидаси, ўзгартириш қоидаси ва суд қарорини қабул қилиш қоидасидир.

АҚШнинг ёзилган конституцияси тан олиш қоидасига мос келади. Қўшма Қиролликнинг ёзилмаган конституцияси ҳам тан олиш қоидасига киритилади. Чунки қоидалар парламент ва суд томонидан ишлаб чиқилган².

Хартнинг ҳуқуқ конструкцияси ва ҳуқуқ тизимига доир назарияси йигирманчи асрнинг ўрталарида жуда қадрли бўлишига қарамай, Оксфорд университети ҳуқуқ профессори, амарикалик Рональд Дворкин унинг назариясини фалсафий ва социологик томондан танқид қилади.

Замонавий таҳлилий юриспруденция энг янги юридик позитивизмнинг мукамалроқ (ўзгарган) шаклидир (модификация). Бироқ, унинг услубий ва концептуал тавсифлари борасидаги мулоҳазалар Ж.Остин асарларидан бошланади. Тарихий-фалсафий нуқтаи назардан у, юридик таҳлилий догматизм ва юридик лингвистика модификацияси бўлган

¹ История политических и правовых учений. под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 658-бет

² История политических и правовых учений. под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 659-бет

ҳамда Г.Кельзен юридик позитивизмига яҳин турувчи юридик-услубий позитивизмнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Юриспруденцияда бундай оҳимнинг ўтмишдошлари ҳаторида, одатда, римлик ҳуқуқшуносларни, ундан кейин ўрта асрлар юриспруденцияси докторлари қайд ҳилинади (Ирнерия, Бартоло, Бальда).

Ушбу догматик юриспруденциянинг вазифалари барчага маълум бўлиб, бу муфассал далилларни талаб қилмайди. Чунки, улар доимо кундалик ҳаёт эҳтиёжлари асосида белгиланган ва юридик амалиёт билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг, қоидаларнинг ҳандайдир мажмуи сифатида, қонунлар ва ҳуқуқ соҳаларининг тартибга солинган тизими сифатида ҳабул ҳилиниши айнан мана шу ёндашувга кўпроқ хосдир. Шу билан бирга, қонун қонун чиқарувчи фикрининг оғзаки ифодаси сифатида ҳабул ҳилинади. Қонунлар мажмуасида, уларнинг ўзаро ички мантиқий боғлиқлиги ва у ёки бу даражада ривожланган ўзаро бўйсунуш ва таҳсимлаш тизими мавжуд бўлади. Тушунарлики, қонунларнинг бундай тизими изчил мантиқий ва оҳилона бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар ва фаннинг вазифаси тизимнинг зиддиятлар ва камчиликлардан ҳоли бўлишига ва юридик матнларнинг сўз ва мазмун жиҳатдан янада мукаммал бўлишига кўмаклашишдан иборат. Ваҳоланки, энг содда юридик амалиёт қонунларни тушуниш ва шарҳлашни талаб этади. Мазкур таҳлил ва шарҳловлардан ҳуқуқ догмаси ёки догматик юриспруденция деб номланадиган билимлар ва уҳувлар мажмуи юзага келади. Бундай ёндашувда, фаннинг вазифаси, қонунларнинг судлар ёки ҳукумат муассасаларида таҳлилий талқин ҳилиниши амалиётидан жиддий ва сифат жиҳатдан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам, хусусан фан, яъни догматик (таҳлилий) юриспруденция таърифий (описательная) фанлар ҳаторига кириши лозим.

Догматик фаннинг бундай чекланганлигини танҳид қилиш барча даврларда мавжуд бўлган. Цицерон, Рим ҳуқуқининг гуллаб-яшнаган даврида юриспруденцияни суяҳ (жидкий) билим деб атаган. Мартин Лютер юридик фанни фаҳат бойлик орттиришга йўналтирилган жирканч ҳунар деб ҳисоблаган. Тарихий ҳуқуқ мактабининг асосчиси Гуго XVIII аср охирига мансуб бўлган юриспруденцияни ҳаддан ташҳари авторитетга эргашишда (ихлосмандликда), консерватизмда, беғараз илмий интилишларнинг йўқлигида ва б. айблади. Кейинги юз йилликда ушбу айбловлар такрорланиб, бизнинг давримизгача етиб келди. Социологик юриспруденция асосчиларидан бири бўлган Р.Иеринг уни «таърифлар юриспруденцияси», яъни илгариги даврдагидек дефиницияларга ҳизихишга ва схоластлар илмига берилган фан деб атади. Ўз вақтида, ҳуқуқ соҳасида зарур бўлган фикр юритишнинг бир усули сифатида догматик юриспруденциянинг тарафдорларидан бўлган Кант, догматик-ҳуқуқшуноснинг вазифаси айнан қонунчилик тўғрисида фикр юритиш, амалдаги қонуннинг талабларини амалга оширишдан иборат деб эътироф этган эди. .

ҳуқуқни догматик тушунишда Ж.Остиннинг «Юриспруденция, ёки позитив ҳуқуқ фалсафаси тўғрисида маърузалари»дан (XIX аср охири) олинган «ҳуқуқ – бу сувереннинг амри» формуласи муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, суверен, Остин концепциясига кўра, позитив ҳуқуқ олдида жавобгар эмас.

XX асрда ушбу ғоялар инглиз олими Герберт Харт томонидан давом эттирилди ва ҳисман ҳайта талқин ҳилинди. Унинг фикрича ҳуқуқ тан олишнинг олий даражаси (ҳуқуқ концепцияси. 1961й.) деб номланувчи қоидаларга алоҳадор бўлган «бирламчи» ва «иккиламчи» қоидаларнинг расмий-мантиқий тизимидир. Бирламчи қоидалар суверен орган (яъни, парламент) томонидан тайёрланган қонунчилик қоидалари бўлиб, унинг натижасида маълум жавобгарликлар, мажбуриятлар ва ваколатлар юзага келди.

Иккиламчи қоидалар уч турдан, яъни тан олиш қоидалари, ўзгартириш қоидалари ва суд ҳарорини чиқариш қоидаларидан иборат. Суд ҳарорини чиқариш қоидалари, ўз моҳиятига кўра, қоидалар тўғрисидаги қоидалар сифатида юзага чиқади, яъни судялар, фўхаролик хизматлари ишчилари, ҳукумат вазирлари ва бошқа шахслар қонунни ҳабул қилиш ва шарҳлаш жараёнида риоя ҳиладиган қоидалардир. Ўзгартириш қоидалари амалдаги қонунларга зарур ўзгартиришларни киритиш лозим бўлганда ҳўлланиладиган, ўзаро келишиб олинган қоидалардир. Масалан, сайловлар тўғрисидаги қонун ўзгартирилаётганда парламент сайловлари, натижада, янги парламент ва янги ҳукуматнинг пайдо бўлишига олиб келиши, ва улар ўз навбатида «бирламчи қоидалар»га ўзгартириш киритиши мумкин.

Тан олиш қоидаларини шарҳлаш анча мушкулроҳдир. Бироқ, уларнинг амалда роли катта ва ушбу қоидалар замонавий позитивик ҳуқуқ мактабига хос хусусиятларни ташкил ҳилади. Қонун шундай шароитларда қонун бўладики, агарда у қонун сифатида тан олинган бўлса. Ваҳоланки, у тан олинган, асосланган ва шундай ҳабул ҳилинадиган ҳуқуқ манбаидан олинган. АХШнинг ёзма Конституцияси тан олиш қоидаларига жавоб беради; Бирлашган Ҳиролликнинг ёзилган Конституцияси ҳам тан олиш қоидаларига бўйинсунади, чунки бу қоидаларга парламент ва судлар риоя ҳиладилар. ҳуқуқий тизим бирламчи ва иккиламчи қоидалар биргаликда ҳўлланилгандагина самарали амал қилиши мумкин, деб таъкидлайди Харт.

Харт концепцияси Ж.Остин ҳарашларига деярли мос келмайди. Бу Хартнинг плюралистик демократия устун бўлган, либерал ва консерватив ғояларнинг муҳолиф бўлган янги шароитларда яшаб ижод этганлигигагина боғлиқ эмас. Харт Остиндан фарқли ўлароқ табиий-ҳуқуқий анъаналарга бир оз бўлсада ён босди ва ўз концепциясида Кельзин нормативизмининг айрим элементларини ва Остин таҳлилий позитивизмини ўзаро синтез ҳилди. Харт Остин ҳарашларига кўпроқ ҳуқуқ ва аҳлоқ масалаларини талқин қилиш борасида яҳинроқ туради.

Замонавий ижтимоий фанлар, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани маълумотлари, кишилар ҳуқ-атворлари ҳисман урф-одатлар, ҳисман имтиёзлар ва ҳисман маълум қадриятлар билан бошқарилади, деган ғоядан келиб чиқади. Бундан ташҳари, жамоа аъзолари ўзларида черков доктриналари ва таълимотларини ҳамда аҳлоҳий тамойилларни (касбий, авваламбор, врачлик аҳлоҳи ва б.) ўз ичига олган диний аҳлоқ таъсирини ҳам ҳис этадилар. Мазкур барча турфа хил ҳодисалар ҳуқуқ тизимида акс этиши мумкин ва кўпинча акс этмоҳда. Бу борада Харт нухтаи назари ҳуйидагилардан иборат: барча жамоаларда ҳуқуқ ва аҳлоҳнинг мазмун жиҳатдан ҳисман ўзаро бирлашиб кетиши жараёни мавжуд; Бироқ ҳуқуқий қоидалар атрибутлари ўзига хос бўлиб, аҳолиҳий қоидалардан фарқли ўлароқ турли хил аниқлаштирилган изоҳлар сифатидаги тўсиҳлар билан чегараланган.

Ушбу масалада ҳуқуқ фалсафаси тарихига анъанавий хос бўлган бошқа бир нухтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, жазолаш (жиноий) қонунчилиги вакиллари криминал қонуннинг кўпинча ижтимоий аҳлоҳҳа зид эканлигини маълум ҳиладилар. Жамиятнинг кўпгина аҳлоҳий қоидалари қонун томонидан тан олинмайди. «Аҳлоқ ва юридик тафаккур» (Лондон, 1980) асарининг муаллифи С.Столяр, шундай бир ҳатъий фикрни илгари суради: «юридик позитивистларнинг аҳлоқ ҳуқуқнинг фаҳат низом ёки урф-одат шаклидаги оддий манбаи деб таъкидлашларига ҳарамасдан, ҳуқуқнинг катта ёки айникса марказий ҳисми устидан амалда ҳўлланилган аҳлоқ устунлик ҳилади». Хартнинг табиий-ҳуқуқий анъанага муросавий муносабати унинг ҳуйидаги ҳарашларида акс этадики, унга кўра, давом этаётган, эволюция ҳолатида бўлган табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқнинг истаган тизимида «табиий ҳуқуқнинг бирор бир заррасини», масалан, ушбу ҳолатни тан олиш сифатида, барча бошқа шароитларда одамзот тенг жисмоний (бир-бирига яҳинлаштирувчи ўхшашликлар) ва ундан камроқ даражада тенг аҳлий яқинликда бўлишини кўриш мумкин.

Унинг ҳуқуқий қоидаларни бирламчи ва иккиламчи қоидаларга классификацияси кенг тарҳалди ва янада мукаммаллаштирилди. Харт фикрича, иккиламчи қоидаларнинг йўқлиги, примитив, анъанавий жамоа ҳуқуқий тизимининг белгисидир. Юридик қоидаларнинг бундай бўлиниши мавжуд бўлмаган жамиятларда уларнинг бўлиниши ва алоҳидалашувига кўмаклашувчи парламент жараёни ҳам бўлмайди. Агар жамиятда юҳорида қайд қилинган тан олиш қоидалари ҳабул қилинган бўлса, унда амалдорлар ва оддий фуҳаролар, бу билан, мажбурловчи тартибларнинг бирламчи қоидаларини тушунишнинг авторитар мезонига эга бўладилар. «ҳуқуқий тизим концепцияси» асари (2-чи нашр, 1980) муаллифи Жон Рац мазкур нухтаи назарни ҳуйидаги мисол асосида мужассамлаштиради. Тан олиш қоидалари, маълум норматив қоидалар асосида, масалан, фуҳаролар кутган, мазкур корпус қоидаларига, айтайлик, сайловолди партия манфестига мувофиҳ ўзини иш билан машғул қилиши лозимлиги, ва қонун чиқарувчиларнинг сайловолди ваъдаларининг у ёки бу шаклда уддасидан чиқмаганлиги учун жазоланиши мумкинлигини эътиборга олиб иш юритидаган муассасалар сифатида қонунчилик корпуси фаолияти билан иш кўради.

Хартнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизим назарий конструкцияси XX асрнинг ўрталарида Буюк Британияда устунлик ҳилди, охибатда (бошқа позитивистик оҳимлар ҳаторида) фалсафий ва социологик танҳидга, айниқса Оксфорд юриспруденцияси ўҳитувчиси Рональд Дворкин томонидан танҳидга учради. «Агар ҳуқуқлар тўғрисида жиддий гапирадиган бўлсак» номли китобда у позитивистларга эътироз билдириб, ҳеч бир қонун чиқарувчи (яъни, ўша «қонун-буйруҳни ўрнатувчи северен) ижтимоий ҳарашларни ёки ноҳаҳлик ҳиссиётини тан олмасликка ҳаҳи йўқ, чунки жамоатчилик фикри, у қанчалик ўзгарувчан ва ўткинчи бўлмасин, парламент ва ҳукумат «фаҳатгина назарий инкор» қилиши мумкин бўлган соҳани шакллантиради.

Харт концепцияси, замонавий позитивизмнинг юридик-таҳлилий оҳимида мавжуд бўлиб, конструкция ва категорияларга ёндашувининг ўзига ҳослиги туфайли лингвистик юридик позитивизмга мансубдир. Замонавий юридик позитивизмининг яна бир кўринишларидан бири Кельзен нормативизмидир.

2 Кельзеннинг позитивистик нормативизми

Ҳаётининг охирги дамлари АҲШда ўтган австрия ҳуқуқ файласуфи Кельзеннинг (1881-1973) асосий асари «ҳуқуқнинг соф назарияси» деб номланади (1934, 2-чи кенгайтирилган нашри, 1960).

Мазкур ном остида позитивистик (мавжуд ва амалдаги) ҳуқуқнинг шундай назарияси яратилдики, ҳуқуқ ўз «софлиги»ни таъминлаши учун, олдиндан позитив ҳуқуқга ёт бўлган барча элементларни ўрганишдан воз кечади. Илмий мунозара предмети бундай чекловининг чегаралари, муаллиф фикрича, аниқ белгиланган бўлиши керак. Ва бу белгилаш ҳуйидаги икки йўналишни ҳамраб олиши лозим: ҳуқуқнинг ўзига ҳос ва маҳсус фани (яъни, одатда юриспруденция деб номланадиган предмет), бир томондан адолат фалсафасидан, бошқа томондан эса, социологиядан (ижтимоий ҳаҳиҳатни билиш) алоҳидалашмоғи лозим.

Агар соф ҳуқуқ назарияси ва адолат фалсафасини солиштирилса шу нарса маълум бўладики, Кельзеннинг талқин қилишига кўра, соф ҳуқуқ назарияси фан сифатида «адолат нима?» деган саволга жавоб бера олмайди. Шунинг учун, бу ва у билан боғлиқ бошқа масалалар (пинципиал ва услубий ҳарашларга кўра) илмий жиҳатдан очиб берилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ назариясини («умумий ҳуқуқ назарияси»ни) ўрганиш предмети қонунчилик қоидаларини, уларнинг элементларини, ўзаро муносабатларини, бир бутунлик сифатидаги тартиб-қоидаларни, унинг таркибини, турли хил тартиб-қоидалар орасидаги ўзаро муносабатларни, ва ҳуқуқнинг позитив қонуний тартибларнинг плюраллигидаги бирлигини ташкил ҳилади. Назариянинг маҳсади – юристни (ҳуқуқшуносни ва амалиётчини), авваламбор, судяни, қонун чиқарувчини ва ўҳитувчини уларнинг ўз мамлакатлари позитивик ҳуқуқнинг тушунилиши ва (иложи борича аниқ) таърифланиши билан таъминлашдан иборат. Бундай назария ўз тушунчаларини фаҳатгина позитивик қонунчилик нормалари (Харт конструкциясидегидек, айнан нормалар, қоидалар эмас) мазмунидан келиб чиққан ҳолда таърифлайди. Бу назария сабаблар ва ҳаваслар, шунингдек, қонун чиқарувчи ҳокимият ниятига ёки индивидларнинг қонун мазмунига нисбатан хоҳиш-истаклари ва манфаатлари таъсирига берилмаслиги лозим. Фан ўзининг объектини, ҳандайдир ўзига ҳос идрок қилиш нухтаи назаридан у ҳандай бўлиши керак ёки бўлмаслиги керак эканлиги тўғрисида гапирмасдан, у ҳандай бўлса шундайлигича ифодалаши лозим. Бу реал ҳолатни билишга йўналтирилган фан объекти эмас, балки кадриятларга йўналтирилган давлат бошқаруви санъати билан иш кўрадиган сиёсат предметиدير.

Ҳуқуқ фанида реаллик табиат эмас. ҳуқуқ фанини сиёсатдан ажратиш эҳтиёжи ва зауррияи мавжуд. Камида уни табиий (табиатни ўрганувчи) фанлардан ажратиш лозим. ҳуқуқ умумий назариясининг энг ҳийин вазибаларидан бири – бу унинг реаллиги хусусиятларини аниқлаш ва қонунлар ва табиатнинг реаллиги орасидаги фарқларни кўрсатишдан иборат. Кельзен талқинига кўра, ҳуқуқий реаллик – қонуннинг позитивлигидадир (масалан, қонунинг турли хил реалликларининг қонунинг сиёсат маҳсади

сифатида идеаллигидан фарқидадир). Реаллик, яъни позитив ҳуқуқнинг мавжудлиги, унинг адолат ёки «табиий» ҳуқуқга мос келиши ёки мос келмаслигига боғлиқ эмас.

Ҳуқуқнинг соф назарияси ўз предметини трансцендентал ғоянинг нусхаси сифатида ҳарайди; у, шу билан бирга, трансцендетал адолатни махсус илмий ҳарашдан чиқариб ташлаш орқали у билан эмпирик ҳуқуқ орасида аниқ фарқни тан олади. У ҳуқуқда одамзотдан ҳам юқори бўлган ҳокимиятнинг намоён бўлиши эмас, балки инсон тажрибасига асосланган ўзига хос ижтимоий техникани кўради. ҳуқуқнинг соф назарияси ҳуқуқнинг метафизикаси бўлишдан бош тортади: «позитив юридик нормалар мазмунида аниқлашнинг имкони бўлмаган тушунчалар, ҳуқуқий тушунчалар сирасига кириши мумкин эмас (ҳуқуқ ва давлатнинг умумий назарияси. 1945. Ингл. Нашри). Кельзен фикрича, ҳуқуқнинг соф назарияси, бу, позитив ҳуқуқнинг таркибий таҳлили бўлиб, унинг омиллари ва маҳсадларининг ахлоқий ва сиёсий баҳонишини руҳий ва ихтисодий тушунтириш бундан мустаснодир. Унинг пойдевори, чухур асослари мета-юридик тамойилларда эмас, балки мантиқий-юридик таҳминда – реал юридик тафаккурнинг мантиқий таҳлили орқали аниқланган таҳминдадир.

Мазкур гипотезага биноан позитив ҳуқуқ, «унинг мажбурийлиги ва ҳаракатдалиги» аҳамиятининг универсал мантиқий таҳмини (ёки оҳланиши) асосий нормадан иборат. Ушбу норма амалдорларнинг барча расмий ҳаракатларини ҳуқуқий тартиб контекстига йўналтиради ҳамда амалдорлар ва фуҳароларнинг ҳуқуқ яратувчи актларига умумаҳамият маҳомини беради. Кельзен бу назарий конструкциянинг моҳиятини айниятлар орқали тушунтиради. Масалан, асосий нормани («конституция давлатнинг асосий қонуни» эканлигини эътиборга олган ҳолда) «энг биринчи конституция» сифатида ҳабул қилиш мумкин. Бундай норма ҳар ҳандай диний тизимларда мавжуд, ва у кимдир ўзини худо сифатида тутиши кераклигини ва ҳукумат унинг хоҳиш-иродасига кўра тайинланишини назарда тутати. «Шунга ўхшаш тарзда Асосий Норма кимдир ўзини конституция «оталари» сифатида тутиши кераклигини ва бундай шахслар бунга бевосита ёки билвосита конституция талабларига мувофиқ ваколатга эга эканликларини белгилайди».

Ҳуқуқ ва ҳокимият, ҳуқуқ ва давлат нисбатининг талқин ҳилинишида, айниқса, ҳуқуқнинг соф ҳуқуқ назариясига кўра «ўзига хос тартиб-интизом ёки ҳокимиятнинг ташкил ҳилиниши» деб тушунтирувчи позитивистик анъана яққол кўзга ташланади. Давлат иккита ўлчовда – ҳукмронлик ва ҳуқуқ сифатида юзага чиқади. Кельзен тавсифига кўра, давлатни бундай тушуниш, давлат «бировлар» буйруқ бериб ҳукмронлик ҳиладиган, бошқалар эса бўйинсунадиган ва бошқариладиган муносабатлар сифатида намоён бўладиган социологик назарияда кўпроқ самаралидир. Бунинг учун – давлат социологияси фани мавжуддир, юрист эса ижтимоий реалликни «давлат» атамасисиз ифодалаш ёки ушбу атамани ўзига хос социологик бўлмаган маънода ҳўллаш имконига эга. Масалан, жазолаш соҳасида қонунчилик «давлат ҳуқуқини» жинойтчиларга нисбатан муҳокама қилиш самаралидир, бошқа томондан, айрим соҳаларда, хусусан, фуҳаролар ҳуқуқида, ҳонституцион, маъмурий, оммавий ҳуқуқларда «давлатга қарши ҳуқуқни» англаш мумкин.

Ҳуқуқ назариясини ахлоқий фалсафадан ёки социологиядан ажратишда Кельзеннинг ёндашуви, агар Ж.Остиннинг ҳуқуқшунослик фанининг (метафизик бўлмаган) эмпирик ва «ижтимоий-техник» фан (Кельзен фикрига кўра сиёсий-мафкуравий бўлмаган, анъанавий юриспруденция соҳаси) эканлигини атамавий оҳлашига ҳаракат қилганлигини эътиборга олмаганда, Остиннинг таҳлилий юриспруденциясидан деярли фарқ ҳилмайди.

Агар, Ж.Остин фикрича, ахлоқ ва ҳуқуқ энгиб бўлмас тўсиҳлар билан ажратилган бўлса, Харта буни эвристик мулоҳазалар билан оҳлайди, Кельзен эса ҳуқуқни ахлоқдан ва юриспруденцияни сиёсатдан ажратиш лозимлиги тўғрисида фикр юритади. Билишнинг кучли ижтимоий манфаатлар ва ҳўллаб-хувватлаши туфайли ривожланаётган табиий фанлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий назария, Кельзenga кўра, физик ва кимёгарлардаги сингари тўғридан-тўғри фойдага олиб бормайди. Ижтимоий, ва айниқса ҳуқуқий фанда одатда ҳокимият муассасаларида мужассамлашган манфаат сиёсий мафкура фанида ўз аксини топади.

Ҳуқуқий фанда ҳалигача бундай устун манфаатга қарши таъсир йўқ экан, унда «соф ҳуқуқ назарияси» ҳалигача даврга мос эмас, деган фикрга келиш мумкин. Бундай фикрни

Кельзен 40-йилларда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг илгари сурди. У айниқса шундай ҳолатга эътиборн ҳаратдики, унга кўра «партия диктатураси ҳукмронлик ҳилаётган буюк ва кучли мамлакатларда юриспруденциянинг энг кўзга кўринган вакилларидаан айримлари ўз «фани» билан «сиёсий ҳокимиятга» хизмат қилишни энг муҳим вазифа деб биладилар. Ўзининг умумлаштирувчи асарини инглиз-саксон дунёсида яратар экан, у бу ерда фан эркинлиги етарлича ҳадрланишини, ҳокимият барҳарорлашганлигини ва ғоялар ҳокимиятга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этишини ухтириб ўтади («Адолат нима? Адолат: ҳуқуқ ва сиёсат фан кўзгусида». Танланган асарлар. Лос-Анджелес, 1957).

Кельзен ижтимоий фанлар предметининг алоҳидалашуви борасида мулоҳаза юритар экан, ҳуқуқ ҳақиқатда (хулҳ-атвори тартибга солувчи механизм сифатида) бирор-бир натижага олиб келувчи ва самарадорлик хусусиятларига эга эканлигини тан олади, ва бу барчаси бошқача қилиб ҳуқуқ (қонун) ҳокимияти деб аталади. Гарчи ҳуқуқ ва ҳокимият айнан бир нарса бўлмаса-да, ҳуқуқ ўз-ўзича ҳокимиятсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам, ҳуқуқ «ҳокимиятнинг ўзига хос қоида» ёки ҳокимиятнинг ташкил ҳилиниши» сифатида соф ҳуқуқ назарияси деб талқин ҳилинади. Социологик нуқтаи назардан давлат, бировлар буйруқ берувчи ва ҳукмронлик ҳилувчи, бошқалар бўйинсунувчи ва бошқарилувчи «қонуний ҳуқуқий тартиб» деб ҳабул ҳилинади. Бироқ бу, фикран, фаҳат хулҳ-атвор ҳуқуқ нормаларига, хусусан норматив юриспруденция томонидан муҳим нормалар тизими сифатида талқин қилинган ҳуқуқ нормаларига мажбурловчи ва уларни яратувчиларнинг норматив тизими ёрдамида баҳоланадиган жамиятдагина мавжуд бўлади. Баҳолаш ва тавсифларнинг бундай процедуралари социологик юриспруденциянинг объектини ҳосил ҳилади.

Кельзен ўзининг табиий-ҳуқуқий концепцияларга муносабатини 1949 йилда «Табиий ҳуқуқ доктринаси фан трибуналида» маҳоласида баён ҳилди. Умумлашган кўринишда, табиий ҳуқуқ мактабини, адолатнинг абадий муаммоларини маълум даражада ҳал қилиш йўллариини таклиф ҳилувчи доктрина сифатида ҳабул қилиш керак. Бошқача қилиб айтганда, доктрина кишиларнинг ўзаро муносабатларида нималар тўғри-ю, нималар нотўғри эканлиги борасидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат ҳилади. Бунда, инсон хулҳ-атворида нима табиий, ва нима ғайритабиий, ва ўз навбатида, бу табиатга қарши деган қоидадан келиб чиқиш керак. Туғма ҳуқуқлар, бу, одамзот томонидан белгилаб бўлмайдиган, бекор қилиб бўлмайдиган, балки фаҳатгина уни ҳимоя қилиш ва таъминлаш лозим бўлган ҳуқуқлардир.

Кельзеннинг табиий-ҳуқуқий асосларга қарши эътирози ҳуйидагилардан иборат. Биринчидан, илмий жихатдан умум тан олинган табиат қонунлари ва ахлоқ ва юриспруденция қоидалари ўртасидаги жиддий фарқлар аралаштирилиб юборилмоҳда. Киши хулҳ-атвори ёки ижтимоий институтинг «табиий» институт сифатида амал қилишини баҳолаш субъектив баҳолашга, яъни табиий-ҳуқуқий мактабга мансуб бўлган муълум бир мутафаккир нуқтаи назарига асосланган нормаларга мувофиқ келади. Бироқ, гап шундаки, реал ҳаётда биз табиий ҳуқуқнинг биргина доктринаси билан эмас, балки бир нечта, айрим ҳолатларда ҳарама-қарши принципларга олиб келувчи доктриналар билан ҳам иш кўрамиз. Масалан, Гобснинг табиат қонунларига асосланган давлат ҳокимияти абсолютдир, яъни чегарасиздир деган фикри эндиликда хато эканлигига шубҳа йўқ. Ж. Локк ва Ж.-Ж.Руссо айнан мана шу ҳокимиятни бошқача тушунганлар ва талқин қилганлар.

Кельзенга кўра, табиий-ҳуқуқий доктринага интилиш субъектив ҳарорларни оҳлашга бўлган руҳий эҳтиёжга ва уларни объектив сабабларга, ҳақиқатга асосланган қилиб кўрсатиш масаласига бориб таҳалади.

Кельзен ҳуқуқшунослигининг позитивистик варианты барчага анъанавий хос бўлган позитивистик фалсафа ва социологияда – Кантдан тортиб, то М.Вебер таълимотларида – фан ва сиёсат нисбатининг талқин ҳилинишида ўз ривожини топди. Кельзен фикрича, фаннинг сиёсатдан мустаҳил бўлиши барчага маълум бўлган ҳақиқатдир. Бу, фаннинг муҳим вазифаси бўлган ҳақиқатни билиш, маълум ижтимоий тартибни (тузумни) ўрнатиш ёки ҳандайдир ижтимоий институтни саҳлаб ҳолишга ҳаратилган сиёсий манфаатлар таъсирида бўлмаслиги лозимлигини англатади. Сиёсат бу бошқариш санъати, кишиларнинг ижтимоий хулҳ-атворини тартибга солиш амалиётидир. Шу билан бирга, сиёсат ироданинг маълум бир вазифаси бўлиб, у фаоллик кўринишида юзага чиқади, ва бу, қайд қилинган фаоллиқнинг

махсади бўлган қадриятларнинг англаб етилганлиги ёки аксинча, англалмаганлиги шароитида юзага келади.

Бу борада фан билиш функциясидир, унинг маҳсади бошқариш эмас, балки тушунтиришдан иборат. Унинг сиёсатдан мустахил бўлиши олим аввалбошданоҳ хандайдир қадриятга ён босмаслигини; у, шу йўсинда, ўз объектини тушунтириш ва ифодалаш билан чегаралашини ва уни эзгулик ёки ёвузлик (фойда ёки зиён нуқтаи назаридан) позициясидан туриб муҳокама ҳилмаслиги лозимлигини ва бу объектнинг мавжуд қадриятларга мос келиши ёки зид келишини аниқлаш билан шуғулланиши кераклигини назарда тутди. «Илмий мулоҳазалар реалликка нисбатан хулосалардир; улар ўз таърифига биноан объектив ва маълум хулосалар чиқарувчи субъект истаклари ва хавотирларидан мустахилдирлар. Шунинг учун, ушбу мулоҳазаларни амалда синовдан ўтказиш имконияти мавжуд. Улар ё ҳақиқий, ёхуд сохта бўлиши мумкин. Бироқ, қадриятлар борасидаги мулоҳазалар ўз табиатида кўра субъектив ҳисобланади, чунки улар, охир охибат, субъектга баҳо берадиган шахсга ва айниқса мазкур шахс ҳиссиётига асосланади» (Адолат нима?). Бундай якуний хулосалардан сўнг Кельзен иккита изоҳни қайд қилади. Фан соҳасидан қадриятлар борасидаги мулоҳазаларни чиқариб ташлаш айрим ўзгартишлар киритишни талаб қилади, яъни бу, масала, бирор-бир нарса ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисида эмас, балки яхши ёки ёмонлаги ҳақида бўлган ҳолтга тааллуқлидир. Бундан ташқари, бунгача айтилган барча фикрлар «сиёсий» фанга эмас, балки сиёсат фани соҳасига тегишли. Чунки, сиёсат хуроли бўлган сиёсий фан фан эмас, у сиёсий мафкура холос.

3 Прагматистик позитивизм

Замонавий юридик позитивизмнинг турларидан бири прагматик позитивизмдир («реал ҳуқуқ»нинг америка ва скандинавия мактаби). Агар таҳлилий юриспруденция ўзининг расмийлиги ва догматизми билан «тушунчалар юриспруденцияси» (Р. Иеринг) номини олган бўлса, ҳуқуқшуносликда реал мактабни «ҳарорларни ишлаб чиқиш ва ҳабул қилиш юриспруденцияси» дейиш мумкин.

Ҳуқуқшуносликда реалистлар, фанда замонавий психология ва социология усуллари ёрдамида, судлар ва юристлар ҳақиқатда нима билан шуғулланишларига эътибор ҳаратилган бир шароитда, академик тинчлик бузувчилар сифатида ҳабул ҳилинади. Бу борада машҳур асарлардан бири Жерома Фрэнкнинг «ҳуқуқ ва замонавий онг» (1930) китобидир. Ушбу китоб АҲШ Олий суди аъзоси Ф.Франкфуртер таҳризига кўра нафақат мавжуд илмий билимлар ҳазинасига ҳўшимчалар киритди, балки замонада билим ёки ҳақиқат сифатида намоён бўладиган тушунчаларни радикал равишда ҳайта кўриб чиқишга чақирди.

Китоб, хусусан, ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд қарашларни ҳайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Чунки, Д.Фрэнк конвенционал деб аталувчи мулоҳазаларга очикдан-очик қарши чиқди ва «ҳуқуқ тўғрисида биз ҳандай ўйлашимиз ёки нималарни ўйлашимизни» шубҳа остига олди. Бунда муаллиф юрист-амалиётчиларнинг тажрибаларига асосланди. Масалан, у, «Умумий тахминлар муайян муаммоларни ҳал қилмайди» деб таъкидловчи судя ва ҳуқуқ назариятчиси О.Холмсни ўзига шерик қилиб олди.

Ҳуқуқни янгича тушунишнинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритар экан, Фрэнк, ҳуқуқ реал ҳаётда махсус суд қарори кўринишида (фаҳат гапириш эмас, балки реал бўлиниш кўринишида) юзага чиқади, деган фикрга эътиборни ҳаратди. Бу ҳарорни фаҳат оз даражада олдиндан айтиб бериш ёки бир шаклга келтириш мумкин; бу ҳарор шундай жараёндан иборатки, мазкур жараён ёрдамида бундай ҳарор ишлаб чиқилади; ҳуқуқга янги ёндашувда, ушбу ёндашувнинг фуҳароларга нисбатан адолатни таъминлаш маҳсадида ҳандай суд жараёнига ҳўлланилиши мумкинлиги ёки лозимлиги масаласи жиддий аҳамиятга эга бўлади.

Асарнинг 6-чи наشري (1949) муҳаддимасида Фрэнк камчиликлардан ҳоли бўлмаган ушбу қарашлар мажмуини, яъни, нутқ аслида «аввалги ҳарорлар долзарблигини» муҳокама қилишдан иборат эканлиги тўғрисидаги фикрнинг камчиликларини асослаб беради. Фрэнк суд ишини баён қилиш учун ишлатиладиган «ҳуқуқий реализм» сўз бирикмасини яна бир «хато» сифатида қайд қилади.

Реалистлар анъанавий ёндашув барча мактаблари, жумладан, ҳуқуқда норматив аниқликни назарга илмаган реалистлар концепциясининг заиф жойларини кўра билган – ўнг ва сўл мактаблар томонидан танқид остига олинган. Уларга жавобан Фрэнк, суд иши бошланмагунга қадар ёки у суд мажлисида эшитилмагунгача суд қарорларини кўпинча олдиндан айтиб бериш қийин дея таъкидлайди.

Фрэнк асарида табиий ҳуқуқ борасида махсус эслатмалар йўқ, лекин унинг долзарблиги тўғрисида умумий мулоҳазалар мавжуд. «Мен, ҳар ҳандай адабли кишининг бугунги кунда замонавий цивилизация асоси сифатида одамзот ҳуқ-атвориға тааллуқли бўлган ва Фома Аквинский томонидан эълон қилинган табиий ҳуқуқ тамойилларини ҳабул қилишдан бош торитишини тушунмайман. Ушбу тамойиллар ҳаторида – умумфаровонликка интилиш, ўзгаларға ёмонлик ҳилмаслик, ҳар кимға ўзиникини беришнинг бирламчилиги ва «ўлдирма», «ўғирлама», «ишониб берилган нарсани қайтариб бер» каби тамойилларнинг иккиламчилигини қайд қилиш мумкин».

4.Бирдамлик ва институционализмнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари.

Бирдамлик ғоялари суғорилган сиёсий ва ҳуқуқий ғояларни француз ҳуқуқшунослари орасида кўриш мумкин. Бордо юридик факультетининг декани, ҳуқуқ назариётчиси ва конституционалист Леон Дюги (1859-1928)нинг қарашларида кўриш мумкин. Унинг «Конституцион ҳуқуқ ҳақида трактат» (1911 йил) асарида конституцион ҳуқуқни шарҳлаш билан боғлиқ масалаға эътибор қаратади. Унинг қарашларида ҳуқуқни таҳлил этиб, «объектив ҳуқуқ» ва «субъектив ҳуқуқ» тушунчаларидан умуман воз кечмайди. Дюгининг ҳуқуқ соҳасига бирдамлик тушунчасини киритиши борасида рус олими П.И. Новгородцевнинг фикри ўринлидир : «Дюги- ўз фанининг буюк намоёндаларидан бири сифатида юриспруденция соҳасига янги ижтимоий тушунчани олиб кирди».¹

Институционализм тушунчаси жамоатчилик тўғрисидаги фикрлар билан ривожланиди. Булар оила, қасаба уюшмаси, ассоциациялар ва бошқаларни тушуниш мумкин. Институционализм назариясини Морис Ориу (1859-1929) ишлаб чиқади. М.Ориунинг «Оммавий ҳуқуқ принциплари» (1910) асарида ўзининг назарияларини келтириб ўтади. Ориунинг фикрича , « ижтимоий идеал мавжуд бўлиб, буюмларнинг тартибини амалға оширади , бироқ у ўрнатиб қўйилмаган, балки уни яратилади»².

М.Ориу ҳуқуқий тартиб ва ҳуқуқий тузумни ўзига хос тарзда ажратади. Ҳуқуқий тартиб алоҳида жараён бўлиб, адолатли бўлишни чораларини белгилайди. Бунда биз ҳуқуқий тартибни сиёсий тартибдан алоҳида тушунамиз, дейди Ориу.

5. Социологик юриспруденция

Социологик юриспруденциянинг шаклланиб оёққа туриб, олишда немис юристи, профессор Рудольф фон Иерингнинг (1818-1892) хиссаси катта булди. У «Рим ҳуқуқининг ўзаро тараққиётида турли босқичлардаги руҳи» (1852-1865), «Ҳуқуқ учун кураш» (1872), «Ҳуқуқда мақсад» (1877-1883) асарларини ёзиб қолдирди. Иеринг фикрича, давлат мажбур қилувчи ҳокимиятнинг ижтимоий ташкилоти ва ижтимоий мажбурлаш ташкилотидир. Жамият мажбур қилиш имконига эга бўлиши учун давлат формасини қабул қилади ва сиёсий жамиятга айланади. Иеринг давлатнинг қатор белгиларини ажратиб кўрсатди: 1) мажбурлаш ҳокимиятининг алоҳида аппаратининг мавжуд бўлиши; 2) ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари, бошқарувчилар ва бошқарилувчиларнинг қарама-қаршилиги, давлат аъзолари ўртасидаги ҳукмронлик муносабатларининг ҳолати; 3) давлат ҳокимияти ва давлат ишларининг оммавий ошқора характердагилиги; 4) оммавий ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ва уларнинг ёрдамида давлатнинг ва давлат аъзоларининг ҳуқуқий ҳолатининг ўрнатилиши, мажбурлаш ҳокимиятининг тартибға солиниши, давлатнинг оммавий-ҳуқуқий уюшма сифатида чиқиши; 5) давлатнинг суверенитети, унинг мажбур қилишдаги абсолют монополияси юкоридаги белгиларни жамлаб, Иеринг қуйидаги ҳулосани ясайди: «Давлат тарбига солинган ва муайян интизомға бўйсундирилган мажбур қилиш ҳокимиятининг

¹ История политических и правовых учений. под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 672-бет

² История политических и правовых учений. под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 674-бет

давлати сифатидаги жамиятидир. Иеринг давлатни бутун жамиятнинг курули деб тасвирлайди. Давлатнинг мақсади, унинг асосий ғояси деб у барча учун умумий бўлган манфаатларни унга тахдид солувчи хусусий манфаатлардан химоя қилишларини таъминлашда деб билди. Мақсаднинг энг олий субъекти бўлиб шахс эмас, балки сиёсий жамият ва давлат чикади». Жамиятнинг манфатларини эркинликдан юкори туради, дейди Иеринг. Давлат фаолиятини у жамиятнинг ҳолати, шу жумладан иқтисодий тараққиёти билан узвий боғлиқликда билади. Уруш ва тинчлик муаммосига капиталистик давлатларнинг агрессив сиёсатига узига хос ёндошиб, Иеринг жамиятнинг унинг географик чекланишларига қарши норозилиги деб билади. Хар бир ҳаёт кечириш учун курашувчи ижтимоий организмга ва хар бир давлатга «уз ҳудудларини, чегараларининг кенгайтиришга интилиш хосдир дейилади ва катталар ва кучлилар кичиклар заифлар ҳисобига катталашадилар. Кучли ва йирик империялар ўртасида ҳаёт-мамот курашишини олдиндан башорат қилган Иеринг охи-окибатда ягона жаҳон давлати вужудга келади дейди. Ҳуқуқ тушунчасида Иеринг формал ва мазмун жихатини ажратиб кўрсатади. Формал жихатдаги ҳуқуқ – давлат мажбурлаши билан таъкинланадиган нормалар ёки қоидаларнинг мажмуасидир. Бу нуктаи назардан олиб қаралганда ҳуқуқ «мажбурлаш интизоми»дир. Юридик нормалар ёрдамида ижтимоий муносабатларнинг тартига солинган химояси барпо этилади. Мазмун жихатиданги ҳуқуқ инсонлар кўзлаган, уйлаган уй-мақсадлари ва жамиятнинг ҳаётий шароитини ҳосил қилувчи умумий ва индивидуал манфаатларнинг мажмуаси сифатида чикади. Формал ва мазмун жихатларини бирлаштириш Иеринг ҳулоса қилади: ҳуқуқ «бу – ҳуқуқий жихатдан химояланган манфаат», «мажбурлаш формасидаги жамиятнинг яшаш шароитининг таъмин этилиши», «мажбурлаш билан қафолатланган ижтимоий мақсадларнинг тизими», манфаатларнинг норматив регулятори сифатидаги ҳуқуқнинг асосий принципи бўлиб, уч олиш принципи майдонга чикади: ёмонликка ёмонлик, яхшилиқка яхшилик билан жавоб бериш ижтимоий ёвузлик учун тенглик ўрнатиш учун ижтимоий юстиция хизмат қилиш и керак. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги тенглик ўрнатиш фукаролик муносабатлари (товар-пул муносабатлари соҳасини, икки томонлама олди-берди тизими, айирбошлаш) ёрдамида амалга оширилади. Ҳуқуқ унингча, турли мунфаатларнинг кураши натижасидир. Ҳуқуқнинг масади – тинчлик ўрнатишдир, лекин унга йул кураш орқали бўлган. ҳуқуқнинг хар бир боскичи – бу курашувчи манфаатларнинг тухтовсиз муросасидир. Курашда сен уз ҳуқуқиннинг кулга киритасан дейилади. Иеринг ва бу фикри билан у ҳуқуқни зиддиятга боровчи, тукшанувчи манфаатларнинг норматив регулятори сифатида тасвирлайди. Ҳуқуқни у давлат билан узвий боғлиқликда куради ва давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ бир-бирини такозо қилади дейилади. Бир томондан Иеринг ҳокимияти ва давлатнинг норматив ҳуқуқий жихатини тилга олса, иккинчи томондан ҳуқуқ ғинг сиёсий ҳукмронлик ва давлат жихатларининг (яъни давлат томонидан мажбур қилиш орқали ҳуқуқнинг таъмин этилиши) кузда тутати. Иеринг ҳуқуқни куч ва ҳокимиятни ва келтириш ва мансублик (принадлежность) даражасига пировардида тушириб кўяди. Ҳуқуқ ҳокимиятнинг думи, ҳокимият томнидан узлаштирилган қоида ва вақт утиши билан ҳокимиятнинг хусусиятига, унинг икки табиатига айланишидир. Ҳуқуқ куч ва ҳокимиятнинг тўғри йули, ҳуқуқ – ҳокимиятнинг энг оқилона сиёсати, ҳуқуқий ва тўғри ҳокимиятдир. Ҳокимият ва ҳуқуқ уз тараққиётига ҳуқуқий давлатда эришади, зеро ҳокимиятнинг ҳуқуқ билан уз-ўзини чеклаши натижасида ва бошқаришнинг конституцион тизимини йўлга қўйиш билан қонун устиворлиги ва ҳуқуқий тартибот таъмин этилади. Инглиз мутафаккири Геберт Спенсер (1820-1903) социологик позитивм ва давлатнинг органик назариясининг илгор вакиларидан бири бўлиб. Спенсернинг таълимоти асосини давлатнинг биологик организмга айнан ухшатиш киёслаш ётарди. Давлатни («сиёсий агрегат», «сиёсий жамият») тирик жонзот қисмлари ўртасида доимий муносабатлари каби қисмлари ўртасида доимий муносабатлар ва алоқалар юз бериб турадиган организмга киёслайди. Хар қандай тирик тана каби бу «сиёсий агрегат»да икки жараён юз берди.

1- дифференциация, ва 2-специализация «ихтисослашиш». Дефференциация оддий турдан мураккаб ва турли турга қадар ривожланишдан иборат бўлади: давлат усади, ҳажми жихатдан катталашади, унинг тузилиши мураккаблашади; бундан кейинги дифференциация, давлат типининг яқунланиб хотима топиши билангина тухтайди. Яъни етуқлигига эришиб,

инкирозга етиб келгунга қадар усиб тухтайди. Биологик организм каби давлат тугилади, купаяди, қарийди ва ҳалок бўлади. Специализация «ихтисослашув» индивидларининг узига хос бўлган муайян функцияларини амалга оширувчи гуруҳ – органларга бирлашишиш демакдир. Натижада сиёсий тана органларининг тизими барпо бўлади. Дастлаб бу тизим организм қисмларининг жойлашувига қараб ташкил топади, яъни ҳукмрон синф ассесс ташки функцияларни бажаради (мудофаа ва ҳужум қилиш); куллар синфи – ички функцияларни бажаради: (озик-овқат ва истеъмол моларини ишлаб чиқариш, бутун жамият ҳаётини таъминлаш). Ҳукумат аппарати регулятив – тартибга солиб турувчи система бўлиб, тирик вужуддаги асаб – нерв – мускул аппаратининг узгинасидир, дейди Спенсер. Хусусий мулкнинг вужудга келиши ва антогонистик синфларнинг мавжудлигини давлатнинг келиб чиқиш ички сабаблари деб кўрсатмайди, у, балки ташки жамиятга қариш кураш, урушлар ва зурлик натижасида давлат пайдо бўлади дейди Спенсер. Давлатнинг вужудга келиши ва келиб чиқиш жараёнини тезлаштирган омил – асосий сабабага айланади. Урушларда ва зурлашларда яшаш учун кураш қонунлари намоён бўлади, табиий танланиш, қучлиларнинг яшаб қолиши юз беради. Доимий урушлар, яшаш учун кураш ва яна тухтовсиз кураш, бундай курашларга қуниқма ҳосил қила олган, ўрганган юқори типдаги сиёсий организм ривожланиши учун зарур бўлган шартдир. Ибтидоий урушларнинг барча талофат ва зиёнлари бўлишига қарамадан, бу урушларсиз дунё – олам заиф одамлар билан тўлиб тошиб кетади, деб фикрлар эди. Спенсер давлатнинг икки типини ва тараққиётнинг икки босқичини ажратиб кўрсатарди: 1) ибтидоий ёки ҳарбий, ёввойи; 2) олий, юқори ёки индустриал.

Ибтидоий типдаги давлатнинг асосий машғулоти – бу урушлардир. Шунинг учун ҳам бунда ҳарбий аппарат – мудофаа ва ҳужум қилиш органлари анча ривожланган.

Индустриал типдаги давлатда, аксинча, ички ҳужалик ҳаётни таъмин этиш учун ташкилот ривож топади. Прimitив типдаги давлатнинг асосий машғулоти бу давлат ҳаёти ва унинг барча структурасини аниқлаб беради: деспотик ҳукумат; ҳарбий зурлик ва мажбур қилиш; таёк билан ўрнатиладиган интизом ва қуйидан юқоригача амалга ошириладиган ҳокимиятининг «ефрейторлик» методлари. Шахсни давлат томонидан тулалигича бостирилиши (бундай давлатни Спенсер антилиберал ва антииндивидуал давлат деб атади). Ҳаётнинг барча жабҳаларини давлат томондан қатъий, мажбурий, регламентация қилиниши; давлат бунда ялписига ҳарбий ташкилотга айланиши; бунда қушин – ялписиги жалб қилинган меҳнатга ярқли Халқ; Халқ эса уйларга тарқатиб юборилган қушиндир. Бундай давлатдаги тарғибот-ташвиқот ва маорифнинг қуланган мақсади содиқлик ҳис-туйғулари ва сузсиз итоат этишни ривожлантиришдир. Ута содиқликка ҳизмат қилувчи онғни тозалаш воситаси сифатида майдонга дин чиқиб келади. Ҳужалик фаолиятининг тараққий этиб бориши давлатнинг милитаристик типидан, тинчлик осойишталикка, эркинлик ва озодликка, тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрий келишув ҳамда кооперативга асосланган индустриал типига олиб келади. Саноатлашган типдаги давлатнинг мақсади индивиднинг фаровонлигини таъминлашдир. Давлат – кишиларнинг ихтиёрий иттифоқи тузилган ташкилот, индивиднинг манфаатларини ўзаро ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда тузилган сиёсий ассоциациядир.

Индустриал типдаги давлат деганда Спенсер эркин рақобат босқичида ривожланган капиталистик давлатни тушунади. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашмаслиги, эркин рақобат ва хусусий тадбиркорлик барча соҳалардаги хусусий ташаббус кўрсатиш келгуси прогрессга эришишда манба ва зарур шартдир, дейди у.

Социологик ҳуқуқни ривожлантиришга ўз ҳиссани қўшган Австриялик ҳуқуқшунос Е.Эрлих 1913 йилда «Ҳуқуқнинг социологик асослари» асарида: «Бизнинг давримизда ҳуқуқни ривожланишининг оғирлиги барча даврлардаги каби, юриспруденцияга ҳам эмас, суд амалиётига ҳам эмас, жамиятнинг ўзига юқлатилади», дейди.¹

Социологик юриспруденция назарий-таълиқларидан яна бири, Роско Паунд ўзининг беш томдан иборат «Юриспруденция» (1959) асарида сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини ифодалаган. Паунд ҳуқуқни тушунишда, унинг ижтимоий ҳаётдаги қўринишини

¹ История политических и правовых учений. под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 678-бет

тушунтиришга ҳаракат қилади. Ҳуқуқнинг мақсади, дейди Паунд, манфаатлар ва талабларнинг тўқнашувини тартиблаш ва гармонизациялашдан иборат.

6. Москва ва Паретонинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

Шерлар оиласидан бўлган элитанинг бошқаруви - бу кучли бюрократиялашув фаолияти шароитидаги радикал камчиликнинг бошқарувидир. Ғарбий Европани, Паретонинг фикрича, плутократик элита бошқарди. «Жамиятни шакллантириш муаммоси кўпроқ ёки камроқ ноаниқ адолат идеали атрофидаги декларация билан эмас, балки фаҳат воситани маҳсад билан ўзаро муносабатлари йўлини топа оладиган илмий тадқиқот ва ҳар бир одам учун куч ва роҳат билан азобланиш ва кучи керагича кўп миҳдордаги одамнинг фаровонлигини таъминлайдиган ҳолатда ҳал ҳилиниши лозим» - дея таъкидлайди Парето.

Москва ва Паретонинг замонавий сиёсий назарияга қўшган ҳиссаси асосан ҳокимият структурасини аниқлаштириш ва ҳар ҳандай шаклдаги ҳокимият амалга оширилишининг гуруҳий характериға диҳҳат эътиборини тўплаши билан боғлиқ.

Бу методологияларни ишлаб чиқишнинг кейинги босқичи Роберт Михельснинг (1876-1936) марксизм билан мунозарада элитар назария сифатида пайдо бўлган «олигархиянинг темир қондаси» бўлди. Михельснинг шахсий умумлаштирмасига кўра «бир ҳукмрон қатламнинг бошқаси билан алмашиши ва ундан олигархия қонунларининг ишлаб чиқиши умумий ҳаёт мавжуд бўлишининг зарурий шакллари сифатидаги формуланинг зарурати ҳеч ҳандай ҳолатда тарихнинг материалистик тушунчасини чекинтирмайди ҳам, ўзгартирмайди ҳам, Бироқ фаҳатгина уни тўлдиради. Таълимотлар орасида ҳеч ҳандай зиддият йўқ, тарих - бу синфий кураш-янги олигархия тузилишиға олиб келадиган тарихнинг узлуксиз жараёнидир.

Замонавий сиёсий институтларни ва жараёнларни элитаристик ва олигархик изоҳлаб беришнинг ҳаторида яна бир сиёсатни ўрганишда гуруҳий ёндашувлар деб номланадиган ҳамда, институционал доирани кенгайтирувчи ва тўлдирувчи синфий ёндашувлар ва «элитар ёндашувлар», «босим гуруҳлари» ва «манфаат гуруҳлари» ҳам туради.

«Манфаат гуруҳлари» назариясига асос солган шахс Артур Бентли бўлиб (1870-1957), у «ҳукумат ҳокимиятининг амалга оширилиш жараёни; ижтимоий босимни ўрганиш» асари муаллифидир. Бу ерда асосий тезис инсон фаолияти доим унинг манфаатлари билан аниқланганлиги ва уни таъминлашға ҳаратилганлиги таъкидланади.

Бу фаолият бевосита гуруҳларнинг, яъни манфаатлар умумийлиги асосидаги одамлар бирлашмасининг фаолияти сифатида амалга оширилади. Бир бутун индивидуал ишонтиришлар, алоҳида ғоялар ва мафкуралар, индивидуал хулҳ-атворнинг характеристикаси гуруҳлар фаолиятининг фаҳат контекстдаги аниқлаштирувчи аҳамиятиға эға бўлади ва уларнинг гуруҳ хулҳ-атвори моделлари аниқлашувига қанчалик ёрдам беришини ҳисобға олади. Гуруҳлар уларни бирлаштирувчи манфаатларсиз мавжуд бўла олмасликларини эътиборға олган ҳолда, манфаат (фаолият) ва гуруҳ Бентли учун ўзаро яҳин тушунчалардир. Шуниси характерлики, қайд этиш ва тенглаштириш ишида зарур бўлган гуруҳлар манфаатлари кузатувчилар ва тадқиқотчилар томонидан нафақат ўз маҳсадларидаги оғзаки риторика, балки шунча ушбу гуруҳ аъзоларининг кузатилган фаолияти ва хулҳ-атвори ҳаҳидаги хулосаларнинг ўз маҳсадлари ҳаҳидаги дастурий ва бошқа арзларидир.

Манфаат гуруҳларининг бир-бири билан муносабатларидаги ва давлат бошқарувидаги таъсири фаолиятини Бентли, шу гуруҳ манфаатлари гавдалантирилган босим сифатида амалга оширилувчи ва ҳукумат ҳокимиятини ўз ирода ва таъсирига бўйсиндиришға мажбурлаш маҳсадидаги динамик жараён деб ҳабул ҳилади ва ифодалайди. Бу ўзаро таъсирда одатда кучли гуруҳ ёки гуруҳлар мажмуи устунлик ҳилади. Улар ўзларидан кучсиз гуруҳларни ўз таъсирига бўйсиндиради ва бўйсинишға мажбурлайди, давлат ҳокимиятининг ўзи ва бошқарув адаптацияни, гуруҳлар низоларини ечишни, гуруҳий манфаатларни ва раҳобатлашаётган гуруҳлар ўртасидаги сезиларли мувозанатға етишишни ўзида акс эттиради.

Шундай қилиб, давлат бошқарувининг барча феноменини «бир бириға босим ўтказадиган, бир бирини шакллантирадиган ва ижтимоий розиликни таъминлашда вакиллик учун гуруҳий намоиш ва янги гуруҳларни ажратувчи (ҳукумат ҳокимиятининг агентлиги ёки органи)сифатида таништириш мумкин.

Бундан буён, сиёсий тартиботлардаги фарқларни, гуруҳий фаолиятлар туридаги ёки гуруҳий босим техникасидаги фарқ сифатида кўрсатиш мумкин. Деспотизм ва демократия - бор-йўғи манфаатлар вакиллигининг ҳар хил йўллариidir. Янги конфигурация «бўлинган ҳокимиятлар» тизимининг реал амал қилиш характеристикасини олди .

Бентли Маркснинг синфларнинг сиёсатдаги ролини рад қилмайди, балки, синфларга барҳарор мавжудликка мойил ва «кўпчилиكنинг манфаатлари» сифатида ёндашади.

Янги классик моделлар модификациясида ва сиёсий ҳокимиятнинг назарий конструкцияларида Макс Вебернинг (1864-1920) ҳокимият типологияси ўзига хос ўрин эгаллайди. Москва ва Паретонинг изидан бориб у парламент демократиясининг сиёсий лидерлар танлаш йўли билан амал қилишининг асосий хусусиятларини ва техник йўналтирилган административ бюрократия устидан назоратни кўриб чиқади. Умумий ҳуқуқ, давлат ва ҳокимиятнинг ўрганиш тажрибасига таяниб Вебер ҳар хил халқларнинг тарихи давомида топилиши мумкин бўлган ҳокимиятнинг идеал концепциясини илгари суради.

Тарихий жиҳатдан биринчи ҳокимият - бу патриархал (илк давлат шаклланишидаги тўда, уруғ бошлигининг ҳокимияти) ҳокимиятдир. Кейинги тур ҳокимияти - бу харизматик ҳокимият бўлиб, у ҳукмдорнинг худо томонидан берилган сифатлари ва ўзининг ихтидори билан «шахсий култини» ярата олган бошқариш имкониятлари назарда тутилади. Энг замонавий ва истиқболли ҳокимият - бу рациональ-лигитим ҳокимиятдир. Бу ҳокимиятларнинг энг асосий элементлари, уларнинг конструкциясини яратувчи профессиональ бюрократия ҳисобланади.

Бюрократия («идора хизматчиларининг ҳокимияти») Вебер томонидан анъанавий эмас, балки ҳаттиҳ назорат ҳилинувчи ва рационал қоидаларга асосланадиган легалистик (бошқарилувчи ва назорат ҳилинувчи қонунларга) характерга ва аҳамиятга эга ҳукмронлик турига ўхшатилади. Бу ҳукмронлик ҳуидаги моментлар ва характеристикаларни ўз ичига олади: 1. Ҳарорлар ҳабул қилиш ва назорат қилишда ҳулайлик маҳсадидаги қонун ва қоидаларда ҳатъий белгиланган шартли хизмат ва компетенцияларнинг мавжудлиги. 2. Хизматчиларнинг маҳом ва компетенциялари ҳимояси (уларнинг судга сотилмаслиги, мансабдорларнинг ёш ва хизматига нафақа ва бошқалар). 3. Тақсимланган бошқарув функцияси ва ижро функцияси бажарилишидаги аниқ иерархизация. 4. Конкурс асосида кадрлар танлаш. 5. Бажарилаётган хизмат функциясининг шахсий хусусият ва характеристикаси, яъни ходимлар қанчалик даражада ўз мансабларининг хўжайини бўлмаслиги ва бошқариш воситаси. Бюрократиянинг келажакдаги роли ҳақида гапириб, Вебер, ҳамма демократиянинг ижтимоий ва давлат ҳаёт фаолиятидаги аниқ истиқболи тотал бюрократия ҳисобланади. Айнан бўндай истиқболларнинг капитализм билан алмашинув кучида, Вебернинг фикрича, социализм эмас, балки, жамиятни рационал бошқарув маҳсадидаги бюрократлашув келади. Бу фикр замонавий менеджер революцияси ва постиндустриал жамият назариётчилари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди.

7.Интегра́тив юриспруденция

Ҳуқуқни чуқур ўрганиш ва унинг ижобий томонларини анализ қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар йигирманчи аср бошларида яққол кўзга кўринади. У ёки бу формаларни синтезлаш билан боғлиқ назарияларни услубий жиҳатларини ишлаб чиққан олимлар: П.Г.Виноградов, А.С.Яшенко, Дж. Холл ва бошқалар интегратив оқимга асос соладилар.

А.С.Яшенконинг «Федерализм назарияси. Давлат назариясининг синтетик тажрибалари»(Юрьев,1912)асарида конфедератив ав федератив давлат формаларини таҳлили қилади. Федерализм тушунчасини Яшенко тушунтирар экан , федерал ва маҳаллий ҳокимиятнинг тарозиси ҳисобланади, чунончи, федерациянинг қисми алоҳида сақланиб, умумфедерал суверенитет органида мустақил қатнашади», дейди.¹

¹ История политических и правовых учений.под ред. В.С.Нерсисянца. НОРМА-ИНФРА.М., 1997. 705-бет

П.Г.Виноградов (1854-1925) ҳуқуқни тушунтиришда унинг ижтимоийлигига эътибор қаратади. У «анъана ва ҳуқуқ» (Осло, 1925) асарида, ахлоқ қоидалари ҷамиятнинг ўзидаги ахлоқида намоён бўлади, дейди.

Америкалик ҳуқуқ фалсафаси намояндаси Джером Холл фанга «интегратив юриспруденция» атамасини киритади.

Йигирманчи асрда ҳуқуқшунослик соҳасида кўплаб турли назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг қаторига элитназарияси, бюрократии ва технократия назарияси, Петражицкийнинг психологик назарияси, миллий – социалистлар назариялари ва бошқа бир қатор назарияларда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ҷамиятда қонунлар, ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ўрганилган.

8. Технократик назария

Ҳокимиятлашувнинг технократик концепцияси (грекчадан. «техне» ва «кратос» - касб, аҳл ва устачилик ҳокимияти) асосида, одамлар билимининг ҳокимият ва бошқарув ишларидаги асосий роли ҳақидаги илк ғоялар ётади.

Технократик раҳбарликнинг замонавий концепциялари шаклланишини Ф. Бекон, Кондорсе ва Сен-Симонларнинг номлари билан боғлиқ. Улар илк технократик утопия ғояларининг асосий илмий билимлар тарғиботчилари эди. Ҷамиятни технократик бошқарув усуллари Ф. Беконнинг ўз илмий машғулотларини орол давлатни бошқариш ишлари билан бирга олиб боровчи юҳори обрўли олимлар қатлами томонидан хайрихоҳлик билдирилган «Янги Атлантида» асарида аниқ ёритиб берилди.

Технократик аҳлий кайфиятлар ва кузатишларнинг кейинги кўтарилиш босҳичи А. Сен-Симон ижоди билан боғлиқ. Сен-Симон «Женева аҳолисининг замондошларга хатларида» ёзишича, замонавий фанлар шунинг учун ҳам фойдалики, у башорат қилиш имкониятини беради ва шунинг учун олимлар бошқа одамлар ва касблардан юҳори туради. Саноатчилар билан бирга улар ҷамиятнинг ҳақиқий ёритувчиларидир ва миллат улардан маҳрум ҳилинса, бир лаҳзада жонсиз танага айланади. ҳаммасидан кўра технократик билимлар вакилари бўлган - химиклар, физиклар ва математиклар фойдалидир. Юристлар ҳам фойдалидир, Бироқ, уларнинг таъсири ҷамияда 8дан 1ни ташкил ҳилади.

Сен-Симоннинг асосий кузатишлари ижобий билимларнинг ижтимоий функцияси ва ижобий фанларнинг метафизик, «фол ҳилувчи» фанлардан фарқи билан боғлиқдир. «Ҳозирда секинлик билан ривожланаётган сиёсат ҳачонки тажрибали фанлар қаторига кўтарилади, шундагина машғулотлар талаб ҳилинадиган, тайинли ва аниқ характерга эга йўлларга айланади: сиёсат билан шуғулланиш олимларнинг маҳмадоналарни жим туришга мажбур ҳиладиган маҳсус курси бўлади» дейди.

Жорий асрнинг 20-30- йиларида АҲШдаги чухур ихтисодий депрессия ҳолати биринчи марта ўзларини технократ деб номлаган техник интеллигенциянинг маълум бир қатламини келтириб чиқарди. Фан, муҳандислик фикрлари ва технологиянинг мавжудлиги - дейди технократлар - мўл-кўлчилик ва юксалиш ҳақидаги асрий «америка орзулари»ни амалга оширишнинг ҳамма заруриятларини ўз ичига олади. Бироқ инсон меҳнати ва машина техникаси айнан депрессияга олиб келган эскирган ихтисодий ускуналаш доирасида фойдаланилади. Бунгача унчалик машҳур бўлмаган ҳаракатнинг раҳбари Г. Скотт, олимлар, педагоглар, санитария экспертлари, ўрмончилар, ҳисобчилар ва ниҳоят, мавжуд саноат ишлаб чиқаришни рационализация қилиш вазифасини олган муҳандисларни бирлаштирган кенг касбий ташкилотларни тузиш таклифи билан чиқди.

Технократлар ҳаракати қисқа вақт ҳаракатда бўлди. Рузвельтнинг «Янги курси» унинг ихтисодий марказлашган дирижерлиги ва инкирозга қарши таъсирли танлови тезда технократия парусини шамол бўлиб учирди. Технократик ғояларнинг янги варианты америкалик социолог Ж. Бернхемнинг 1941 йилдаги «Менеджер революцияси» китобида илгари сурилди. У ўз китобида - технократия бошқарувчилар шахси (менеджерлар, ташкилотчилар) бир неча улкан давлатлар, АҲШ, СССР, Германия сингари давлатларда ижтимоий-сиёсий реалликка айланди - дейди. Шундай қилиб, давлат функцияси сиёсий механизмнинг маҳсус кашф қилинган менеджерлари функциясига айландиган капитализм ва социализмнинг «бошқарувчилар ҷамияти билан» алмашув йўналиши кўрсатилган.

Менеджерлар (бошқарувчилар) - булар асосий ишлаб чиқариш воситалари назоратчиларидир ва бунда улар ўз ролини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш воситаларининг хўжайини бўлиб чиқади. Танқидчилар менеджерларнинг жамиятдаги заиф далиллаштирилган жалб ҳилувчи ролини хохловчиларни мавжудлар билан бирга алмаштирувчилар сифатида қабул қилдилар (П. Друкер), радикаллар эса Р. Миллс шахсида Бернхем концепциясида бутун инсоният тарихида тарқалган, камчиликларнинг бошқаруви бўлган Платон утопиясининг жонланиши сифатида кўрдилар. Бироқ, бу концепциялар 50-60 - йилларда постиндустриал жамиятнинг кириб келиши ва сиёсат табиатининг элитар изоҳланишининг баъзи бир вариантларида замонавий демократия ва давлат бошқарувида иккинчи нафасини топди.

9.Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида биз демократик ҳуқуқий давлат билан бир қаторда фуқаролик жамиятини барпо этамиз деган оя ўз ифодасини топган. Бу оя асосида "Фуқаро-жамият-давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топиш муаммоси ётади.

Фуқаролик жамиятининг талқини ўзининг тарихий ривожланишида бир неча босқичларни босиб ўтди.

Арастудан бошлаб то XVIII асргача фуқаролик жамияти фуқаролар бирлашмаси, ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи давлатнинг бир шакли маъносида тушунилди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан фуқаролик жамиятининг талқини ўсиб келаётган буржуазиянинг феодал ижтимоий-сиёсий тартибларидан кутилиш учун олиб борган курашининг назарий асослашга қаратилган эди. Бунда одамни одам устидан ҳукмронлик қилишга асослаган ижтимоий муносабатлар мутлоқ инкор қилинди. "Эркинлик", "Тенглик", "Бродарлик" - шиорларида мана шу оя ўз ифодасини топгандир.

Янги даврда фуқаролик жамияти ижтимоий-иқтисодий муносабатларга давлат аралашидан холи бўлган хусусий мулк эгаларининг жамиятидир деб тушунтирилди. Бунда одам устидан одамнинг ҳукмронлиги ўрнига, шахс эркинлиги, унинг мулкга эгалик ҳуқуқи биринчи ўринга қўйилди. Фуқаролик жамиятини ҳозирги талқини ҳам шу тушунчага асослангандир.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов фуқаролик жамияти тушунчасининг моҳиятини шундай таъкидлайди: "Биз учун фуқаролик жамияти бу - инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга ҳалақит қилмайдиган, балки ёрдамлашадиган, шахс манфаатларини амалда жорий қиладиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг энг кўп даражада таъминланишига шароит тугдирадиган ижтимоий макондир".¹

Фуқаровий жамиятнинг асосий белгилари:

- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқ таъминланганлиги;
- ўзини-ўзи идора қилишнинг жорий этилиши;
- эркин рақобат учун кенг шароит яратилиши;
- шаклланган эркин жамоатчилик фикри ва плюрализм;
- инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқини тўлиқ таъминланганлиги;
- кўп укладлик иқтисод;

- жамият аъзоларининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат билан биргаликда шаклланади. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий таракқиёти, унинг илмий ва техникавий асосларини яратиш билан белгиланади.

Жамият ҳуқуқни хайрихоҳлик билан қабул қилгандагина қонунларнинг бажарилиши, уларга риоя қилиш мажбурий эканлигини онглаш таъминланади. Бусиз ҳокимият ҳам, ҳуқуқнинг ўзи ҳам қонунларнинг бажарилишини тўлиқ таъмин қилаолмайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. "Ўзбекистон", 1997 й., 166 бет.

Фуқаролик жамияти юксак даражали фуқароликни моддий, маданий ва интеллектуал ривожланишнинг юқори босқичига кириб боришини тақозо қилади. Фуқаролик жамият аъзолари ўз мулки, ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ эгадирлар. Улар қўрқув ва зўравонлик интизоми билан кишанланган эмаслар.

Шунинг учун ҳам улар инсон ва жамият фаровонлиги ва хавфсизлигининг таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олган давлатнинг қонун ва кадриятларини ҳурмат қиладилар ва ихтиёрий равишда бажарадилар.

Фуқаролар жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар заминида ҳуқуқий нормалар ва уларнинг санкциялари билан бир қаторда виждон, бурч, масъулиятни ҳис қилиш, ички интизом, ҳуллас, ҳуқуқий фуқаролик каби инсоний фазилатлар ётади. Коррупция, порахўрлик, қариндош-уруғчилик, шовинизм, миллатчилик каби иллатлар фуқаролик жамиятига мутлоқ ёддир. Бу жамият аъзоси ривожланган ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсдир. У қонунга итоат қилишни энг олий имтиёз деб тасаввур қилади.

Бунга эришиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак. "Олдимизда турган барча гов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч - бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир".¹

Республикамиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда ўзининг вакиллари орқали ва бевосита иштирок этмоқдалар.

Халқимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши референдумларда ўз ифодасини топади. Маълумки, референдумларда мамлакат, халқ тақдири учун фавқулодда, долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий-меъёрий актлар, сиёсий муаммолар ҳал қилинади. Мустақилликга эришганимиздан буён уч марта умумхалқ референдуми ўтказилди. Уларнинг натижалари аҳолининг сиёсий ҳуқуқлардан онгли ва фаол ойдаланаётганликларидан далолатдир.

Мамлакат фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок қилиш ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи жамоат ташкилотларидан бири касаба уюшмаларидир. Улар бир қатор ташкилий ва амалий ишларни халқ билан давлат ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштириш вазифасини амалга оширмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўппартиявийлик қарор топди. Кўппартиявийлик тизимининг муваффақияти жамиятда мавжуд партиялар сони билан эмас, балки сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки билан белгиланади.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Айни фуқаролик жамияти негизида, халқнинг сиёсий иродаси шаклланади. Сиёсий партиянинг диққат марказида демократик сайловлар орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсади туради. У халқнинг муайян қисмини уюштиради ва ундан маълум муддатга, давлатни идора этишга ваколат олади. Давлат ҳокимиятини эгаллаш эса, ўз навбатида, сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари, халққа берган сайлов олди ваъдаларини бажариш учун расмий мурувват бўлиб ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: "Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ вақт ютиши мумкин".

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи, "Халқ сўзи", 2000 й., 8 декабрь.

Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлоқ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғриси айтсак, ўзаро ҳурмат, баҳс ва мунозара этишмайди", - дейди юртбошимиз.

Айни вақтда биздаги мавжуд тўрт партия энди ўзининг жамиятдаги ўрнини ўзи таниб ва уни халққа танитиши жараёнида мамлакат сиёсий ҳдетида муҳим ўринни эгаллаб бормоқда. Лекин масала бу жараёни янада фаоллаштиришдир.

Асосий қонунда фуқароларнинг фикр, сўз ва этикод эркинликлари белгилаб қўйилган. Бу мамлакатимизда тафаккур тараққиётининг камол топтиришда катта рол ўйнамоқда. Лекин фикр эркинлигини бир ёклама тушуниш, суистеъмол қилиш ҳам ярамайди. Жамият маънавий муҳитини мусоффо сақлаш, бу борада суистеъмолликка йўл қўймаслик фикр эркинлигини ҳам муайян меъёр ва ҳуқуқий чегара доирасида қўйишни тақозо этади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳолифатнинг ўрни ҳам ўзига хосдир.

"Биз, - дейди И.Каримов, - расмий ҳокимият билан гоёвий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни кўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократик ислохотлар мантиқи айнан шундай сиёсий муҳолифат шаклланишини тақозо этмоқда".¹

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги, мулкка эгалик қилиши, ҳалол рақобат учун шароит бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бугун республикаимизда хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий муносабатлар тизими вужудга келди. Бу ўз навбатида инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг энг таъсирчан воситаси, унинг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб қолди. Мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шакллана бошлади. "Одам ўзини чинакаммига мулкдор деб ҳис этмас экан у ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолишга ва ҳимоя қилишга интилмайди".²

И.Каримов "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш зарурлигини асослайди. "Хаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тизимларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо қилади.

Бунинг учун, аввламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим".

Давлат, дейди И.Каримов, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устивор йўналишларни аниқлаш, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратиш ишлари билан шурулланиши даркор.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф қилиш, давлатнинг корхоналар хўжалик фаолиятига, айниқса хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз махсус фармонларига кўра мамлакатимизда текширув органларининг сони жиддий қисқартирилди, текширувчи органларнинг ваколати ва текшириш тартиблари қатъий чегаралаб қўйилди. Айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида иқтисодиётга алоқадор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари билан ишловчи махсус қўмита ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда иқтисодий соҳанинг, кишилар

¹ Каримов И.А. "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари". Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т., "Ўзбекистон". 1997, 123-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Т., "Ўзбекистон", 1997, 196-197-бетлар.

иқтисодий фаолиятининг эркинлашиб бораётганлигини ва бунинг натижасида фуқаролик жамиятининг иқтисодий базаси мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини куриш демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширилишини кўзда тутади.¹

Бугун мамлакатда нодавлат ташкилотлари мустақиллигининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан таъминлайдиган муайян қонунчилик тизими юзага келди. Айни вақтда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, Республика Олий Мажлисида демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, нотижорат халқаро маркази ва фуқароларнинг касбига, қизиқишига кўра вужудга бир талай ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий табиатга эга бўлган нодавлат ташкилотлари ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳасида фаоллик кўрсатмоқда.

Юртимизда турли шакллардаги ўз-ўзини бошқариш органлари тизими шаклланиб бормоқда. Маълумки, бу тизимлар 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўрисида"ги қонуни билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилади. Ўз фаолиятида аҳоли ташаббускорларига таянади. Аҳолининг ҳокимиятни амалга ошириши ишларига жалб қилади. Бугунги кунда маҳалла ва маҳалла фаолларининг роли ва мавқеи ошиб бормоқда. Маҳаллалар муайян ижтимоий, ахлоқий ва маиший тартиб қоидаларига риоя қилиш, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат аҳилликни таъминлашга хизмат қиладиган маънавий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ўтаб келмоқда.

Маҳаллалар фаолиятини уюштиришда ва такомиллаштиришда бир талай ютуқларга эга бўлган бўлсакда, бу соҳада амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар йўқ эмас.

Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеини янада ошириш, унинг қонуний, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни моддий-молиявий шароитларини ташкил қилиш масалаларига тўхталди ва 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилди.

Маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини иноватга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўрисида фармойиш қабул қилди.

Юртбошимиз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бор қисмини босқичма-босқич топшириш лозимлиги, бу эса фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратиб беради деб, уқтиради.¹

Президент И.Каримов "Кучли давлатдан - фуқаролик жамият сари" концепциясига алоҳида эътибор беради. "Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир".

Халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, нуқтаи-назарини, умумхалқ минбаридан туриб бевосита айтиш ва унинг акс садоларини умумлаштириш имкониятларига эга бўлиб бормоқда. Бу жараённинг боришида оммавий ахборот воситаларини роли ошиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., "Ўзбекистон", 1999, 26-бет.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., "Ўзбекистон". 1999. 28-29-бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Т., "Ўзбекистон", 1999, 30-31-бетлар

"Хозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишга имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориш керак".²

Президент И.Каримов оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи ҳокимиятга айланишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор беради. Бу соҳада қилинган ишлар ҳақида гапириб, И.Каримов ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи ҳокимиятга айлантириш борасида қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаб беради. Булар - малакали журналист кадрларни тайёрлаш ишини савиясини кўтариш, ахборот соҳасида рақобатнинг ривожлантиришдан иборатдир.

Давлат, дейди И.Каримов, ахборот маконида ҳалол рақобат бўлиши учун тегишли шарт-шароит яратиб бериши керак. Жамиятда реал демократлашувнинг гарови шундадир.

Бундан ташқари юртбошимиз оммавий ахборот воситаларини самарадорлигини таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот соҳасида иқтисодий муносабатлар асослари ҳақида", "Телерадио эшиттириш ҳақида" махсус қонунлар қабул қилиш масаласини қўйди. Фуқаролик жамиятининг ҳолатининг ўлчови, барометри жамоат фикрининг ўрганиш ва шакллантиришдир. Бу ошқоралик ва очиқликнинг таъминлаш воситасидир. И.А.Каримов бу масалага алоҳида аҳамият беради.

Жамиятимизнинг янада демократлашуви ва фуқаролар институтларининг шаклланиши аҳолининг сиёсий фаоллиги, уни мамлакат сиёсий, жамоат ва давлат ҳаётида иштирок этиши билан узвий боғлиқдир.

Ислом Каримов инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш қонунчилигимиз ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини уқтиради.

Президентимиз Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори баркамол авлод эканлигини нихоятда кенг ва чуқур таҳлил қилиб берди. "Бугунги кунда олдимизга қўйилган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёт ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири - уларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғланганлигини барчамиз англаб етмоқдамиз".¹

Бугунги кунда "Кадрлар тайёрлаш дастур" асосида таълим-тарбия муассасаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён мазмунан янги ўқув дастурлари, услублари ёрдамида амалга оширилмоқда. Биз бугун бу жараённинг дастлабки натижаларини кўриб, унинг тараққиёт тенденцияларини тасаввур қилолмоқдамиз.

Ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш умумий вазифадир. Жамият, давлат, фуқаро бу ишга масъулдирлар. Бироқ бу вазифани бажаришда ҳуқуқ ва тартибот соҳасида хизмат қилувчи мутахассисларга махсус масъулият юклатилади. Юридик кадрларнинг тайёрлашни жиддий яхшилаш вазифаси шундан келиб чиқади.

Ўзбекистон Президенти малакали юридик кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб бориш, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурларини яратиш вазифаларини қўйди.

¹ И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. "Шарқ", 1999, 9-бет.

Юртбошимиз белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ҳуқуқшунослари томонидан муайян ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Мавзуга доир ҳуқуқий адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. "Ўзбекистон", 1997 й.
- 2.И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. "Шарқ", 1999.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., "Ўзбекистон", 1999.
- 4.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
- 5.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият
- 6.Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –205 б.
- 7.Бобоев Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: “Фан”, 2004. – 294 б.
- 8.Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. 695 б.
- 9.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Дав.наз). –Т.: Адолат, 2000.
- 10.Нерсисянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

Таянч тушунчалар: Аналитик юриспруденция, элита назарияси, биродарлик ғоялари, конвергенция назарияси, Фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат.

Назорат саволлари

- 1.XX асрдаги сиёсий- ҳуқуқий таълимотларни ривожланишига нималар асос бўлди?
2. Аналитик юриспруденция ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
- 3.Элит назариясининг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари.
- 4.Биродарлик ғояларини кимлар томонидан ривожлантирилган?
5. Янги давр сиёсий - ҳуқуқий таълимотларида ҳуқуқий давлат қуриш ғоялари қандай омилларга таянади?
- 6.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда демократия ва кўппартиявийлик ҳақидаги қарашлари.
- 7.Парламент ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар қайси йўналишда ривожланган?
- 8.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ғоялари.
9. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақидаги қарашларга қиммат қандай?
- 10.Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида инсон ҳуқуқлари, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ғоялари ким томонидан ривожлантирилган?

Тестлар

1. XX асрдаги сиёсий- ҳуқуқий таълимотларни ривожланишига нималар асос бўлди?
 - А. Биринчи жаҳон уруши
 - В. Иккинчи жаҳон уруши
 - С. Фан-техника тараққиёти
 - Д. Глобал муаммоларни вужудга келиши
 - Е. Тўғри жавоб йўқ
- 2.Элита назариясини моҳияти нимада?
 - А.Ҳокимиятни сараланганлар бошқариши
 - В. Давлатлар саралаб олиниши
 - С.Саралаб олинган ҳукмдорлар
 - Д. Энг олий инсонлар бошқаруви

Е. «Тозалаш сиёсати»

3. Парламентаризмнинг асосий ўринга қўйилишига сабаб нимада?

А. Дунё парламентлари ривож

В. Икки палатали парламентларнинг кўпайиши

С. Парламентнинг ҳуқуқни яратишдаги ўрнини кўчайиши

Д. Парламент ҳуқуқининг вужудга келиши

Е. Тўғри жавоб йўқ

4. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашларнинг йўналшлари мавжудми?

А. Мавжуд эмас

В. Икки йўналишда

С. Уч йўналишда

Д. Тўрт йўналишда

Е. Ўн бир йўналишда

Тавсия этилган ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.

Асосий

1. Бобоев Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: “Фан”, 2004. –294 б.
2. Бобоев Ҳ.Б ва муаллифлар жамоаси. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. –272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. – 695 с.
5. Мухитдинова Ф.А.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2006.-306 б.Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. –Т.:ТДЮИ, 2006.- 176 б.
6. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи.сиртки бўлимда таълим олаётган талабалар учун услубий қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2006.- 35 б.
7. Мухитдинова Ф.А. Siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – 295 б.
8. Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. -Т.: Адолат 1998. – 399 б.
9. Нерсесейанц. Хрестоматия история государства и права зарубежных стран. Том.1.2. –М.: Юр.издат. 2007. 590 с. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 63 б.
10. Саидов А.Х., Тошқулов Ж.У. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. -Т.: ИИВ Академияси . 1996. –112 б.
11. Ўзбекистон халқлари тарихи. Академик Асқаров А. таҳрири остида. I-том. – Т.: “Фан”, 1992. –186 б.
12. Ўзбекистон халқлари тарихи. Академик Асқаров А. таҳрири остида. II-том. – Т.: “Фан”, 1993. –253 б.
13. “Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида» ўқув қўлланма -Т.: “Akademiya”, 2005. – 640 б.
14. Шодиев Ж. Бухоро амирлигида давлатчилик масалалари (1773-1920). –Т.: ТДЮИ, 2005. –73 б.
15. Shodiyev J. Buxoro amirligida davlatchilik masalalari (1773-1920). –Т.: TDYUI, 2006. – 66 б.
16. .Н.Нерсесейанц. “История политических и правовых учений “учебник для ВУЗов по специальности М.: “ Юриспруденция ” 2004.- 400с.
17. Антология мировой политической мысли. Учебное пособие М.: «Мысль», 1997 - 342 с.
18. Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции): Учебный курс.-М.: Право и государство, 2003. –304 с.

Норматив – ҳукукий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонуни (янги тахрирда) –Т.: Адолат, 2001
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги қонуни (янги тахрирда) –Т.: 2002
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонун. –Т.: 1997

Қўшимча адабиётлар

1. Агзамходжаев А. Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. Отв.ред. А.Х.Саидов.-Т.: Ўзбекистон, 1993.–93 с.
2. Адилходжаева.С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего. Монография. Т.: ТДЮИ, 2002
3. Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. –Т.: Фан, 1990. –51 б.
4. Амир Темур. Под. Ред. Аҳмедов Б. – Т.: Университет, 1999. –263 б.
5. Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати.–Т.: Камалак, 1996. –199 б.
6. Бобоев Ҳ.Б., Ҳасанов С. «Авесто маънавиятимиз сарчашмаси». -Т.: Адолат, 2001. –160 б.
7. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. –Т.: Ўзбекистон. 1999. –201 б.
8. Зиё Азамат. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: Шарқ. 2000. –320 б.
9. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. –272 б.
10. Исламов З. Общество. Государство. Право.–Т.: Адолат, 2001. 695б.
11. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Т.:ТДЮИ, 2004. – 138б.
12. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги.Т.:ТДЮИ,2005. –187б.
13. Исломов.З.М. Проблема власти.- Т.: ТДЮИ, 2003.
14. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон” 2005. 262б.
15. Қуръони Карим. Арабчадан Алоуддин Мансур таржимаси. –Т.: Чўлпон. 1996. –544 б.
16. Лунёв Ю.Ф. Государство и право Узбекских ханств. –М.: «Аст» 2004.–215с.
17. Мажма ал-аркам. -М.: Наука 1981. –123 с.
18. Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. – Т.:ТДЮИ, 2006.- 176 б.
19. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи.сиртки бўлимда таълим олаётган талабалар учун услубий қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2006.- 35 б.
20. Мухитдинова Ф.А. Siyosiy va huquqiy ta'limotlari tarixi. Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮИ, 2007. – 295 б.
21. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи. - Т.: ТДЮИ. 2003,-20 б.

22. Мухитдинова Ф.А. Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотида қонун ва қонунчиликни такомиллаштириш. -Т.: ТДЮИ. 2005, 40-б.
23. Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной Узбекской национальной правовой государственности. –Т.: Фан, 1994, -44 с.
24. Мухамедов Х. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари. –Т.: Адолат, 1999. –52 б.
25. Мухитдинова.Ф.А. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.- Т.: Адолат 2002 й. - 36 б.
26. Мухитдинова.Ф.А.Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. -Т.: ТДЮИ. 2002.136-б.
27. Мухитдинова.Ф.А. Концепция законодательства и правовой культуры в трудах Фараби. Т.: ТДЮИ 2002.-36с.
28. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –316 б.
29. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.2. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –447 б.
30. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1998. –93 б.
31. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки “Сияр ул-мулк” -Т.: Адолат, 1997. –255 б.

Дидактик материаллар

Техник воситалар: скайнер, слайды

видео-аудио воситалари: –

компьютер ва мультимедия воситалари : кадоскоп, диопроектор

Электрон таълим ресурслари

1. [http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [http:// dialup.net.uz.](http://dialup.net.uz)
3. [http:// www.dissertation1.narod.ru.](http://www.dissertation1.narod.ru)
4. [http:// www.copscgi.com.](http://www.copscgi.com)
5. [http:// www.referent.](http://www.referent)
6. [http:// www.lawlibrary.ru.](http://www.lawlibrary.ru)
7. [http:// www.lib.msu.ru.](http://www.lib.msu.ru)